


63.2154
3-60

Ҳамид Зиёев

ТАРИХ -
ҮТМИШ ВА КЕЛАЖАК
КҮЗГУСИ



63.3(5У),
3—60

Масъул мұҳаррір: тарих фанлари
доктори, профессор
КАРИМ НОРМАТОВ

Зиёев Х.

Тарих — ўтмиш ва келажак құзгуси: (Тарихнинг дол-
зарб масалалари) // Масъул мұҳаррір: К. Норматов/.—
Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,
2000.—288 б.

Асар ялғы маълумотлар асосида ва шу күн талаби шуктап
пазаридап ёзилған бўлиб, Ватанинг ўтмиш ва ҳозирги замон
тарихига доир масалаларни ўз ичига олади. Унда қадимги ва
ўрги асрлар тарихи, шу жумладан, Қуръони Карим ва Топкент
ўтминин буйича фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини тоғган, Шувинг-
дек, Туркистон заминининг подшо Россияси томонидан босиб оли-
ниши, собиқ совет давридаги мустамлакачилик сиёсатининг
моҳияти таърифланган. Айни пайтда, жадидлар ҳаракати ва
1916 йилги ҳалқ құзғолони баён этилгап. Асарда Мустақиллик
даври, тарих фаннининг аҳамияти ва вазифалари хусусида қим-
матли маълумотлар мавжуд.

Ушбу қўллапта мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқитув-
чилари, талабалари ва тарихга қизиқувчи барча кишиларга мўл-
жалланган.

ББК 63.3(5У)

3 4702620204—45
M352(04)—2000 — қатъий буюртма, 99

© Ҳамид Зиёев, Ғафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат
нашириёти, 2000 й.

ISBN 5-635-01764-9

МУҚАДДИМА

Кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қилинаётган мазкур қўлланмада Ўзбекистон тарихининг турли даврлари ва масалалари таърифланган. Унда кўп асрлик тарихимиз шу кун талаби нуқтаи назаридан ёритилиб, янги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Асар ўтмиш замонларда ўз халқи ва ватани учун жонини тиккан Широқ, Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар сингари тарихий шахсларниң фаолиятини шарҳлашдан бошлана-ди. Китобда айниқса, Амир Темурнинг катта тарихий хизматларини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилган. Соҳибқирон ватан мустақиллигини тиклаган ва тараққиётни таъминлаган буюк давлат арбоби, машҳур лашкарбоши ва миллатпарвар ҳукмдор сифатида гавдалантирилган.

Маълумки, И. Мўминов совет даврида ҳукм сурған мустамлакачилик сиёсати, қаттиқ назорат ва таъқибларга қарамай Амир Темурни «оқлаш»га киришган олимдир. У Соҳибқироннинг тарихда тутган буюк ўрнини сохталаштиришга қарши ўлароқ «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» ҳақидаги рисолани нашр эттирил. Муаллиф мана шу масала қандай амалга оширилганлиги ва унга қарши олиб борилган курашларнинг жонли гувоҳи сифатида қимматли маълумотларни келтирган. Улар «Соҳибқирон ҳақиқати ёхуд Иброҳим Мўминовнинг тарихий жасорати» номли қисмда батағсил шарҳланган. Шунингдек, ислом дини тарихига бағишлиланган саҳифалар ҳам диққатни жалб этади. Масалан, «Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти Сибирда» ва «Тошкентдаги Қуръони Қаримнинг асл нусхаси қаердан келтирилган?» сингари қисмлар шулар жумласидандир. Шеърият сultonи Алишер Навоийнинг фаолиятига бағишлиланган саҳифалари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Унда Навоий буюк давлат арбоби, тараққиёт жарчиси ва

Темурийлар давлатининг устуни сифатида тасвирланган. Муаллифнинг кўрсатишича, ҳазрат Навоий мадраса, хонақо, масжид, кўпприк ва бошқа ўнлаб иншоотларни, сунъий сугориш тармоқларини ўз маблағи ҳисобидан қурдирган. У илм-фан ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшган. Булар ҳақида «Салтанат таянчи ва давлат мададкори» бобида тұла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Тўпламдан шаҳарлар тарихига тегишли маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин. Хусусан, «Тошкент тарихидан лавҳалар»да пойтахтимизнинг XVIII—XIX аср бошларидағи тарихи ёритилган.

Муаллифнинг «Ўзбеклардан ким биринчি булиб журналда мақола чоп этган?» мақоласи ҳам китобдан жой олган. Китобнинг талай қисми XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларидағи Ўзбекистон тарихига бағищланган. Ундаги «Ўзбек хонликларини чоризм томонидан босиб олинниши» қисмидаги босқинчилар билан ватан ҳимоячилари ўртасидаги жанглар кўрсатилган. Бу масала асосан маҳаллий ва архив манбалари асосида ёзилиб, ўзбек ва бошқа маҳаллий аҳолининг қаҳрамонона кураши баён этилган.

Маълумки, чоризм ва совет даврида халқнинг оммавий равишда чоризм босқинига қарши олиб борган озодлик курашларини инкор этиш одат тусига айланган эди. Ҳатто, ўлкани урушиб олинниши «қўшиб олиниши» ибораси билан алмаштирилган. Муаллифнинг ишида ана шу кўрсатилган қўйол хатоликлар барта-раф этилган.

Хеч кимга сир эмаски, пахтачилик қадимги даврлардан то шу кунгача республика ҳаётининг йўналтирувчи кучларидан бирни ҳисобланган. Унинг аҳамиятни ҳақида кўп гапирилади, лекин ҳанузгача пахтачиликнинг ривожланиши жараёнини ифода этувчи асар иратилмади. Шу боис қўлланмадаги «Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги учун кураш ва унинг Россиянинг ҳом ашё манбанга айлантирилиши» бўлимида қизиқарли маълумотлар билан танишиш мумкин. Унда чор ҳукумати ва капиталистлар томонидан ўлкада Америка пахта навларининг иқлимлаштирилиши, пахта яккаҳокимлиги пойдеворининг бунёд этилиши ишончли далиллар асосида тұла неботланган ҳолда пахтачилик мустамлакачилик сиёсати нұқтанды назаридан ривожлантирилганинг қайд этилади.

Муаллифнинг кўп қиррали фаолиятида жадидлар ҳаракатининг тарихини ўрганиш ҳам ўз аксини топган. Бу ҳаракат бўйича кўп ишлар қилингандан бўлса-да, лекин унинг замини ҳамон атрофлича таърифланмаган. Муаллиф буни ҳисобга олган ҳолда «Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий замини» номли бобни китобга киритишни лозим топган. Уни ўқига ўқувчиининг жадидлар ҳақидаги тушунчаси анча чуқурлашади.

Муаллифнинг 1916 йил қузғолонининг қатнашчилари хотиралари ҳақидаги маълумотлари ниҳоятда муҳимдир. Муаллиф 1956 йилда Фаргона водийсида айрим қузғолон қатнашчилари билан шахсан суҳбатлашиб, хотираларини қоғозга кўчирган эди. Улар ноёб хужжат ҳисобланиб, озодлик курашининг сабаблари, моҳияти ва йўналишини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Китобда совет даври тарихининг айрим масалаларига ҳам ўрин берилган.

Зеро, муаллифнинг «Совет даврида қулдорлик давлатининг ташкил топиши» тўғрисидаги фикрлари мамнуният билан ўқилади. Унинг совет даврида Ўзбекистонда қандай сиёсий ва ижтимоий-иктисодий тузум ҳукм сурғанлиги ҳақида баён этган далиллари шу даражада ишончлики, совет даврида «социализм тузуми» эмас, балки «қулдорлик давлати» юзага келганлигига шубҳа туғилмайди.

Мустақиллик туфайли том маънодаги миллий тарихни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан қарорлар қабул қилинди. Унинг фикр-мулоҳазалари ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини холис ва атрофлича ўрганишда муҳим ўрин эгаллади. Муаллиф Юртбошимизнинг фикр-мулоҳазаларига муносабатини «Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси» қисмида изҳор этган. Унда ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар тақиид қилинганди. Шунингдек, муаллиф китобга «Ватан тарихини қандай ўрганимоқ керак» номли қисмини ҳам киритган.

Умуман, Мустақиллик йилларида матбуот саҳифаларида эълон қилингандан ишлар тўпланиб, кўлланма сифатида кенг китобхонга тавсия этилади.

КАРИМ НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ЕХУД ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистоннинг бой табнати, турли-туман ноз-неъматларию мусаффо ҳавоси, зилол сувларию ажойиб манзараси кўп жаҳонгашта подшохларнинг дикқатини жалб этган. Чунончи, Эронда ташкил топган Аҳмонийлар давлати, македониялик Александр, Араб халифалиги, Чингизхон каби босқинчилар Туронзаминда ўз ҳукмронликларини ўрнатган эдилар. Пировардида эса, Туркистон подшо Россияси томонидан урушиб олинди. Босқинчиларга қарши курашда ўн минглаб ўзбеклар ҳалок бўлдилар, обод шаҳар ва қишлоқлар хонавайрон қилинди, фан ва маданият инқизозга учради. Боз устига, маҳаллий юқори табақа вакилларининг ўзаро низолари ҳамда таҳт талашишлари аҳволни янада ёмонлаштирган.

Шунингдек, табиий оғатлар, қаҳатчиликлар, вабовава бошқа юқумли касалликлар халқ бошига кўпдан-кўп азоб-уқубатларни солган. Ота-боболаримиз хорижий душманлардан, уларнинг тажовузларидан сақланиш учун Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларни ҳамда ҳарбий истеҳкомларни деворлар билан ўрашга мажбур бўлган. Бу деворлар ниҳоятда катта маблаг ва машаққатли меҳнат ҳисобига барпо қилинган. Масалан, 12 дарвозадан иборат Тошкент шаҳри деворининг баландлиги ўрта ҳисобда 7—8 метрга бориб, унинг устида икки отлиқ бемалол юра олган.

Шу зайлда асрлар мобайнида ўзбеклар девор қуршовида ҳавф-хатарда яшаганлар. Ўрта аср муаллифларидан бирининг шоҳидлик беришича, маҳаллий аҳоли бир қўлида иш қуролию иккинчисида яроқ ушлаган ҳолда ҳаст кечирган. Хуллас, аҳоли ҳар қандай шароитда ҳам душманнинг фавқулодда бўладиган ҳужумига тай-ёр турган.

Шунча қийинчилкларга қарамай, боболаримиз Ватан мустақиллиги учун тинимсиз курашди, меңнат қилди, маданий меросини күз қорачигидай сақлаб, авлоддан авлодта ўтказиб келди.

Жасоратли, билимдон ва ўз ватанига содиқ сардорлар буидай курашларнинг ташаббускори ва йўлбошчиси бўлганлар. Улар халқимиз қалбида асрлар оша ўчмас из қолдирган.

Шуни таъкидлаш лозимки, тарихий шахсларнинг юзага келиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Чунончи, эрамиздан аввалги 592 йилда Аҳмонийлар давлатининг подшоҳи Кир II Мовароуннаҳри босиб олиш ҳракатига тушди. Бу ерда у аёл подшоҳ Тўмарис қўшинлари билан қаттиқ жангда тор-мор қилинди. Кир II эса ўлдирилди. Жаҳонда яккахокимлик учун курашган Кир II нинг аёл подшоҳдан шармандаларча енгилиши — Тўмариснинг моҳир лашкарбоши ва ўта ватанпарварлигидан далолат беради. Тўмарис Кир II калласини танидан кестириб, қон тўлдирилган халтага солаётганида шуидай деган: «Сен, Кир, доимо қонсираб юрдинг, лекин унга ҳеч тўймадинг, мана энди тўйиб қон ич».

Тўмарис машҳур давлат арбоби ва ватанимизнинг содиқ фарзанди сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Бу ўринда оддий халқ орасидан чиққан отбоқар Широқнинг қаҳрамонлигини хам эслатиб ўтиш жоиз. Аҳмонийлар давлатининг подшоҳи Доро I ҳузурига ҳаммаёги жароҳатланган, бурни ва қулоғи кесилган Широқни олиб келишади. У Дорога: «Ватандошларим мени шу ахволга солиб қўйди, улардан қасос олиш учун ҳузуриигизга келдим. Мен душманингизнинг орқа тарафидан чиқадиган йўлни биламан», деган. Бу таклифни мамнуниятлик билан қабул қилган Доро I Широқ бошлилигига йўлга чиққан. Бироқ Эрон қўшинлари чўлу биёбонга келиб қолганлар. Шуидагина Доро I алданганлигини билиб Широқни ўлдираётганда у мағрур равишда: «Мен ватаним озодлиги учун сиз ёвузларни сувсизликка ва очликка мубтало қилдим», леб ҳалок бўлган. Тарихда кам учрайдиган бундай ўта ватанпарварлик ва жасорат ҳар қандай мақтовга сазовордир.

Араб халифалигининг тажовузи вақтида ҳам ватан мустақиллиги учун кураш умумхалқ ҳракатига айланган. Турк хоқонлари бошлилигига халқ оммаси

халифаликка қарши кураш олиб борди. Аммо-лекин халифалик ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эриши. Бироқ унга қарши ҳаракатлар тұхтамади.

IX асрнинг охиirlари X асрнинг бошларыда тарих сақнасига чиққан Исломий Сомоний халқнинг узоқ йиллардан бүён араб халифалигига қарши олиб борған курашига якун ясад, Үрта Осиё мустақиллигини тиклади. Бухоро — бу давлатиниг пойтахти ҳисобланған. Исломий Сомоний 900 йилда Хурросон ҳокимининг құшынлари устидан ғалаба қылғандан кейин, узил-кесил бутун Үрта Осиё ва Хурросоннинг әгаси бўлиб қолди. Шунингдек, шарқий ва шимолий Эрондаги бир қатор вилоятлар унга буйсундирилди. Исломий Сомоний (874—907 й.) асос соглан мустақил ва марказлашган сомонийлар давлати 100 йилга яқин ҳукмронлик қилди. Шу даврда Үрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётіда мұхим үзгаришлар содир булди. Чунончы, қишлоқ хұжалигида пахтачилик, боғдорчилик ва өрнекчилик ривожланды. Хунарманандылықда ҳам тараққиёт юз берди. Айниқса, тұқымачилик кең қулоч ейди. Үлкадаги вилоятларининг үзаро алоқалари мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш күчлари тобора үсіб борди. Үрта Осиёнинг хорижий мамлакатлар, Ҳусусан, Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Хитой ва Шарқий Оврупо билан савдо алоқалари авж олди.

Шунингдек, фан ва маданият соҳасида ютуқларга эришилди. Тарихий шахсларга давлат арбоблари Буграхон ва Наср Илекхонни киритиш мумкин. Улар X асрнинг охирида Қорахонийларнинг мустақил туркий давлатини барпо этдилар. Бу мустақил туркий давлат Үрта Осиё ва Шарқий Туркистанни үз ичига олган эди. Қорахонийлар замонида, яъни XI аср ва XII асрнинг биринчи ярмида Үрта Осиё ва Шарқий Туркистаннинг ягона давлат бўлиб бирлашни самарали натижаларни берди. Чунончы, бу жойларда иқтисодий ва маданий ривожланиши күзга ташланди. Тошкент, Узганд, Бухоро, Самарқанд, Күнга Урганч, Термиз, Марв ва бошқа шаҳарларда хунарманандылық ва савдо-сотиқ үсди. Үлкада ҳашаматли бинолар қурилди. Масалан, 1127 йилда Арслонхон томонидан Бухорода қурдирилған Минорай Калон, Қарманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Бухоро атрофидаги Работи Малик, Мағоки масжиди, Вобкентдаги минора шулар жумласидандир. Бу ажойиб биноларнинг ҳам-

маси туркii ҳукмдорларнинг ташаббуси ва бошчилигидан бунёд этилган эди. Бу вақтларда тарих, адабиёт, тишишнослик, тиббиёт ва бошқа фанларга оид илмий асарлар яратилди.

Узбек халқининг ҳар томонлама ривожланишида мустақил Хоразмшоҳлар давлатининг барпо этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қораҳонийлар давриди ва ундан оддинги вақтларда ҳам Хоразмининг Эрон, Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаси анича кучайган эди.

Хоразмшоҳлар давлатига Маъмун ибн Мұҳаммад (996—997 й.) ва унинг ўғли Али ибн Маъмун (997—999 й.) сингари машҳур шахслар асос согсан эдилар. Хоразмшоҳлар давлати, айниқса, Али ибн Маъмун вақтида кучайган. Бу атоқли давлат арбоби шихоятда билимдон ва маданиятلىқ киши сифатида шуҳрат қозонган. У пойтакт Кўхна Урганчни йирик фан ва маданият марказига айлантириди. Бу ерда Беруний, Ибн Сино, Абу Солиҳ, Масиҳи Абулхайр ал-Хашмар, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Бакр Мұҳаммад Хоразмий, Абу Сайд Шабибий, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Абдуллоҳ Тожар ал-Вазир, Абу Мұҳаммад Раққоши, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва бошқа машҳур олимлар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, шоҳ Али ибн Маъмун ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли Кўхна Урганчда илмий тадқиқот маркази — «Маъмун академияси» ташкил топган эди. Бу даргоҳда тарих, филология, математика, астрономия, физика, жўкрофия, тиббиёт ва бошқа фан тармоқлари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Шу равишда үлкамизда бундан салкам минг йил илгари Файлар Академияси бунёд этилган эди.

Бироқ Хоразмшоҳлар давлатининг умри узоққа чўзилмайди. Шимолий Ҳиндистондан Каспий дengизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган жойларни — ҳозирги Афғонистон ва Шимоли-шарқий Эронни ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати кучайган эди. 1017 йилда бу давлатининг ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий (998—1030 й.) Хоразмни босиб олади. Бу вақтларда Салжуқийлар номида яна бир туркii давлат пайдо бўлди. Унга Эроннинг Ажам, Озарбайжон, Курдистон ва Қўхистон сингари жойлари бўйсундирилиб, пойтакт Рай шахри хисобланган. Салжуқийларнинг ҳукмдори ав-

вало Фазнавийларга зарба берди, сўнг 1140 йилда Хоразмии эгаллади. Кейинчалик йирик давлат арбоби Қутбиддин Муҳаммад Отсиз (1127—1156 й.) туфайли келажакда құдратлы Хоразмшоҳлар давлатининг пойдевори қурилди. Натижада, Алоуддин Тасаш (1172—1200 й.) ва Алоуддин Муҳаммад (1200—1220 й.) сингари иқтидорли ҳукмдорлар буюк Хоразмшоҳлар давлатини барпо этишга муваффақ бўлдилар. Бу давлат Ўрта Осиёдан ташқари, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Ширвон, Манғанишлөқ ва бошқа жойларда ўз ҳукмронлигини ўриатди. Умуман айтганда, Хоразмшоҳлар давлатининг чегараси Эрондан Ҳиндистонгача, Орол денизидан то Ҳинд океани қирғоқларигача чўзилган ерларни эгаллаган.

Бу даврда Хоразмшоҳларнинг пойтахти Қўҳна Урганч иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада юксалиб, фан соҳасида ҳам улқан ютуқларга эриши. У буюк Хоразмшоҳлар давлати номида тарихда ўчмас из қолдирди. «Хоразмнинг бу даврдаги иқтисодий кўтарилиш жараёнини текширар эканмиз,— деб ёзади олим С. П. Толстов,— биз бу буюк феодал монархиясининг бизга қадар сақланиб қолган скелет суюкларини гўё тимирскилаб кўриб чиқамиз. Шунда юз минг гектар унумли ерларга янгидан жон бағишилаган катта ирригация ишлари, саҳро чеккасида чегара истеҳкомларининг қурилиши, Хурросон, Мовароуннаҳр ва Дашиб Қипчоқнинг ичкарисига борадиган стратегик ва савдо йўлларининг мустаҳкамланиши шаҳар ҳаёти, ҳунармандчиллик, савдоининг янгидан гуллаб-яшнаши, Ўрта Осиё, Эрон ва Волга бўйлари балий маданиятининг бутун кейинги тарихига кучли таъсир кўрсатган «Хоразм ренессанси» санъатининг ҳашамати ва бой тараққиёти кўз олдимиздан ўтади¹.

Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдорларининг аксарияти билимли кишилар сифатида шуҳрат қозонганилар. Улар фан ва маданият тараққиётини таъминлаганлар. Айрим маълумотларга кўра, уд мусиқа асбобини чалишда шоҳ Алоуддин Тасашга тенг келадиган киши бўлмаган. У ниҳоятда маданиятли ва билимдон киши бўлган. Хоразмшоҳлар даврида Қўҳна Урганчда ва бош-

¹ Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Топкент, 1964, 301-6.

жойларда ҳашаматлы саройлар, мадрасалар ва турли жамоат биполари қурилган. Марказлашган ва мустақил давлат ҳунармандчилерини, деңқончиликни, ички ва ташки савдонинг ривожланишини ҳам таъминлаган.

Бироқ. Хоразмшоҳлар давлати даҳшатли фожеага дуч келди. 1219 йилда Чингизхон бошчилигидаги қўшиллар Туркистонга бостириб кириб, Утрорни қаттиқ жанглардан сўнг эталлади. Кейин Бухоро ва Самарқанд эгалланди. Босқинчиларга қарши кураш умумхалқ ҳаракатига айланган ана шу оғир дамларда хўкмрон доиралар орасидан чинакам ўз ватанига содик ва жасоратли шахслар ажralиб чиқди. Масалан, Муҳаммадшоҳнинг катта ўғли Жалолиддин ва Ҳўжанд ҳукмдори Темур Малик шулар жумласидандир.

Чингизхон қўшиллари Ҳўжандни қамал қилганла-рида ҳалқ оммаси Темур Малик бошчилигига қаҳрамонона жанг қўлди. Душман кучлари сон жиҳатдан бир неча бор кўп бўлганлиги ва ташки тарафдан ёрдам бўлмаганини учун Темур Малик аскарларини 70 та кемага солиб, Сирдарёдаги бир оролчага чиқишига мажбур бўлди. Бу ердан душманга қарши ҳужум ўюш:ирилиб турилди. Пировардида, Темур Малик кемаларда Сирдарёнинг куйи оқими бўйлаб йўлга чиқди. Дарёнинг икки қирғогидан мӯғуллар томонидан отилган ўқларга қарши кемадагилар жавоб ўқини отиб бордилар. Натижада Темур Малик бир гуруҳ сафдошлари билан Ҳўжанддан чиқиб кетиб, 1221 йилда Кўхна Урганчга келди. 1221 йилда 50 минглик мӯғуллар қўшини Кўхна Урганчини қуршаб олдилар. Шаҳар аҳолиси ёппасига душманга қарши аёвсиз ва қонли жанг олиб борди. Минглаб ватан ҳимоячилари ҳалок бўлдилар. Жалолиддин бошчилигига беш ой давом этган қаттиқ жанглардан сўнг мӯғул қўшиллари шаҳарга ёриб киришга муваффақ бўлди. Улар шаҳарни талаб, кўпдан-кўп одамларни қирдилар. Ватан учун курашга руҳонийлар ҳам бош-қош бўлдилар. Урганч шайхи Нажмиддин Кубро жангда қаҳрамонона ҳалок бўлди.

Жалолиддин Темур Малик билан Афғонистонда ва Эронда мӯғулларга қарши курашни давом эттириб, бир неча бор уларга қақшатғич зарба берди. У Ҳиндистонда, сўнгра Кавказда мӯғулларга қарши кучларни ўюстиришга кўп ҳаракат қўлди. Умуман олганда, у 10 йил мобайнида мӯғулларга зарба берди ва Хо-

размишоҳлар давлатини тиклаш учун тинимсиз кураши. Бироқ, турли сабаблар туфайли у ўз мақсадини рӯёбга чиқара олмади. Жалолиддин Маңгуберди ўта ватанпарвар, моҳир лашкарбоши ва жасоратли шахс сифатида донг чиқарган эди.

Мўғул босқинчиларининг ҳарбий юришларидан Урта Осиё шаҳар ва қишлоқлари харобага айланди. Юз йиллар давомида қўлга киритилган моддий ва маънавий мерослар остиин-устун қилиб ташланди. Бундай ҳолат инсоният тарихида содир бўлмаган эди. Бу даҳшатли воқеаларниң гувоҳи бўлган араб тарихчиси Иби ал-Асир шундай ёзган эди: «Куну тунларда мисли кўрилмаган ва ҳаммаёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган ғоят катта бир фалокат бўлди. Агар бирор, ҳамма нарсага қудрати етувчи ва ҳар нарсанинг устидан турувчи Оллоҳ одамни яратгандан бўён дунё шу маҳалгача ҳеч бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди, дарҳақиқат, йилиномаларда бунга ўхшаш ва унга тенг келадиган бундай зўр фалокат бўлмаган. Уларда тасвиirlанган воқеалар ичиди — Навуходонсорининг Исройлийларни калтаклаш ва Қуддусни вайрон қилиш бобидаги қилмиши энг даҳшатлисиdir. Бироқ, бу лаънатилар (мўгуллар) вайрон қилиб ташлаган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлибди. Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади. Татарлар қириб ташлаган одамларга қараганда, Исройлийлар нима бўлибди? Ахир (айрим) битта шаҳарда татарлар калтаклаган аҳоли (барча) Исройлийлардан кўп бўлган... (татарлар) ҳеч кимни аямайди: аёлларни, эркакларни, гўдакларни дўппослайверади, ҳомиладорларниң қорнини ёриб, болаларни ўлдиради...»¹

Бироқ мўгулларниң даҳшатли қирғин урушлари ҳам ўзбек халқининг ватан озодлиги учун курашини сўндира олмади.

1238 йилда Бухорода мўгулларга ва уларга хизмат қилаётган айрим маҳаллий юқори табақа вакилларига қарши қўзғолон кўтарилди. Бу оммавий ҳаракатга галвирчи Маҳмуд Торобий бошчиллик қилди. Бухоро атрофидағи Йоробий қишлоғида түннаган ва ҳунар-

¹ Гревков Б. Д. Якубовский А. Ю. Олтиң Ғурда ва унинг қулаши. Ташкент, 1956, 46-б.

мандлар сулоласыга мансуб — Махмуд Торобий ўзининг ақл-заковати ва жасорати билан меҳнаткаш омма орасида катта обрў қозонди. У қўзғолончиларни чет эл босқинчиларига қарши курашга чақириб: «Эй, ҳақиқат мудофаачилари энди ишни сусайтириш ва кутининг кераги йўқ, жаҳонни ноҳақлардан тозалаш зарур, ҳар кимса ўзида бўлган қурол-яроғ ёки калтак ва гурзиларни тайёрлаб ишга солсен», дейди.

Қўзғолончиларга айрим руҳоний пешволари, хусусан, Шамсиддин Маҳбубий ҳам қўшилиб, бошлиқлардан бири сифатида ҳаракат қилди. Маҳмуд Торобий Бухоро шаҳридаги ва қишлоқлардаги аҳолига таянган ҳолда ҳокимиятни қўлга олган.

Маҳмуд Торобий ҳалққа ҳаддан ташқари зулм ўтказган мансабдорларни жазолаб, оддий кишилар тарафида турган. Бироқ, қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилган. Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий сингари ҳалқ озодлиги учун жонини фидо қилган шахслар асло унуглилмайди.

XIV асрнинг 50—60-йилларида ўлкада парокандалик авж олиб, кенг меҳнаткаш омманинг аҳволи янада ёмонлашди. Шундай шароитда Темур сиёсий майдонига чиқди. У ёшлигиданоқ келажаги порлоқ сиймо сифатида танилди. Урта аср тарихиси Мавлоно Лутфуллоҳ Нишопурий сўзига кўра, Темур 7 ёшлигига отаси Тарагай билан қариндошлариникига борган. Қариндошлари кўпдан-кўп молларга, турк ва ҳиндлардан иборат қулларга эга бўлиб, доимо хавотирликда яшар экан. У Тарагайга дебди: «Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман ожизман. Кулларим сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмасин деб қўрқаман». Темур гапга аралашиб дебди: «Эй, ота, фарзандларинигга молларнгдан бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига доҳил қилгинким, (улар) ўз-ўзи билан овора бўлсан. (Сўнг) турк қулларни ҳинд қуллариниг тепасига қўйгинки, ҳиндларни ўз амири фармонига бўйсундурсинлар. (Кейин) ҳар уч қулии улардан ақллироқ бир қулиниг ихтиёрига топшир. (Сўнг) уларининг ҳар бирини еттитадан қулиниг амири қил. (Кейин) етмиш қулга бош бўлган (ана шу) еттита қулии бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, (чунки) бир-бирлари билан кўп сухбатлашмасинлар». Қариндоши Темурнинг ақл-

заковатига қойил қолиб, унинг отасига дебди: «...Сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни (унинг) шу гапларидан фаҳмлаб турибман...» (Сунг) сиёҳдон ва қалам ҳозирлади ва ўша сухбатда Темурдан хат ёздириб олдики, бунда «унинг фарзандлари зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин; уларниң гуноҳларидан ўтсинглар, унинг қавми тархон қилинсин¹. Буни қараигки, Темур таҳтга чиққандан кейин ваъдага мувофиқ ўша бадавлат кишининг авлодларига тархон уивонини беради².

Темурниң ёшлиқдаги ҳаётига доир яна бир диққатга сазовор маълумот мавжуд. Темурниң отаси Тарагай кунларининг бирида кўп қўйларни унга бериб сотишни буюрибди. Темур қўйларни сотиб, бозорни айланиб юрган вақтида бир дарвиш қўлида шеър ёзилган қоғозни минг олтинга сотаман, дебди. Темур у қоғозни сотиб олибди. Дарвиш унга, уни отангни олдида очиб ўқигин, дебди. Шунга биноан, Темур қоғозни отасига кўрсатган. Дарвиш таниқли олим Қамол Хўжандий экан. Отаси шунча пулга бир парча қофоздаги шеърни сотиб олганлигига ранжиган. Бироқ, Темурниң бундай қилиши унинг шеърга муҳаббатидан дарак беради.

Тарихий манбаларда нуфузли кишиларниң Темурниң келажакда буюк давлат арбоби бўлшилиги ҳақидаги кароматлари кўплаб келтирилган. Бу пайтларда, мўғулларниң аксарияти ислом динини қабул қишиб, турклашган бўлса-да, лекин уларниң орасида ўзларининг урф-одатларига ва будда динига мойил кишилар йўқ эмас эди. Масалан, мўғул хони Қазағон (1346—1358 й.) Бухорода бутхона очиб, ислом динига рахна етказишга очиқдан очиқ ҳаракат қилди. У кўплаб муллаларни ўлдиритирди ва ислом динига зид бўлган хатти-харакатларни қилди. Унинг ҳукмронлиги даврида мадрасалар, мактаблар ва масжидлар харобага айланди. Бу ҳолат ўша пайтда қўйидагича ифодаланган эди.

¹ Ағмадов Б. «Давлатшоҳ Самарқандий». Т., «Фап», 1967, 48-б.

² Тархон — солиқ ва жарималардан тамоман озод этилган киши. Ийрик мансабдор тархонлар хонининг олдиға суроқсиз кира олар ва унинг устидан тўққиз марта жишият содир бўлмагувчча жазога тортилмас эдилар.

Қизил қон бұлиб мавжи түфоплар,
 Шаҳид үлдиларким азиз жоңлар.
 Кетуб арбоби дин, чу исломдин,
 Алар ичра туити ажаб кибру қиң.
 Жолойи ватан бұлды устодлар.
 Дин ағыл хәфадур, күффор шодлар.
 Калисою бутхоналар зеб илон,
 Беріб неча оройу тартиб илои,
 Бұлуб мадрасаю масжид хароб,
 Мусулмон паришиону ҳайрон соб,
 Шариат чироги қолибдур үчіб,
 Шариатты талаби ҳар ең қочиб,
 Мусулмон бариси ғаму қайгуда.¹

Мұғуллар узоқ вақт давомида оғир солиқлар со-
 либ, ахолининг тинкасини құритған әдилар. Амир Темур
 ажнабий босқинчиларнинг шафқатсиз зулми ва халқ-
 ларнинг азоб-үқубатларини құриб, қандай бұлмасин ўз
 ватанини улардан озод қилишга ақд қылған әди. Буни
 «Темур тузуклари»да көлтирилған маълумотлар яқын
 күрсатып турибди. Мұғул хони Қазагон Үлгандан кейин
 Мовароунинаұрда феодал тарқоқлиги ҳукм суради. Мұ-
 гул ҳокимлари якка ҳокимлик учун ўзаро куаш олип
 бордилар.

1360 йилда Еттисув ва Шарқий Туркистан ҳокими-
 ятининг тепасида турған мұғул хони Туғлуқ Темур
 Мовароунинаұрни бүйсундириш учун ҳарбий юриш бош-
 лаганлиги маълум бұлды. Бу тұғрида Темур шундай
 дейди: «Туғлуқ Темурхон (саркардалари) Бекижак ва
 Ҳожибек әркінніт², Улуғ Тұқтесмур керайит³ ва Же-
 тенинг бошқа амирларидан уч фавж тузиб, уларни
 Мовароунинаұр мамлакатини талон-тарож қилиш учун
 юборғанлиги, ўша уч фавж құшин Хузор⁴ деган жой-
 га келиб тушганлиги хабари менинг қулогимга етди.
 Шунда Туғлуқ Темурхонни бориб қўришдан илгари бу
 очқұз амирларни мол-дунә билан маҳлиә қилиб, Мо-

¹ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент, 1991, 106-б.
² Эркінніт — Чигатої үлусининг Шарқий қисми (Мұғулие-
 тон)да күчиб юргап турк-мұғул қабиляларидан бириншінен номи.
³ Керайит — иуғузли турк-мұғул қавымларидан бириншінен
 номи.

⁴ Хузор — Үрта аср шаҳарчаси. Ҳозирғы Фузор тумани
 марказы.

йәроуиңиң вілойтиң қатлұ ғоратдан құтқарыб қолишиңа қарор қылдым... Уларнинг күзларига үхшаш күнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-совурун¹ йўсунинда уларга берилган ҳар турлик тансиқ моллар күзларига кўп кўринди, Мовароуннаҳрни босиб олиш ва талон-тарож қилиш пиятидан қайтдилар.

(Шундан сўнг) тўғри бориб Туғлуқ Темурхон билан кўришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, (салтанат ишларида) мендан кенгаш сўради Кўрсатгани кенгашларимни тўғри деб тошиб, ҳаммасини қабул қилди.

Шу асномда Туғлуқ Темурхонга хабар келтирдилар ким, (юқорида айтилган) уч фавж амирлари, ерлик халқдан нақд пул ва совурунлар олиб, улар билан келинмишлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк ва нақд пулларни қайтариб олиш учун одам тайин қилди ва амирларни бундан буён Мовароуннаҳрга боришларини маъни этди, мансабларидан бушатди. Ўринларига Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясавурийни тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байрогини кутариб, юртларига қайтиб кетдилар. Йулда хоннинг девонбегиси ва бош маслаҳатчиси булманинг Үглонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб, Жете томон юзландилар.

Айнан шу вақтда Туғлуқ Темурхоннинг Дашиби Қипчоқдаги амирлари ҳам исен туғини кутаргани ҳақида хабар олиниди. Бундан хон ташвишга тушди. У мен берган маслаҳатга кўра Жете тарафга (қараб) йўл олди. Мовароуннаҳрни эса менга қолдири ва бу хусусда ёрлигу аҳднома ёзиб берди. Амир Каракар нўённинг² Мовароуннаҳрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача чўзилган ерларга ҳукмрон бўлдим.

Давлат ва салтанатимнинг бошланышида энг аввал қилган кенгашим шул бўлди³.

Кўриниб турибдикни, Амир Темур мўгулларни оч-

¹ Совуруп — Ўрта асрларда подиоҳ ва хонлар, умуман, олий мартабали кишилар оиласи учрашгандан уларга ҳизлишадиган тансиқ моллардан яборат қимматбаҳо тортиқ.

² Каракар нўён — бой амир, Амир Темурнинг бешинчи аждоди.

³ Темур тузуклари. Г. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат машриғети. Тошкент, 1996, 28-29 бетлар.


күзлика ва бағритошлікда айблаб, ахолини үларнинг талон-тарожидан озод қилишини мақсад қилиб қўнган. У билимдонлик ва тадбиркорлик билан иш юритиб, ҳокимиятни вақтнинчалик бўлса-да қўлга киритган. У бу вақтда 25 ёшида эди. Бироқ Амир Темурнинг ҳокимлиги узоққа чўзилмади. 1361 йилда Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиб, ҳокимиятни Амир Темурдан олиб ўз ўғли Илёсхўжага берди. Амир Темур эса бош қўмандонлик вазифасига тайинланди. Шундан кейин ўлкада мўғулларнинг зулми ва зўравонлиги янада кучайиб кетди. Бироқ, Илёсхўжа табиатан ожиз бўлганлиги учун тартибсизликларни бартараф қила олмади. Бундан қаттиқ ғазабланган Темур мўғулларнинг зўравонлигига қарши чиқиб, уларнинг жазосини берди. «Мен ғолиб келиб, — ёзган эди Амир Темур, — мазлумларни золимлардан халос қилдим». Унинг мўғулларга қарши очиқдан-очиқ қарши чиқиши Илёсхўжа ва Туғлуқ Темурхоннинг ғазабини уйғотди. Ҳатто, у Темурни яширинча ўлдириш ҳақида кўрсатма берди.

Бу вақтга келиб, Амир Темурнинг мамлакат мустақиллигини тиклаш ҳаракати, ахолининг барча тоифаларининг фикру зикрини ифода этарди. Шунинг учун улар озодлик курашида Темурга катта умид боғладилар. Буни яхши англаган Темур атрофига содиқ кишиларни тўплади.

«Мовароуннаҳр ҳалқи менинг бу ишимдан хабар топниши биланоқ, — деб ёзади Темур, — тезда ўзбеклар¹ устига ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирилар. Чунки уларнинг қалби золим ўзбеклар тоифасидан бутуслай безгац эди. Мовароуннаҳр ҳалқининг каттаю кичиги мен билан бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса ўзбеклар тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Бу тўғрида ёзилган аҳднома ва фатволарнинг нусхаси бу эди: «Тўғри йўлдан борувчи халифалар, Оллоҳ таоло уларнинг жамисидан рози бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги тамом аҳли ислом, сипоҳу раият² ёки уламою машойих бўлсин,

¹ «Ҳабеклар», «Ҳабеклар тоифаси» — Этник ўзбеклар ва ўзбек ҳалқи бўлмай. Дашиби Қашқоқнинг турк-мўғул қавмлари эди.

² Рајиат — солиқ тўловчи қора мадди.



Амир Темурга иzzату нкrom курсатиб, уни Амир Темур қутби салтанати олий деб атасинлар ва уни Оллоҳнинг (ердаги) қудрати — салтанат тахтига муносиб кўрсинашар. Мусулмонларнинг ер-суви, помуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган ўзбеклар тоифасини дафъ қилишида ва умуман йўқотишда Темурга (ёрдамлашиш учун) ўз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга¹ содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсан, Оллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудрати ва ёрдами йўлига кирган бўлайлик.

Бу фатвони менга кўрсатганиларидан кейин жанг жадал байроғини кўтариб, ўзбеклар устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олиб бермоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар»².

Бинобарин, Амир Темур аҳолининг барча тоифалари томонидан ажнабийларга қарши курашнинг рамзи ва сардори сифатида таҳ олинган эди. Бироқ, Амир Темур айрим кишиларнинг хоинлиги ва ҳали вазиятнинг стилмаганлиги туфайли Самарқанддан бир тўда сафдошлиари билан чиқиб кетди. Шундан кейин 1361—1365 йиллар давомида ҳарбий куч тўплаш мақсадида турли жойларни кезиб юрди. Шунингдек, у Туглуқ Темурхон ва Илёсхўжанинг ашаддий душмани мўғул хони Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузиб, унга қарши курашди. У Амир Ҳусайнининг синглисига уйланган эди.

Ҳар икки амир қўшинлари Илёсхўжа аскарларига зарба бериб, уни Хўжандга чекинишга мажбур этди. Бироқ, кейинги Тошкент ва Чиноз ўртасидаги «Лойжангни»да Темур ва Амир Ҳусайн аскарлари мағлубиятга учратилди. Шундан кейин улар Балхга жўнади.

1365 йилда Илёсхўжа Самарқандга ҳарбий юриш бошлади. Сабр косаси тўлиб-тошган шаҳар аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, ажнабийларга қарши чиқди. Бу тарихда Сарбадорлар кўзголони номида маълумдир. Сарбадор сўзи «Бошдорга» демакдир. Бунинг маъноси шуки, «агар ғалаба қозонсак, ҳалқни мўғул зулмидан озод қилган бўламиз, бордию мағлубиятга

¹ Байъат — аҳд-паймон, ҳукуматга итоат этиши ҳақида берилган ваъда.

² Темур тузуклари. 30-31-бетлар.

үчрәсак, үнда дөргө осиһиң учун тайермиз, негаки азоб-үкүбатларга ортиқ бардош бериш мүмкин эмас». Сарбадорлар құзғолонида, асосан, ҳунармандлар, деңқонлар ва бошқа оддий кишилар қатиашган. Буларга рухоний ва савдо-сотиқ вакиллари ҳам құшилған. Уининг ташаббускори ва сардори Самарқанддаги мадраса талабаси Мавлонзода ҳисобланыб, унга ҳунарманд Абу Бакр Қалавий ва Ҳурдак Бухорий сингари тарихий шахслар сафдош бүлгаптар. Үн мине кишилик құзғолончилар шаҳар девори бузилиб ётганлигига қарамай, мудофаани жуда яхши ташкил қылдилар, ахоли нима құлиға түшса шу билан қоролланди. Шаҳарда иккى күнлик дағшатли жаңглардан сұнг, Илесхұжа аскарлари мағлубиятта учраб қочишга мажбур бўлди. Бу узоқ вақтлардан бўён давом этиб келаётган мұғуллар ҳукмронлигига қақшатғич зарба берган халқнинг катта ғалабаси эди. Бу тұғрида машҳур тарихчи Шарафуддин Али Яздий шундай ёзған эди: «Подшолик құдрати ва тантанаси бўлмаган мард аҳоли шундай саноқсиз ва хоин (мұғул) құшинлари билан бас келди. Душманларнинг қаршилик ва мудофааларига бардош тарзда турдиларки, буларнинг ғалаба ва истило қўллари бу шаҳар аҳолисининг юмус ва молларига тегмади».

Сарбадорлар құзғолони Амир Темур учун жуда құлай вазиятни юзага келтирди. 1366 йилда у Амир Ҳусайн билан Самарқанд шаҳри ёнидаги Қонигилга ўрнашди. Гарчанд, Сарбадорлар Амир Ҳусайннинг ашаддий душмани Илесхұжані енгган бўлсаларда, лекин улар, умуман, мұғулларга қарши бош кўтарган эдилар. Шу боисдан у Сарбадорларнинг бошлиқларини алдамчилик билан қароргоҳига чақириб, уларни ўлдириради.

Бундай вазиятда Амир Темурнинг Сарбадорларга нисбатан муносабати қандай бўлган эди?

Бу масалага тегишли маълумотлар жуда оз сақланғанлиги учун у ҳақда тұла түшунча беришнинг иложи йўқ. Шу нарса маълумки, құзғолончиларнинг бошлиғи Мавлонзода Амир Темурнинг аралашуви на-тижасида ўлимдан озод қилингандай. Айрим маълумотлар-га кўра, Мавлонзода Амир Темур билан таниш булиб, улар ўзаро хат орқали алоқада бўлған. Ҳатто, у Амир Темурга Самарқанддаги ахвол ҳақида хабар бериб турган. Бу Темурнинг аслида Сарбадорларга хайриҳо-

лигнин билдиради. Бироқ, у Амир Ҳусайн билан алоқаси бузилишини ҳисобга олиб, унинг хатти-ҳаракатига очиқ қаршилик кўрсата олмаган бўлса керак. Чунки Амир Ҳусайн етарли кучга эга эди. Амир Темурниң Сарбадорларга хайриҳоҳлигини Эрондаги сарбадорлар билан алоқаси ҳам тасдиқлади. Маълумки, Сарбадорлар ҳаракати аввало 1337 йилда Эронда юзага келиб, улар ҳокимиятни қўлга олган эди. Сарбадорларниң давлати 1387 йилгача, яъни 50 йил давом этган. Урта аср муаллифи Носир Бухорий ўз асарида Сарбадорларнинг ҳукмдори Ҳўжа Али Муайядниң Амир Темур давлати билан алоқаси ҳақида ёзган. Али Муайяд Сарбадорлар мамлакатини зиёд қилди, Қўҳистон, Табс ва Киликини босиб олди ва Домоғондан то Сарахсача (бўлган ерларни) ўзининг тасарруф туатамига кирилди.

Али Муайяд ўзининг ҳукмдорлиги даврида улуғ амир, буюк соҳибқирон Темур Қурагон жаноблари билан ҳамжиҳат ва садоқатли дуст ҳамда хушмуомалада булди.

Ҳўжа Али (Муайяд) бир неча бор Амир Вали билан тўқнашди ва уларниң (бир-бирига) душманлигиниҳоят кучайиб кетди. Амир Вали Сабзавор шаҳрини қамал қилди ва Ҳўжа Али Муайяд улуғ Амир Темур Қурагондан ёрдам, мадад сўради ва Тоту номли кишини Самарқандга Соҳибқирон ҳузурига юборди. Тўрт ойдан сўнг буюк соҳибқирон Амир Темур Ҳурросонга лашкар тортди. Ҳўжа Али Муайяд Сарахсга улуғ Амир Темур Қурагоннинг истиқболига борди. Султонлик марҳаматига мушарраф булди. Улуғ Амир Темурниң... унга садоқати воқеъ булди ва (Ҳўжа Али Муайяд) Ҳурросон мамлакатини Амир Темурниң тасарруфига топширди. Узи Соҳибқироннинг мулозаматига машғул бўлди»¹.

Баён этилган сатрлар ва Самарқандда Мавлонзоданинг ўлимдан қутқарилиши, айрим муаллифларниң Амир Темур Сарбадорларнинг ашаддий душмани эди, деб кўрсатиши ҳақиқатдан узоқдир. Менимча, бу масалани Иброҳим Мўминов тўғри ёритган: «Мўғул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароониҳарда мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар Сарбадорларниң айрим раҳбарларини, биринчи навбатда,

¹ Аҳмедов Б. «Давлатпоҳ Самарқандий». Т., «Фан», 1967, 45-6.

уларнинг илҳомчиси Мавлонзода ва Темурни бир-бирларига яқинлаштирган, кўмакдош этган; худди шу сабабдан сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг, асосан, биринчи даврида юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун Темурни қўллаб-қувватлаганлар, унга ёрдам бергаплар. Сарбадорлар илҳомчиси Мавлонзоданинг тақдиди ҳам жуда қизиқарлидир¹».

Навоийнинг замонидони машҳур тарихчи Ҳондамир Сарбадорларининг бошлиқлари Мавлонзода, Ҳўрдак Бухорий ва Абу Бакр Қалавий Амир Ҳусайн замонида Самарқанд аҳлини ўз томонларига олиб, байроқ кўтариб, пашқар (мўгуллар)га қарши чиқиб, шаҳарни мазкур амир ва ҳазрати Соҳибқирон учун сақладилар, деб қайд қилиган.

Демак, Сарбадорлар Амир Темур билан келишишган ҳолда ва уни таҳтга ўтказиш мақсадида курашга отланган эдилар, дейишга асос бор. Шунинг учун ҳам уларнинг бош раҳбари Мавлонзода Самарқандий Соҳибқирон томонидан ўлимдан сақланиб қолинган эди.

1366—1370 йиллар ичида Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги муносабат сиртдан қараганда яхши бўлса-да, амалда Амир Ҳусайн Темурнинг мавқеи борган сари ошиб бораётганини кўриб, ич-ичидан куйиб, уни қандай бўлмасин йўқотишга ҳаракат қилди. «Амир Ҳусайн, — дейди Соҳибқирон, — мен қўлга киритган ғалаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳasad ичини кемириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Мовароуннаҳрни мендан тортиб олишга, мени (эса) ўлдириб, таҳтга ўзи ўтиришга бел боғлаган эди. Ўртамизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасида енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофисизлиги ҳаддидан ошган, мени енгиш ва ўлдиришга оз қолган вақт ҳам бўлди²».

Шунга қарамай. Темур қариндошликнинг ҳурматини қилиб, Амир Ҳусайнга Балх билан Ҳисор вилоятларини берди. Байроқ, Амир Ҳусайн Балхда куч тўплаб Амир Темурга қарши жанг қилиш ўйлини тутди. Шу босидан 1370 йилда Амир Темур Балхга ҳужум қилиб ғалабага эришди ва Амир Ҳусайн ўлдирилди.

¹ Мўминов И. «Амир Темурнинг Ўрта Осиб тарихида тутган ўрни ва роли». Тошкент, 1998, 11-б.

² Темур тузуклари, 52-53-бетлар.

Ўша йили 10 апрелда Балхда ўтказилган қурултойда Амир Темур мамлакатнинг ягона ҳукмдори, деб эълон қилинди. У Шаҳрисабздан Самарқандга келиб шаҳар деворини, ҳарбий истеҳкомни ва ҳукумат саройини қуришга киришди. Шу равишда Самарқанд Темур давлатининг пойттахтига айлантирилди. Амир Темур ниҳоятда билимдошлик ва тадбиркорлик билан ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириб борди.

Хўш, Амир Темурнинг тарихий шахс сифатида хизматлари нимадан иборат бўлган?

Биринчидан, Амир Темурнинг беқиёс катта хизматлари шундаки, у ҳалқ оммасининг узоқ вақтлардан бўён чет эл ҳукмронлигига қарши курашини ниҳоясига етказиб, мустақил давлат барни этди. Натижада 150 йилдан бўён давом этиб келаётган мӯғулларнинг зулми ва талон-тарожи илдизи билан қўпориб ташланди. Шунингдек, Амир Темур мамлакатнинг моддий ва маънавий ҳаётига катта зиён келтираётган ўзаро қонуни урушларни тугатиб, марказлашган давлатни юзага келтирди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Амир Темур мамлакатни қонун асосида бошқарди. «Давлат ишларини,— дейди у,— салтанат қонун-қондаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузкка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим»¹.

Бундай тартибда иш юритиш тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Айни пайтда, Соҳибқирон ички ва ташқи сиёсатни кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борган. «Ҳар бир ишни,— дейди у,— қилишга киришар эканман, аввал обдон уйлаб, (амирларим билан) кенгашдим. Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сурар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирадим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларимнинг барисида аивал кенгаш-маслаҳат қўлладим, иши бажаришга кири-

¹ Темур тузуклари, 69-б.

шар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб құярдим. Ҳамда бу иш қандай якунланиши ҳақида фикр-мулоҳаза қылған ҳолда иш бошлардим; сүнgra, кези келганды, тұғри тадбир ва қатыңи жазм, ехуд мулоҳазакорлик ва әхтиёткорлик еки узоқни күриб, ортипи үйлаган ҳолда, уни (күнгилдагидек) ниҳоясига етказардим... Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашни эшитишдан сақланардим. Кенгаш ахлидан кимки күйиниб маслаҳат берса, қулоқ солардим, лекин кимки оқилюна гапларни әрларча кескинлик билан сұзласа, уни диққат билан тинглардим. Ҳар кимдан сұз олиб, кенгаш сұрар әдим. Лекин айтылған ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон тарафлари ҳақида үйлаб күргач, тұғри ва савоблироғини тарап болардым»¹.

Амир Темур мансабдор шахсларнинг хусусиятлари ва бурчлариниң күрсатувчи қоидаларни ҳам яратди. Чунки у ҳокимиятнинг мустақамлиги ва фаолиятнинг самарали бұлишида маъмурият вакилларининг тутган үринлари катталигини яхши биларди. У, айниқса, вазир ва лашкарбоши мансабларига зүр эътибор берди. Уннинг күрсатишича, вазир ақл-фаросатлы, сабр-тоқатлы, тинчликсөвар ва қүшинга ғамхұр бұлиши керак. Уннинг сұзicha: «Қамолатта эришган вазир улким, давлат муомалаларини тартибға келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тұғрилик билан, аслинасли тозалигини күрсатыб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик срга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларыда уннинг асилигиги ва тоза насллиги күршииб түрсін. Душманлік ва жабрзулм қылмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бұлсан, ҳар кимнинг номини яхши сұзлар билан тилга олади. Бирордан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бирордан ёмонлик күрган бұлса, унға нисбатан шундай насллик қылады, (охир) ёмонлигидан қайтади. Үзиге ёмонлик қылған одамға нисбатан шундай яхшилик қылады, (охир) олдига бөш эгиб келади. Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларға қулоқ солса, жабр-зулм қылса, үзиге ёқмаган кишиларни йүқотищ пайига түшса, уни вазирлікден тушириш лозим. Наслию зоти наст, ҳасадчи, гина-кең сақловчи, қора күнгилли кишиларға зинҳор вазирлік лавозими берилмасин. Бузықи, қора күнгилли, зоти

¹ Темур тузуклары. 25—27-бетлар.

паст одам вазирлик қылса, давлату салтаат төз орада қулади.. Тажрибали, ишбилармон ва билимдон вазир шундай бүладики, мамлакат ободонлигини, хазина бойлигини доим күзда тутади. Давлат, салтанатга фойда келтирдиган ишларини бажаришга тиришиб, ҳаракат қиласи. Салтанатга зарар етказадиган хатарлы ишларни бартараф қилинша молу жонини аямайды. Синоху раянгта тегишили муҳим ишларни яхшилик йўли билан, тўғри тадбир ишлатиб, амалга оширади. Яхши хулқи вазир шулкин, унинг эзгу ишлари ёмон феъли авторидан устуналик қиласди»¹.

Амир Темур ҳарбий тактика ва стратегияни такомиллаштириди. Қўшининг жанговарлигини таъминлашни бир дақиқа ҳам унумтади. У ўз лашкарбоширига ва аскарларига ниҳоятда гамхўр ва меҳрибон бўлиб, улардан ҳеч нарсани аямади. Натижада, ҳарбий қуроллари такомиллашган ва ўз ватанига содиқ қудратли миллий қўшин юзага келган. Шуниси диққатга сазоворки, бу қўшин Амир Темурининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида бирор маротаба мағлубиятга учрамайди. Бу ҳолат унинг доинини оламга таратиб, душманларни ларзага солди.

«Амирларим ва сипоҳийларимни, — деб ёзади Амир Темур, — мартаба ва унвонлар, олтин-кумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга (ўз ёнимдан) ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Диরҳам ва динорларни улардан дариф тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату мashaққатларини ўзимга олдим ва уларни тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳининг тахтини эгалладим. Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Шом, Миер, иккى Ироқ, Мозандарон, Гилои, Ширвои, Озарбайжон, Форс, Хурросон, Жете Даشتни, Қипчоқ Даشتни, Хоразм, Хутаи, Қобулистан, Бохтарзамин ва Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.²

Шундай қилиб, Амир Темур дунёни лол қолдирган қудратли империяни ташкил этган эди.

Иккинчидан, Амир Темур барно этган мустақил

¹ Темур тузуклари. 94—97-бетлар.

² Темур тузуклари. 69-бет.

ва марказлашган давлат ўлкада ҳунармандчилликни, леҳқончиликни, ички ва ташқи савдонинг ривожланишини таъминлади. Бу туб аҳолининг моддий ва маданий турмушига ижобий таъсир кўрсатди. Амир Темурнинг энг катта хизматларидан бири шуки, солиқ тизимиши тартибга солиб уни фуқароларни шилиш қуролига айланшишига йўл бермади. Бу йўлда одатдагидек қилинадиган адолатсизлик, зўравонлик ва талончиллик сингари жамоа аҳлини қашшоқлаштирадиган усууллар тақиқланди. «Амр этдимки, — дейди Соҳибқирон, — раиятдан мол-хирож йигишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак... Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жихот олинимасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборнишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уринш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, заижир билан кишанламасинлар»¹.

Демак, Соҳибқирон амалда солиқ тўлашликни ихтиёрий, деб ҳисоблаган эди. Бу адолат ва ҳалқпарварликнинг ёрқин намунасиdir, албатта.

Амир Темур сунъий суғоришга ва янги ерларни ўзлаштиришга эътибор берди. «Яна амр этдимки, — дейди у, — кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондага мувофиқ хирож йиғсинлар...

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар»².

Бинобарин, Соҳибқирон она юрт иқтисодий ҳаётини юқори босқичга кўтарди.

¹ Темур тузуклари. 122, 124-бетлар.

² Ғаша асар. 124-бет.

Учинчидан, Амир Темур ободончилик ишларига ҳам эътибор берган. У фан ва маданиятнинг жонкуяри сифатида мақтovга сазовордир. Ҳатто, у олимларнинг махсус кенгашини чақириб ўз нутқида шундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келгандар. Сизлар эса менга инсбатга буидай құлмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатдаadolat үрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимида қурилишини кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришdir. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингизни бериш билан күмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девон (мансаб)ининг сунистетьмол қилиниши, оддий кишиларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан сиқиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу кабиadolatciz ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агар олдин бизнинг диққат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиши учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндилика мамлакатда хотиржамлик үрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос киласми».

Қўриниб турибдики, Амир Темур мамлакатни тараққий эттиришда илм-фан вакилларига таянган. У шаҳар ва қишлоқларда масжидлар, мадрасалар, шифохоналар, саройлар, қозихоналар, қўриқхоналар, кўприклар, савдо расталари қуриш ҳақида фармон берган.

Амир Темур ўз она тили туркӣ, яъни ўзбек тили мавқенини янада оширишда муҳим урин эгаллади. Ҳатто, унинг ўзи туркӣ тилда Амир Ҳусайнга қўйидагича тарзда байт ёзган:

Ерга еткур сабо, ким макр қилмишdir манга
Қилди эрса кимга макрши, қайтадур бир кун анга.

У тарих фанинга жуда қизиқиш билан қараган. Амир Темур айниқса, пойтахт Самарқанд шаҳрининг шоншуҳратини оширишга зўр эътибор берди. Бу ерда тарих, адабиёт, математика, астрономия, геометрия, меъ-

морчиллик ва бошқа соҳалар тараққиёт йўлига ўтди. Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳинзинда мавзолейи ва Гўри Амир сингари ҳашаматли меъморчиллик бинолари қурилди. Унинг атрофида Боги Чинор, Боги Шамол, Боги Дилкушо, Боги Беҳишт, Боги Нав сингари ажойиб боғлар барпо этилди. Шаҳарлардаги кўчалар кенгайтирилди ва ободоналаштирилди, савдо расталари ва бозорлар қурилди. Шаҳар атрофида мусулмон мамлакатлари шаҳарлари — Да-машқ, Бағдод, Миср, Шероз ва Султония номларида қишлоқлар барпо этилди.

Амир Темур Самарқандда подир диний ва илмий асарларни жамлаган йирик кутубхона қурдириб, уни тобора бойитиб борди. Кутубхонада фақат шарқ тилларидағина эмас, балки юнон, лотин, арман ва грузин тилларида ҳам битилган асарлар тұпланған эди. Шу таріқа Самарқанд Амир Темур империяснинг йирик сійесій, иқтисодий ва маданий маркази сифатида донға оламга таради. Шу бойыдан Самарқанд «Сайқали рўйи замин аст — бутун ер юзининг ҳусни», деб таърифланади.

Амир Темур мамлакатнинг бошқа жойларида ҳам ҳашаматли биноларни барпо этган. Масалан: Шахрисабздан Оқсарой, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси ва бошқа ёдгорликлар шулар жумласидандыр. 1392 йилда Сирдарё бўйидаги қадимги Бапекент ўринда янги шаҳар қуриб, унга Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ номи берилди.

Демак, Амир Темур мұғулларнинг узоқ вақтлардан бүён хукмронлиги даврида инқирозга учраган иқтисодий ва маданий ҳаётга жон киргизиб, уни ривожлантиришга бошчилик қилиб, илғор ва тараққий-парвар давлат арбоби сифатида намоён бўлди.

Тұртингидан, Амир Темур Туркистон заманиниң жағон даврасига олиб чиқиб, унинг шон-шуҳратиниң таратди. Яқиндагина мұғулларнинг зулми остида бир бурчакда сиқилиб ва инқирозга учраб ётгай минтақа қисқа вақт ичида оламга танилди. Унинг Эрон, Хиндистон, Турция, Арабистон, Олтин Ўрда, Кавказ ва башқа мамлакатлар билан алоқаси янги босқичга кутарилиб, кенг кўламда ривожланди. Айниқса, Амир Темурнинг Овруно давлатлари билан алоқалар ўрнатиши катта аҳамият касб этди. Чунончи, Византия, Венгрия, Генуя, Испания-Кастилия, Франция ва Анг-

лия билан алоқалар яхши йўлга қўйилди. Бундай мамлакатлар билан бевосита алоқаларни юргизиш Туркистон тарихида илк бор бўлган эди.

Бешинчидан, Амир Темур ўзининг шахсий фазилатлари билан ҳам тарихда ўчмас из қолдирган. У 12 ёшидаёқ сиёсий майдонга чиқиб, мӯғул босқинчилариning аёвсиз зулми ва талон-тарожининг жонли гувоҳи бўлган. Уига ҳалқ оммасининг азоб-уқубатлари ва қашшоқланишин катта таъсир кўрсатиб, ҳандай бўлмасин ватанин озод қилини истаги юзага келди. Бу олий мақсадга эришиш учун мамлакатнинг турли жойларини кезиб, кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирди. Бу йўлда унинг бутун умри курашда ва хавфхатарда ўтиб, бир неча бор ўлим ёқасидан қайтди. Бироқ, азоб-уқубатлардан руҳсизлашмай ва галабалардан мағуррланимай курашни узлуксиз давом эттирди.

Маълумки, Амир Темур таҳтни одатдагидек ота мероси сифатида эмас, балки оқилона сиёсат ва моҳирона кураш орқасидан қўлга киритган. Бунда унинг табиатан ақл-идроқи, жасорати ва тадбиркор бўлганилиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг ўзи кучли шахс бўлганилиги учун рақобатдан чўчимай, ўз атроғи жасоратли ва очиқласига гаплашадиган кишиларни тўплаб иш юритди. У иккюзламачи кишиларнинг ганига қулоқ солмаган, қўрқоқ одамларни ўзига яқинлаштиրмаган. Чунки, ўз соясидан чўчидиган қўл табиатли мансаб эгаларини давлатнинг энг хавфли душмани, деб ҳисоблаган.

Дарҳақиқат, улар ўзларининг қўрқоқлиги ва ожизлиги туфайли лаганбардорлик ва найрангбозлик билан иш юритишлари ҳеч гап эмас. Улар бордию ҳукмдор оқни қора деса, қора деб ёки қорани оқ деса, оқ деб ўзларининг уига гўё содиклигини билдиromoқчи бўладилар. Улар кези келганда, ўз ҳукмдорига ва ҳатто ватанига хиёнат қилишдан ҳам тоймайдилар. Шу боисдан Амир Темур қўл табиатли кишиларни ёқтирумай, ўз қадру қимматини, виждонини, ор-номусини ва ғурурини сақлай оладиган амалдорларни давлатнинг устуни, деб ҳисоблаган. У бу хилдаги кишиларни кўз қорачигидай сақлаган ва ардоқлаган.

Амир Темур жуда ҳушёр ва сезгир бўлиб, прода-сига таянган ҳолда ҳаракат қилган. Ҳатто, у ашаддий душманлари билан умумий тил топиш йўлларини излаб, уларни ўз тарафига оғдирган вақтлари бўлган.

Амир Темур катта ҳарбий маҳораттә эга булиб, құшинин руҳлантирадиган, жанговарлығини оширадын ган ва ғалабани таъминлашни биладиган саркарда зди. У: «Бошимга пұлат дубулға, әгнимга довудий совут кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлигу кураш таҳтига ўтирдим», деган зди.

Амир Темур шахмат үйнашын яхши күрган. У күп давлат раҳбарларига үшшаб ҳокимияттың құлға киригандан кейин үз ҳузур-ҳаловатини үйламай давлатни мустаҳкамлаш учун тинимсиз ҳаракат қылды. Бу ҳақда уннинг үзи шундай ёзған: «Салтанат түнини кийгач, тинчлигу соғлиғим кетди, үз түшагымда роҳатда үхлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Үн икки ёшлигимдан түрли диёрларни кездим, раңжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар құллаб (ғаним) қүшинларни синдиридим. Амирлар ва сипохийларининг исәнларини күрдим, улардан аччиқ сұзлар әшиитдим. Лекин сабру бардош билан үзимни әшиитмаганга, күрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич күтариб, жанг майдонига отылдим ва шу тариқа дүнәда ном чиқардим... Адолат ва инсоф билан тангрининг яратған бандаларини үзімдан рози қылдым».

Дарҳақиқат, Амир Темур мамлакат манфаатлари учун катта куч-ғайрат ва матонат билан тинимсиз курашди.

Иннің яқун ясаб шуни қаид қилицілік лозимки, Амир Темур давлати замон тақозосыға күра 130 йил яшади. Лекин у бутунлай емирилиб кетмади. Чунончи, буюк Бобур бу давлатни Хиндистонда тиклади.

Маълумки, бу мамлакаттің илгари ҳам Амир Темур әгаллаган зди. Бу ерда Темурийлар давлаты 332 йил (1526—1858) ҳукм сурди. Ҳаммаси жамланғанда Темурийлар давлаты Үрта Осиё ва Хиндистонда салқам 500 йил яшади. Бу узоқ давр ичіда ҳар икки империяда Амир Темур асос солған сиесаттамендердің әдебиеттерінде, фан ва маданият юксак даражага күтарилды. Бу ажойиб қаруаннамалар жағон маданияттың қазақстандықтардың мемлекеттің мәдениеттің бірінші орталығы болып саналған.

Хулоса шуки, машхұр давлат арбоби, моңир лашарбоши, ватаппарвар ва тараққијапарвар кишини сиғатида тарихимиздин олтын сақиғаларынға битилған Амир Темур том маңындағы Ватан бургутидір.

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИҚАТИ ЕХУД ИБРОҲИМ МУМИНОВНИНГ ТАРИХИЙ ЖАСОРАТИ

Мустақиллик ва озодлик шарофати ила утмиш, тарихни ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очилди. Айпиқса, Амир Темур фаолиятини ёритиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, бу табаррук зот буюк давлат арбоби, машҳур лашкарбоши сифатида олам узра шуҳрат қозонганди. Аммо улуғ миллатчилик ғоялари билан суфорилган мустамлакачилар Амир Темурни қоралашга ҳеч нарсадан тоймадилар. Бундай тарихни сохталаштиришга қарши кураш ўша мудҳиш совет давридаёқ бошланганди. Бу ниҳоятда муҳим ишга биринчилардан бўлиб таниқли олим И. Мўминов қўл урган эди. Бундай ҳаракат жамоа аҳлини ҳайратга соглани ҳамон эсимда. Чунки қаттиқ назорат ва таъқиб ҳукм суроётган оғир шароитда мустақиллик рамзи ҳисобланган — Амир Темурни «оқлаш» ҳақида ошкора ёзиш ҳазил гап бўлмаган. Бунинг учун ватанпарвар, миллатпарвар ва жасоратли бўлиш зарур эди. И. Мўминов худди шундай олим сифатида ўзини кўрсатди. И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китоби нашр этилганда ниҳоятда эзилган ва хўрланган ўзбек халқида ғуурланиш ва фахрланиш туйғулари уйғониб, елкасига офтоб ва кўкрагига шамол теккандек бўлди. Ўз-ўзини англаш ва миллий ҳисстийғулар жўш ура бошлади.

Бу ҳолат коммунистик партиянинг ғазабини қўзгатиши турган гап эди. Натижада хавф-хатар ва мишиши гаплар зўрайиб борди. Марказдагилар И. Мўминов ва унинг тарафдорларига қарши курашда одатдагидек айрим мурт кишиларни ишга солишиди, яъни «сопи ўзидан чиқарилди».

Хўш, Амир Темурни «оқлаш» ва унга қарши кўраш жараёни қандай кечган эди?

Авваламбор шуни айтиш лозимки, мени УзРФА Тарих институти директориининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва айни пайтда бўлим раҳбари лавозимида ишлардим. Шу боис И. Мўминов мени чақириб деди:

— Энди тарихий шахсларни, бирничи навбатда, Амир Темур фаолиятини ўрганиш заруряти туғилди. Бу масала бўйича институтда қандай ишлар қилинган?

— Афсуски, ҳеч бир иш олиб борилмаган, биласиз, бундай масалани режалаштиришнинг имкони йўқ, рухсат берилмайди. Менинча, хоҳиш-продакторат бўлса, йўлини топса бўлади.

— Ҳамидулла! Қачонгача ватани ва халқига фидокорона хизмат қилган давлат арбоблари ҳораланиди. Сизга топшириқ шуки, мутахассислар билан Амир Темур ҳақида илмий иш ёзиш борасида гаплашинг. Кўрқманлар, қувватлаймиз ва ёрдам берамиз.

Очиғини айтганда, Иброҳим аканинг бу сўзлари менинг учун файритабний бўлиб кўринмади. Чунки, у кинни билан кўп йиллар мобайнида суҳбатларида бўлиб, ўтмиш тарихга меҳр-муҳаббатини ва ватанпарварлигини яхши билардим.

Бир ҳафта давомида тарихчилар билан суҳбатлашдим, лекин бирор киши Амир Темур ҳақида иш ёзишга розилик билдирамади.

Марҳум академик Яҳсё ака эса менга шундай деди:

— Мен жон деб бу ишни қиласдим, лекин қандва кўз касаллигининг зўрайиши орқасида имконим йўқ. Агар кимки бу ишни қиласа ёрдамимни аямайман. Бир гапни ҳар эҳтимолга қарши айтай: Амир Темурга ижобий баҳо берсак, ҳаммамизни миллатчиликда айлашлари мумкин. Менинг учун буни ҳеч қандай хавфи йўқ, чунки акам халқ душмани сифатида отилгандан кейин мени терговга чақиравериб кўп азоб беришган. Бордию миллатчиликда айлашса, Иброҳим Мўминовни Шароф Рашидовнинг қудаси бўлганилиги учун сийлашлари турган гап. Бошқа одамларни ким ўз ҳимоясига олади. Масалан, шахсанизни ким балодан қутқара олади.

— Яҳсё ака, мени ўзим асли урушда ўлиб кетадиган одам эдим, лекин эсон-омон қолиб шу даражага

етдим. Сийловга қолғаи үмрімнің тарих фанні учудың қурбон қилишін розиман, — дедім.

— Ҳамма нарсаны тушуның турибман, сизни синаң күрай деган әдім. Сиз үзінгіз танлаган йұлдан кетаберинг, асло құрқманғ!

Мен Иброҳим ақага розилік билдирган бирорта тарихчнин тополмагаппілгімні маълум қілдім. Бир неча дақықа Иброҳим ақа ранғы оқарыб ва жаҳли чиқып деді:

— Наҳотки тарихчиларннің орасидан битта ҳам хұroz топылмаса, бу жуда уят-ку, ахир.

— Аввало, үрта аср тарихи бүйічә мутахассислар жуда оз, ёшлар эса совет даври тарихини үрганишга жалб этилган.

— Биз үтмиш замон тарихини үнүтмаслигимиз лозым, — деді Иброҳим ақа.

Күп үтмай Иброҳим ақа Амир Темур фаолиятнин шахсан үзи ёзіншін ақд қылғанлығыні маълум қілді. Бу мени ва бошқа олимларни ҳайратлантириды. Чунки Иброҳим ақа партия гоявий сиёсатининг бөш раҳбары, депутат ва давлатннің ишончли кишиларидан бұлатуриб, қораланаётган Амир Темурни үрганишга жазм этиши ғалати бир ҳодиса булып күринди. Ҳатто, бунга Шароф Рашидовдан рухсат бұлғанми ёки ійқимин, деган фикрлар оралаб қолди. Менимча, Иброҳим аканинг ватанпарварлығы, мәрдлігі ва жасоратын устун келген әди. У бир неча ой давомыда майданаларни құнт билан үрганиб ва умумлаштириб ишни ниҳоясига етказди. Бу ишга тақризлар ва упинг мұхомамасини үюштириш менга топширилди. Гарчанд иш билан танишган олимларда у яхши таассурот қолдирған бұлса-да, тақризни ёзма равишда олиш қыннінчилик билан бұлды. Бирок, мәрд олимлар топылды. Иброҳим ақа ишни қаерда ва қайси донрада мұхомама қилиш ҳақида фикр сұрады. Мен бунга жавобан: «ФА тарихшунослық, тиљшунослық ва адабиётшунослық бұлымларннің кеңгайтирилған йыгилишида үтказылса яхни бұларды», дедім. Иброҳим ақа аввал бу тақлифни маъқуллаган бұлса-да, лекин иккі-үч кундан кейин мени чақириб, Ўзбекистон Фанлар академиясы президиумннің кеңгайтирилған мажлисінде мұхомамадан үтказылшини маълум қілді.

Ниҳоят, 1968 йыл 5 май соат үнда Академияннің бириңінчи қаватындағы кичик залда академия президи-

умининг кенгашни очилди. Аммо бу йигнинг келаетган кишиларниң раиги ўчган ва кайфияти наст бўлиб, кўзларида хавотирлик ва қўрқув аломатлари яққол билиниб турарди. Шу тарэда О. С. Содиқов ҳам кириб келди. Кетма-кет академиклар: А. М. Музafferov, В. Кобулов, С. Н. Рижов, Е. Х. Тўрақулов, М. Н. Набиев, С. Х. Сирожиддинов, М. Т. Ойбек, Я. Ғуломов, В. П. Шчеглов; Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари: М. З. Ҳамидхонов, М. К. Нурмуҳамедов, Ш. З. Үразаев, О. Э. Эшонов, М. И. Йўлдошев, Р. Х. Аминова, Ю. С. Султонов; фан докторлари: М. М. Хайруллаев, А. А. Аъзамхўжаев, Б. В. Лунин, Х. Ш. Иноятов, Ҳ. С. Сулаймонов, Ҳ. Т. Зарифов, А. Ҳ. Ҳайитметов, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Э. Фозилов, Т. Р. Рашидов, О. Д. Чехович, Ф. Абдуллаев; фан номзодлари: М. О. Охуисова, С. А. Азимжонова, У. Каримов, Қ. Муниров, Қ. К. Қомилов, А. Т. Муҳаммаджонов, А. У. Үришибоев, С. Мирҳосилов, А. А. Асқаров ва бошқалар кириб келишиди.

Мана О. С. Содиқов маъюслик ва эҳтиётлик билан кенгашни очиб, маъруза учун сўзни Иброҳим акага берди. Бу киши ўзига тўла ишонган ва мардонавор ҳолда Амир Темур фаолиятини бирма-бир шарҳлаб, уни машҳур давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида таърифлади. Маъруза вақтида шу даражада жимжитлик ҳукмрон эдики, агар пашша учса билинарди.

Музокарада Иброҳим аканинг ишини ёқлаб Я. Ғуломов, Ҳ. Зиёев, О. Э. Эшонов, Ш. З. Үразаев, Ҳ. С. Сулаймонов, Б. В. Лунин, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, М. Хайруллаев, М. К. Нурмуҳамедов, Р. Аминова ва Х. Ш. Иноятовлар сўзга чиқдилар.

Кенгаш бир оғиздан Иброҳим акани «Амир Темурниң Урта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китобини чоп этиши ҳақида қарор қилди. Шундан кейин қатнапчиларниң юзида қўрқув ва хавотирлик аломатлари янада кучайиб, зал бир зумда бушаб қолгани эди. Мен Отабой ака Эшонов билан Яҳё аканинг хонасига бир пиёла чой ичишга кирдик. Учаламиз апча ҳаяжонланган ҳолда бир-биrimizин табриклидик. Яҳё ака деди:

— Ҳўп зўр иш булди, мен кенгаш жанжалга айланса керак, леб ўйлаган эдим. Менимча, кенгаш президиум доирасида ўtkазилишининг салобати босиб

кетдімін, ҳеч ким «ғінғ» дес олмади. Энди, шуның айтиб құяйки, иккаланғыз ҳам «қора хат»га түшдингиз.

— Яхё ака, — деди Отабой ака, — бугун қурбон бұлишга арзийдиган иш бұлды, құлларидан келса осмонға олиб чиқып, ташлаб юборсиналар.

Чамаси, бир соаттардан кейин Иброҳим ака мениң үз хузурига чақырди.

Маълумки, қанд қасаллиги туфайли Иброҳим аканың ранги ҳамиша үчганроқ күрінарди, лекин энди у кишининг ранглари қизарған ва күзларидан нур ёғи-либ турарди, кайфияти ниҳоятда баланд эди. Гапнинг очиғини айтганда, мен Иброҳим акани бундай ҳолатда биринчи күришим эди. У дархол үрнидан туриб қулини мен томон өзүиб күришгандан кейин, катта муваффақият билан табриклидім.

— Ҳамидулла, — деди Иброҳим ака, — мениң номимдан музокараларга чиққанларга яна бир бор миннатдорчилік билдириңг, айниқса, Яхё Ғуломовдан курсандылғымни айтинг.

— Бугунғи кенгаш, — дедим мен, — тарихга муҳым воқеа сифатида киради.

Иброҳим ака деди:

— Ҳақиқатан ҳам улуғ иш бұлды, бироқ у фақат бизгагина әмас, балки кенгашда қатнашған химиклар, математиклар, биологлар, ғылыми-техниклер, шарқшынослар ва башқа соxa вакиллари учун ҳам қутлуг күп бұлды. Уларнинг кенгашда қатиашиб бизни тарағимизда туриши катта мадад хисобланади. Қейинчалик Тарих институтида «Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи» бўлимини ташкил қилип, уни چукур ва атрофлича ўрганамиз.

1968 йилда Иброҳим акашыннің «Амир Темурининг Ўрта Осие тарихидаги тутған ўрни ва рөли» деган китоби ўзбек ва рус тилларida чоп этилди. У кишинин ташаббуси ва бевосита иштирокида «Амир Темур түзуклари» ва Шарафуддин Али Яздийнин «Зафарнома» асарлари нашр қилинди. Шу равишда Иброҳим ака тарихні сохталаштиришга қарши биринчилардан бўлиб дадил ва ошкора бош күтарған олим эди.

Амир Темур ҳақидағы юқорида күрсатылған ишларының нашр этилниңи бутун республика зиёли аҳлини ва умуман, жамоаны тұлғынлантыриб юборди. Күчада кетаётганимда дуч келған таниш-билишлар табрикли.

шеб, Иброҳим ақадаи гоятда мамиун эканликлариниң изхор қиласидилар. Бундан ташқари, менга одамлар кетма-кет телефон қилишиб, Иброҳим акага қойил қолғанликларини билдиришар, китобидан топиб беришими илтимос қиласидилар. Тез кунда китоблар сотилиб кетди, аммо унга талаб зўрайиб бораверди. Шу боисдан мен Иброҳим акага китобни қайта нашр этишилкни сўрадим, лекин у киши сабр қилиб туришини айтди. Қўп ўтмай, бир гурӯҳ кишилар, хусусан М. Ваҳобов, М. Абдураимов, Р. Набиев ва бошқалар Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришда қораладилар. М. Ваҳобов партия фаоллари йигилиларида ва бошқа жойларда Иброҳим акани қаттиқ тақиғид қиласидарди. Менинг ёки Яхе́ аканинг хонасида Иброҳим акага қарши қилинаётган ҳужумни қайтарэда бартараф қилиш ҳақида фикр юритиларди. Бунда О. Эшонов, М. К. Нурмуҳамедов ва бошқа кишилар ҳам қатнашарди. Яхе́ ака менга Иброҳим аканинг китобига тақриз ёзишни таклиф қилди. Иброҳим ака эса деди:

— Ҳозир Амир Темур ҳақидаги китобдан фақат Узбекистондагина эмас, балки Москва ва бошқа жумҳуриятларда қаттиқ норози кишилар бор. Айниқса, Москвадаги бир гурӯҳ олимлар тўполон қилишяпти. Бу иш аланга оладиганга ўхшайди, тагин Сиз жабрланиб қолманг.

— Иброҳим ака, — дедим мен, — кемага тушганинг жони бир, деганилариdek, биргаликда курашамиз.

Бу гапимни Яхе́ ака тўла қувватлади. Шу билан сұхбат тугади. Бир ҳафтадан кейин «Совет Узбекистони» газетасининг муҳаррири М. Қориевга тағризни тоширганимда бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилишини айтди. Қўнғироқ қилиб, ижобий жавоб олдим ва бир неча кундан кейин тақриз «Илмий рисола» номида «Совет Узбекистони» газетасида (1969 йил, 4 январь) чоп этилди. Бунда китобда қўйилган масалалар ва фикрлар тўла қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака айтганлариdek, китобга қарши ҳаракатлар авжига миниб борди. Москвада КПСС Марказий Комитети фан бўлимининг ташаббуси билан республикалар тарихчиларининг йиғилиши ўтказилди. Бу йигилишда Тарих институти директори М. Охупова ҳам қатнашган эди. У Тошкентга қайтгандан кейин менга деди: «Пирилишда акаде-

Мик Ь. Щафуров, Ўзбекистонда одамларнинг бошидан минора ясаган золим Амир Темур кўкларга кутарилиб Ватан қаҳрамонига айлантирилди. Шунингдек, у Шароф Рашидовга телефон орқали бундан ўзини қаттиқ норозилигини билдирганинги маълум қилибди. Залда ўтирганлар орасида ғала-ғовур бошланиб қаттиқ «чоралар кўриш ҳақида луқмалар ташланибди». Биласизки, — деди сўзини давом эттириб Мели Охунова, — Иброҳим Мўминовичнинг саломатлиги яхши эмас, мен бор гапни айтсан, оғирлашиб қолишлари мумкин. Шунинг учун сиз ётиғи билан тушунтирангиз яхши бўларди».

Мен бунга рози бўлиб, Иброҳим акага умумий тарзда маълум қилганимда, «хабарим бор, лекин айтинг, Мелихон олдимга келсин», — деди.

Мели Охунова у кишининг ҳузурида бўлгандан кейин мени чақириди. Кирсан, унинг кўзи ёшланган ва ҳаяжонланган ҳолда ўтирибди.

— Ишқилиб охири, — деди Мели Охунова, — яхшилик билан тамом бўлсин-да. Иброҳим акага менга, йиғилишда икки оғиз гапирганингизда жуда ўринли бўларди, деб хафа бўлди. Ахир, ўзингиз ўйланг, мен совет даври бўйича мутахассис бўла туриб, қанақасига Амир Темур масаласи бўйича сўзга чиқишим мумкин эди.

— Гапингиз тўғри, лекин институт раҳбари сифатида умумий тарзда сўзга чиқсангиз яхши бўларди, — дедим.

— Ким билади дейсиз, — деди Мели Охунова, — хаёлда йўқ нарса тўсатдан гапирилгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли.

Хуллас, борган сари Иброҳим акага ҳужум зўрабиб борди. Чунончи, А. П. Новосельцевнинг «Вопросы историии журналистики» журналида (Москва, 1973, № 2), «Литературная газета»да ва М. Абдураимовнинг «История СССР» журналида (Москва, 1973, № 5) Иброҳим аканинг китобига қарши мақолалар чоп этилди. Уларда Иброҳим акани Амир Темурни идеаллаштиришида айблашиб, қаттиқ қораладилар. Ваҳоланки, марҳум М. Абдураимов бир вақтлар ўзининг «Темур ва Тўхтамиш» номидаги кандидатлик диссертацияси ва кейинроқ эълон қилинган бир мақоласида Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида ижобий роль ўйнаганинги кўрсатиб ўтган эди. Аммо,

ўзининг бу фикрини журнал таҳририятидан яширган ҳолда, Иброҳим акани қаттиқ таңқид ўқига тутди.

Мен дарҳол унга қарши мақола ёзиб Яхе ақага ва Иброҳим ақага кўрсатдим. Улар мақолани маъқуллашди. Тахминан икки-уч кунлар ўтгацдан кейин Иброҳим ака мени чақириб мақолани Шароф Рашидовнинг руҳсатиниз юбормасликни тайинлади. Қўй ўтмай мени Шароф Рашидов қабул қилиди. Бу кишига ҳам мақола маъқул тушиб, леди:

— Кўриб турибмизки, Амир Темур масаласи бўйи-ча кўтарилиган норозиллик авжига чиқди. Айтинг-чи, сиз ўз фикрингизда охиригача қаттиқ турасизми?

— Шароф Рашидович, — дедим мени, — ҳар қандай шароитда ўз сўзимда турғанман, бундан кейин ҳам шундай бўлишига Сизни ишонтираман.

— Яхши, ҳозироқ бу мақолани «История СССР» журналига юборинг.

— Борди-ю, — дедим мени, — шу мақолани Академиямиз журналида ёки бирорта газетада ҳам чоп эттирасак қалай бўларкин.

— Бундай қилиш, — деди Шароф Рашидов, — «оловга керосин» қўйиш билан тенгдир. Менинчя, Москвада ўша журналда чиққани ҳар жиҳатдан яхшидир.

Мени Шароф Рашидов билан суҳбатлашганимдан кейин англадимки, Иброҳим ака унинг розилиги билан иш юритган. Ўша даврдаги унинг ҳолатида, яъни қариндошлилик ва мансаб юзасидан, ўзбошимчалик билан Амир Темурни ўрганишга киришиши мумкин эмас эди, албатта. Буни Соҳибқиронга бағишиланган китобнинг зудлик билан чоп этилиши ҳам исботлайди.

Мен мақоламни Москвага 1974 йил май ойида юборган эдим, жавобини ўша йилнинг сентябрида олдим. Бу вақтда Иброҳим ака оламдан ўтган эди.

Бу хусусда журнал муҳаррирининг ўриибосари Красильников имзо чеккан ўша жавоб ҳатида шундай дейилган: «Абдураимов ўзининг Амир Темур ҳақидаги ижобий фикрларидан қайтганлигини ҳеч қачон ошкора маълум қилган эмас. Шу боис, у бу масалага бағишиланган адабиётларга таңқидий баҳо беришга маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқ эди, деб ўйлаймиз. Буни яна шу нарса тасдиқлайдики, у «XV—XVI асрларда Узбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан» номли тўпламдаги, асо-

сан, Амир Темурга багишланган мақоласини тилга олмай журналга Иброҳим Мұміновнинг ишини таңқид қилиб мақола юборган». Умуман, журнал таҳририяти Иброҳим Мұміновнинг китобидаги Амир Темур буюк давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, фан ва маданият ҳомийсі ҳамда қудратли шахс сифатида тавдлантирилғанлыгын қаттық қоралаб, мақоламни бо-сишдан бош тортди. Шунга қарамай, мен иккинчи маротаба уннан чоң этишиликни сўраб таҳририятга мурожаат қилдим. Бироқ, бу гал ҳам мақоламни чиқаролмасликларини маълум қилишди. Шахсан менинг ўзим М. Абдураимов билан яқин муносабатда бўлганиман. У тарихга доир кўплаб сермазмун илмий асарлариниг муаллифидир. Шунингдек, у Амир Темур фаолияти ҳақида яхши фикрларни ёзган. Узаро сұхбатларда ҳам Соҳибқироннинг хизматларини тан оларди.

М. Абдураимовнинг нима учун тўсатдан «тўнини тескари» кийғанлигининг сабаби том маънодаги илмий баҳс эмас, балки кўпроқ айрим кишиларнинг айби билан юзага келган шахсий адватларнинг маҳсули бўлган эди. Бундан ташқари, ўша даврдаги совет тузуми «сувни лойқалатиб» туришдан ўта манфаатдор эди.

Иброҳим ака ҳеч вақт айрим раҳбарларга үхшаб, кишининг иуқсоциини ва ишидаги камчилигини рукач қилиб, у ёки бу муаллифни кўпчиликнинг ҳузурида дилини сиёҳ қилмас эди. Борди-ю, камчилик ва хатоларини кўрсатиш лозим бўлса, муаллиф ва институт раҳбарини ҳузурига чақириб таңқид қиласарди. Умуман олганда, Иброҳим ака у ёки бу илмий ишнинг камчилигидан фойдаланиб, шовқин-сурон ва жанжал кўтиришга йўл қўймаган. У менга шундай деган эди: «Ўзингизнинг фарзандингизни қаидай эҳтиёт қилсангиз, илмий ишлар қайси даражада ёзилишидан қатъий назар, шунчалик эҳтиёт қилинг. Унинг сифатини яхшилашга холис ва ўргоқларча ёндошинг, ишни Илмий Кенгаш мажлисигача камчиликларини тузатиш лозимлигини унутманг. Шундай қилинса, одамлар ўртасида аҳилчилик сақланади».

Фурсатдан фойдаланиб, Иброҳим аканинг фаолияти ва фазилатларига диққатни жалб этмоқчимаш. Чунки улар бошқалар учун ҳам ишқоятда ибратлиидир.

Мен Иброҳим ака билан 1955—1956 йилларда, яъни Тарих институтининг директори лавозимида ишлаганларида яқиндан танишганман. Мен у вақтларда

институтининг «Янги тарих» бўлимида катта цлмий ходим сифатида ишлар эдим. Гапнинг очиғини айтганда, мутахассислиги файласуф бўлган қишининг Тарих институтига бошлиқ қилиб тайинланиши бизларни таажжублантирганди. Бироқ, ვақт ўтиши билан бу фикрнинг қанчалик асоссизлигига шунчалик кўп ишондик. Иброҳим ака ўзининг соғдилиги, ишбилармонлиги ва камтарлиги билан намоён бўлди. У айрим директорларга ўхшаб вақтларини кўпроқ бекорчилик билан ўтказадиган ва турли йўллар билан катталарнинг биқининг суқилиб кирадиган «содик» кишиларга эмас, балки ҳалол ва меҳнатсевар ходимларга таяниб иш юритарди. Натижада, анча ўпирилган Тарих институтида муҳим ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо, кўп ўтмай Иброҳим ака Узбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасига сайланди. Шундан кейин ҳам у одатда бўлганидек, Тарих институтига умумий раҳбаргина эмас, аксинча, шу институтнинг ҳақиқий жонкуяри бўлди.

У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағри кенглик сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда, Иброҳим ака ўта камтарлиги ва муруватлилиги билан ажralиб туради.

Иброҳим ака ўзи эгаллаб турган лавозимнинг ниҳоятда муҳимлиги ва масъулиятлилигини яхши англаб, ижтимоий фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилди. У менинг мутахассислигим файласуфлик деб, ўзини четга олмай тарих, фалсафа, адабиёт, тиљшунослик ва шарқшунослик фанларига доир илмий ишларни тайёрлаш ва нашр этишга алоҳида аҳамият берарди, у ёки бу иш буйича фикрмуюлаҳазаларини билдиради.

Хуллас, Иброҳим аканинг хонаси одатдагидек, бўйруқбозлик, дўқ-пўписа, майдачўйда гаплар ва умуман, расмиятчилик ҳамда юзакичилик маконига эмас, балки том маънодаги илмий ижодхонаага айланти эди. Бу ерда институт раҳбарларидан ташқари, кўплаб бўлим мудирлари, илмий ходимлар, докторантлар, аспирантлар ва оддий кишилар булишиб, ижодларига барака ва дардларига малҳам топганлар. У кишининг қабулхонасидан одам аrimас эди. Булар бежиз бўлмаган, албатта. У кўилаб фан докторлари ва номзодларини стиштиришга улкан ҳисса қўшди.

Маълумки, Иброҳим ака ўзбек халқининг бой маданий меросини жуда қадрловчи шахс сифатида доинг чиқарган эди. Беруний, Иби Сино, Форобий ва бошқа буюк олимларнинг асарларини чоп этишда ва юбилейларини ўтказишдаги илмий ва ташкилий ишлари ҳеч қачон унтутилмайди. Унинг бевосита кўрсатмаси билан Тарих институтида «Ўзбекистон маданийи тарихи» бўлими очилди. Бу бўлим зиммасига ўтмиш ва ҳозирги замон маданийига оид барча соҳаларни ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси юклагилди. Аммо, Иброҳим ака вафотидан кейин бу иш сусайиб кетди. Иброҳим ака қадимий ва ҳозирги замон шаҳарлар тарихини ўрганиш учун институтда «Шаҳарлар тарихи» бўлимини ташкил қилди. Бу бўлим Иброҳим аканинг масъул муҳаррирлигида икки жилди «Самарқанд тарихи», «Бухоро тарихи» ва «Хоразм тарихи» сингари китобларни чоп этди. Сўнгра Тошкент, Андижон, Кўқон ва бошқа шаҳарлар тарихига доир асарлар яратилди.

Иброҳим ака туфайли Тарих институтида «Иккинчи жаҳон уруши тарихи», «Суғориш тарихи» ва «Тарих шунослик» бўлиmlари юзага келиб, кўплаб илмий ишлар қилинди.

Умумий хулоса шуки, Иброҳим аканинг Амир Темур ҳақидаги китобига қарши ҳужумлар ва уни бартараф қилиш ҳаракати умумлаштирганда 1969 йилдан то 1974 йилгача, яъни у кишининг вафотигача давом қилди. Бу машаққатли йилларда Иброҳим ака устидан Марказга кўплаб имзоли ва имзосиз хатлар юборилди. Ҳатто, улар орасида 50 йил аввалги Иброҳим акани «булғалашга» қаратилган тухмат сўзлар ҳам мавжуд эди. Иброҳим акани айниқса, адолатсизлик ва тухматлар руҳида ёзилга хатлар соғлиғини ёмонлаштира борди. Кунларнинг бирида Иброҳим ака менга деди: «Сиз кўрасиз, шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк шахс сифатида қадрлайдилар». Буни қарангки, унинг бу башорати ҳозирда кўз ўнгимиизда рӯёбга чиқиб, Амир Темур мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида қадр-қиммати ўрнига қўйилди. Бундай бўлишида Президентимиз Ислом Каrimovning саъй-ҳаракати бекиёсdir.

Иброҳим Мўминов умрининг охиригача ўз ватани ва миллати равнақи учун кучини ва билимини аямади. У ватанпарварлиги ва илм-фаннинги чинакам фидойиси сифатида шуҳрат қозониб, миллатимизнинг миллий ҳис-

түйғулари ва сиёсий онганинг ўсишига катта ҳисса құшган эди. Шубҳасиз, уннег күрсатған жасорати ва матонати ҳеч қачон уптилмайди. Айниңса, Мустақил-лик даврида уннег асарлари жуда асқотиб, миллій-формаз әлқинларини тұлдиришда яқындан өрдам бермокда.

САЛТАНАТ ТАЯНЧИ ВА ДАВЛАТ МАДАДКОРИ

То қиёматгача ва қиёматда ҳам улуг ҳазрат Навоийнинг яхши ишлари на ёқимли феълларининг зикри замон саҳифаларида, кечада кундуз варақларида мангу қоллур. Доинипмавдлар яхши ном қолдиришини алоҳида, бир умр деганилар.

ХОНДАМИР

Мустақиллик шарофати ила маънавий ҳайтининг барча соҳаларида муҳим ўзғаришлар ва ютуқларга эришилмоқда. Бой тарихимиз, хусусан, олиму фозиллар, шоирлар, давлат арбоблари ва дин пешволарининг фаолияти холисона ёритилиб, қадр-қимматлари ўрнига қўйилмоқда. Улар орасида Олий Ҳазрат Алишер Навоий ҳам қуёш каби порлаб турибди.

Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан Алишер Навоийнинг ҳайкали озодлик, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик рамзи сифатида Мустақиллик bogига ўринатилди. Мана шу тарихий кундан бошлаб ҳозиргача уни минглаб юртдошларимиз, хорижий мамлакатларининг атоқли давлат ва жамоат арбоблари, фуқаролари зўр ҳурмат ва эҳтиром ила зиёрат қилдилар. Бундай зиёратчиларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Олий Ҳазратнинг ҳайкали оламшумул аҳамиятга молик зиёратгоҳ сифатида гавдаланиб турибди.

Эндиликда Олий Ҳазрат чинакам қадр-қимматини топди. Аммо жамоа орасида Алишер Навоийни кўпроқ «шеърият сultonни» сифатида яхши билишиб, унинг кўп қиррали фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган кишилар бор экан. Масалан, бир тўйда рӯпарамда ўтирган ёш меҳмонлар Алишер Навоий пеъри билан айтилган ашула эшитилгандан кейин менга дейишди:

— Домла, Сизни тарихчи олимларнингизни биламиз. Лайтинг-чи, нима учун айнан Алишер Навоийнинг ҳайкали Мустақиллик bogига ўринатилди. Нима, бизнинг тарихимиз XV асрдан бошланганми?.. Ахир ундан бир неча юз йиллар илгари ҳам олимлар ва бошқа атоқли кишилар ўтган-ку?

— Савол жуда түғри, — дедим мен, — ҳақиқатан ҳам бир неча асрлар бурун күп тарихий шахслар фАОЛият күрсатган. Бироқ, Алишер Навоийга ўшаган фАОЛият шоир ёки олимгина эмас, балки айни пайтда, иирик давлат арбоби, бунёдкор ва тараққийпарвар булган кимсани учратиш қийин. Бу хусусда унга тенглашадиган шоир йўқ, дейилса муболага бўлмайди. Ҳатто, у ўзбек тилининг равнақи учун ҳам курашган алломадир.

Мен далиллар асосида Алишер Навоийнинг күп қиррални фАОЛиятини айтганимдан кейин меҳмонлар қаноат ҳосил қилиб:

— Эди яхши билиб олдик, унинг ҳайкалининг ўринидиши бежиз бўлмагац экан, — дейинди.

Менинг кейинги кузатувларим ҳам, Алишер Навоийнинг тарихий хизматини етарли даражада билмайдиган кишилар оз эмас экан, деган хulosага олиб келди. Шу боис, мазкур мақолани ёзишга киришиб, Олий Ҳазратнинг күп қиррални фАОЛиятини ёритишга ҳаракат қилдим.

СИЕСНИ ФАОЛИЯТИ

Алишер Навоий Темурийлар давлатининг сўнгги босқичида, яъни Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги вақтида саройда муҳрдорлик ва вазир лавозимларида ишлаб, ўзининг бурчи ва вазифасини катта масъулият билан адо этди. «Ҳирот пойтактига, — деб ёзади Ҳондамир, — Соҳибқирон (Султон Ҳусайн Бойқаро) салтанат ва иқбол байроғини тиклади ва у фазл ва камол доирасининг маркази — (Навоий) бу мақтовли шаҳарга муборак қадамини қўйди. Бунда энг юқори даражага кўтарилиб, шавкатли подиоҳ пошиблигини қўлга киритиб, ҳукумат арбобларининг раҳбарлигини, бутун ҳалқ ва ҳукумат мақсадларини ҳал қилишини, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солинши, дин ва давлат аҳволини интизомга қўйинши ўз зиммасига олди».¹ Бинобарин, Алишер Навоийга давлат бошқарувидаги ваколатлар берилганди. Амалда у мамлакатда Султондан кейин иккинчи шахс сифатида мухим ўрин эгаллайди. Алишер Навоий «Худога, пайғамбарга ва буйруқ эгаларига итоат қилинг» ва «Бир соатлик адо-

¹ Ғиёссиддип Бинни Ҳумомиддин Ҳондамир. Макоримул-ахлоқ (Яхши хулиқлар). Тошкент, 1967, 39-б.

лат олтмиш йиллик ибодатдан афзал» деган сўзларга амал қилиб, амирлик таҳтини ва ҳукумат мансабини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ва жабр-жафоларни бартараф этиб, адолат ва инсоф эшиклари-ни инсонларга очиб берди.

Байт:

Навоий «Ҳашаматли ер юзига
адолат қўлини ёди.
Унинг дайбати аулам
асенип занжирга солди».

Демак, Алишер Навоий сиёсатни ақл-идрок, билим-донлик ва ҳалоллик билан юргизини орқасида мамлакатда адолат ва инсоф ҳукм суриб, давлатнинг куч-қудрати анча мустаҳкамланди. Ҳақиқатан ҳам дехқонлар, ҳунармандлар ва умуман, меҳнаткаш омманинг мағфаатлари ҳисобга олинган ҳолда иш юритилишин орқасида Олий Ҳазратини билмаган ва сийлатмаган одам қолмади. Навоийнинг «яхшиликлари зикри ва таъносифларининг овозаси дунёнинг ҳамма томонига ёйилган ва одам болалари орасида тилдан-тилга ўтиб, оғиздан-оғизга кўчиб айланиб юрган, очиқ чеҳраларидан улуғлик ва юксаклик нурлари порлаб турган».¹

Шуни айтиш лозимки, ўрта аср шароитида иш юритиш осон бўлган эмас. Чунки ўзаро таҳт учун курашлар ва зиддиятлар авж олган эди. Мана шундай оғир ва хатарли шароитда жамият мувозанатини таъминлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаган. Шунинг учун ҳам шахсан Султон Ҳусайн Бойқаро ва бутун жамоа аҳли Алишер Навоийнинг давлат ва халқ олдидағи беқиёс катта хизматларини юқори баҳолаб, қадр-қимматини ўрнига қўйиб, миннатдорлик ва эҳтиромларини изҳор этиб турганилар. Бу ҳақда Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни ҳажга бориш ҳақидаги сўровига жавобан йўллаган хати ҳам далолат беради. Унда шундай дейилган: «Салтанаат рукин мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зудбаси, миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассаси, покиза ишларга йўлланган, ҳаққоний давлатнинг маладкори, Султон ҳазратининг яқини Низомиддин Амир Алишер жаноб-

¹ Макоримул-ахлоқ, 21-б.

ларига лутфамиз күп дуолар ва шавқ құзғатувчи саломлар түпламиини етказамиз, файзли мұлоқтлари орзуси шарқ ва баён доирасидан ортиқдир... Гап шуки, ҳаммага, балки оламга ва олам ахлига ошкордирки, ул жаноб билан бирлік ва ҳамжиғатлық ва бөгланиш алоқаси ва ҳамнағасликни кичикликдан то шу кунгача қайси даражагача олиб борғанмиз ва олиб борамиз. Ҳаммавақт ва ҳамма ахволда ул жанобнинг шариф хотири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз, давлат далилларидан санадик ва санаймиз. Ҳақиқатан унинг қаршиисида ул жанобдан давлатхоҳлик асарлари, ихлос, яхши фикрдалиқ ва яқинлик каби хислатлар юзага келган ва юзага келади. Бу қүёшдан ҳам равшанроқ бўлгани учун тафсил бериншнинг фойдаси йўқ. Ўзлари биладики, ҳеч қачон ўртада тақаллуф ва ўзгалик бўлмай, ҳаммавақт сўз шундай ўтардики, у салтанат таянчанинг хотирига хайриҳоҳлик ва яхши фикрлик йўли билан ишмаки келса, тўқиз мартагача уни айтишга рухсат берилган эди. Бизнинг ҳам доимо хотиримизга нимаики келса, меҳрибонлик юзасидан изҳор қилдик».

Ушбу ҳужжатни батағсилроқ келтиришининг сабаби шундан иборатки, икки муҳим масалани ҳал этишда унинг аҳамияти катта. Биринчидан, унда шахсан Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Алишер Навоийнинг «мамлакат устуни», «салтанат таянчи», «давлат мададкори» сингари фаолиятини улугловчи сўзларнинг айтилиши шу ҳақда гувоҳлик берадики, усиз давлатнинг тинчлиги ва куч-құдратини тасаввур қилиш қийин бўлган. Иккинчидан, маълумки, совет даврида Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқарони бир-бирларига душман сифатида тасвирлашга ва сохталикни ҳалқ онгига сингидиришга күп ҳаракат қилинган. Ушбу хат эса улар ўртасида «кичиклик»да, яъни ёшлиқда юзага келган мустаҳкам дўстлик сақланғанлиги, ҳеч қачон жиҳдий келишмовчилик ва тўқнашиш бўлмаганлиги ҳақида далолат беради. Айни пайтда. Олий Ҳазратга қаттиқ ҳурмат ва ишонч юзасидан Султоннинг фармони ёки кўрсатмасига тўқиз маротабагача эътиroz билдириш ҳуқуқи берилгани метинде дўстликнинг ёрқин намунаси эмасми?

«Амир Алишер, — дейди Хондамир, — Султон Ҳусайн Бойқаро хонадонига яқин турувчи әмукдош, бу давлат-

йининг асосий таяничи ва Султоннинг энг яқин содиқ дүс-ти, доимий сұхбатдошидір»¹.

Бу ҳақда юқорида тилга олинган Навоийнинг содиқ шогириди ва таниқли тарихчы Хондамирнинг сұзлари ҳам гувоҳлик беради. Султон Ҳусайн Бойқаро юқоридаги хатни Олни Ҳазратга Марв шаҳридан юборған эди. Алишер Навоий уни олғандан кейин Ҳиротдан Марвга келиб Султон билан учрашади. Шу муносабат билан Хондамир ёзади: «Хеч қандай муболағасиз, ҳашшаматли подшо (Султон Ҳусайн) ҳидоятли Амир (Навоий) нинг мулоқотига әришуви сабабли шу қадар шоду ҳуррамлик иззор қылдикі, агар мингидан бири ва күпидан озгиаси баён қилинса, әхтимолки, лоғ-қоф деб үйланар»². Құрниб турибдікі, иккі дүстнинг учрашиши улар учун битмас-туганмас ҳурсандчилик чашмасы ҳисобланған.

Сұхбат чөфида ҳажга кетиш масаласи яна күтариленгендеги учун Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийга шундай деган: «Аниқ биламанки, агар Сизнинг шариф вужудингиздан бу мүлк ҳоли қолса, катта-кичик барча ҳалойиқнинг ақволида құзғолон юз беради».

«Шу онда,— дейди Хондамир,— соғқұнгил Амирнинг қобил қоматини тұгмалари олтин, авраси зардор қора қундузи пустин, мазкур мансабға муносиб бошқа қимматбақо тұнлар билан безади ва пойттахт Ҳиротга кетишиң рухсат берди»³. Олий Ҳазрат бу ерга қайтганды олимү фозиллар, шоирлар, дин пешвөлари ва фуқаролар зұр шоду ҳуррамлик билан күтиб олғанлар.

Маълум вақтдан сүнг Олий Ҳазрат ҳажга боришлиқка рухсат берилишини яна сүрайди ва розилигини олади. Шундан кейин у сафар тайёр гарларғаннан күради, лекин бу ҳаракат барча жамоат аҳлнин қаттық ташвишилаптиради. Зоро, олимлар, шоирлар, уламолар, катта-кичик мансабдорлар ва бошқа нұфузлы кишиларнинг катта гуруҳи Алишер Навоий ҳузуриңа келиб: «Агар сизнинг ҳам муборак файзли нұрингиздан (мамлакат) четда қолса, мұмкіннік фітиналар юз беріб, уннинг тадоруки имконсиз бўлиб қолади», дейишган. Шунингдек, Шайбонийхон ғовароунаҳрин босиб олғанлиғи ва уннинг бу ерга ҳужум қилиш хавфи үқдириб үтилади.

¹ Макоримул ахлоқ 83-б.

² Үша китоб. 79-б.

³ Үша китоб. 80-б.

Мамлакат тиічлигі ва хавғасызлигі наざарда тутилған үша сұровға ҳамиша она юрт дардіда қаст кечирастган Алишер Навоий бефарқ қарай олмас эди. Шунинг учун: «Мұмнин қалбига, — деб жавоб берди у, — шодлик киритиш бутун инсонлар ибодатидан хайрлидир, деган сүз мулоҳазаси билан сизларнинг илтимосингизни қабул қилурмиз ва инсонлар манфаати учун бу навбат ҳам үзимизни бу истакдан (ҳажга боришдан) қайтардик»¹.

Бундай олижаноблик, ташриф буюрганларнинг қалбии шу даражада тұлқынлантириб юбордикі, уларнинг севинчи ва хурсандчилигі ошиб-тошиб кетди. Сұнgra улар чуқур миннатдорчылык изәһор этиб тарқалғанлар.

Маълумки, VIII асрдан бошлаб Туркистан заминида даставвал араб, сұнgra форс тили илмий ва адабий тил ҳисоблапиб, үзбек тили эттибордан қолған эди. Алишер Навоий бундай ҳолатта барҳам бериліши учун она тилининг камситилишіга қарши курашиб, унинг бошқа тиллардан қолнишмаслыгини исботлади ҳамда унинг бойлиги, афзаллигі ва нағислигіни яқол күрсатыб берди. Бу тиленінг күч-қудратини үзининг ажайиб асарлари билан ҳам намойиш этди. Натижада үзбек тили тобора юқори босқичга күтарилиб борди. Ҳатто Султон Ҳусайн Бойқаро она тилині давлат тили сифатыда ишлатылиши ҳақида фармон чиқарди. Бунда Алишер Навоийнинг таъсири катта бұлған, албатта.

Хуллас. Ҳондамирининг гувоҳлигига кура «узоқни күрүвчи (Навоий) ақлиннинг матонати билан давлат ишлары тартибга солинди. Ақл ва иродасининг күчлилігі билан мамлакат ва халқ иши саранжом топди. (Уннінг) ёрқын фикри порланишидан чигалліклар равшанлашды ва тұғры тадбири баракасидан зұр ишлар йўлга солинди»².

БҮНЕДҚОРЛІК ВА ТАРАЛҚЫПАРВАРЛІК ФОЛИЯТИ

Темур ва темурийлар даврида мамлакатда йирик қурилиш ва ободончилик ишлары амалға оширилған-лиги маълум. Улар орасында Алишер Навоий алоҳида ўрин әгаллайды. У үзининг шахсей маблаги ҳисобига шу даражада күп ва самарали иш қилдіки, бунақасини

¹ Макоримул-ахлоқ. 85-б.

² Үша китоб. 32-б.

зиёлилар орасидан топиш қийин. Үнинг умуммиллат манфаатлари учун қылган ишлари кишини ҳайратластиради ва завқлантиради.

У мамлакатнинг салоҳияти ва шон-шуҳрати ҳашаматли бинолар, ажойиб боғу роғлар, озода ва обод кӯчалар, зилол сувли ҳовузлари ва ажойиб бозорлари билан үлчанишини яхши биларди. У буларни шунчаки англамай, бутун умр бўйи ақл-идрокини, куч-қуввати ва бойлигини уларга сарфлади. Уша даврда ўнлаб ажойиб бинолар қурнилди. Масалан, «Ихлосия», «Шифония», «Низомия» ва «Хусравия» мадрасалари шулар жумласидандир. Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Низомонурий, Қози Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий, Амир Муртоз, Мавлоно Фасхиiddин Муҳаммад Низомий, Амир Жалолиддин Атоуллоҳ Асилий, Амир Садриддин Иброҳим Машҳадий, Мавлоно Ниёсиддин Муҳаммад, Хўжа Имомиддин Абулазиз Абҳарий сингари ўз даврининг атоқли олиму фозилларига дарс берганлар.

«Донишманд ՚арбобларнинг ՚хотирида, — дейди Ҳондамир, — яширин қолмасинки, юқорида зикр қилингани биноларнинг (мадрасаларнинг) шарофати ва баракоти бутун дунёга шу қадар машҳурки, бундан зиёданни хотирга келтириб бўлмайди. Айниқса, «Ихлосия» мадрасаси билан «Халосия» хонақоҳи бино қилинган замондан то шу кунга қадар йигирма йил муддат ичida дунёнинг ҳар тараф ва ҳар бурчагидан бу икки муборак жойга минглаб талабалар келиб, оз фурсатда турли илм ва фанларни ўрганишига муваффақ бўлиб, олқишлир ва мақташлар билан ўз ватанларига қайтганлар. У гуруҳлардан кўплиги ҳозирда Ҳирот шаҳрида мударрислик мансабига эришиши билан фахрланадилар!»¹.

Олий Ҳазрат мадрасалардан ташқари, кўплаб хонақоҳ (дарвиишхона)лар, работлар (мусофирихоналар), ҳовузлар, ҳамомлар ва кўнирикларни қурдирган эди.

Энг йирик ва ҳашаматли хонақоҳ «Ихлосия» мадрасасининг рўпарасида қад кутарган «Халосия»дир. Бу жойда «ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинларга зиёфат берилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилган. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, куйлак, иштон, тақия ва кафш

¹ Макоримул-ахлоқ, 32—33-б.

улашилган». Шунингдек, «Жамоатхона», «Зиёратгоҳ», «Ҳавзи мөҳиён», «Лангари сармозори шайх Мухъян», «Хўмчан», «Хожа Юсуф Ҳамадоний сармозори» ва бошқа хонақоҳлар Олий Ҳазрат томонидан қурдирилган эди.

Уларнинг орасида Машҳадда «Имоми Ризо» боғида қурилган «Дорулхуффоз» хонақоҳи ложувард тош на олтин билан мусулмон ва Хитой услубида ниҳоятда ҳашамат билан нақшланган. Уша боғда баланд ва кишини ҳайратга соладиган айвон зеби-зийнат билан безатилган. Бу даргоҳда кӯп фақир, заиф ва етимларга текинга овқат улашилган.

Олий Ҳазрат Сари ҳиёбон, Гуфур, Ҳавзак, Дараи Занги, Чилдуҳтарон, Тарноб, Паниждеҳ, Байқур, Зоҳид, Ён булоғ, Марвжоқ, Нули Аҳмад ва бошқа иомлардаги работларни буинёд эттирган. Уларда минглаб кишилар бошпана топиб, ҳордиқ чиқарганлар ва Олий Ҳазратнинг марҳаматидан баҳраманд булганлар. Маълумки, ўрта асрда аҳолини сув билан таъминлашда ҳовузларнинг аҳамияти катта бўлган. Айниқса, қиши фаслида унга эҳтиёж ниҳоятда ошган.

Олий Ҳазрат буни ҳисобга олган ҳолда Пойдаҳаҳт, Шолбофон, Сур пушти, Чилгази, Ҳожаи калла, Пир қивом, Қаландарон, Зирбод, Зиёратгоҳ ва бошқа маҳаллаларда ҳовузлар қурдириди.

Мазмунан Ҳиротда кўприклар ҳолати ёмон бўлиб, одамлар, от ва араваларнинг юриши қийинлашган. Шунинг учун Алишер Навоий Сепулак, Тулки, Саксалмон, Чилдуҳтарон, Тарноб, Қаландарон, Бойхужа, Хайробод кўприклари ва бир тўғонни қурдирган эди.

Олий Ҳазрат ҳалқ соғлигини ва озодагарчилигини таъминлашга алоҳида эътибор бериб «Шифоия» ёнида Зиёратгоҳ, Дарраи Занги, Тувучи, Чилдуҳтарон, Тарноб, Файзиобод номидаги ҳаммомларни ишга туширди. У шифохоналар ҳам қурдиранганди.

Унинг бунёдкорлик фаолиятида масжидларни қуриш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Чунончи, у Ҳиротдаги Марғани боғида ва унинг рӯпарасида ғоятда ҳашаматли иккита масjid қурдириди. У қаровсиз ва бузилиб ётган Ҳирот шаҳридаги Жомеъ масжидини қайта қуришга киришиб, мухандис ва усталарни жалб этди. Бу ишга шахсан ўзи бошлилик қилди. У кўпинча «этакни» бар уриб, мардикорлар қатори ишларди. Деярли ҳар куни меъморлар, усталар, балки барча хунармандларга

қимматбаҳо түнлар кийгизарди ва беҳад иштөм ва эҳсонлар билан уларни шодлантирарди¹. Натижада беш йилда қилинадиган иш бир йилда амалга оширилиб, ажойиб Жомеъ масжиди қад кутарди. Алишер Навоий масжидининг очилиш маросимига бағишилаб катта зиёфат уюштириб, 50 бош қўй ва 9 бош от сўйидирди. Шуниси диккатга сазоворки, Олий Ҳазрат шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам масжидлар бунёд этди. Масалан, Тали Кутбон, Сари Кучам, Улуғ ота, Сари кўчан Амир Ислом, Қаландарон, Тархониён, Баҳра, Исфизор, Ғур, Кушнаж, Сарахс, Қароти Таршиз, Астробод номларидағи масжидлар шулар жумласидандир. Улардан ташқари, мадраса, хонақоҳ ва работларда ҳам масжидлар қурилган эди.

Умумлаштирганда Алишер Навоий томонидан 4 мадраса, 25 дан ортиқ масжид, 11 хонақоҳ, 50 атрофида работлар, 18 ҳовуз, 16 кўпприк ва бир тӯғон, 9 ҳаммом қурилган. Бу кишини ҳайратга соладиган кўп ва ажойиб биноларни, кўпприк ва ҳовузларни қуриш осон кечмай, катта ташкилотчиликни, маблагни, обруни, бағри кенглигни ва ниҳоятда ватангага содикликни талаб қиласиди. Алишер Навоий мана шундай олий фазилатларнинг соҳиби бўлганлиги учун ҳам кўп подшоҳлар қилолмаган ишларни дўндириб қўйди.

ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТДАГИ ФАОЛИЯТИ

Алишер Навоининг фан ва маданият соҳасидаги фаолияти ҳам мақтovларга сазовордир. У олимларни, шоирларни ва умуман, зиёли ахлиниң ҳомийси ва таянчи сифатида олам узра танилди. «Алишер, — деб ёзади Хондамир, — сон-саноқсиз кўнгилочар боғлар, шодлик орттирувчи манзилларни сайидларга, олим ва фозилларга иштөм қилган... Донишманд олимлар ҳар вақт унинг олий мажлисидан жой олар, соғ табиатнинг яширин саҳифаларидан кўпдан-кўп фойдаланар эдилар. Машҳур фозил аҳллари, ҳар вақт унинг муборак ва файзли палосида утириб, жавоҳир сўзларини тинглардилар ва манфаатланардилар... Амирининг яхши аҳамият берини ва файз сочувчи дилининг йўналиши баракасидан олам тожи Соҳибқироннинг подшолик даврида шоир ва олимларнинг даража ва мартабалари юқори кўтарилиб, мақсад ва истакларнинг охирги чекига

¹ Макоримул-ахлоқ, 70-б.

эришдилар, имкони борича фасоҳат ва балофат соҳасида кўп куч сарф этиб, ул Ҳазратнинг мадҳида манзум китоблар ёзилар... Амир ҳеч қачон аҳли диллар ҳаракатига пайравлик қилишдан бир соат ҳам гоғил эмасди. Ҳар доим илм ва ирфон аҳлларига ихлос ва эътиқод қадами билан хизмат қиласди»¹.

Олий Ҳазратнинг ғоятда меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги орқасида кўп асарлар ёзилиб, фан ва маданият кенг кўламда ривожланди. Улардан айримларининг номларини келтирамиз: Маҳдумийнинг «Туҳфатул-аҳрор», «Суҳбатул-аброр», «Лайли Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо», «Хиродномаи Искандарий»; Амир Бурҳониддининг «Рисола дар саноёв ва бадоев шеърий», «Рисолаи қоғия»; Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун», «Хусрав ва Ширин»; Мавлоно Аловуддин Кирмонийнинг «Маснавиёт»и; Мавлоно Аҳлий Шерозийнинг «Қасидаи Маснуъ»; Ҳожа Масъуд Гулистонийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»; Мавлоно Фиёсиддин Муҳаммад Мавлоно Жалолнинг «Сиҳри ҳилол»; Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бадаашийнинг «Рисолаи муаммо» сингари нодир асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Амир Низомиддин шайх Аҳмад Суҳайлий, Амир Камолиддин Ҳусайн Али Жалойир, Мавлоно Низомиддин Астрободий, Мавлоно Фасихиддин Соҳибдоро ва бошқа фозилу шоирларнинг асарларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Хондамирнинг таърифлашича, Навоийнинг илтифотлари соясида тўлиқ қимматга эга булиб, ул Ҳазратнинг ном шарифларига бағишлиланган Маҳдумийнинг «Рисола дар илми мусиқий», Амир Иҳтиёриддин Ҳасан Турбатийнинг «Икти босот», Мавлоно Камолиддин Абдулвосенинг «Ҳолати ҳазрати Маҳдумий», Мирхондининг 7 жилдан иборат «Равзатус-сафо» фи сирил-анбиёвал-мулук вал-хулафо» асарлари рӯёбга чиқди. Аммо Олий Ҳазратнинг паноҳида ёзилган ишлар сони кўрсатилган асарлар билан чегаралмайди. Зоро, улардан ташқари яна 20 та асар ёзилганлиги маълум. Шубҳасиз, бир мақолада Алишер Навоийнинг фан ва маданиятни ривожлантиришдаги муҳим ўрнини батафсил ёритишнинг имкони йўқ. Бироқ юқорида қайд қилинганларнинг ўзи ҳам табаррук зотнинг буюк хизматини яққол кўрсатиб турибди.

¹ Макоримул-ахлоқ, 55, 65 бетлар.

Умумий хулоса шундан иборатки, Алишер Навоий жамият аҳли барча табақаларининг умиди, ишончи ва мададкори сифатида гавдаланиб, давлатни мустаҳкамлаш ва салоҳиятини кутаришда фоятда муҳим ўрин эгаллади. Унинг сиёсий фаолияти шу даражада жўшқин ва самарали кечдики, ундан олинадиган сабоқ ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зоро, у миллат ва давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиб, она юрт куч-қудрати ва тараққиётини таъминлашга жонини ҳам, молини ҳам аямади. У буюк шоир бўлиши билан бир қаторда, атоқли давлат арбоби, тараққиёт ва фаровон ҳаёт жарчиси сифатида шуҳрат қозонди. Унинг бунёдкорлик, фан ва маданият соҳасидаги фаолияти тарихда ўчмас из қолдириди.

Олий Ҳазрат сахийлик, меҳмондорчилик ва ҳалқ-парварликда тенги йўқ эди. Минглаб кишилар унинг дийдорини кўриш ва марҳаматидан баҳраманд бўлишга талпинган. «Навоийнинг узлуксиз инъомларининг булути олам фозилларининг умид майсаларига кўм-кўклик ва тозалик бағишларди. Икром ва эҳсон булатлари томчиси ҳамма вақт шайх ва сайидларининг омонлик экинларини сабзавор ва сероб қиласарди. Фарид ва мусофиirlар дунёнинг ҳар томонидан йўл кўрсатувчи остонасига тўпланиб, хайр ва баракали нозу неъматларидан истаганча баҳра олардилар. Фақир ва муҳтожлар Эрон ва Турон мамлакатининг узоқ жойларидан келиб, ҳалойиқ тўпланиш жойи бўлган даргоҳига сиғиниб, карам ва эҳсон дастурхонидан тўлиқ фойдаланар ва насибахўр бўлардилар¹. Шунингдек, рамазон ойида ҳар куни олиму фозиллар, амирлар, шоирлар ва фуқаролар Навоий хонадонида ифтор қилишган. Бу вақтда «ул Ҳазрат меҳмонларни риоя қилиб, овқатни ўzlари тортарди. Шундан кейин сахий қўлини таом ейишга узатарди». Ифтorda камбағаллар ва етимларга ҳам эшик очиқ бўлиб, уларга кийим-бошлар инъом этилган.

Шуни айтиш лозимки, Алишер Навоийнинг фаолияти осон ва текис йўлдан боргани йўқ. У қора купларнинг найранг ва фисқу фасодлари ва таҳт учун түқнашувлар шаронтида, қаттиқ курашлар билан кечди. Айниқса, уни Султон Ҳусайн Бойқаронинг сўнгги йилларда ич-

¹ Макоримул-ахлоҳ; 99-б.

килик ва маншатга берилиши қаттиқ ташвишлантир-
масдан иложи йўқ эди. Чунки унинг кўз ўнгида тему-
рийлар давлати заифлашиб бормоқда эди. Бунинг
устига, соглиғи ҳам ёмонлашиб, кучсизлик ва заифлик
яққол сезилиб турарди. Иш жараёнида Алишер Навоий
билан Султон Ҳусайн Бойқаро ўртасида баъзи
келишмовчилик ва зиддиятларнинг булиши табини ҳол,
албатта. Аммо, уларни ҳар икки томон ўртасидаги
душманчиликка йўйиш адолатдан эмас. Зоро, уларнинг
ёшликтан тобланган дўстлигу ҳамкорлиги ва сирдош-
лиги умрларининг охиригача сақланди. Олий Ҳазрат
Ҳиротга сафардан келаётган Султон Ҳусайн Бойқарони
кутиб олаётган вақтида соғлиғи ёмонлашиб «Бошини
баланд даражали подшо қучоғига қўя олди... Аъло-
ҳазрат гоятда қайғули ва ғамгин бўлди». Шундан кейин
ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро энг ишончли ва азиз
кишисидан жудо бўлганлиги учун кўп кўз ёшларини
оқизиб Олий Ҳазратининг уйида уч кун мотам тутди
ҳамда худон ва хатм буюриб, таом тортди. Унинг ҳи-
собидан Олий Ҳазрат вафотининг йигирмасида 250 бош
қўй, 75 бош от ва қорамол, қирқида эса 100 га яқин
қўй ва 18 от сўйилиб, таом тарқатилди. Маросимларда
ниҳоятда кўп одамлар қатнашиб, йиги-сиғи осмону
фалакни қоплади. Шунингдек, Ҳирот шаҳрининг мас-
жидларида жамоа аҳли мотам либосини кийган ҳолда
үтиришиб, хатми қуръон ўқидилар. Бениҳоя катта жу-
доловик бутун мамлакат аҳолисини қайгу ва мотамга
солди.

У вафот этгани бўлса-да, Ватан олдидағи улкан хиз-
матлари ўзбек халқининг қалбида абадий сақланади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ СИБИРДА

Ўзбеклар ислом динининг ривожланишига ва маърифат тарқалишига муносиб ҳисса қўшган халқлардан биридир. Бу борада уларнинг Қаспий дengизидан тортиб Волга дарёси ва Қора дengиз қирғоқлари орқали Сибирь бўйлаб чўзилган бепоён ҳудудда курсатган жасорати ва фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Ўтмиш замонларда мазкур жойларда асосан туркий аҳоли яшаб, шаман дини маънавий ҳаётнинг йўналтирувчи кучи ҳисобланган. Бу ерларда Ҳазар, Булғор, Олтин Ўрда ва бошқа хонликлар ҳукм сурганини маълум. Мазкур давлатлар асрлар мобайнида қадимий Туркистон билан яқиндан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган. Чунки Қаспий — Волга минтақаси халқаро карvon йўлларига эга булиб, ўзбек савдо маҳсулотлари учун ўта талабчан бозор ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Туркистон ҳукмдорлари ва савдо-хунарманд доиралари у ерларда ўз мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар.

Ҳатто милодий бир мингинчи йилда Волга бўйлари ва Хоразм минтақасини бирлаштирган Хоразм—Ҳазар империясининг ташкил топгани тарихдан маълум. Туркистондаги дин пешволари ҳукмдорларнинг яқиндан берган ёрдами билан Волга бўйлари ва Сибирда ислом динини тарқатиш билан шуғулландилар. Бу ҳаракатлар рус князликларининг ҳам диққатини жалб этган. X асрда рус князи Владимир ислом динини давлат динига айлантириш учун ўз элчиларини Хоразмга жўнатган. Аммо бу ишни амалга оширишнинг иложи бўлмай, руслар насроний динини қабул қилдилар.

Волга бўйлари ва Сибирда туркистонликларнинг диний фаолияти Олтин Ўрда давлати ҳукм сурган даврларда (XIII—XV) кенг қулоч ёди. Бу давлатнинг

асосчилари Чингизхон авлодлари ҳисобланаб, пиравардида келгинди мұғуллар туб аҳоли — қипчоқларга аралашиб ва турклашиб кетган әдилар.

Бу вактларда түркистонліклар Олтин Үрданинг сиёсий, іктисодий ва маданий ҳәётида салмоқлы үрин әгалладилар. Уларнинг таъсирида Олтин Үрда ҳукмдорларидан биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган киши Беркахон (1257—1266) хисобланади. Бу кишининг пири хоразмлик Нажмиддин Қубронинг шогирдларидан бири машҳур Бухоро шайхи ал-Баҳарзий эди. Беркахон бу табаррук зот таъсирида масжидлар қурдирди ва ислом дини учун шароит яратди. Бу ҳолат Туркистон ўлкаси билан алоқаларни янги босқичга кутариб, Урганч, Бухоро ва бошқа жойлардан дин пешволари, олимлар, савдогарлар, ҳунармандлар, нақошлилар Волга бўйларига келиб, доимий яшаш учун ўрнашдилар. Шундай қилиб, ислом дини ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим үрин әгаллади. Бундан ташқари, ислом динининг қабул қилиниши Олтин Үрда давлатининг халқаро мавқенини ҳам кутарди.

Ислом дини Олтин Үрда ҳукмдори Ўзбекхон (1312—1342) вақтида янада кучайди. Бу ишда унинг устози ва пири Шайх Нигманиддин ал-Хоразмийининг хизмати бекиёс катта бўлди. Унинг бевосита қатнашувида мамлакатда янги масжид ва мадрасалар қад кутарди.

Ислом дини Олтин Үрданинг күпроқ марказий жойларida ривожланиб, унинг узоқ чекка ўлкаларида, хусусан, Сибирда ҳамон шаман динига эътиқод қилинмоқда эди. Шу боис, Баҳоуддин Нақшбанд Сибирида ислом динини тарқатишга алоҳида аҳамият берди. Мен бу масалага тегишли ҳужжатни асримизнинг 50-йилларида Сибирда тўплаган маълумотларим орасидан топдим. Унинг муаллифи сибирлик Саъд Ваққос иби Ражаб Исматулла бўлиб, ўзбек тилида битилган Афсуски, ҳужжатнинг ёзилган йили кўрсатилмаган. Шунингдек, унда баъзи чалкашликлар бор. Бироқ, у жуда ноёб ҳужжатдир. Унда айтилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг 366 машойихлари (муридлари) бўлиб, уларнинг бир қисми «Зикри хафий ва дую», иккинчиси «Ҳалойиқ-қа илм ўргатиш» ва учинчиси «Ислом динини тарқатиш» билан шуғулланганлар. «Қачон ғазот вакти бўлди эрса, — дейилади ҳужжатда, — ҳазрат эшон хожа

Баҳоуддин шариф ҳузурина жам бўлдилар. қайу тарафга ишорати олиялари бўлғай, деб мунтазир бўлдилар. Хожайи Олий жума намози бомдоддин сўнг муборак юзларин машойихлар томонига ўгуруб дедиким, таворихи кабирда андоқ кўрдумким, аввал вақтиким амир-ул мўминин ала қарамулоҳ жиҳати Ҳиндистондин ўтуб Чин Мочин вилоятина ислом зоҳир қилиб борганинда, Хитойнинг ярмини исломга келтурди ва ярмини хирожга қўйуб эрди». Мазмунан бу ерда хитойларнинг маълум қисми, яъни ҳозирги дунгонларнинг ислом динига киритилиши ҳақида сўз бораётир. Баҳоуддин Нақшбанд сўзларини давом эттириб, Иртиш дарёси атрофидаги нұғайлар ва қорақипчоқларни «дини диёнат билмаслар, бариси қўғирчоққа сифинаётган тоторлардир», деган. Сўнгра у муридларига қараб: «Эмди сизларга ижозатдур, онларни исломга даъват қилинг, қабул қилмасалар ғазои акбар қилинг», деб ишорати олиялари бўлди эрса, 366 отлиқ машойихлар «фармонингиз бошимиз узпа», деб йўлга чиққанилар. Уша замонларда Олтин Урданинг Оқ Урда қисмida, шу жумладан, Сибирда ҳукмронлик қилаётган суволанинг бир вакили ҳузурида меҳмон бўлишган. Сўнгра улар унинг 1700 кишидан иборат аскарлари билан Иртиш дарёсининг юқори томонига келганлар. Бу ерда нұғайлар ва қорақипчоқлар билан тўқиашувларда аскарлардан 1440, машойихлардан 300 киши ҳалок бўлган. Шу равишда туб ахолининг маълум қисми ислом динига киритилган эди. Сибирда машойихлардан уч киши қолиб, қолган 63 таси Бухорога қайтишиб «Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларина аҳволларини арзлайдилар. Бундан сўнг дин очилиб, йўл очилиб, Иртиш бўйидан карвоплар ўтдилар. Олимлар, хожалар, эшонлар дин ўргатмак учун Сибирга келабонладилар». Масалан, бухоролик Эшон хўжа Давлатшоҳ Абдул Ваҳоб ал-Исфижафий, хоразмлик шайх Искандар Мавлоно сингари дин пешволари шулар жумласидандир. Сибирда, шу жумладан, Тобольский, Тюмень, Турва бошқа жойларда жами 251 туркистонлик дин пешволари ислом динини ўргатиш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатиб, муқалдас бурчларини адо этгандар. Шунинг учун ҳам улар Сибирда авлиёлар сифатида қадрланиб, қабрлари зиёратгоҳга айланганди. Ҳужжатда кўрсатилишича, уларнинг исмлари қўйи-

дагича: Шайх Азиз, Шайх Борий, Шайх Мусо, Шайх Юсуф, Шайх Ҳаким, Шайх Камол, Шайх Аҳмадали, Шайх Дарвишали, Шайх Абдуҳасан, Шайх Баҳром, Шайх Умарали, Шайх Назар ва бошқалар.

Шуниси диққатга сазоворки, Сибирда ислом динини тарқатишда аёллар ҳам фаол қатнашганлар. «Машойихнинг хотинлари, баъзиларининг қизлари, баъзиларчнинг ўғиллари газот ичиди бирга эдилар. Они учун баъзи ерларда хотиндин, қиздин ва ёш ўғилдин пойостоналар (қадамжолар) бўлур. Оилар авлиёлар дейилса ажаб эмас». Хужжатда ислом дини йўлида қурбон бўлган ёки мардларча хизмат қилган Оқилабиби, Ҳадичабиби, Солиҳабиби, Орифабиби сингари ўзбек аёллари ҳурмат билан тилга олинган.

Шундай қилиб кўрдикки, оламга машҳур Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг таъсир доираси узоқ Сибирни ҳам қамраб олган эди.

XV асрнинг биринчи ярмида Олтии Үрда давлаги парчаланиб Астраханъ, Қозон, Сибиръ ва бошқа мустақил хоиликлар юзага келди. Бу вақтларда ҳамон Туркистон ўша хоиликлар учун ислом динининг маркази сифатида гавдаланиб турди.

XVI асрнинг ўрталарида Қозон ва Астраханъ хоиликлари Рус давлати томонидан босиб олинди.

1563 йилда Бухоро хони Абдуллахон (1557—1598) Шайбоний хонадонига маисуб Кўчумхонни қўшини билан Сибирга юборди. Натижада Кўчумхон таҳтни эгаллади. Шундан кейин Кўчумхон Абдуллахон ҳузурига элчи юбориб, шайхлар ва саййидларни юборишини сўрайди. Бухорода элчилар Абдуллахон томонидан ҳурмат билан қабул қилинади. Сунгра элчилар хонининг хати билан Хоразмга келганлар. Улар бу ердан дин пешволарини олиб кетишлиари керак эди. Хоразмда Сибирга бориб ислом динини ривожлантиришга хизмат қилувчиларнинг сони 500 кишига етди. Булар Ерим Сайид ва Шайх Шербат сингари дин пешволари бошчилигида Бухорога келишган. Бу ерда улар Абдуллахон томонидан ҳурмат билан қабул қилиниб, уларни 1000 кишилик аскар билан Сибирга жўнатган. Кейинги йиллапда Сибирга хоразмлик Шайх Диналихўжа ҳам юборилади. Кўчумхон унга қизи Нолишхонумни хотинликка бериб, мавқеини яшада кўтаради.

Кўчумхон ислом динини ривожлантириш сиёсатини

изчиллик билан амалга ошираётган пайтда 1581 йилда Ермак бошчилигидаги рус казаклари томонидан мағлубиятга учратылади. Пировардида, Россия Сибирь хонлигини эгаллади. Шу равишда XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Олтын Урда давлатига қарашли ерларнинг асосий қисмида рус давлати ҳукмронлик қилди.

Шундан кейин ҳам күрсатылған жойларнинг Туркистан билан иқтисодий ва диний алоқалари давом этаверди. У ерлардаги туб аҳолининг вакиллари Бухоро, Хоразм ва Самарқанд мадрасаларида таълим олиб, сұнгра үз ватанларида иш юритдилар. Волга ва Урал бўйларида, Сибирда мактаблар ва мадрасалар фаолият күрсатди. Кўплаб масжидлар қурилди. Мен 50-йилларда булардан бирини Тюмень шаҳрининг атрофида курганим. У шу ерлик ўзбек бойлари томонидан бунёд қилинган экан. Хуллас, ўзбеклар ислом дини ва маърифат равнақи учун азоб-уқубатларни, ҳатто үлемни ҳам бўйинларига олиб, узоқ мамлакатлардаги аҳолининг маънавий ҳаётини бойитиш ва тақомиллаштириш йўлида беқиёс катта хизматларни адо этганлар.

ЎЗБЕКЛАРДАН ҚИМ БИРИНЧИ БУЛИБ ЖУРНАЛДА МАҚОЛА ЧОП ЭТГАН?

Маълумки, Ўзбекистонда газета ва журналлар расмий равишда чор ҳукумати ҳукмронлиги даврида юзага келган. Бу даврда ўлқадаги зиёли вакиллари матбуотда муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларга доир кўплаб мақолалар ва ахборотларни чоп этдилар. Булар ватанимизнинг ўша даврдаги ҳаётини ўрганишда муҳим ўрин эгаллади.

Айниқса, жадидлар томонидан чиқарилган газеталар ва мақолалар диққатга сазовордир. Бундай мақолаларда қўйилган бир қатор муҳим масалалар ўз аҳамиятини ҳанузгача йўқотгани йўқ. Ихтиёrimиздаги маълумотларнинг кўrsatiшича, мақола ва дарслекни ёзган муаллифлар фаолияти XVIII асрнинг охирига, яъни Ўрта Осиё подшо Россияси томонидан босиб олинишидан анча илгариги вақтларга тўғри келди. Бундай кишилар Сибирда истиқомат қилаётган ўзбеклар орасидан чиқсан эди. Табний, Сибирга ўзбеклар қандай қилиб ўрнашган деган савол туғилади, албатта.

XVI асрнинг иккинчи чорагида ва кейинги йилларда рус давлати Волга дарёси бўйидаги Астрахань, Қозон, сўнгра Сибиръ хошликларини босиб олди. Бу жойларда қадимий замонларданоқ Ўрта Осиёнинг савдо-ҳунарманд доираларининг турар жойлари юзага келган эди. Кўrsatilgan жойлар аҳолисининг ўзбек газлама ва кийим-кечакларига эҳтиёжи катта эди. Бундан Ўрта Осиёликлар анча фойда олардилар. Кўrsatilgan ерлар рус давлатига бўйсундирилгандан кейин ҳам Ўрта Осиёдан оладиган газлама ва кийим-кечакларга талаб ҳамон мавжуд эди. Рус давлати ўз чекка ўлкаларини моллар билан етарли равишда таъминлашга қодир

эмас эди. Шунинг учун у Ўрта Осиё савдо-хунарманд вакилларини чекка ўлкаларга, шу жумладан, Сибирга ихтиёрий равишда ўрнашишга таклиф этди. Уларга хукумат томонидан катта имтиёзлар берилди. Натижада, Сибирь, Волга ва Урал бўйларила ўзбеклар турадиган маҳаллалар юзага келди. XVIII асрнинг охиблирида бу ерга ўрнашган ўзбекларнинг сони 20 минг кишига етди. Сибирда ўзбеклар мактаблар ва маҳрасалар очди, ўз тил ва урф-одатларини сақлади. Татарларни ислом динига ўtkазди. Уларнинг орасида савдогарлар, хунармандлар ва деҳконлар бор эли. Шунингдек, ўқимишли кишилар хам кўп бўлган. Хатто Сибирдаги ўзбеклар ўзларининг маҳаллий бошқариш органи, яъни Бухоро волостларига эга эди.

Россияда ўзбеклар меҳнатсевар ва соғдил кишилар сифатида обрў қозонли. Масалан, рус лавлати пойтатхтининг «Санкт-Петербург» журнали 1806 йилда бундай деб ёзган эди: «Уларнинг аксарияти баланд ва ингичкадан келган, кўзлари кичик-кичик, қулоқлари катта, ақллари эса расодир. Улар вижданли, тиришқоқ, чидамли ва хушмомалали одамлардир».

Сибирдаги ўзбеклар моҳир савдогарлар сифатида ҳам шуҳрат қозониб, бутун Сибирнинг ички ва ташқи савдосида салмоқли ўринини эгаллаганлар. Ўзбеклар орасидан мақола ва дарслик тайёрлаган кишилар хам етишган. Масалан, Тобольскийда чиқадиган «Иртиш» журналида ўзбек А. Маметов «Мнение магометан о смерти пророка Мансея» («Мусо пайғамбарнинг вафти ҳакида мусулмонларнинг фикрлари») номли мақоласини чиқарган. Россия вилояти журналлари ичидаги илғор журналлардан ҳисобланган ана шу «Иртиш»га Сибирга сургуи қилинган адабиётчи П. Сумараков бошчилик қилган. Рус тилида чоп этилган бу мақола ўша замонда қизиқиш ўйғотганки, журналдан ўрин берилган. А. Маметов маколага берилган шарҳда Тобольскийдаги халқ билим юртида рус тилини ўрганганинг миннатдорчиллик изҳор килиб, бунинг эвазига ишбу маколани рус тилида ёзганлигини баён этган. Айрим маълумотларга кўра, А. Маметов «Иртиш» журналидан ташқари «Любители науки» («Фан мұхлислари») жамиятининг аъзоларидан бири бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, ёзувчи Марковнинг «Сибирь кубғини» («Сибирский изгинаник») романидаги кўрсатилишича, А. Маметов

тов машхур рус ёзувчиси Радищев билан учрашган. Бу учрашув ўша Сумараковнинг хонадонида бўлиб ўтган. Бу ерда Радищев А. Маметов билан дўстона сұхбатлашио, унинг «Иртиш»да босилган мақоласини албатта, ўқиб чиқажагини айтган. Шу билан бир қаторда, Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларига доир асар ёзишни А. Маметовга таклиф этган. У бу таклифни қабул қилиб, маълум вақтдан сўнг бу ишни амалга ошириш учун Бухорога кетган. Бироқ, А. Маметовнинг кейинги йиллардаги ҳаёти ҳақида маълумотлар йўқ.

Хуллас, А. Маметов ўша вақтда Тобольскийда илғор кишилардан бирни ҳисобланган. Шунингдек, Ният Боқининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. У ўзбеклар орасида ўз она тилиси бўйича дарслик яратган биринчи муаллифдир. У кини «Татар ва араб алифбоси» номли дарслик ёзган. Бу асар 1802 йилда Россия Фанлар академияси томонидан Санкт-Петербургда босиб чиқарилган. Уша вақтларда Россиянда ўзбеклар ва озарбайжонлар татарлар қавмига мансуб деб юритилган. Шунинг учун шу икки халқнинг тилига оид дарсликларнинг номига татар сўзи қўшилган. Ҳатто, Россиянда ўрта Осиёни Татария номи билан атаб, асарлар чоп этилганлиги маълум. Дарсликнинг мазмуни эса ўзбек тилининг ўзгинасидир. Унда грамматика билан бир қаторда рус-ўзбек луғатига тегишли сўзлар келтирилган.

Ният Боқи ёзган дарсликнинг Россия Фанлар академияси томонидан нашр этилиши, унга юксак баҳо берилганини кўрсатиш билан бир қаторда, Россиянда туркий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ўрганишга қизиқиши бўлганлигидан далолат беради. Қозон ва Уфа тилшуносларининг таъкидлашича, ўзбек тили Сибирь татарларининг тилини бойитишга таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, А. Маметов биринчи бўлиб журналда мақола чиқарган ўзбекдир.

ТОШКЕНТ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(XVIII-XIX аср бошлари)

ДЕВОР ҚУРШОВИДАГИ ШАҲАР

Тошкент ўзининг кўп асрлик тарихи давомида жуда оғир ва машаққатли йўлларни босиб ўтган. У айниқса чет эл босқинчиларининг тажовузлари ва ҳукмронликлари вақтида мисли курилмаган азоб-үқубатларга ва вайроналарга дучор бўлган. Натижада, шаҳар бир неча бор ҳалокат ёқасида турган. Аммо халқ оммаси ватани ва дини учун қаҳрамонона курашди ҳамда фидокорона меҳнат қилди. У душманнинг ҳужумларидан сақланиш учун шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга кўп маблаг ва меҳнат сарфлади. Чунончи, қадим тарихий даврларданоқ шаҳар бир неча чақирим масофа узуиликдаги қалин ва баланд девор билан қуршаб олинганди. Бизгача етиб келган айрим маълумотларга кўра, IX асрда Тошкент шаҳри уч қатор айланмали девор билан қуршаб олинган. Биринчиси, шаҳар ичидаги қалъя девори ҳисобланниб, Абулабbos, Қаср ва Гумбаз сингари учта дарвозаси бўлган. Иккинчи айланма деворида Ҳамдон, Оханин, Мив, Фарқон, Кад, Кармонҳ, Қўйи саҳл, Рашидижон ва Қашки даҳқон сингари дарвозаларни ўз ичига олган. Шаҳарнинг учинчи айланма катта девори эса Фаргод, Ҳашкат, Сандижак, Оханин, Бакрдижак, Сакрак ва Бафард номлардаги дарвозаларидаи иборат бўлган.

Айтиб ўтиш лозимки, вақт ўтиши билан дарвозаларнинг сони ва номи ўзгариб турган. Масалан, XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида шаҳар деворида Қиёт, Турқ, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чифатой, Сувбаниён, Қўкча, Қамандорон, Қангли, Сагбон ва Қатагон сингари дарвозалар бор эди.

1735 йилда Уфада тошкентлик Нурмуҳаммад Мулла Олимнинг маълумотларига кўра: «Шаҳар девор билан ўраб олинган, шаҳардан чиқадиган минорали дарвоза-

лар бор. Шаҳар девори ғоят қалин бўлиб, унинг устидан икки отлиқ киши ёнма-ён юриши мумкин; душман шарпаси кўриниши биланоқ, соқчилар девор усти бўйлаб чопишиб, халқни жангга тайёр бўлишларига даъват этадилар. Шаҳарнинг у дарвозасидан бу дарвозасига бориш учун тушдан кечқурунгача юрилади. Деворнинг кўндалангига ҳам масофаси шунча. Масжидлар ва уйларнинг ҳаммаси гиштдан қурилган. Ҳар бир уйнинг дарвозаси олдида бир хонали, икки хонали ва ҳатто уч хонали иморатлар бўлиб, атрофи мевали боғлар билан ўралган». Нурмуҳаммад Мулла Олим шаҳарнинг ички жойлашиши тўғрисида қуйндаги маълумотни беради: «Шаҳар дарвозасидан бошқа дарвозаларга олиб борадиган йўллар катта ва тўғри бўлиб, кичик-кичик ҳар хил кучалар ҳам бор. Сув тоғдан, Чирчиқ дарёси орқали бутун шаҳарга келтирилган ва ҳар бир хонадон сув билан бемалол таъминланган. Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасида қалъа жойлашган бўлиб, у алоҳида гиштдан мустаҳкам қилиб қурилган. Қалъага олтида дарвоза билан кириш мумкин. Уни эски Тошкент деб атайдилар: иморатлар зич жойлашган, бу ерда дин пешволари ҳам истиқомат қиласи. Кўкча дарвозаси олдида, масжид яқинида мактаблар, қозихона жойлашган».

Баён этилган мисраларда айрим хатоликлар, жумладан, уйларнинг гиштдан қурилиши, у дарвозадан бу дарвозасигача ярим күп давомида юрилиши ҳисобга олинимаганда, улар ҳақиқатни тўла-тўқис акс эттиради. 1741 йилда Тошкентда бўлган татар савдогари Шубай Арслоновнинг Тошкент ҳақидаги маълумотлари ҳам диққата сазовордир. «Тошкент шаҳри,— деб ёзади у,— қалин пахса девор ва зовур билан ўраб олиниган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қозонга тенг келади. Унинг 12 та дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз ҳолда, пахса девор билан қурилган. Шаҳарда боғлар ва масжидлар кўп. Катта масжидларда ҳайит кунлари кўпчилик бўлиб намоз ўқиласи. Дарвозалар олдида алоҳида хонада миршаб туради. Уларда тўп йўқ, узоққа отадиган милтиқлар бор. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади. Бу вақтларда Хондайлиқ, Ҳўжакент, Паркент, Заркент, Нушибия, Номданак, Корамурт, Чимкент ва Сайрам Тошкентга қарашли эди. Шаҳарни ўн кишидан ташкил топган Кенгаш бошқарган. Ҳукумат қароргоҳи Кўкча

дарвозаси ёнидаги қалъада иш юритади. Тошкент Бухоро, Самарқанд ва ўлкадаги бошқа шаҳарлардан ташқари Қашқар, Ҳиндистан, Хитой, Афғонистон, Россия ва бошқа жойлар билан савдо қилади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юқ карвони б кунда оосиб утган. Йргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Буҳорогача ўн кун, Балхгача йигирма уч кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

Гарчанд, Тошкент девор қуршовида бўлса-да, лекин унинг ичида ҳаёт ҳамиша қайнаб турган. Ҳалқ оммаси чет эл босқинчиларининг тажовузларига, ўзаро урушларига ва табиий оғатларга қарамай, қандай бўлмаси, шаҳарни ҳалокатдан сақлаш учун курашган.

Тарихий маълумотларга кўра, шаҳарниг ўзида ва ва унинг атрофларидаги қишилоқларда бодгорчилик яхши ривожланган. Узум, шафтоли, беҳи, нок, олхўри, гилос, олча, ёнгоқ, олма, қовун, тарвуз, сабзи, турп ва ва бошқа хилма-хил маҳсулотлар етиширилган. Донли экинилардан буғдой, арпа, сули, шоли, тариқ, жўхори, шунингдек, каноп ва зигир экиларди. Узумдан шинни ва шароб тайёрланган. Узум шу даражада бўлиқ ва ширин бўлганки, тўрт киши бир бошига бемалол тўйган. Айниқса, чарос, ҳусайн, чиллаки, қора ва ургусиз мавзий номли узумлар машҳур бўлган. Шафтолининг ёзги, кузги, туксиз оқ ва бошқа турлари бор эди. Шафтолининг шундай нави бўлганки, бир донасидан бир пиёла шарбат олинган. Шафтолининг анжир хили ҳам етиширилган. Аноялар ҳам серсув ва ширин ҳисобланиб, йириги чақалоқниг бошидек келган. Беҳи ҳам шу катталика ҳосил берган. Енгоқлардан айниқса, ғалвир нави кўп бўлиб, унинг мағзи кўриниб турган. Ҷалхи ва шоҳ номида тутлар кўп бўлган. Бундан ташқари, меваси балхий тут мевасига ўхаша қизил, нордон ва ширин мева бўлган. Тошкент ўзининг хилма-хил қовунлари билан ҳам доинг чиқарган. Айниқса, Аччида ва Зофариғи бўйлаб экилган амирий, кўкча, бекзодий, шакарпора, гулоби ва оқ уруғ каби навлари шуҳрат қозонган. Сариёғочга борадиган йўлниг икки тарафида ҳам кўплаб қовунлар етиширилган. Тошкентда қовун, тарвуз ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини қишига ғамлаш одати кенг тус олган эди. Ҳар бир оила қовуиларни четанга солинган араваларда уйларига туширилди. Хонадоилардан то баҳоргача ҳўл ва қуруқ мевалар аримаган.

Тошкент үзининг ажойиб табиий манзараси, гуллари ва чаманзорлари билан донг чиқарган. Ўрта аср манбаларидан биринда шундай дейилган: «Тошкент лоласи машхурдир. У 8—12 япроқли бўлиб, улар бир-бирларига ўхшамайдиган турли тусдаги ранглар билан қоплангаи. Лоланинг баргларида етти ва баъзида ўндан ҳам ортиқ кузни қамаштирадиган ранглар бўлган. Лолазорда бир булоқ бордирким, уни «чашмаи пуржуш», яъни қайнаб булоқ денидилар. Ҷулоқ суви ҳаммавақт оқиб турган. Бу булоқ — лолалар барқ уриб очилганда 20 газ баландликда ҳавога сочилиб ёмғир каби лолаларни суборган». Шунга ўхшаш маълумот Муҳаммад Солиҳининг «Тошкентнинг янги тарихи» асарида ҳам учрайди. Унинг ёзишича, Чигатой ва Сағбон дарвозаларидан уч фарсах (6—7 км) масофада Афросиёб замонида (милоддан аввал) экилган лолазор бўлиб, бир томонда қизил лола, иккинчи томонда эса сариқ лола ўсиб ётган. Бу лолазорларда 21 март, 21 апрель куниларида булоқлар қайнаб турган, ёзда эса у қуриб қолар экан. Лолазор шаҳар аҳлининг сайилгоҳи ҳисоблангаи.

Хуллас, Тошкентнинг лолазори Бухоронинг гули-сурхига (қизил гулига) ўхшаб оламга машҳур бўлган. Афуски, баён этилган лолаларнинг ва бошқа нознеъматларнинг нодир турлари табиатга иисбатан қилингаи ёвузлик орқасида йўқ қилиниб юборилган. Шунга ўхшаш ажойиб-гаройиб булоқлар ва қудуқлар ҳам барбод этилди. Тошкентда қабзиятни даволайдиган бир қудуқ суви бўлган экан. Унинг суви бошқа жойга олиб кетилса, кўп сақланса тошга ўхшаб қотиб қолар экан. Агар у сувни ҳайз қонига қушиб қудуққа ташланса портлар экан. Шундай бир булоқ бўлган эканки, унда осмонни булат қоплаганда сув пайдо бўлиб, очиқ ҳавода эса тўхтаб қолар экан.

Тошкент атрофининг бепоён ерларида кўзни қамаштирадиган яйловлар, чаманзорлар ва тўқайлар кўп бўлиб, турли-туман қушлар, ҳашаротлар, ваҳший ҳайвонлар, хусусан, йўлбарс, бури, тулки ва бошқалар беҳисоб бўлган. Унинг атрофларидаги тоғларда олтин-гугурт, мис, темир, қўргошин, туз, нефть, олтин, кумуш, қимматли тошлар ва бошқа бойликлар бор эди. Чирчиқ дарёсининг қумидан олтин кукуни олинган. Тошкентликлар соҳибжамол ва муруватли, шижаатли, мард ва жанговар халқ сифатида маълум бўлганилар. Улар

чет эл босқинчиларининг тажовузий ҳисобга олиб, ҳамиша бир қўлида иш қуроли, иккинчи қўлида яроғаслача билан ҳаёт кечирган. Чунки душманга қарши ҳар қандай шароитда доимо тайёр туриш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Жангларда каттаю кичикнинг барчаси фаол қатнашган.

Тошкент кўплаб олимлар, шоирлар, дин пешволари, моҳир санъат ва ҳунар эгаларини етиштириди. Масалан, Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший (Х аср), Абу Муҳаммад Матроний (Х аср), Шоший-Умирий (Х аср), Исҳоқ Иброҳим Аш-Шоший (Х аср), Шарофуддин Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад иби Юсуф ал-Илоқий (XI аср), Муҳаммад иби Али ал-Илоқий (XI—XII), Шарофиддин Илоқий (XI), Абу Бакр Шоший (XI—XII), Али Банокатий (XIII), Абу Сулаймон Банокатий (XIV), Бадриддин Чочий (XIV) Жамшид Шоший (XIV), Ҳамидуддин Тошкандий (XV), Абдувадуд Котиб (XV—XVI), Ҳофиз Қўҳакий (XVI), Убайдуллоҳ Каҳҳол (XVI), Ёрмуҳаммад Тошкандий (XVI), Шоҳ Каҳҳол (XVI), Бакий Жарроҳ Тошкандий (XVI), Муҳаммад Юсуф Каҳҳол (XVI), Мавлоно Обид Ҳаттот (XVI), Мир-Муҳаммад Ҳайдар (XVI), Жамил Миран Тошкандий (XVI—XVII), Шоҳакий Тошкандий (XVII—XVIII) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кўрсатилган мўътабар шахслар фан ва маданият ривожига улказ ҳисса қўшганилар. Бу ерда шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, моддий ва маънавий кучларнинг талай қисмини душман тажовузига қарши курашга, шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга ва ўзаро урушларни бартараф қилишга сарфланиши тараққиётнинг бир текисда ва узвий равишда ўсиб боришига катта тўсиқ бўлди. Айниқса, озодлик курашларида минглаб кишилар ёстиғининг қуриши ва вайронагарчиликлар катта зиён келтириди. Айниқса, XVIII асрда Тошкентда оғир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келди. Чунончи, 1723 йилда Тошкентни қалмоқ кўчманчилари эгаллаб, қозоқ хони Жўлбарсни ўз вассали сифатида шаҳар бошлиги қилиб тайинлашди. Бу вақтларда Тошкент вилоятига Челак, Хондайлик, Хўжакент, Заркент, Паркент, Номданак, Қорамурт, Сайрам, Чимкент ва бошқа атрофдаги жойлар қаради. Қалмоқ босқинчилари белгиланган солиқларни ва буюмларни олиб турганлар. Бу ишни ўша Жўлбарсхон амалга ошириб турган. Айрим маълумотларга кўра, солиқ-

ларнинг миқдори 40 минг тилла ҳисобланиб, бундан ташқари, турли газламалар, гиламлар, олтин, кумуш, яроғ-аслача ва бошқа қимматли нарсалар олинган. Қалмоқларнинг зулми шу даражада ҳалқни азобга солдикни, 1739 йилда тошкентликлар Жўлбарсни ўлдириллар. Аммо, унинг ўрнига қозоқ хони Тулабий тайинланди. Бу ҳолат 1758 йилгача, яъни Хитой томонидан қалмоқлар (жунгорлар) қириб ташлангунга қадар давом этди. Шундан кейин қозоқ хонлари Тошкентга бир неча бор ҳужум уюстириб, ҳатто бу ерда ҳукмронликларини ўринатган вақтлари ҳам бўлган. Ниҳоят 1784 йилда Юнусхўжа ҳокимиятни қўлга олиб, мустақил Тошкент давлатини барпо этишга муваффақ бўлди.

ЮНУСХЎЖАНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЕСАТИ

Юнусхўжа шаҳарда ўзаро курашларни бартараф қилиб Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Себзор ва Кўкча даҳаларини қўл остига бирлаштирган. У ҳокимият тепасига келганда Тошкентнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Буни ўз кўзи билан кўрган рус тоғ муҳандислари шундай ёзган эдилар: «Шаҳардаги вайронага айлантирилган кўп ёдгорликлар шу ҳақда гувоҳлик берадиларки, у бир вақтлар анча обод, бой ва катта кучга эга бўлган. Аммо шаҳар ички ва ташқи урушлар орқасида орқага кетган. Ҳатто урушларнинг аянчли оқибатларидан бир неча бор ҳалокат ёқасида турган. Юнусхўжанинг таҳтга ўтириш арафасида ўзининг тарафдорларига, қалъасига ва қуролига эга бўлган икки гуруҳ ўзаро урушаётган эди. Урушлардан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳуармандчилик хонавайронликка учраб, одамлар севимили ҳуарлари билан шуғулланиш ўрнига қўлида қурол билан доимо хавотирликда яашашга мажбур бўлган. Қозоқ хонлари бундай вазиятни қўлдан бермай, Тошкентдан Чимкентни, Туркистонни ва бошқа жойларни босиб олдилар. Оқибатда, Тошкент фақат шаҳар билангина чегараланиб қолди, холос. «Ўзаро урушлардан тиқка-мадори қуриган ҳалқ,— деб ўз сўзини давом эттиради тоғ муҳандислари,— Юнусхўжанинг тарафиға ўтиб, ўзаро парокандаликка барҳам берди. Аммо хонавайронликка ва йўқчиликка мубтало бўлган шаҳарни оёққа турғазиш учун ҳалқдан ва Юнусхўжадан кўп машаққат, меҳнат ва гайрат талаб қилинарди, албатта».

Юнусхұжа ҳокимият тәпасиға келгандан кейин аввало шаҳар мудофаасини мустаҳкамлап ва құшин жаңговарлығини оширишга қаратылған чораларни изчилиқ билан амалға ошириб борди. У деярли харбага айланған шаҳар деворини ҳашар Ыули билан тузаттириди ва мустаҳкамлади. 1800 йилги маълумотта кура, девор ости қалыпты 1,8 метр ва устки қисеми 0,9 метр атрофидა бұлыб, айланған узунлиғи 18 қақирилдан ортиқ әди. Деворнинг баландлығи эса 7—9 метр хисобланған. Күриниб турибдикі, деворнинг ҳажми олдинги вақтларға қараганда ихчамлашған.

Юнусхұжа 6000 кишидан иборат құшин түзиб, пилтали мильтіқ, қылыш, пайза, қалқон ва түплар билан қуроллантириди. Бу құшин «қорақозон»лар номи билан юритилиб, унда асосан түрли шаҳарлардан келган мусоғир кишилар ва асиirlар хизмат қылғанлар. Үлар Юнусхұжа ва бошқа ұкумат амалдорлари үртасида тақсимланған бўлиб, тинчлик пайтларида уларнинг ерларида ҳамда уйларида дәққончилик, хунармандчилик ва бошқа юмушларни бажарғанлар. Үлар ўз әгаларидан иш ҳақи олмай ишлаганлар. Шунинг учун бўш вақтларида бошқа жойларда ишлаб тирикчилик ўтказғанлар. Юнусхұжа уруш вақтларида үтрок ва құчманчи аҳолидан 50—60 минг аскар йигиш имконига эга бўлған. Құшин түрли рангдаги байроқлар, нофора, карнай ва сурнайлар билан таъминланған. Уруш пайтларида ҳар бир хонадандан бир-икки киши құшинига жалб қилинған.

Ҳарбий аслаҳаларни тайёрлаш ҳам анча такомилашди. «Порохни, — дейилади манбада, — тошкентликлариниң ўзлари ишлаб чиқаради. Тошкентнинг селинтрали жойлари кўп. У ерлар бундан ўғитта бой. Қўргонин Туркистондан келтирилиб Тошкентда эритилади. Лекин унинг миқдори оз». Юнусхұжа давлатни оошқариши ҳам бирмунча тартибга солиб, яккаҳокимлик тарзидан иш юритған. Бироқ, у давлат қонидаги кенгаш аъзолари билан бамаслаҳат иш олиб борған. Бу тўғрида манбада шундай дейилган: «Тошкент ҳукмдори (Юнусхұжа) ўз фуқаролари устидан чексиз ҳокимиятга эга. Аммо, у атрофдаги энг яхши амалдорлар билан маслаҳатлашған ҳолда ҳокимиятни бошқаради. Бу кенгашда Юнусхұжага энг содиқ ва ишончли хўжалар қатнашади. Шаҳарни бош хўжа мансабидаги амалдор бошқариб, тартиб-интизом ва ободончиликка доир масалалар ба-

лан шуғулланади. Биш хўжа айбдорларни жазолаш хўқуқига эга эди. Аммо, кимки ушинг ҳукмидан норози бўлса, бевосита Юнусхўжага мурожаат қилиши мумкин эди. Биш хўжа Юнусхўжага кўрсатмаси асосида алоҳида солиқларни солган. У ҳукмдор йўқлигига вилоятни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган». Ҳукумат амалдорларидан бирортасига маопи берилмаган. Бироқ, улар ўз кўнгли остидаги «қорақозон»лардан вақти-вақти билан ўз ерларида ва уйларида дехқончилик, чорвачилик ҳамда бошқа юмушларда иш ҳақи тўламай фойдаланганлар. Афтидан, улар ишлаган вақтларда амалдорлар томонидан озиқ-овқат билан таъминланган. Биш хўжа давлатда Юнусхўжадан кейин иккинчи шахс ҳисобланган. Үндан кейинги маъмурӣ поғоналарда мингбоши, юзбоши, ўнбоши ва оқсоқоллар сингари кишилар хизмат қилганлар. Бу тоифадаги маъмурият вакиллари бевосита Юнусхўжага ўз ишлари ҳақида ҳисобот бериб турганлар. Биш хўжа кўул остидаги оқсоқоллар орқали солиқларни тўплаш ва хазинага топшириш билан шуғулланганлар. Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир жон бошига бир ойда даромадига қараб 5 тангадан 10 тангагача, ердан олинган ҳосил бўйича эса 10 дан бир қисми ҳажмида солиқ олинган, савдода молнинг 40 дан бир қисми олинган. Солиқлардан «қорақозон»лар озод қилинган. Бунда уларнинг қўшинида ва амалдорларнинг ерларида хизмат қилишлари инобатга олинган, албатта. Юнусхўжа даврида ўтмиш хароба қолдиқлари тамомила тутатилмаган бўлса-да, лекин хаёт илгариги вақтларга иисбатан анча яхшиланди. Шаҳарда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдога кеңг йўл очилди. Пахтачilik, ишакчилик, бодорчилик ва сабзвотчилик ўди. Шаҳар Чирчиқ дарёсидан келадиган ариқ сувлари билан таъминланниб, деярли ҳар бир хонадоннинг ҳовлисидан оқиб турган.

Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, газлама тўқиши кенг қулоч ёйган. Газламалар ички ва ташқи бозорининг муҳим буюми ҳисобланган.

Юнусхўжа ички ва ташқи савдоининг ўсишига эътибор берди. Натижада, Тошкент Қўқон, Бухоро, Хўжанд, Чимкент, Туркистон, Самарқанд ва бошқа жойлар билан савдо-сотиқ олиб борди. Шунингдек, у Ҳиндистон, Хитой, Қашқар, Тибет, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганлиги маълумдир. Юнусхўжа ўз давлатини янда кучай-

тириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фаол ташқи сиёсатни юргизди. У аввало, Чимкентни, Туркистонни ва уининг атрофидаги ерларни Тошкент вилоятига қайтадан қўшиб олишини мақсад қилиб қўйди. Чунки, бу жойлар шаҳарнинг Қозоғистон тўллари, Россия, Қашқар ва бошқа жойлар билан алоқасида муҳим кўприк ҳисобланган. Бундан ташқари, улар сиёсий, иқтисодий ва маданий жихатдан Тошкент билан чамбарчас чатишиб кетгап эди. Эндиликда эса уларни Қозоқ хони томонидан босиб олинини ҳал икки томон манбаатладига птур етказмоқда эди. Буни яхши англаган Юнусхўжа 1794 йилда Чимкент ва Сайрамни, 1799 йилда эса Туркистон шаҳрини босиб олди. 1800 йилда Юнусхўжа Чирчиқ дарёсининг чап қирғоқларини ва Қўпама мавзенини қўлга киритли. Шунингдек, Паркент, Номданак, Аданак, Тўйтепа, Кереучи, Ангрен дарёси қирғоғилаги Матин ва Қаҳран қалъалари, Чордара, Ниёзбек, Дўрмонча ва Турбат сингари жойлар мустакил Тошкент давлатининг таркибиға кирган эди. 1800 йилги маълумотларга кура, Тошкент шаҳрининг ўзида ўрта хисобда 80 мингга якин киши яшаган. Шундай килиб, Юнусхўжа Тошкентни оёққа турғазишга эришган. Бу вақтга келиб, тошкентликларнинг савдо-ҳунармандчилик фаолияти шу даражада жонланиб кетдики, улар Қозоғистон ва Фарбий Сибирь ерларидаги савдо алоқаларида салмоқли ўринни эгалладилар. Бу жойлар Тошкент учун тайёр маҳсулотларни, биринчи навбатда, турли газламаларни сотиш учун талабчан бозор ҳисобланган.

Бундан ташқари, Тошкентда рус молларига талаб мавжуд эди. 1792 йилга онд маълумотларга кўра, Тошкентдан Семипалатинскга 104910 газ бўз, 21710 газ даб (бўзга ўхшаган) газлама, 1238 газ хом сурп, парда, дока, ярим дока, ялтироқ ип газлама, каноп, сурп, белбоғ, тўн, майиз ва туршак, буғдой ва оз миқдорда пахта келтирилган. Тошкентлик савдогарлар Қашқардан, Чугчакдан ва Фулжадан олинган газлама, чой, равоч ва кумуш каби моллар билан ҳам Сибирида савдо қилганлар. Хуллас, улар Семипалатинск, Петропавловск, Усть-Каменогорск ва Сибирнинг бошқа ерларида савдо-сотиқ билан шуғулланганлар. У вақтларда Сибирь ва Россиянинг бошқа чекка ўлкаларида рус савдогарлари ўз фаолиятини ҳали етарли даражада ўстира олмаган эди. Улар йўлларда карвонларнинг қароқчилар томонидан таланишини ҳисобга олиб, Ўрта

Осиё ва Қашқарга камдан-кам борадилар. Шунинг учун рус ҳукумати кўрсатилган жойлар билан савдони олиб бориша асосан тошкентлик савдогарлардан во-ситачи сифатида фойдаланиди. У бунга эришмоқ учун ўзбекларга имтиёзлар берди ва уларнинг Сибирдз доимий яшашлари учун шароит яратди. Натижада, Сибир ҳудудида тошкентликларнинг маҳаллалари юзага келди. Бу ҳолат ҳар икки томоннинг бир-бирлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Юнусхўжа Россияяда тоғ саноати яхши пивожланганигини билиб, рус ҳукуматининг ёрдамида Тошкентда табиий бойликлардан фойдаланишга қаттиқ киришиди. Бундан мақсад, қўшинни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш билан бир қаторда ҳокимиятни моддий жиҳатдан мустахкамлаш бўлган, албатта.

Юнусхўжа 1794 йилда савдо карвони орқали Сибирдаги маҳаллий ҳокимиятга махсус хат юбориб, ўзаро савдо алоқаларини кучайтириш ва тоғ конлари бўйича мутахассисларни Тошкентга юборилишини сўраган. Жумладан, мазкур хатда Юнусхўжа шундай деган: «Ҳозирда бизга қозоқларнинг катта жузи ва Тошкент вилояти бўйсундирилди. Эниликлда улар бир бош ва бир тан бўлиб, дўстларимизнинг дўсти, душманларимизнинг душмани бўлиб қолдилар. Биз ҳозирги қулай вазиятдан фойдаланиб, карвонбоши Муҳаммадхўжа ва Азизхўжа орқали муҳрланган хатимизни юбормоқдамиз. Ўз навбатида сизлар ҳам ўз савдогарларингизни Тошкентга юборинглар». Шу мазмундаги хат билан Тошкент вакиллари Омскга келиб рус маъмуриятига Юнусхўжанинг оғзаки сўровини ҳам маълум қилдилар. Бунда Тошкент атрофида олтин кони топилганлиги ва тоғ кони бўйича мутахассислар юборилиши баён этилган. Рус ҳукумати Юнусхўжа хатига ижобий жавоб ёзиши Сибир ҳулдунишнинг бошлиги генерал Штардманга топширди. Шундан кейин Штардман А. С. Безносиков ва Т. С. Бурнашевлардан иборат элчиларни Тошкентга юборишга қарор қилди. Улардан бири — Бурнашев тоғ кони бўйича мутахассис эди. Рус элчилари Омскдан Троицк қалъасига келдилар. Бу ерда уларга 80 туюдан иборат бўлган татар савдогарларининг карвони қўшилди. Улар 1795 йил 25 январда Бухорога стиб келдилар. Чунки уларга Бухоро орқали Тошкентга бориш буюрилган эди. Бу ерда рус элчилари билан дастлабки сұхбатни Бухоро хонининг кўрсатмасига

биноан тўпчибоши ва ясовуллар олиб боргани. Суҳбатда рус элчилари ўзларининг Омскдан генерал Штардман томонидан Бухоро хони Шомуродхонга, Тошкент ҳокими Юнусхўжага, Хўжанд ҳокими Худоёрбекга ва Туркистон шахри атрофидаги қозоқ сultonни Бўкайга хат билан юборилганликларини маълум қилди. Шундан сўнг хон саройида рус элчиларига нисбатан муносабат оғирлашиди. Чунки хонликнинг ҳукмрон доиралари Сибирь ҳудуди бошлиғи номидан Бухоро хонига элчи ва хат юборилишини менсимаслик деб тушунди. Одатда, рус элчилари шахсан рус императори номидан маҳсус ёрлиқ билан келар эди.

Шунингдек, хон саройида Тошкент, Хўжанд ҳокимларига ва Бўкай Султонга генерал Штардман томонидан хат юборилиши қораланди. Шунинг учун рус элчиларига қўйидаги саволлар берилди:

1. Тошкент ҳокими Юнусхўжа, Хўжанд ҳокими ва Бўкай Султон номига ёзилган хатларнинг мазмунин нимадан иборат?

2. Нима учун Бўкай Султон Бухоро ҳукмдорининг қўл остида бўлган бир пайтда, у хатда Россия императорининг содик таъбаси деб кўрсатилган?

Рус элчилари Бўкай Султон Россия тобелигига эканлигини билдириб, хатларда Бухоро хонлиги машфаатларига зид келадиган фикрлар йўқлигини баён қилдилар. Шунингдек, улар хатлар Бухоро хонлигига эмас, балки Тошкент ва Хўжанд ҳокимларига тегишли бўлганлигини айтишиб, уларни бермадилар. Бироқ, Бухоро мансабдорлари Юнусхўжа номига битилган хатдан бошқаларини олишга муваффақ бўлдилар. Аммо, рус элчилари сўровига қарамай, уларни шахсан хон қабул қилмади. Уларни Қушбеги қабул қилиб суҳбатдэ генерал Штардманнинг Бухоро хонига хат ёзиши катта хато эканлигини, аммо унинг бу иши кечирилганлиги маълум қилинди. Шунингдек, рус элчиларини Тошкентга қўймаслик билдирилди. Бунга йўлда рус элчиларининг хаёти хавф остида колиши баҳона килиб кўрсатилди. Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа Бухорога рус элчилари келганлигини ва Тошкентга қўйилмаётганлигини савдогарлар орқали хабар топган. У маҳсус киши орқали хат юбориб, рус элчиларини Бўхоподан Тошкентга юборишни уюштиришини айрим нуфузли кишилардан сўраган. Аммо, рус элчиларига рухсат берилмаганидан кейин, улар Оренбургга қайтишга мажбур

булганлар. Шундан кейин Сибирь генерал-губернатори Штардман 1796 йилда иккинчи маротаба Тошкентга рус элчиларини юборишга киришди. Бу гал рус элчилари қилиб Д. Телятников ва олдинги элчилардан бирى Безносиков тайинланды. Бу элчиларга Юнусхұжа номига ёзилған хат ва совәалар берилди. Улар зиммасыга Тошкенттің сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳәети ҳақида маълумотлар түплаш ва төр жинсларини текшириш вазифаси юклатылды. Уларга Ямишев құли орқали Үрта жуз қозоқ ерлари бүйлаб Тошкентта бориши буюрилди. Мазкур йүл орқали рус элчилари 1796 йил 27 августда Тошкентта келдилар. Бу ерда улар ҳурмат билан қарши олиниди. Ағасуки, Телятников ва Безносиковларнинг Тошкенттагы фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. Шу нараса маълумки, улар Тошкент атрофидаги тоғларда олтин ва кумуш топайлмаганлығы ва үша жойларда темир жинсларының борлығы, лекин бу төр жинслари ҳам техниканың ішкелеги туғайли ишга солнимаётгандығы ҳақида гапирган. Рус элчилари 1797 йилдеги 1 июнида Юнусхұжаның Муллажон Охун ва мингбөши Аширмат Ботир сингары элчилари билан бирга үз ватанига йүл олдилар. Тошкент элчилари Омскла үзларининг Петербургга борадиганлығы ва шахсан рус императори билан учрашишини маълум қылди. Генерал Штардман рус хукуматидан бунга рухсат олғандан кейин Телятников ва Безносиковлар Тошкент элчилари билан Омсқдан йүлга чықып, Екатеринбург, Перм, Қозоп ва Москва орқали Петербургга келдилар. Йүлда меҳмонларга иззат-икром күрсатылды. Тошкент элчилари Петербургда Юнусхұжаның император номига ёзған мактубини тақдым этдилар.

Мактубда Юнусхұжа рус элчилари Тошкентде үз вазифасыни бажарғанларының жағоб элчиларини юборғанлығын маълум қылды. Үнда төр конлары бүйінча билимдөн мутахассисларни юборышни сұраган: «Мәннің құл остиндеги ерлардан топайлған бешта конни текшириш учун металлургияны биладиган иккита мутахассис юборишиңизни Сиз улуғ подшоудан сұрайман».

Афтидан, Юнусхұжа рус элчилари яхши мутахассис эмасликларини билған. Чунки, у мактубада рус императоридан «металлургияни яхши билүвчи кишиларни юборишиңи» сұраган. Ҳақиқатдан ҳам Телятников метал-

лургия бүйича катта мутахассис әмас әди. Буни генерал Штардманнинг рус ҳукуматига ёзган рапортида Телятниковни «металлургияни қисман билувчи киши» дейиши ҳам исботлайди.

Тошкент элчилари Юнусхўжа топшириғига мувофиқ, рус ҳукумати вакиллари билан савдога оид масалалар бүйича ҳам сұхбат үтказдилар. Бунда Тошкент билан Россия ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда дүстона муносабатларни үрнатиш ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, сиёсий масала ҳам күриб чиқылди. Чунончи, Тошкентта қарши башарти, Хитой давлати ҳужум қилгудек бұлса, рус ҳукуматидан ёрдам берилиши сұралған. Маълумки, XVIII асрнинг ўрталырида Хитойда ҳукмронлик қилаётган Цинь суоласи Шарқий Туркистанда үз ҳокимиятини үрнатыб, Урта Осиёга хавф туғдираётган әди. Бу вактларда Цинь суоласининг тажовузи ва құвғини орқасида күп қашқарлайлар Фарғона водийси ва Тошкентта мухожирлар сифатида яшаб, үз ватанларини озод қилиш учун ҳаракат қылғанлар. Улар ёрдам сұраб ҳокимият раҳбарларига ва халққа мурожаат қылдилар. Бинобарин, Хитайнинг Урта Осиёга бостириб кириш хавфи күндалаң турған. Афтидан, Юнусхўжа бу ҳолатни хисобға олған ҳолда Хитойга қарши рус ҳукуматидан ёрдам сұраган.

Музокараларнинг якунни нима билан тамомланғанligи канцлер А. А. Безбородконинг генерал Штардманнга ёзган хатида баён этилған. Бу хатда шахсан рус императорининг күрсатмасига мувофиқ, Тошкент ҳокими Юнусхўжа билан алоқа үрнатиш вазифаси генерал Штардман зыммасига юклатылди. Хатда Петербургдан үз ватанига қайтиб кетаётган Тошкент элчиларига Омсекта борганда дам берилиши ва сұнгра уларни ҳурмат билан күзатыб қўйилиши Штардманга топширилди. Шунингдек, бу амалдор Сибирдан Тошкентта тоғ конлари бүйича мутахассисларни юбориши ва бу билан Юнусхўжанинг илтимосини қондириши керак эли. Шунинг билан бирга хатда рус элчиларининг Тошкент ҳақида маълумотларни тұплап лозимлиги қайд килинган: «Элчилар үз сафарлари вақтида у ерларнинг шароити, отла ва пиёда равиша қатновчиларни озиқовқат билан таъминлаш ҳамда манзилгоҳ қуришга имкон бериш-бермаслигини, бир вактнинг үзіде ү ерга қанча одам юбориши мүмкінлігіні билсінлар. Шунинг

дек. Тошкентда бўлган вақтларида у ердаги конларни текширсинглар, конларнинг фойдали қазилмаларга бой ёки камбағаллигини аниқласинлар, улар имкони борича у ернинг шарт-шароитини, жойланшини, у ерга борилган тақдирда, қанча одам жойлашириш мүмкинлигини ва одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятини синчилаб текширсинглар». Кўриниб турибдики, рус ҳукумати Юнусхўжанинг Хитой тажовузи ҳавфи содир бўлганда унга карши сўраган ёрдами амалга оширилган тақдирда, у ерда рус қўшинларининг таъминоти ва жойлашириши масаласини оллиндан хал килиб кўймокчи бўлган, лекин бу мақсад Юнусхўжага очик изхор килинмаганинги сезилиб турди. Хатда Хитойнинг хеч вакт Тошкентга ҳужум килмаслиги ва агарда ҳужум килиб колса, рус ҳукуматининг ўтага тушишини, тегишли чоралар кўриши хақида Юнусхўжанинг хабарлоп килиб кўйиш генерал Штаудманга топширилган. «Жаноби олийлари, — лейилганди хатда. — Сиз ўз томонингиздан чии (Юнусхўжани) хотиржам килинг. Хитойнинг хеч қачон ҳужум килмаслигига ишонтиринг, башарти ҳужум бўлиб колган тақдирда (буни амалда хеч кутиш мумкин эмас), бизнинг шохимиз император хазрати олийларининг Бутуrossия империяси ва Хитой давлати ўтасида мавжуд дўстлик ва бирдамликдан фойдаланиб ўтага тушишини ва ўз томонидан чора кўришини билдиринг».

Демак, рус ҳукумати Юнусхўжанинг ҳарбий ёрдам турдисидаги илтимосига жула эҳтиётколик билан жавоб берган. Рус ҳукумати Хитой билан алоқани бузуб кўймаслик учун шундай қилган.

Канцлер Безбородко рус императорининг Тошкент савдо гарлавадига Сибирда бемалол ва эркин савдо килиши учун ижозат берганлиги хақида гапириб, рус савдо гарларига ҳам Тошкентда шундай имкониятларининг берилишини сўраган. Тошкент элчилагига рус императорининг ва канцлер Безбородконинг Юнусхўжа номига ўзган хатлари ва турли совғалар топширилди. Чунончи, Юнусхўжанинг рус императорига юборган 45 тўп ипак газламаси ва ўн жуфт қимматбахо мўйнаси эвазнiga ҳар бири йигирма газ келадиган 2 тўп, 12 газ кўк мовут ва олтин занжирлчи олтин соят Ҳокимга, Муллажон Охчин ва Аширмат Ботирга 12 газдан парча ва 6 газдан кўк мовут берилган. Элчи Муллажон Охчин рус императорига шахсан қолам ва 3 та қоплон те-

риси совға қылғанлыгы учун подшоҳ томонидан олтин соат ва олтин узук совға қилинганд. Яна ҳар иккى элчига 1000 сұмдан цул мұкофоти, уларнинг хизматкорларига совға ва пул мұкофотлари берилганд. Телятников ва Безносиковларининг ҳам хизмати инобатга олиниб, уларнинг унвони күтарилған ва пул мұкофоти билан тақдирланған. Улар зинмасыга элчиларни Омскга кузатиб борищ вазифаси юкланды. Элчилар 1798 йил 17 марта Петербургдан йүлга чиқиб, 22 июнда Омскга келди. Бу ердан улар үз ватанига қайтдилар. Рус императорининг күрсатмасыга биноан, генерал Штардман 1800 йилда иккита тоғ мұхандислари — М. Постелов ва Т. Бурнаневларни элчи сифатидан Тошкентга юборди. Улар тоғ жинсларини үрганини билан баробар Тошкент ҳақида маълумотлар түплашларни лозим эди.

Тошкентда рус элчилари ҳурмат билан қарши олиниб, Юнусхұжа томонидан қабул қилинди. Сұхбатда уларга тоғ жинсларининг намуналари күрсатилған. Улар булярни текшириб қыйидагиларни аниқлади: «Тоғ жинсларининг бири олтингугурт ва бошқаси минерал моддалар аралашмаси бўлиб, уни бир пудидан икки қадоқ мис олинар экан. Бу жинс олтин рангидан бўлғанилиги учун тошкентликлар уни жуда қимматбаҳо нарса деб ўйлаганлар. Иккинчиси эса тиник чақмоқ тоши бўлган, учинчиси бинафша рангли эритма ва оқтоши кукуни бўлиб чиққан». Шу равишда рус элчилари улар орасида олтин ёки бошқа қимматбаҳо жинслар йўқлигини маълум қылғанлар. Шундан сұнг, рус элчилари ўша жинслар олинган жойларни куриш лозимлигини айтадилар. 1800 йилнинг сентябрь ойида улар Чирчик атрофидаги тоғларда текшириш ўтказадилар. Аммо бу ерларда фақат оҳактошли жинслар бўлиб, ҳеч қандай кон ва қимматбаҳо нарсалар йўқлиги аниқланди. Рус элчилари сўзига қараганды, улар шаҳарга қайтиб келгач, Юнусхұжага ўзларни билан олиб келган баъзи жинсларни күрсатған, тушунтирган ҳамда қазиб чиқаришга арзимаслигини айтган. Лекин Юнусхұжа шунга карамай, бу рудаларни қазиш ва эртиши истагини билдириганд. Бунга жавобан рус элчилари тоғ конларини кайта ишлаш учун тескуна-асбоблар йўқлигини маълум қылған. Шунингдек, тоғ конларида ишлар мутахасислар назоратида олиб борилишини айтишган. Аммо Юнусхұжа тоғ конларини ишлашни эътиборсиз қолдир-

маслигини ва бунинг учун рус давлатидан ёрдам сўрашин ганирган. Ҳатто, Ўнусхўжа тог жинслари намуналарини текшириш учун Россияга олиб кетишга рухват берган.

Рус элчилари Тошкентда селитра ишлаб чиқариш билан ҳам қизиқкан. Уларнинг аниқлашича, селитрани хусусий равиша ишлаш ўлим жазоси билан тақиқланган бўлиб, у фақат ҳокимнинг саройида қаттиқ назорат остида ишланган. Порох тайёрлаш ҳам шу тартибда олиб борилган. Ҳуллас, рус тоғ муҳандислари Омскга қайтганларидан сўнг, ўзларининг хукумат вакилларига ёзган ҳисоботларида, Тошкентда олтин ва бошқа қимматли жинслар йўқлигини, фақат мис борлигини, кои сифатида ишга солиш ва буларни Тошкентдан Россияга келтириши харажатларини мутлақо оқлай олмаслигини кўрсагган. Бу иш шу ҳақда гувоҳлик берадики, рус хукумати Тошкентда кои очилишига ёрдам берган тақдирда, бунинг эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум қисмини Россияга олиб келишни мўлжаллаган.

Бурнашев ва Поспеловларнинг ҳисоботи ва фикр мулоҳазалари шахсан императорга маълум қилинди. У бу масалани синчилаб кўриб чиқишини Берх-коллегияга (тоғ конлари бошқармаси) топширди. Берх-коллегия уни ҳар томонлама ўрганиб, қуйидаги қарорга келди: «Поспелов ва Бурнашевларнинг ҳисоботида қайд этилган руда намуналарининг баъзилари эритишга арзимайдига бўлишига қарамай, уларнинг миқдори маълум эмаслиги, атрофидаги тогларнинг хатарлилиги, ёғочнинг этишмаслиги, уларни қидириб топиш ишоятда қийинлиги, руда эритиш учун зарур кўмирини олиб келишнинг қимматга тушиши, ундан ташқари, керакли темир ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш жиҳатидан у ернинг жуда узоқлиги, йўлларининг хавф-хатарли ва оғирлиги рудаларнинг жудо бой бўлишини талаб қиласди. Уларни қазиш ва эритишдан мақсад шунга яраша фойда олишдир».

Ҳақиқатдан ҳам, у вақтларда Тошкентда конларни ишга солиш учун асбоб-ускуналаргина эмас, балки мутахассисларни топиш ҳам амри маҳол эди. Буларни Россиядан келтириши йўлишинг оғирлиги ва узоклиги орқасида жуда қимматга тушарди. Шу боисдан, Берх-коллегия тоғ жинсларини четдан, жумладан, Тошкентдан эмас, балки Россиянинг ўзида ишлаб чиқариш ҳам арzon, ҳам қулайлиги ҳакида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, Юнусхўжанинг Россия кўмагида төр конларини ишга солиш ҳаракати амалга ошмади.

Хўш, нима учун Юнусхўжа бу масалада Россиянига мурожаат қилди? У вақтларда Юнусхўжа бошлиқ мустақил Тошкент давлати Қўқон хонлиги ва Бухоро амирикларининг, яъни икки ўт орасига тушиб қолган эди. Бу хонликлар қандай бўлмасин, Тошкентни ўзига бўйсундиришга қаттиқ бел боғлаган эди. Буни яхши англаған Юнусхўжа ўз қўшинини яроғ-аслача билан таъминлаш ва мустаҳкамлашни биринчи вазифа деб билди. Бунга эришмоқ учун маъданлар зарур эди. Буни чет мамлакатлардан олишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун у Тошкентнинг ўзида төр конларини ишга солишга кириди. Бу ишни ўша вақтларда фақат Россия ёрдамида амалга ошириш мумкин эди. Чунки, бундай ёрдамни Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой ва Эрондан олиб булмас эди. Юнусхўжа ўз савдогарлари орқали Сибирда ва Россиянинг бошқа жойларида төр конининг апча ривожланганлигидан хабари бўлган. Бироқ, рус ҳукумати Юнусхўжанинг таклифларини амалга оширишда биринчи навбатда ўзининг манфаатларини кўзлаб иш юритди. У вазиятдан фойдаланиб, ўз элчилари орқали Тошкент ва атроф-жойлар ҳақида ғоятда қимматли маълумотларни қўлга киритди.

Юнусхўжанинг ташқи сиёсатида Қўқон хонлиги муҳим ўрин эгаллади. Маълумки, XVIII асрнинг охирлари — XIX аср бошларида бу хонлик анча кучайиб, ўз ерларини кенгайтириб бормоқда эди. Унинг ҳукмдори Норбутабий 1794 йилда Тошкентни босиб олиш учун ҳарбий юриш қилиб, Чирчиқ дарёси бўйигача келди. Бироқ, у Юнусхўжа қўшини билан жангда енгилиб ческиниди. Шундан кейин Сирдарёнинг ўнг қирғиздаги Қурама номидаги жойлар Тошкент вилоятига қўшиб олинди. Қўқон қўшинлари 1799 йилда Тошкентга яна бостириб келиб Чирчиқ дарёсидан утди ва Қорасув ариғи атрофига жойлашди. Бу ерда қаттиқ жангдан сунг Юнусхўжа ғолиб чиқди. Қўқон лашкарбошиси Хонхўжа, 70 та нуфузли ҳарбий кишилар ва аскарлар асирилка олинди. Бу асиirlар шаҳарнинг Чорсу даҳасида дорга осилди.

Юнусхўжанинг Қўқон қўшини устидан икки маротаба устун келиши уни руҳлантириб юборди. Энди у Қўқонга ҳарбий юриш қилишга аҳд қилиб тайёргарликни кучайтирди. Бу вақтда Қўқон хони Олимхон Ура-

тена, Жиззах ва Ҳўжандни Бухоро амирлигидан тортиб олиб, хонликни анча кенгайтирган эди. Шу боисдан Тошкентнинг уламолари, шуфузли кишилари Юнусхўжага Қўқонга ҳужум қўлмаслиқ ҳақида кўп маслаҳат қўлдилар. Лекин ваъзу насиҳатлар унинг юрагидаги ҳоҳиш ўтини янада алангалантириб юборди.

Юнусхўжа 1800 йилда 7—8 минглик қўшин билан йўлга чиқиб, Қўқон шаҳри яқинидаги Пўнгон деган жойга келди. Бундан хабар топган Олимхон «узидан мартабаси паст киши билан тенг келиш ва муқобил бўлишини ор деб билиб» Юнусхўжага қарши «Ҳарам сарой» мавзенинг ҳокими Сўфиалихўжа Мирасад бошчилигида қўшин жўнатди. Қаттиқ жанглардан кейин қўқонликларнинг кўли баланд келиб, Юнусхўжа аскарлари саросимага тушади. Бу вақтда орқа томондан Ҳўжайд ҳокими Ражаб қушбеги қўмондонлигига аскарлар кўринади. Булар Олимхон кўрсатмасига биноаи, урушга отланган эдилар. Пировардида, Юнусхўжа аскарлари мағлубиятга учраб қочадилар. Қўқонликлар уларни қувлаб, Тошкентга қарашли, «Қирорвчи» қалъасини эгаллайдилар. Шундан кейин Қурама мавзеи Қўқон хонлиги кўл остига олиниди.

1801 йилда Юнусхўжа сил касаллигига учраб вафот этди. Бу мустақил Тошкент давлатининг заифлашишига олиб келди. Юнусхўжа ўзининг 15 йиллик ҳукмронлиги вақтида Тошкентни йирик давлатга айлантириш ва Фаргона водийсини эгаллашга ҳаракат қўлди. Бироқ, бунга эришишликка Тошкентда старли куч ва маблағ йўқ эди. Бу камдек, унда наша чекиш одати бор экан. Шунинг учун ҳам у маҳаллий манбаларда «банги» сифатида қораланади: «Юнусхўжанинг чекиниши, — деянилади манбада, — шу даражада ошиб борган эдикни нашани чекиб, унинг тутуни ва ҳиди кетмасдан туриб тақрор чекаверарди. У кечакундузи шу аҳволда яшаб, маст ҳолда ўзини гоҳ жанг майдонида, гоҳ базмда ҳис қилиб, дунёда ёлғиз ўзим бор, деб ҳисобларди». Бизнинг фикримизча, бу сатрларда муболага мавжуд. Чунки бундай нашага берилган кишининг ҳукмдорлик қилиши ақлга баробар келмайди. Тўгри, наша чеккани булиши мумкин, лекин баён этилган даражага бормаган. Борди-ю, шундай бўлган бўлса, у вақтда буни юқорида қайд қилинган рус элчилари сезишлари турган гап эди. Улар, аксинча, Юнусхўжанин «ишбилармон», «жасур» ва «тараққийпарвар» шахс сифатида таърифлайдилар.

Дарҳақиқат, Юнусхұжа үз даврииң мөхір ҳукмдори ҳисобланған. Акс ҳолда, мустақил давлат тузиб харобага айланаётгап Тошкенттің қаддани күтаришга қодир бўлмас эди. У табиий бойликлардан давлат ва ҳалқ манфаати учун фойдаланишнинг ўта фойдалигини англаган бирдан-бир ҳукмдордир.

Шуниси диққатга сазоворки, Юнусхұжа Тошкент тарихида биринчи бўлиб тўпдан фойдаланишни жорий этди. Унинг йигирмата тўп қурдиртирганлиги маълумдир. Афсуски, Юнусхұжа шахсига ва фаолиятига тегишли масалалар ҳали атрофлича ва батафсил ўрганилганича йўқ. Рус элчиси Безносиковнинг курсатишича, Юнусхұжа Тошкентдаги тўрт даҳнанинг бири — Шайхонтоҳурнинг бошлиғи Улуғхұжанинг ўғли бўлган. Улуғхұжа үзаро курашлар авжига миниб, хавф-хатар туғилганлиги туфайли тўртинчи ўғли Юнусхұжани бир ишончли киши билан Тошкентдан чиқариб юборган. Афтидан, у қозоқлар яшайдиган ерда истиқомат қилинган. Юнусхұжа отасининг ўлимидан сўнг 40 кишидан иборат содиқ тошкентликлар ва қозоқлар билан биргаликда шаҳарга яширинча кирган. У даставвал отасига тегишли Шайхонтоҳурни әгаллашіга ва нуфузли кишиларни ўз тарафиға тортишга эришган. Шундан кейин Юнусхұжа узоқ үзаро курашларда толиққан рақибларини, шу жумладан, Туробхұжани енгишга ва тўрт даҳани бирлантиришга муваффақ бўлган. Юнусхұжа ўлимидан сўнг унинг ўғли Мұхаммадхұжа ҳокимлик қилди. Унинг вақтида Тошкентда «қаҳатчилик» ва қимматчилик юзага келиб, шаҳарнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. У уч йиллик ҳукмронликдан сўнг вафот этиб, ўрнига укаси Султонхұжа ўтириди.

Қўқон хони Тошкентдаги оғир вазиятдан фойдаланиб, кетма-кет тўрт марта ҳужум қилди. Пировардида, 1808 йилда Тошкент шаҳри қаттиқ жаиглардан сўнг босиб олинди. Шундан кейин Тошкент Қўқон хонлигининг таркибида тобора ривожланиб, йирик шаҳарга айланди. Бу вақтларда Оқмачит, Аслиёта (Жамбул), Туркистон, Чимкент ва атроф-жойларни бошқарин Тошкент ҳокимига топширилган эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб шаҳар аҳолисининг сони 80—100 минг кишига етган. 1865 йилда эса уни подшо Россияси босиб олди.

ТОШКЕНТДАГИ ҚУРЬОНИ ҚАРИМНИНГ АСЛ НУСХАСИ ҚАЕРДАН КЕЛТИРИЛГАН?

Бу мұхим масала күпчиликни узоқ йиллардан буен қизиқтириб келмоқда. Аммо тарихий ҳужжатларнинг озлиги орқасида ҳали аниқ жавоб топилгани йўқ.

Маълумки, Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлиги чоғида саводли кишилар озчиликни ташкил этганлиги туфайли оятлар ёдланган. Пайғамбар атроғидаги айрим саводли кишиларгина оятларни ёзиб борганлар. Халифа Абу Бакр Сиддиқ (632—634) даврида пайғамбар ҳадисларини тұплашга киришилган.

Халифа Усмон (644—656) ҳукмдорлик қилган йилларда мавжуд барча оятлар тұпламлари таққосланиб ва жамланиб 6 нусхада ягона бир Қуръон битилган.

ХХ аср бошларидаги маълумотларга күра, ўтмиш замонларда уларниш учтаси Макка ва Мадинада, иккитаси Мисрда, биттаси Туркияда сақланган. Бу ердагиси, яъни Истамбулдагисини 1912 йилда ҳажга борган үзбеклар «Ая-Сўфия» масжидида кўриб, уни ҳозирда Тошкентда сақланаётган Қуръони Қаримга жуда ўшашлигини баён этган эдилар.

Демак, Қуръони Қаримнинг асл нусхаси Туркиядан мамлакатимизга олиб келинмаган экан.

Шундай бўлгандан кейин Қуръони Қарим қаердан келтирилган, деган ҳақли савол туғилади.

Авваламбор уни қайси тарзда олиб келинганлиги ҳақидаги бир маълумотга назар ташлаш айни муддаодир. Бу ҳақда 1870 йилда «Голос» газетасида шундай ёзилган : «Салкам 400 йил илгари Нақшбандия тариқатининг пири Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бири ҳаждан қайтаётиб Румда, яъни Константинополда (Истамбулда) тұхтайди. Бу вақтда Туркия Султони жуда оғир дардга чалинган экан. Хўжа Аҳрорнинг муриди уни дардан фориг этади. Султон, агар

шифо топсам, табиб нима талаб қилса, шуни сүзсиз ба-
жараман, деб онт ичган экан. Мурид уни даволаб,
Куръони Каримнинг асл нусхасини беришни сўрабди.
Ноилож қолган Султон вазири ва бошқа аъёнлари билан
маслаҳатлашиб, Куръонни муридга беришга мажбур
булибди. Мурид уни дарҳол Хўжа Аҳрорга юборибди».

Куръони Карим шу тариқа Самарқанддаги Хўжа
Аҳрор масжидидан жой олган экан. Аммо, бу маълумот
афсонага ҳушайди. Бундан ташқари, унинг бегона мам-
лакатга юборилиши Туркия аҳолисининг нафратини
уйғотиб, Султоннинг обрўйинга ва мавқеига зиён кел-
тириши турган гап эди. Султон буни инобатга олмас-
литининг ҳеч иложи йўқ эли.

Мен ўз мақоламда («Шарқ юлдузи», 1991, 1-сон)
Амир Темур Туркия султони Боязиднинг енгандан кейин
унинг саройидан Куръони Каримни Самарқандга
олиб келганлигини уқтириб ўтган эдим. Эндиликда бу
фикримдан қайтишга тұғри келади. Чунки, яқинда
қўлимга тушган бир маълумот шуни тақозо этади.

XIII асрда Волга бўйларида ташкил топган ва ри-
вожланган қудратли Олтин Үрда давлатининг мўғул
ҳукмдорлари бирин-кетин ислом динини қабул қилган-
лар. Улар вақт ўтиши билан турклашиб, ислом динини
ривожлантириб бордилар. Улардан биринчи бўлиб Бер-
ка (1257—1266) ислом динини қабул қилган эди. Ҳатто
у Бухорода бўлиб, таниқли дин пешволари билан суҳ-
батлашган. Беркахон ҳукмдорлик қияланган вақтдан бош-
лаб, ислом динининг ривожланиши айrim хорижий
мамлакатларнинг диққатини жалб этди. Хусусан, Олтин
Үрда давлати ташкил топган минтақадан Мисрга бориб
ҳокимиятини қўлга олган қипчоқлар (мамлуклар) ўз она
юртларида ислом динининг камол топишини зўр қизи-
қишиш ва мамнуният билан қарши олдилар. Натижада
Беркахон билан Миср подшоҳи Байбарс ўртасида элчи-
лик ва дўстлик алоқалари шаклланди. Мазмунан, мамлук-
лар ўзларининг ватанларини қўмсаб, унинг равнақи учун
имкони борича ёрдам бериш мақсадида Олтин Үрда билан
яқинлашиш сиёсатини юргизган. Бу ҳақда Байбарснинг
элчи орқали Беркахонга юборган совғалари ҳам далолат
беради. Булар қуидагилардан ташкил топган эди:
«Халифа Усмон кўрсатмасига кўра жамланган муқад-
дас Куръон; ранг-баранг ёстиқлар; масжид гиламла-
ри; Венеция матолари ва Ливан либослари; теридан
илгичли қилиб ишланган ва хом теридан ишланган ги-

дамлар; нақшли калжур қиличлари; олтин суви берилған гурзилар; франк дубулғалари; катта шамдонлар; Хоразм эгарлари; жойнамозлар; юганчалар — буларнинг ҳаммасига олтин ва кумушдан нақш чекилган; ҳалқали ёйлар; тош ёйлар; нефть солиб отадиган ёйлар; қамиш ва ёғоч наизалар; яшикларга солинган ёй уқлари; қозонлар; олтин ва кумуш занжирили исчироқлар; қоратанли малайлар ва оқсоч ошпазлар; чавандоз араб отлари ва Нубия туялари; тезюар уй ҳайвонлари; маймунлар; тұтиқушлар ва бошқа ҳар түрли буюмлар бор эди. Шунингдек, жираға Миср әшаклари. Хитой құралари, Іскандария кийимлари ҳам совғага құшиб юборилган».

Куриниб турибдики, Миср подшоҳи қандай бұлмасин, Беркахонни үзиге жалб этиш учун ниҳоятда қимматли ва иодир нарсаларни юборған. Ҳатто Қуръони Каримнинг асл нусхасини ҳам аямаган. Мана үша вақтдан бүён күп асрлар үтди, лекин уни қаердалиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Менинг фикримча, Амир Темур Тұхтамишин мағлубиятта учратиб, пойтахти эгаллагандан кейин, үша Қуръонни қўлга киритиб, Самарқандга олиб келганд. Бунга далолат шундан иборатки, Соҳибқирон Қуръони Каримни Мисрдан ҳам, Туркиядан ҳам олмаган. Шу боисдан ҳам Қуръон бу ерларда ҳамон сақланмоқда.

Хозирда унинг 6 нусхасидан 5 таси мавжуд, биттаси эса Мадинада масжидга ўт тушгандан куйған экан. Қуръонни сонига қараб ҳисоблаганда ҳам Амир Темур уни Олтиң Үрдадан олганлигини курсатади. Зеро, унинг иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркиядадир. Бешинчиси бизнинг юртимизда сақланмоқда. Шубҳасиз, Қуръони Карим тарихини ўрганиш бу билан узил-кесил ҳал этилди, дейиш қийин. У ўз тадқиқотини ҳамон кутмоқда. Аммо, ҳозирдаги мавжуд маълумотлар Қуръони Карим Олтиң Үрдадан олинганилиги ҳақида далолат беради. XX аср бошларидаги текширувга кура Қуръони Каримнинг умумий ҳажми 68x53 ҳисобланиб, 353 варақни ўз ичига олган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб, уларнинг орқа бети бирмунча ғижимланғанроқ, сийқаланған қуринишда бўлган.

Қуръони Каримнинг саҳифалари нам тортиши орқасида бирмунча шикастланған ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олингандан ёки қаттиқ шикастлан-

ган варақлари ўрнига 69 та терига ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахтадан тайёрланган қофозлардан ташкил топган. Улар шу даражада моҳирлик билан ишланганки, Қуръоннинг асл нусхаларидан фарқ қилиш қийин бўлган.

«Туркестанские ведомости» газетасида (1870 йил) берилган маълумотларда қўйидагиларни ўқиймиз: «Самарқанд мусулмонлари Усмон Қуръонини «Каломи шариф» дейишади. Бу ҳамма Қуръон учун умумий номдир. Бироқ Самарқанддаги мусулмонлардан бирортаси Қуръондан куфий хати билан ёзилган бир сатрни ҳам ўқий олмадилар».

Россия Самарқандни босиб олгандан кейин, яъни 1869 йилда Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Хўжа Аҳрор масжидида Қуръоннинг ноёб нусхаси сақлананаётганини эшишиб, полковник Серовга катта илмий аҳамиятга молик Қуръонни қўлдан чиқиб кетмаслиги чорасини куришни буюрди. Маълум бўлишича, мазкур ноёб нусха уруш вақтида беркитилиб, сунгра яна Хўжа Аҳрор масжидига қўйилган экан. Рус ҳарбий маъмурияттининг унга бўлган қизиқишидан хабар топган бир гурӯҳ руҳонийлар Қуръонни Бухорога олиб кетишини мўлжаллайдилар. Бироқ, бу Қуръон генерал Абрамов томонидан Хўжа Аҳрор масжиди имомларидан 125 сўмга сотиб олинади. Шундан сунг Қуръони Карим Самарқанддан Тошкентга келтирилади. Бир гал генерал-губернатор уни Бухородан келган Яҳе исмли элчига кўрсатганда, у шундай деди: «Қуръоннинг бу асл нусхаси халифа Усмоннинг ўз қўли билан ёзилган ва унинг қони билан доғланган. Бу Қуръон асл нусха ҳисоблабиб, кейинги даврларда ундан олинган нусхалар бутун мусулмон оламига тарқатилган. У Амир Темур кутубхонасида сақланган қадимий асаддир. У Соҳибқирон томонидан олиб келинган ва кутубхонанинг энг қимматбаҳо зийнати ҳисобланган».

1869 йилдаёқ Қуръони Карим Тошкентдан Петербуррга олиб кетилиб, аввал ҳалқ маорифи вазирлигига, сунгра ҳозирги Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонага берилади. 1873 йилда Қашқардан Петербуррга элчи сифатида келган Тарғахўжа уни кўриб шундай деган: «Мен бу Қуръонни Самарқандда кўрганман. У халифа Усмон томонидан битилган асл нусхадир. У ниҳоятда қимматлидир. Унинг саҳифасидаги доғлар Усмоннинг қонидир».

Бу доғлар халифа Усмон ваҳшиёна равишда ўлдирилаётганда қўлида ушлаб турган Қуръонга тўкилган қондан юзага келган.

Гувоҳларнинг кўрсатишича, Қашқар элчиси катта мамнуният ва эътиқод билан Қуръони Каримни кўзига ва лабига суртган. («Московские ведомости», 1873, 195-сон). 1910 йилда «Туркестон куръери» газетасида босилган хабарга кўра, Петербургдаги мусулмонлар «Машхур Усмон Қуръонининг шу ерда қурилаётган масжид ихтиёрига берилишини ҳукуматдан илтимос қилишган. Бироқ бу илтимос инобатга олинмаган». Совет давлатининг дастлабки йилларида Қуръони Карим Тошкентга олиб келинди. Шуни айтиш лозимки, Туркестон замини фақат Қуръоннинг асл нусхаси билан эмас, балки бошқа ноёб хиллари билан ҳам фахрланишга ҳақлидир. Чунончи, XX аср бошларида Туркестон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараасида жуда қадимий Қуръон нусхаси сақланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Манбаларнинг бирида сақлананаётган жойи номаълум Қуръон нусхасининг XVIII бобига тегишли Қисмининг расми келтирилган. Ёзув услубига қараганда у жуда қадимий нусхага уҳшайди. Ушбу Қуръон нусхаси ҳазрат Алиниң ўғли Ҳусайн томонидан кўчирилгани ҳакида фикр тарқалган.

Асримиз бошларида Самарқанддаги Шоҳи-Зиннадада катталиги ва ҳашамати жиҳатидан тенги йўқ Қуръони Карим нусхаси кўз қорачиғидай сақланған. Ҳар бир вароғининг ўлчови бўйинга 2 газ ва 4 қарич, энига 1 газ' ва 6 қарич бўлган. Шунга яраша ҳарфларнинг катта бўлгани ҳам табиий. У 1827 йили Бухоро амири Насрулло топшириғига биноан Ҳусайн деган киши томонидан тайёрлашган экан. Айрим маълумотларга кура, у қандайдир қадимий Қуръон нусхасидан кўчирилган.

Катта ўлчовдаги Қуръон нусхасига мулжалланган курси Улуғбек давридан то асримиз бошларигача Бибихоним масжиди ҳовлисида турган. Курси оқ мармардан ишланиб, баландлиги 2 газ ва 6 қарич, эни 2 газ ва ўн уч қарич, узунлиги 3 газ ва 3 қаричга тенг бўлган. Унинг уч қатордан иборат тўққиз оёғи бор эди. Суяниғи қаноти ва баландлиги бир газдан ошган. Баъзи маълумотларга кура, мазкур мармар курси Амир Темур замонида тайёрланиб, унга Қуръоннинг асл нусхаси кўйилган. Ҳатто, уни Бибихоним ўз масжиди деразасидан қараб ўқир экан. Хунармандчилик ва санъатнинг асл ва ажо-

йиб намунаси бўлмиш мазкур курси халқимизнинг Қуръони Китобига бўлган юксак эътиқодининг исботидир, албатта.

Қуръони Каримда маржон тиизмалари каби терилган суралар шу даражада ҳаётийки, улар миллати, диний эътиқодидан қатъи назар кишиларда меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, сахийлик ва камтаринлик, мурувватлилик, биродарлик, ватанга содиқлик каби олий фазилатлар шаклланишинга замин ҳозирлайди. Унда ҳаёт ҳамда одобахлоқнинг барча тармоқларига оид оятлар мавжуд. Таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольд: «Ислом дини жаҳон миқёсида асрлар давомида ўзининг ҳаётйлигини исботлади ва насроний динига нисбатан ўзида тенглик ва биродарликни кўпроқ акс эттирди. Исломни ҳеч қандай дин жаҳон даврасидан сиқиб чиқара олмайди», деб таъкидлайди. Қуръони Карим қадимдан насроний динидаги халқлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Чунки, у 1422 ва 1698 йили лотин тилига, 1770—1828 йиллар орасида саккиз маротаба француз тилига, 1946 йили немис тилига, рус тилига эса 1716 йил, 1790, 1792, 1864, 1907 ва 1963 йилларда таржима қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, Қуръони Карим буюк рус шоири А. С. Пушкин эътиборини ҳам ўзига тортади. Шоир «Қуръондан иқтибос» деган шеърий асар яратган. Бунда у сура ва оятларни мутолаа қилиб, унинг мазмунини шеърий йулда ифода этишини ўзига асосий мақсад қилиб қўйган. Буюк немис адаби Вольфанг Фон Гёте эса «инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад олдида қарздор», деб тарғибот қиласан эди. У Қуръони Каримга тан берган ва «Ҳазрати Муҳаммад Тарапноми» асарини ёзган. Қуриниб турибдики, Қуръон асрлар мобайнида турли тилларга ўғирилган ва кўп мамлакатларда қизиқиши уйғотган.

Сўнгги сўз ўрнида шуни уқтириб ўтиш лозимки, Қуръони Каримнинг асл нусхасини соҳиби бўлиш ва уни ўз кўзи билан кўриб ҳаёт кечириш катта бахт ва саодатdir. Уни бизнинг диёримизда сақланиши Худон таолонинг хоҳиш-иродаси ва марҳаматидир. Буюк бобомиз Амир Темур уни юртимизга келтириб, ўзбек халқининг шон-шуҳратини оламга таратишга ва унинг маънавий ҳаётини безашга улкан ҳиссасини қўшиди. У бу борада ҳам ўз ватани ва халқига беқиёс катта хизмат қиласан эди.

УЗБЕК ХОНЛИҚЛАРИНИНГ ЧОРИЗМ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

ЧОР ҲУКУМАТИ ТАЖОВУЗИННИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

Аввало, шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Ўрта Осиё ва Россия оралиғидаги Волга, Урал ва Иртиш дарёлари нинг бўйларида ва уларнинг атрофларида бепоён ерлар мавжуд эди. Бу жойларда қадимдан тасосан туркӣ тилли қипчоқлар истиқомат қилганлар. Шунинг учун ҳам у жойлар Даشتி Қипчоқ деб юритилган. Чор ҳукумати кўрсатилган жойларни босиб олгандан кейин-гина Ўрта Осиёга бостириб кириш имконига эга бўлди. Шу боисдан Даشتи Қипчоқ ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

Даشتи Қипчоқ билан Ўрта Осиё ўртасидаги алоқалар эрамизнинг биринчи минг йиллигидаёқ юқори дарражага кўтарилганлиги маълум. Чунончи, Волга бўйинда ташкил топган Туркӣ Булғор ва Ҳазар подшоҳликларида Ўрта Осиёнинг савдо-хунарманд, руҳоний ва маъмурӣ вакилларининг роли катта бўлган. У жойларда хоразмликларнинг махсус турар жойлари юзага келган. Ҳазар подшоҳининг вазири ва гвардияси хоразмликлардан ташкил топган. Ҳатто, Ҳазар — Хоразм империяси вужудга келгац вақтлари бўлган.

Ўрта Осиёликлар кейинги асрларда ҳам Даشتи Қипчоқ ҳаётida муҳим ўрин эгаллади. XIII асрнинг 30—40-йилларида Чингизхоннинг набираси Боту бир қатор ҳарбий юришлардан кейин Волга бўйида Олтин Ўрда номида ийрик давлат барпо этди. Бунга Қрим ва унинг денгиз бўйи шаҳарлари, Дарбандгача чўзилиб кетган Кавказ ва Боку, Шимолий Хоразм ва унинг Урганч шаҳри, рус киязликлари, Диестрандан бошланган даштиклар, Гарбий Сибирь ва Сирдарё этаклари кирган.

Олтин Ўрда Волга—Каспий, Урал ва Сибирь орқали ўтадиган карвон йўлларини эгаллаб, Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, рус киязликлари, Шарқий Оврупо,

Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб борди. Олтин Ўрда давлати айниқса, Ўзбекхон (1312—1342) вақтида юксалди. Бу вақтга келиб Олтин Ўрда «Мамлакати Ўзбек», яъни «Ўзбек улуси» деб юритиладиган бўлди.

Олтин Ўрда давлати аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган қипчоқлар мӯғул қабилаларини ўзига сингдириб юборди. Натижада, XIV асрда туркӣ тил Олтин Ўрданинг адабий тилига айланди. Бу давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ўсишида ўтасиёликлар муҳим ўрин эгалладилар. Унинг ички ва ташки савдою ўртаосиёликларнинг кўлида тўпландган Олтин Ўрданинг марказий шаҳарлари ҳисобланган Боту саройи (Астрахань ёнида) ва Берка саройига (Волгаград атрофида) Ўрта Осиё шаҳарларидан савдогарлар, хунармандлар, олимлар, руҳоний вакиллари, нақошлар келиб ўрнашганлар. Уларнинг бевосита қатнашувида Олтин Ўрдада ислом дини кенг тарқалган.

Айниқса, Хоразм ва Сирдарёнинг қуий оқимиидаги шаҳарлар Олтин Ўрданинг сўзлашув тилигатина эмас, балки унинг бадиий адабиётига ҳам таъсир курсатган. Сарой Берка шаҳрида хоразмликлар яшайдиган маҳаллалар юзага келган. Уларнинг орасида йирик давлат мансабидаги кишилар бўлган. Масалан, Мұҳаммадхўжа Хоразмий Ўзбекхон вақтида Азов вилоятининг ҳокими ҳисобланган.

«Хоразмликлар,—дека ёзади А. Ю. Якубовский,—Олтин Ўрда пойтахтида маданиятнинг турли соҳаларида ишлаганлар, айниқса, улар орасида хунармандлар кўпчиликни ташкил қилган... Хоразмлик усталар ўзларига хос бўлган ранг-баранг нақш безакларига жило бериб ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозаикаларида тақрорлаганлар; бу ранг-баранг нақшли безаклар Кўхна Урганчдаги Турабек хоним мақбараси каби ажойиб бинони ҳозиргача безаб турибди. Шу билан бирга хоразмлик усталар аввалги ишларни тақрорлабгина қолмай, бу янги жойда янги-янги усулларни ҳам яратдилар.

Сарой Беркада XIII—XIV асрларда қурилган турли туман бинолардаги хилма-хил кошинлар мажмуи бу ерда типик мусулмон феодал санъати бўлганилигини кўрсатади. Гулларнинг расмини тўр-тўр чизиклар ва безак ҳарфлардан ёзилган арабча хат билан бирга қўшиб ишлаш; кўк, феруза, оқ, яшил, сариқ сирлар

Урганч учун жуда ҳам характерли бўлган қизил ранг (ангоб бүёқ) билан бирга қўшиб товлаш, буарнинг хаммаси Ўрта Осиё ва Эрон давлатлари шаҳарларининг халқлари учун хос бўлган архитектура формалари билан биргаликда Волга буйи шаҳарларига кўчган»¹.

Хоразмликлар Олтин Ўрдада кулолчиликнинг ривож топишига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Хуллас, ўртаоснёликлар қандай бўлмасин, Даشتி Қипчоқда ўз мавқеларини сақлашга қадимдан қаттиқ ҳаракат қилганлар. Чунки Даشتி Қипчоқ Ўрта Осиё моллари учун талабчан бозор бўлиши билан бирга, қатор Шарқий Оврупо ва Шарқ мамлакатлари билан боғловчи жой ҳисобланган.

Олтин Ўрда билан алоқа Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир этган. Шубоисдан, Ўрта Осиё савдо, ҳунарманд ва ҳукумат доиралари Олтин Ўрдада ўз мавқенини мустаҳкамлашга ниҳоятда манфаатдор бўлганлар. Ўз навбатида Ўрта Осиё билан алоқадан Олтин Ўрда давлати ҳам кўп фойда кўрган. Амир Темур Олтин Ўрданинг муҳим аҳамиятга моликлигини ҳисобга олган ҳолда, даставвал уни тинчлик йўли билан ўзига қарам қилишга ҳаракат қилиди. Бироқ, бунга эришолмади. Бунинг устига, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Амир Темур давлатига зарба бериш мақсадида 1387—1388 йилларда Сирдарё бўйидаги шаҳарларга қўшин билан бостириб кирди. Бироқ, у Темур қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилди. Амир Темур 1395 йилда Олтин Ўрдани қўлга киритди. Шундан кейин бу давлат ўзининг собиқ қудратини йўқотиб, борган сари заифлашди. Шу равида, Амир Темур Олтин Ўрданинг «белини синдириб» буқчайтирган эди. Бу ҳолат айниқса, рус князликларига жуда қўл келди. Бу тўғрида А. Ю. Якубовский шундай ёзган эди: «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги Жануби-Шарқий Оврупо учунгина эмас, балки руслар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган... У Тўхтамишни енгиш билан рус ерига объектив суръатда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган». Бошқа бир рус тарихчиси С. Скобелев ҳам шу тарзда ёзган: «Темур Олтин Ўрдани тор-

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т., 1956, 144-145-бетлар.

мор қилгандан кейин у Москва князи учун узоқ вақтга-
ча хавф-хатарсиз бўлиб қолди».

Дарҳақиқат, Амир Темурнинг Тұхтамишхон устидан ғалабаси Олтин Үрданинг келажакда парчаланиб кетишини таъминлаган. Бу ўз навбатида рус князларини Олтин Үрда панжасидан озод бўлишига имкон яратди.

XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмида марказлашган рус давлати юзага келди. Бу вақтда Олтин Үрда давлати Астрахань, Крим, Қозон, Нұғай ва Сибирь сингари майда хонликларга бўлинниб кетган эди. Булар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заиф эдилар. Эндиликда собиқ Олтин Үрда ерларига тобора кучайиб бораётгаш рус давлати ҳарбий юришларни ўюштириди. 1552 йилда Қозон хонлиги, 1556 йилда Астрахань хонлиги, кейинчалик Сибирь ва Крим хонликлари рус давлати томонидан босиб олинди. Шу равишда рус давлати Үрта Осиё ва Қозоғистон билан бевосита қушни бўлиб қолди.

Олтин Үрдага қарашли жойларнинг босиб олиниши ниҳоятда бой табиий бойликларни ва муҳим карвон йулларининг рус давлати қўлига тўпланишига ва уни қудратли давлатга айланишига олиб келди. Эндиликда у жойларда юз йиллар давомида ўз мавқенини сақлаб келаетган ўртаосиёликлар манфаатига катта зарба берилди. Бу Үрта Осиёning тараққиётига салбий таъсир этган муҳим омиллардан бири хисобланади. Шундай қилиб, Амир Темурнинг Олтин Үрдадаги ғалабаси Үрта Осиёга нисбатан кўпроқ Россияяга катта фойда келтирди. У ўзи ўйламаган ҳолда рус давлатини тўсиб турган туғон заминига тузатиб бўлмайдиган даражада зарба бериб, келажакда қудратли рус давлатининг ташкил топлишига кенг йўл очиб берди. Соҳибқиран бундай ҳолат юз беришини хаёлига ҳам келтирмаган эди, албатта.

Рус давлати собиқ Олтин Үрданинг бепоён ерларида ўз мавқенини мустаҳкамлаб олгандан кейин, Үрта Осиё ва Қозоғистонни эгаллашни режалаштириди. Бу айниқса, Пётр I замонида яққол кўзга ташланди.

Пётр I 1714 йилда Бекович-Черкасский бошчилигига Хивага қарши ҳарбий юриш ўюштириш ҳақида фармон чиқарди. Ҳукумат сенати Пётр I фармони асосида Бекович-Черкасскийга 6240 кишидан иборат қўшин биритириш ҳақида кўрсатма берган. Пётр I Бекович-Черкасскийга 13 банддан иборат топшириқларни белгилади. Бунга кўра Бекович-Черкасский Волга-Каспий йўли

орқали Хива томон юриш қилиб, Амударё қирғоғида ҳарбий қалъа қуриши, Амударёни Қаспий денгизи томон буриши ва Хива хонлигини босиб олиши лозим эди. Агар Хива хонлиги эгалланса, у вақтда Бекович-Черкасский хонлик кишилари билан бирга икки рус кишисини Ёркентга олтин борлигини аниқлаш учун юбориши керак эди. Шунингдек, Бекович - Черкасский зиммасига Бухоро амирлигининг ҳам рус давлати тобелигига ўтиши масаласини аниқлаш вазифаси юклатилган эди. Уч йиллик тайёргарликдан сўнг, 1717 йил 9 июнда Бекович-Черкасский 3727 пиёда, 617 отлиқ драгун, 2 минг казак, 230 денгизчи ва 22 тўп билан Гурьев шаҳридан Хива хонлиги томон йўлга чиқди. Бу вақтда Хива хонлигига рус қўшинлари келаётгани ҳақида маълумотлар олиниб, у ерда тайёргарлик курилаётган эди. Хива хонлигига уч кунлиқ йўл қолганди, яъни Порсу деган жойда Хива қўшинни рус аскарларини қуршаб олди. Уч кун давомида ҳар икки томон ўртасида жанг бўлди. Душман ватан ҳимоячиларига қарши тўплардан ўқ ёғдирди. Бу ерда шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Хива қўшинлари найза, ўқ-ёй ва бошқа шунга ўхшаш оддий яроғлар билан қуролланган эди. Маҳаллий ва рус манбаларидан ҳар икки томон ўртасида юз берган жаиг ҳақида батафсил маълумотлар йўқ. Шу нарса маълумки, Хива хони Шерғози Бекович-Черкасский ҳузуринг элчилар юбориб, масалани тинч йўл билан ҳал қилишни таклиф қилган. Бунга кўра, рус қўшинларини бешга бўлиб, хонликларнинг турли шаҳарларига тақсимлаш ва сўнгра музокара юритиш кўзда тутилган. Хон рус кишилари кўп бўлгани учун бир ерда озиқ-овқат ва жой билан таъминлашнинг иложи йўқлигини маълум қилган. Рус манбаларининг кўрсатишича, Бекович-Черкасский соддалик қилиб, бу таклифга рози бўлган. Хива хони эса рус қўшинларининг бўлиннишидан фойдаланиб, уларни бирин-кетин қириб ташлаган. Бекович-Черкасский ва унинг ўринбосари Замановнинг кесилган бошлари Хива бозорида осиб қўйилган. Бекович-Черкасский қўшинининг анча қисми қириб ташланган. Қолган маълум қисми асирга олиниб ишлатилган. Айрим рус кишиларигина Астраханга қочишга муваффақ бўлган. Шундай қилиб, Пётр I инг ҳарбий куч билан Хива хонлигини босиб олиш ҳаракати муваффақиятсизлик билан тугалланди.

Бухоро амирлиги Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий юришдан хабардор бўлса-да, бироқ унга қарши

бирор чора кўрмай холис турди. Бу билан Бухоро амирлиги рус давлати билан алоқанинг ёмонлашувига йўл қўймасликни назарда тутган эди. Хива хонлиги ўз ғалабасини намойиш қилиш мақсадида Бекович-Чаркасский калласини Бухорога юборади. Бу ерда амир уни олмай Хивага қайтариб юборади.

1720 йилда Хива хони Шергозихон Вайсмамат (Увайди мұхаммад) исмли кишини элчи сифатида Россияга юборади. Бу элчи олиб келган хон ёрлиғида хонликнинг Эрон билан уруш олиб бораётгани хабар қилиниб, рус давлати билан яхши муносабатларни тиклаш зарурлиги Пётр I га маълум қилинган. Бу билан баробар Бекович-Черкасский кўп сонли қўшин билан келиб, хонликни босиб олмоқчи бўлганлиги учун унинг қўшинларига зарба берилганлиги уқтириб ўтилган. Бекович-Черкасскийнинг хонликдаги мағлубияти рус давлатининг халқаро обрўйига путур етказмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Бу ҳолат Пётр I ни ва умуман, рус ҳукумати доираларини разабга солган. Шунинг учун ҳам Пётр I оддий элчилик қонун-қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда ўша Хива элчисини 4 та ҳамроҳи билан Астрахандан соқчилар назоратида Петербургга келтириб, Петропавловск қамоқхонасига ташлади. Кейин элчи ташқи ишлар ҳайъатига чақирилиб, у билан сухбат ўтказилган.

Бу ерда ўлдирилган Бекович-Черкасскийнинг ва рус аскарларининг хуни учун элчини осиб ўлдириш лозим дейилганда, элчи бу «Сизларнинг ишишгиз» деб жавоб берган. Элчи 1721 йилнинг 10 марта қамоқхонада вафот этган, эҳтимол у қасдан ўлдирилгандир. Унинг ҳамроҳларидан бири Кучек (Кичик) номли кишигина рус ҳукуматининг рус асиirlарини озод қилиш ҳақидаги хати билан Хивага жўнатилган, қолган З киши 1724 йилда сургун сифатида ишга юборилди.

Жаҳондаги йирик империялардан ҳисобланган рус давлати қўшинининг кичик бир хонликдан енгилиши халқаро миқёсда шармандалик эди. Шунинг учун бу ҳолат Пётр I ни қаттиқ ларзага солган. Машҳур рус ёзувчisi Пушкиннинг сўзича, Пётр I Хива хонлигидан учини ололмай, қаттиқ аламда кетган.

1725 йилда Бухоро амирлиги бу ерга келган рус элчиси Беневени орқали Пётр I номига хат юборган. Бунда ўзаро савдо алоқаларини самараали давом эттириш таклифи билан бир қаторда, Хива хони Шерғозининг

Бекович-Черкасскийга нисбатан бўлган муносабати қораланган. Ҳатто, хон ёрлигига Хива хонлигига қарши Бухоро аскарлари юборилганлиги маълум қилинган. Айтидан, бу вақтда ҳар икки давлат ўртасида жиддий келишмовчилик бўлган. Хуллас, Бухоро амири Абулфайз-хон ўзини рус давлати томонида эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Ваҳоланки, Пётр I Хива хонлигини бўйсундиргандан сўнг Бухорони ҳам эгаллаш ниятида эди. Пётр I Шарқда Рус давлатининг таъсирини ўрнатишида Қозоғистонга алоҳида аҳамият берган.

«Шарқ билан алоқада,—деган эди у,— Қозоғистон тасарруфи калит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам, Қозоғистонни бўйсундириш ёки ҳеч булмаса у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир». Унинг бу орзуси кўп вақт ўтмай вазият тақозоси-ла тинчлик йўли билан рӯёбга чиқди. Чунончи, унинг вафотидан кейин, яъни, 1731 йилда қозоқларнинг Кичик Жузи, 1732—1740 йилларда Ўрта Жузи рус давлатининг тобслигига ўtdи. Бу ҳолат рус давлатига келажакда Ўзбек хонликларига бостириб кириш учун катта имкониятларни яратди. Чунончи, рус давлати Қозоғистонда Оренбург, Семипалатинск, Петропавловск, Троицк ва бошқа шаҳарларни ҳамда ўнлаб ҳарбий истеҳкомларни қурди. Ўларда ҳарбий қисмлар билан бир қаторда руслар ҳам жойлаштирилди. Шунингдек, тоғ конлари ишга туширилиб, рус давлатининг бойлигига бойлик қўшилди.

Шу тарзда рус давлати ўзбек хонликларига борган сарп яқинлашиб хавф туғдирди. У ўзининг ёвуз ниятларини тинч-тотув қўшичилик, савдо-сотиқ ва карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш байроғи билан ниқоблади. Аслида эса чор ҳукумати ўзбек хонликлари ҳақида маълумотлар тўплади ва унинг заиф томонларини батафсил ўрганди. Айни бир пайтда, очиқдан-очиқ хонликларни босиб олишга ҳаракат қилди. Масалан, 1837 йилда рус императори Хива хонлигини босиб олиш учун ҳарбий тайёргарликни куриш ҳақида Оренбург генерал-губернатори Перовскийга кўрсатма берди. Пухта тайёргарликдан кейин 1839 йилда генерал Перовский бошлигига 22 та тўп билан таъминланган 5 мингдан ортиқ рус қўшинлари Оренбургдан Хива хонлиги томон йўлга чиқдилар. Улар узоқ йўлни босиб, Оқбулоқ деган жойга ўрнашдилар. Бундан хабар топган Хива хони у

ерга ўзининг лашкарбошиси раҳбарлигига қўшинини юборди. 42 кун давомида икки томон ўртасида отишув.лар бўлган. Натижада ватан ҳимоячиларидан 80 киши, душман томонидан эса 5 киши ўлдирилди ва 13 киши ярадор қилинди.

Уша йили Оренбург ва Хива хонлиги оралигидаги йўлларда қиши ниҳоятда совуқ келган. Рус аскарларининг орасида ўлиш ва касаллик тобора авж олди. Кўп кишиларнинг қўл ва оёқларини совуқ урган. Шунингдек, цинга касали катта хавф туғдирган. Бунинг устига, озиқ-овқатнинг камлиги туфайли юришни давом эттиришнинг иложи бўлмай қолди. Иш ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлаш ҳам оғирлашган.

Шулар боисидан 1840 йилда Хива хонлигига 600 чақи-рим қолганда генерал Перовский оғир шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўз қўшинларига Оренбургга қайтиш ҳақида буйруқ берди. Рус қўшинидаги юзлаб кишилар адашганилиги ёки бетоблиги туфайли хиваликлар томонидан асирилкка олинган. Кейинчалик улардан 600 киши ўз ватанига қайтирган.

1839 йилги ҳарбий юришда давлат хазинасидан 1 миллион 800 минг сўм бехудага сарфланди. Кўп кишиларнинг ёстиғи қурди ёки дардга чалинди. Бироқ, Хивани босиб олиш ниятидан қайтилмади. Генерал Перовский Хивага қарши янги ҳарбий юришни таклиф қилди. Буни амалга ошириш учун 9,5 миллион сўм ва аскарларнинг сонини 19 минг кишига етказишини сўради. Бундан ташқари, 15 минг от ва 17 минг тую ажратилиши лозим эди. Бироқ, рус давлатидаги ички ва ташқи вазият режани амалга оширишини орқага сурди.

XIX асрнинг 40-йилларида ўзбек хонликларига қарши юриш бошлаб юборилди. Бу вақтларда қозоқ халқининг содиқ фарзанди Султон Кенисарин бошлигига чоризм ҳукмронлигига қарши ҳаракат кучайди. 1843 йилда рус ҳарбий кучлари уша қўзғолонни бостириш учун юборилди. Натижада ватан ҳимоячиси Султон Кенисарин кўлга олинди ва ўлдирилди. Шу равишда чор ҳукумати ўзбек хонликлари томон юришда учрайдиган барча тусиқларни бартараф қилиб борди. Айни бир вақтда, ҳарбий истеҳкомлар қурди. Масалан, 1845 йилда Тўргай дарёси бўйида Оренбург истеҳкоми қайта қурдиди, Манғишлоқ ярим оролида эса Новопетровск [кейинчалик Александровск] истеҳкоми барпо қилинди. 1847 йилда эса Сирдарёнинг Оролга қуйилиш жойида

Рәим [Казалинск] ҳарбий истеңкоми бунёд этилди. Бу ишни генерал Обручев құмандонлигидаги 4 рота, 3 юзлик ва 4 замбараклик аскарлар амалга оширди. Уша йили 23 августда полковник Ерофеев бошчилигидаги 2 замбарак билан қоролланған 200 рус құшини Хива аскарларини мағлубиятта уратыб, Жонхожа қалъасини босиб олди. Шундан кейин «Николай» ва «Константин» кемаларидан иборат Орол флотилияси юзага келтирилди. Кейнинг 1848 йилда Хива хонлигига қарашли Хожа Ниәз қалъаси рус құшини томонидан әгалланди ва остин-устун қылыш ташланди. 1850 йилда 50 пиёда, 175 казак ва 2 замбараклардан ташкил топған рус құшини Құқон хонлигининг Түйчибек қалъасини босиб олди ва бузиб ташлади. Уша йили душман кучлари Құшқұрғон қалъасини әгаллади.

1851 йилда полковник Корабошев бошчилигига 5 рота, 5 юзлик, 6 замбарак ва 1 ракета мосламасига эга аскарлар Оқбулоқ деган жойнинг яқинида Еқуббек бошчилигига Құқон құшинига зарба берди. Бу вактда Туркистон, Чимкент, Авлыёста, Пишпек, Тұқмоқ, Оқмачит ва уларнинг атрофидаги бепоён ерлар Құқон хонлигининг құл остида эди. Шу боисдан рус құшинлари биринчи навбатда хонликнинг кучлари билан тұқнашды. Оқмачит (хозирги Қызыл Үрда) хонликнинг энг муҳим қалъаларидан бири ҳисобланған.

1852 йилда унга рус құшинлари ұжум қилди, лекин 72 кишини қурбон бериб ҳам ололмадилар. Уша йили рус құшиниларининг ҳарбий отряди (1—2 рота, 2 юзлик ва 5 замбарак) билан Құмушқұрғон, Чимқұрғон, Құшқұрғон сингари Құқон қалъаларини босиб олди. 1853 йилда шахсан генерал Перовский бошчилигига 12 та тұплар билан 2 мингдан ортиқ аскарлар Оқмачитни қамал қилдилар. Генерал Перовскийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига ватан ҳимоячилари: «Бизлар бир дона порох ва кўчада бир кесак қолгунча, ҳамма қоролларимиз тамоман синиб битгунча курашамиз», деб жавоб қайтарғанлар.

Қалъада бор-йўғи 250 киши мудофаада эди. Лекин шунга қарамай, жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини намойиш этиб, душманни ҳайрон қолдирди. Бунга тан берган генерал Перовский бошлиқларга ёзған ахборотида мудофаачилар «Қалъанинг деворларида ва ички томонидан құмандон Мұҳаммад Алихоннинг ҳалок бўлишига қарамай, юзбоши Лафас бошчилигига ниҳоятда

кatta жасорат ва матонат билан жанг қилдилар. Үзлари қасам ичганидек, охирги дақиқагача имкони борича курашдилар», деган эди. Шуниси диққатга сазоворки, қалъа ҳимоясида ўзбек аёллари ҳам қатнашиб, душманни ҳайратда қолдирган. Русқўшини қалъа деворининг остига пороҳ қўйиб портлатиб, ичкарига бостириб киргандан сўнг, эркаклар ва аёллар қўлларидаги қуролларини ва ўқларини ташлаб қиличбозлик жангига утиб, шу даражада урушдиларки, бундай манзарани осмону фалак ҳали ҳеч кўрмаган ва эшиитмаган эди. Қалъадаги эркак ва аёллар асир тушишни ор билиб, ўзларини ўлимга маҳкум этганликлари русларни жуда ҳайратлантирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

1853 йил 28 июлда 22 кунлик жангдан кейин Оқмачит қалъаси тор-мор этилди. Бу ердаги 250 ҳимоячидан 74 киши тирик қолган, улардан 35 ярадор ҳисобланган, ўлганларнинг орасида аёллар ҳам бўлган. Рус аскарларидан 25 киши ҳалок бўлди ва 46 киши ярадор бўлган. Қалъадан 80 аёл ва 25 бола асир олинди.

Оқмачитнинг ўринида «Форт Перовский» номли рус қалъаси барпо этилди. Оқмачитнинг қўлдан кетиши бутун Қўқон хоилигини ларзага солди. У ерга бир неча маротаба Қўқон қўшини ва қўнгиллилар юборилиб, жанг қилинди. Бундай жангларнинг бирида, 1853 йилнинг 18 декабрида ватан ҳимоячиларидан 2 минг киши ҳалок бўлган. Лекин ҳар бир уриниш мағлубият билан тугалланди. Крим уруши муносабати билан рус давлатининг ўзбек хонликларига қарши юриши анча сусайди.

1854 йилда Олмаотада — Верний номида рус ҳарбий истеҳкоми қурилди ҳамда Или водийси қўлга киритилди. Бу ерда Илиортி бўлими ташкил этилди. 1856 йилда полковник Харментовский бошчилигидаги 1 рота, 1 юзлик ва 1 ракета дастгоҳли рус қўшинлари қозоқларнинг Катта Жузига тегишли тапай қабиласини бўйсундирди. Шунингдек, 320 пиёда, 300 казак, 3 замбарак ва 2 ракета мосламасидан ташкил топган генерал-майор фон Фитинграф қўмондонлигидаги қўшини Хўжа Ниёз ҳарбий истеҳкомини босиб олдилар. 1857 йили эса ўша генерал 200 пиёда, 300 казак ва 2 замбарак билан Хива қўшинини мағлубиятга учратди ҳамда улар тарафини олган бир гуруҳ қозоқлар жазоланди.

Рус давлати томонидан бирин-кетин хонлик ерларининг босиб олинишига қарши Тошкентда катта куч

тўпланди ва Илиорти томонга юборилди. Бу ерларда 1858 йилда 5000 кишилик Тошкент ва Қўқон ҳарбий кучлари билан подполковник Перемешалский бошлиқ қўшин ўртасида жанг бўлиб, ватан ҳимоячилари Чуй дарёси водийсига суреб ташланди.

1860 йилда 6 рота, 600 казак, 12 оғир замбарак, 4 ракета мосламасидан ташкил тоғган аскарлар Пишпек ва Тўқмоқ сингари Қўқон истеҳкомларига ҳужум уюштириди. Душман 5 минглик ватан ҳимоячилари ҳужумини қайтариб, қули баланд келди. Ў Пишпекни эгаллаш учун 954 та снаряд ва 13 мингга яқин ўқ ишлатди. Ҳимоячилардан кўп кишилар ўлдирилди ва ярадор қилинди. Шунингдек, Тўқмоқ қалъаси ҳам душман томонидан эгалланди. Бу ҳол бутун хонликни катта ташвишга солди. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар биргаликда Тошкент ҳокими бошчилигига рус давлати тажовузига қарши бош кутариб 1860 йил 21 октябрда Қоракўзтоғ дарёси бўйидаги Узунёғочда босқинчилар билан тўқнашди. 20 минг кишилик ватан ҳимоячилари билан подполковник Калпаковский бошчилигидаги қўшин [3 рота, 2 юзлик, 6 замбарак ва 2 ракета мосламаси] ўртасида Пишпек остонасида жанг бўлиб, душман ғалабага эришиди. Рус қўшини томонидан 2051 снаряд, 31879 та тўп ўқи отилди. Бу жангда ватан ҳимоячиларидан 1500 киши ўлдирилди ва кўп кишилар яраланди. Душман аскарларидан 13 киши ўлдирилди ва 29 киши жароҳатланди, 574 ҳимоячи асирга олинди. Уларнинг орасида 82 савдогар, 92 та аёл ва болалар бор эди. Душман томонидан Пишпек ва Тўқмоқ истеҳкомлари ер билан яксон қилинган эди. Гарчанд, ватан ҳимоячилари биринкетин мағлубиятга учраган бўлсалар да, лекин озодлик учун кураш давом этаверди.

АВЛИЁОТА, ТУРКИСТОП ВА ЧИМКЕНТИНИГ ОЛИНИШИ

1861 йилнинг 25 сентябрида генерал-лейтенант Дебу бошчилигидаги рус кўшини хонликнинг Янгиқўргон қалъасини вайрон қилиб ташлади. Кейинчалик 1862 йилда полковник Колпаковский 4 рота, 2 юзлик ва 4 замбаракли қўшин билан Марки номидаги Қўқон истеҳкомини эгаллади. Шунингдек, генерал-лейтенант Дебу 550 пиёда, 300 казак ва 19 замбарак билан Дин қўргон қалъасини босиб олди. 1863 йил 4 июнда

полковник Черняев ўз құл остидаги Фарбий Сибирь батальонининг 5-ротаси, Фарбий Сибирь батальонининг 3,5-үкчи роталари, 9-жарбий Сибирь казаклар артиллеријисининг 1-взводи, пиёда тоғ батареяси ва 1-Сибирь казаклар полки билан Авлиётани босиб олди.

Уша йили 18 июндан 1 июлягача подполковник Лерхнинг 2 ротаси, 1—2 юзлик, 2 тоғ замбарак ва 1 ракета мосламаси билан Қорабура довонидан ошиб, Құқон аскарларини қириб ташлади ва қорақиғиз қабилаларини бўйсундирди. 1864 йилнинг 12 июняда 4 рота, 1 отлиқ взвод, 10 та замбарак, 6 мартаира ва 2 ракета мосламаси билан полковник Вревский Туркистонга ҳужум қилди. Бу жангда маҳаллий халқ вакилларидан кўп кишилар ҳалокатга учради ва жароҳатланди. Айрим маълумотларга кўра, чор қўмандони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбарасига тўп отилиши ва вайрон қилинишини маълум қилган. Шундан кейингина ҳимоячилар урушни тўхтатишига мажбур бўлганлар. Бу воқеа 1864 йил 14 июняда юз берган.

Туркистоннинг рус давлати томонидан эгалланиши Тошкент ва умуман, Қўқон хонлиги учун катта хавф туғдирди. Қўлдан кетган жойларни қайтариб олиш ва чор ҳукумати аскарларининг юришини тўхтатиш учун Қўқонда тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Чунончи, хонликнинг ҳамма жойларидан қўшин тўпланиб, ҳарбий қуроллар билан таъминланди. Сунгра Қўқон хони Султон Сайдхон ва лашкарбоши Алимқул аскарлари билан Тошкентга жўнайди. Бу ерда ҳам ҳарбий тайёргарликка зўр эътибор берилиб, Алимқул кўп қўшин билан Чимкента йўл олади. Чунки бу вақтда Черняев бошчилигидаги рус отрядининг Авлиётадан Чимкент томон йўлга чиққанлиги ҳақида хабар олинган эди. Шундан кейин ватан ҳимоячилари тонготар пайтида йўлга отланиб, ҳар бир маҳалла олдиди ҳалқдан «дуо ва фотиҳа» олиб шаҳардан чиқиб кетган. Буларни халқ яхши ният ва йиғи-сиги билан кузатиб қолган.

Хон қўшинларидан ҳар бир шаҳарнинг аскари алоҳида қисмни ташкил этиб, ўз бошлиғига эга бўлган. Масалан, тошкентликларга Мирза Давлат, қипчоқларга Мингбой, марғилонликларга Юсуфбой, ҳўжандикларга Мирзаахмад Қушбеги бошчилик қилган. Шунга ўшаш андижонликлар, наманганликлар, ўшликлар ва бошқа жойларнинг ҳарбий қисмлари мавжуд бўлган.

Шунингдек, Калонхұжа, Мұминхұжа Судур, Мирбобо понсадбоши ва Аваz Мұҳаммадбий сингари саркардалар ҳам қүшинга бошчилик қылғанлар. Қүшинга шахсан хонлик лашкарбошиси Алимқұлнинг ўзи бошчилик қылған.

Чимкентда урушни олдин қипчоқлар бошлаб, кейин тошкентликлар давом эттирганлар. Даставвал бир ке-ча-кундуз давомида ҳар икки томон үртасида түплардан отишув бўлган.

Сўнгра тўрт томондан аскарлар отдан тушди ва тўрт томондан карнайлар чалиниб, рус қўшинларига қарши ҳужумга ўтилди. Уша онда ҳозир бўлган кишиларнинг сўзича, хон қўшинлари 2—3 минг қадамгача тўхтовсиз олға қараб чопдилар. Икки ўртада бир ярим минг қадамча масофа қолганда, рус аскарлари бирданига тўп ва милтиқлардан ёмғирдек ўқ бўрон қилдиларки, майдонда бирданига 12 минг киши ўлдирилди, ярадорларнинг оҳ-нола ва фарёдлари осмонга таралди. Ҳатто, бу фожеали манзарадан русларнинг ўзлари ҳам, ҳайратда қолиб, бармоқларини тишлиб, баланд овоз билан бақириб: «Эй мусулмонлар, биз урушни тўхтатдик, ўлик ва ярадорларни майдондан олинглар», дедилар. Шундан кейин Қўқон лашкарбошиси Алимқұл ҳузурига Н. А. Северцев номли рус элчиси келиб сулҳ тузишина таклиф эта-ди. Бу таклиф сардор ва амалдорлар муҳокамасига қўйилиб, фикр алмашув ўтказилди. Айрим амалдорлар сулҳ тузишини қувватлаган бўлса-да, бошқа бир гурӯҳ кишилар, шу жумладан, Тошкент амалдорлари унга қарши чиқиб, сулҳ тузиш алдашлик нуқтаи назаридан таклиф этилаётганини уқтириб ўтдилар. Пировардида, рус отрядларининг Туркистонга қайтиб кетиши ҳакида рус элчиси билан келишилди. Шунга биноан, рус қўшинлари Туркистонга йўл олди. Бу ҳолат шу ҳақда гувоҳлик берадики, рус отрядлари Чимкентни эгаллашга курбилиари келмай, орқага қайтишга мажбур бўлган. Лекин рус қўшинларига йўлда Туркистондан қўшимча кучнинг келиб қўшилиши орқасида Черняев бошчилигига Чимкентга қайта ҳужум қилдилар. Бу жой қалъаси ташкарисида жойлашган «Жанан» қабристонининг бир томонида қаттиқ жанг бўлиб, Қўқон қўшинлари ғалаба қозонди. Рус қўшинлари эса Туркистонга қайтиб кетдилар.

Шундан кейин Алимқұл Авлиёта мудофаасини уда-далай олмаган ва уни рус қўшинларига бериб қўйиб,

Чимкентга қочиб келган ҳоким Ниёзали понсадбошининг оёқ-қўлларини боғлаб, тўп оғзига қўйиб оттирди. Худди шу хилда Дуғлат қабиласининг бошлиқларидан бирни рус қўшиналрига жосус сифатида хизмат қилган қозоқ Бойзоқбой номли киши ҳам жазоланди. Лашкарбоши Алимқул Чимкент мудофаасини мустаҳкамлаш ва чор ҳукуматига қарши урушни давом эттириш тадбирларини кўраётганда, Бухоро амирининг Қўқонга қарши отланганини ҳақида хабар олди. Шу муносабат билан Алимқул Чимкентда қўшиннинг бир қисмини қолдириб, Қўқонга жўнади. Бу ҳолат Чимкентда рус аскарларига қарши ҳаракатга салбий таъсир этди. Буни яхши англаган Черняев отряди полковник Лерх бошчилигига қўшин билан биргаликда Чимкентга ҳужум қилиб, 1864 йилнинг 21 сентяброда уни эгаллади. Бу ерда рус қўшинлари томонидан кўп одамлар ўлдирилди. Қўқон қўшинларининг бир қисми Тошкентга қочиб кетди. Генерал Черняев Россия тарафдорларидан бири Сиддиқ Назарни Чимкентнинг мингбошиси қилиб тайинлади.

ТОШКЕНТНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

Генерал Черняев бу шаҳарни эгаллаш учун тайёргарлик ишларини кўриб озиқ-овқат, қурол-аслача ва бошқа нарсаларни Тошкентга олиб боришини уюштириш вазифасини Алимқул томонидан ўлдирилган Бойзоқбойнинг ўғли Оқмуллага топшириди. Қўқон қўшинлари артиллери яна анча яхши уюштирилган бўлиб, унинг узоққа отилиши ва нишонга тегиши мақтovга сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам генерал Черняев Чимкентда тайёргарлик кўриб, 1864 йилнинг сентябррида Тошкентни эгаллаш мақсадида ўйлга чиқди. Бу вақтда Тошкент мудофааси меҳнаткаш омманинг умумий ҳаракатига айланиб, шаҳар атрофидаги деворларда аскарлар ва халқ кўнгиллilarи жойлашган эди. Шаҳар аҳолиси она юртини химоя қилишини үзининг муқаддас бурчи ҳисоблаб, мудофаачиларга тинмай ғамхўрлик қилганлар. «Шаҳар гарнблари, фуқаролари ва қариялари, ибодату намоздан кўра қулидан келганча ёрдам бериш афзалроқ ва савоб, деб аскарларга, ғозийларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар». Рус аскарлари 1864 йил 1 октябрда Юнус обод томонидан шаҳарга яқинлашиб, уни тўплардан ўққа тутди. Рус аскарларидан бир гуруҳи шаҳар қалъасининг атрофида қазилган зовурлар ичига тушиб қол-

дилар. Буларга қүшилиш учун бир гурух рус аскарлари чопиб келаётганды уларга қарши түп отиљди. Натижада, душман отрядлари орқага чекинди. Шундан кейин шаҳар мудофаачиларидан бир қисми зовурдаги душман устига шиддатли ҳужум қилиб, рус аскарларидан 72 кишини ўлдирилар. Шундай қилиб, тошкентликлар ғалаба қозонадилар. Генерал Черняев урушни тұхтатишига ва Чимкентге қайтишига мажбур бұлади. Шундан кейин Алимқұл Тошкентга келиб, бұлажак урушга тайергарлик ишларини амалға ошириб, сұнгра Құқонға қайтади. Хон курсатмасига күра, Тошкент ҳокими номидан Ҳофиз-құҳаки маҳаллалық Мұхаммад Сайд номли савдогарни тинчлик сұлҳи тузиш мақсадыда элчи сифатида генерал Черняев ҳузурига юборилди. Бироқ, генерал Черняев сұлҳ тузишдан бош торгади ва элчи Тошкентте қайтиб келади.

Тошкентде урушга тайергарлик ҳамон күндалық ҳаёт-нинг бириңчи навбатдаги вазифаси ҳисобланған. Бу ерда лашкарбоши Алимқұл бошчилигида Туркистанни рус қүшиндеридан озод қилиш учун тайергарлик күрилгендан сұнг, аскарлар Шайхонтохурнинг катта йўлидан ўтиб Сағбон кучаси орқали Сағбон дарвозасидан Сарнёғоч йўлига чиқдилар. Бу юриш 1864 йил ноябрь ойи охирида юз беріб, ҳаво жуда совуқ ва қор ёғиб турган пайт эди. Аскарлар Туркистанга яқин жойда Россия қўл остидаги Иқон деган қишлоқда рус отрядини тор-мор этдилар. Алимқұл гарчанд ғалаба қозонған бұлса ҳам, Туркистанга қараб юрмай, Иқондан Тошкентте қайтишига мажбур бұлади. Бунга хонликдаги ички зиддият ва қўшимча ҳарбий күчларни тұплыш сабаб бўлган. Алимқұл Тошкентте келган пайтда Черняев томонидан юборилган жосус ушланди. Бу жосус Тошкентнинг амалдорларидан бири Абдураҳмонбек Шодмонбековнинг (асли шаҳрисабзлик) Черняев номига ёзилған хати билан қўлга тушган. Бинобарин, Черняев маълум кишилар орқали Тошкент ҳақида зарур маълумотларни олиб турган. Абдураҳмонбек Тошкентден қочишга улгuriб, Чимкентте Черняев ҳузурига боради. У хоннликда айбланиб, уй-жойи ва мол-мұлки давлат фойдаласига мусодара қилинади.

Бу вақтда генерал Черняев Тошкентте қайта ҳужум қилиш тадбирларини тамомлаб, 1865 йил 28 апрелда Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан эгалади. Юқорида қайд қилинган Абдураҳмонбекнинг мас-

лаҳати бўйича шаҳарни сув билан таъминлайдиган Кайковус ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборди. Бу билан шаҳарни сувдан маҳрум этиб, уни таслим эттириш эди. Бироқ шаҳар халқи буни писанд қилмай мудофаани мустаҳкамлаб жангга тайёр турди. 1865 йилнинг май ойида Қўқон хони Султон Саидлашкарбоши Алимқул билан Тошкентга этиб келди. Бу ҳолат тошкентликлар руҳини кўтариб, улар Қўқон қўшинини зўр хурсандчилик билан қарши олганлар.

Алимқул шаҳар саройида йиғин ўтказиб, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва қўшин бошлиқларига қаратади нутқ сўзлаган. Шу йиғинда Алимқул катта-кичик, бойкамбагал фуқародан ёрдам сўраб, бу тўғрида Тошкент аҳли фуқароларининг кўрсатган гайрат, шижаот ва қаҳрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилигини ва хурсандчилигини изҳор қилиб, бир томчи қони қолгунча душманга қарши курашишга даъват этди. Алимқул Бухоро амири Музаффархонни қоралаб, унинг рус қўшинларига қарши кураш ишига катта птур етказаётганлигини ҳам гапирган.

Тошкентга хонликнинг Андижон, Қўқон, Наманган, Марғилон ва бошиқа жойларидан келган қўшинлар Алимқул бошчилигида шаҳар мудофаа чизиғини эгалладилар. Сиддиқ Тўра бошлиқ Қўқон қўшинининг разведка бўлими душманнинг отлиқ ва пиёда отряди бир тўп билан Шўртепадан чиқиб, Олтинтепа орқали ўтиб Салор суви бўйлаб келаётганлиги ҳақида Алимқулга хабар келтирган. Шундан кейин Алимқул ўз қўшинлари билан кўрсатилган томонга жунади. Душман қўшинлари Салор сувидан ўтиб, Қўқон қўшинларига қаратади тўплардан ўқ уздилар, патижада икки томон ўртасида қаттиқ жанг бошланиб, қўқонликлар ҳужумга ўтдилар. Бунда Алимқулнинг шахсан ўзи қатнашиб, урушга раҳбарлик қилган.

Рус отряди ҳужумга бардош бера олмай, Шўртепага чекинган. Бу ғалаба шаҳарда катта шоду хуррамлик билан қарши олиниб, карнай-сурнай садолари янгради. «Шаҳар халқи 7 ёшдан 70 ёшгача эркак-хотин, ёшқари хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ ионлар, ширин меваларни саватларга солиб, аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло, таманно ва дилдорлик қилишиб, кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб, кўз ёшлари суви билан аскарларнинг юзлари-

даги чанг-ғуборларни ювиб, артиб, күзгудай тозалаб, овқатларни еб битиришларини илтижо қилдилар». Бу сатрлар кенг меҳнаткаш омманинг ватанпарварлик ҳаракатларини жуда жонли ва ёрқин равишида баён этган. Лашкарбоши Алимқул ҳокимият вакиллари ва ҳарбий бошлиқларини йигиб урушни қандай давом эттириш масаласини ўргага ташлаганда, тошкентликлар рус қўшинлари устидан қозонилган ғалаба хужумга ўтишга даъват қилишини ва ака-ука Сиддиқ Тўра ва Арслон Тўра бошлигига аскарларни Чимкентни эгаллаш учун юборишни таклиф этдилар. Улар Чимкент босиб олингандан сўнг, бу ердан аскарларнинг бир қисмини Туркистон ва Оқмачитни, иккинчи қисмини эса Авлиёта, Тўқмоқ ва Фулжагача бўлган жойларни руслардан қайтариб олишга жўнатилишини гапирдилар. Аммо, Қўқон амалдорларидан Отабек номли киши Алимқулга пичирлаб: «Агарда тошкентликлар рус қўшинларини тор-мор қилиб, курсатилган жойларни олса, у вақтда улар мустақилликни истаб, Қўқонга бўйсунмай қолиши мумкин», деган. Шу нуқтаи назардан, Отабек тошкентликлар таклифини рад қилишини Алимқулга маслаҳат қилган. Алимқул бу маслаҳатга кўниб, мудофаа билан чегараланиб туришни буюрди.

Шунга кўра, Шўртепада ҳар икки томон уруш чизигини эгаллаб, даставвал тўплардан отишув бошланган. Сўнгра Қўқон қўшинлари хужумга ўтиб, Алимқул уруш майдонида жангчиларни руҳлантирган ва урушга жалб қилган. Алимқул ва сардор Абдуллабек душман қўшинлари билан юзма-юз келиб, уларни қиличдан ўтказган. Аммо, душман ўқи Алимқулнинг чап биқинидан кириб қорнини тешиб, киндиги устидан чиқиб кетади. У от устидан йиқилмай, унинг бўйнидан маҳкам ушлаб ўзини тутиб олиб, тўп турган жойга борди. Сўнгра, Алимқул Тошкент фуқароларини аста-секин орқага қайтиб, ўзларини шаҳар ичига олишлари ва бошқа жангчиларнинг урушни давом эттиришлари ҳақида фармон берган.

Икки томон ўртасида тўплардан яна отишув бошлангандан кейин, хон аскарлари хужумга ўтиб, сўнгра аста-секин рус аскарлари хужуми остида Салор бўйига чекиндилар. Натижада, биринчи галда себзорлик жангчилар Ҳакимхўжа қозикалон бошлигига қочишни бошлияди. Уларнинг кетидан қипчоқлар, қирғизлар ва андижонликлар қўлга тушган нарсаларни олиб Фаргона

томонга қочдилар. Бошқа кишилар ҳам шаҳар ичига қочиб кела бошладилар. Лашкарбоши Алимқулнинг ярдор булиши аскарларнинг ва халқнинг руҳини тушириб, пировардида уларнинг чекинишига сабаб бўлган омиллардан бири бўлди. У оғир аҳволда шаҳар ичига келтирилди ва бу срда ўлди. У катта иззат-икром ва катта алам-қайғу билан Шайхонтоҳур қабристонига дағи этилди. Чекинишидаги парокандалик ва ҳарбий бошлиқларнинг ваҳимага тушиб қолиши, шаҳар мудофаасига салбий таъсир этмасдан қўймас эди, албатта. Кунлар ўтиши билан қўқонликларнинг руҳсизланиши кучайиб, улар тўда-тўда бўлиб ўз ватанига қайтиш ҳаракатига тушиб қолгандар. Ҳатто Алимқул билан биргаликда рус қўшинларига қарши курашда фаол қатнашган Қўқон хони Султон Саид бир гуруҳ амалдорлари билан шаҳарни ташлаб кетмоқчи бўлган. Бироқ, Тошкент амалдорларининг сиқуви остида ўз фикридан қайтган. Шундан кейин амалдор ва ҳарбий бошлиқлар ўзаро келишиб, душманга қарши тадбирларни белгилаш ҳақида фикр алмашуви ўтказиши. Бунда бир гуруҳ кишилар Қўқонга қочиб кетган аскарларни орқага қайтиб келишларини сўраб, у ерга элчи юборилишини айтдилар. Бошқа бир гуруҳ кишилар Бухоро амирининг ҳузурига элчи юбориб, ёрдам сурашлик ҳақида ўз фикрларини изҳор қилдилар. Маслаҳатчилар орасида ҳатто, Ҳоразмга ёрдам сўраб мурожаат қилиш зарурлигини баён этган кишилар ҳам бўлди.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонликларига рус отрядларига қарши биргаликда кураш ҳақидағи хат билан элчилар жўнатилди. Қўқонга юборилган элчи йўлда Тошкентдан қочиб бораётган қўқонликларнинг орқасидан етиб бориб, уларга хатни топширди. Бироқ қўқонликлар Тошкентга қайтиш ўрнига, аксинча Султон Саидхонни Қўқонга олиб кетиш ва тахт бегоналарга ўтиб кетишига йул қўймаслик зарурлигини баён этдилар. Бухоро амири ҳам Тошкентга ёрдам беришдан бош тортиб, аввало Султон Саидхонни Бухорога келиши зарурлиги ҳақида жавоб хати юборди. Бу билан амир Султон Саидхон Бухорога бўйсунган тақдирдагина ёрдам берилиши маълум қилинган эди. Бухородан келган жавоб хати амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлар муҳокамасига қўйилганда, айrim қўқонликлар амир таклифини қабул қилиш кераклигини айтдилар. Бу муҳокамада Солиҳ Тошкандий ҳам қатнашиб, юқоридаги масала бўйича ўз

фикрини билдирган. У Султон Сайдхонни Бухорога кетишига қарши чиқиб, ҳар бир ҳукмдор ўз бурчини бажармаса, у вақтда фуқаролар душман қўлида асир бўлиб қолиши мумкинлигини баён этган. Бу фикрга бошқа кишилар ҳам қўшилиб, «биз ёрдам сўраб ҳар томонга мурожаат қилдик. Эндиликда хоҳ ёрдам берсинлар, хоҳ бермасинлар, барибир урушни давом эттирамиз», деб аҳд қилдилар. Тошкентликлар Султон Сайдхонга шундай дейишди: «Шаҳар ҳалқи бутун уруш харажатларини ўз зиммаларига олиб, нимаики зарур бўлса, ҳаммасини етказиб берадилар». Куриниб турибдики, тошкентликлар қандай бўлмасин, шаҳарни душмандан ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаган эдилар.

Рус қўшинлари шаҳар қалъасини тўпга тутиб, ҳужум қилган вақтида, уларга қарши усталик билан тўплардан жавоб ўқи отилди, натижада, душман орқага чекинишга мажбур бўлган. Шундан сунг, Султон Сайдхонни Бухорога юбориш ҳақидаги масала яна кутарилиб, пировардида уни жўнатиш ва Бухородан ёрдам олишга қарор қилинди. Айтидан, Султон Сайдхоннинг ўзида ҳам Бухорога бориш истаги бўлган. Шунинг учун у 500 кишилик аскар ва бир тўп билан шаҳардан чиқиб кетди. Шундай қилиб, Куқон амалдорлари ва аскарлари урушни охиригача етказмасдан, шаҳар мудофаасини ўз хоҳишлирича ташлаб кетган эдилар. Шунга қарамай, шаҳар аҳолиси душманга қарши курашни давом эттирди. 1865 йил 14 июнда рус аскарлари эрта саҳарда шаҳар қалъасини тўплардан ўқка тутди. Натижада, улар Камолон дарвозаси орқали шаҳар ичига ёриб кириб, мудофаачиларнинг отрядлари билан тўкнашдилар. Жумладан, бундай тўкнашувлар Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Қашқар маҳаллаларида ва бошқа жойларда бўлган эди. Ҳатто, айрим жойларда душманга қарши баррикадалар ҳам қурилди. Масалан, Анҳор купригининг гарб томони аравалар билан тўсилиб мустаҳкамланди. Айни бир вақтда, Анҳор ённадаги дўконлар ичига мудофаачилар кириб олиб деворлар тешигидан душманга ўқ уздилар. Бир ярим соатлик оғир жангдан сунг рус аскарлари чекиниб, Шайх Шибли ариги орқали қалъа деворининг шимол томонига ўрнашдилар. Улар чекинаётганларида Үрдадаги дўконларга ўт қўйиб қочганлар. Чуқуркўприкда кўчаларнинг ҳам оғзи бекитилиб, рус отрядига қарши кучлар қўйилган. Айрим рус отрядлари масжидлар ичига кириб олиб, урушганлар. Бироқ, булар ўраб оли-

ниб төр-мор этилган. Шайх Шибли ариғи орқали чекин-тән рус отряди яна Үрдага бостириб киришга ҳаракат қылди. Буларга қарши Қиёт маҳалласининг аҳолиси Абдураҳим ясовулбоши бошчилигига деворларнинг орқасига ва пастқам жойларга ўрнашиб мудофаа чизиги-ни эгалладилар. Булар орасида Мирюсуп боғбон ўғли, Умархон Тұрахон ўғли, Мирсадик Миршоди ўғли, Нормұҳаммад ва Муллашер сингари мерғанлар, Мулла-жон Мусо Мұхаммад Алибобо подачининг ўғли ва бошқа мард йигитлар бор эди. Халқ қүнгиллілари шаҳар мудо-фаасининг асосий күчини ташкил этган эди. Абдура-ҳим ясовул бошчилигидаги қүнгиллілар отряди ёғин ёғи-шига қарамай, күн бўйи душман ҳужумини қайтариб турди. Охири, рус отряди шаҳар четига чиқиб кетишига мажбур бўлди. Бундан кейин ҳам Қиёт маҳалласининг қүнгиллілари Анҳорга қайтиб келган рус отряди билан қаттиқ жанг қилган. Шу вақтларда шаҳар аҳолисининг иқтисодий аҳволи оғирлашиб, сувсизлик ва ташналиктан азоб чекмоқда эди. Тошкентликлар бундай танглилка қарамай, шаҳарни қўлдан бермасликка қаттиқ ҳаракат қылдилар. Бироқ, рус отряди айрим хоин кишилар орқали шаҳардаги ўқдори омборини топиб, уни портлатишга муваффақ бўлдилар. Бу шаҳар мудофаа тақдирини ҳал қилган омиллардан бири ҳисобланади. Сувсизлик, ўқ-чилик ва ўқдорилар етишмаслиги пировардидага шаҳар ҳалқининг тинкаси қуриди. Натижада 1865 йил 17 июнда тошкентликлар душман ҳужумига бардош бера олмай, таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Генерал Чер-няев Шайхонтоҳур, Бешёғоч ва бошқа аҳоли гавжум яшайдиган жойларга тұпларни ўрнатиб дарҳол тинчлик сұлҳи тузилмаса, шаҳарни ёндириб ва бузиб ташлаш ҳақида эълон тарқатди. Шундан кейин генерал Черняев Ҳакимхўжа қозикалон, Абулқосимхон эшон, домла Со-лиҳбек охун додҳо ва бошқа шаҳар катталари билан махсус мажлис ўтказди. Бунда савдогарлар ва сардорлар ҳам қатнаштган эди. Музокара натижасида тинчлик сұлҳи тузилиб, ҳар икки томон аҳдномага имзо чекди. Аҳдномада шаҳар ҳалқининг ўз динида қолиши ва бар-ча ишлар «шариат» асосида олиб борилиши кўрсатили-ган. Закот ва хирожлар ҳам шариат бўйича, ҳар йилда эмас, балки ҳар ойда олиниши лозим эди. Шунингдек, ҳовли, боғ ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолдирилди. Аҳолидан йиллик солиқ олиниши таъки-ланди. Чакалак, ўтлоқ ва қамишзорлардан солиқларни

мутлақо олмаслик аҳдномада күрсатилган эди. Шунингдек, ерли халқдан рус құшинига одамларни жалб қылмасликка келишилди. Аҳдномага ҳар түрт даҳанинг мұхри босилди. Сұнгра генерал Черняев шаҳар катталарига дұхоба ва зар ёқали чакмонлар кийдирди. Шу равишида Тошкентнинг рус давлатига таслим бўлиши ҳақидағи ҳужжат расмий равишида қабул қилинди. Аҳднома тузилгандан кейин генерал Черняев шаҳар катталарини ўз томонига жалб этиш ва уларга таяниш мақсадида Ҳакимхұжа қозикалои уйига бориб, унга қимматли совғалар ва олтии медаль берди. Сұнгра генерал Черняев Регистон раастасига бориб, камбағал ва гадойлар орасында тангалар сочди. Урушда яраланган кишиларга тиббий ёрдам күрсатилди.

Генерал Черняев шаҳар мудофаасида қатнашган кишиларни жазоламай, уларни қўйиб юборди. У мадрасаларга бориб, үқишларни давом эттиришни таклиф этди. Уруш вақтида бузилган уй-хөвлиларни ва дўконларни тиклаш учун генерал Черняев томонидан маблаг ажратилди.

Генерал Черняев ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида күрсатилган тадбирларни амалга оширган. Шуни айтиб утиш лозимки, генерал Черняев юқори раҳбар доира-ларининг рухсатисиз үзбошимчалик билан Тошкентга юриш қилиб, уни эгаллади. Бу ғалаба Петербургда зур мамнуният билан қабул қилинган бўлса-да, лекин давлат ишларида қилинган үзбошимчалик айрим йирик ҳукумат вакиллари норозилигининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бунинг устига Тошкентнинг босиб олиниши, халқаро матбуотда катта шовқин-сурон кутарилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам генерал Черняев ўз ҳаракатини оқлаш мақсадида гўё Тошкент ихтиёрий равишида рус қўшинларига бўйсунгандык ҳақида ҳужжат уюштиришга киришди. У шаҳар катталарини тўплаб аҳоли номидан қўйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюрди: «Нече замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб, фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган... Улар закот, хирожларни шариат асосида олмасдан, ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат таомилидан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни үлдириб, фитначи ва иғвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортилар. Фарғона ва Туркистон

заминида күп вақтлар ва күпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари хукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамоми ихтиёrimiz ва рағбатимиз билан рус аскарларни олиб келиб уларга шаҳарни топширдик».

Куриниб турибидики, тошкентликлар булиб ўтган ҳамма жанг ва воқеаларни инкор қилиб, ихтиёрий рашнада рус аскарларига бўйсунгандиларини тан олишлари лозим эди. Кўрсатилган хатнинг мазмуни баён этилгандан кейин шаҳар катталари ҳайрон булиб турган пайтида, домла Солиҳбек охун додҳо шундай жавоб-қилган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиласизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва бу ердан Гулжагача бўлган шаҳар ва калъалар Тошкентга қарап эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киргиздилар. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулхижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12 чисигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқул лашкарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқаролари ватанлари ва дини учун қаттиқ туриб, уруш-талашин давом эттириб, сешанба куни ярим кечака ўтгандан кейин, саҳарга яқин рус аскарлари Хиёбон дарвозаси ва қалъянинг девори устидан кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунигача икки кечакундуз урушшиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўкоилар ва ўй-жойларга ўт тушиб, оч, ташна, сувсиз яккама-якка урушшиб охирида ярашиш сулҳи тузилди». Бу ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи жавоб генерал Черняевни газабга келтирди. У домла Солиҳбек охун додҳо сўзига қўшилувчи кишиларни бир тарафга утишларни буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан би киши, жумладан, Ҳалимбой, Бердивой, Азимбой Фозилбачча, Мулла Мирзаълам охун, Мулла Музаффарҳожи ва Мулла Файзилар домла Солиҳбек охун додҳонинг сўзини қувватлаб, кўрсатилган томонга ўтдилар. Бу кишилар ва домла Солиҳбек охун додҳо дарҳол рус аскарлари томонидан ураб олиниб қамоқча жунатилди. Бу ҳолат тўпланиган шаҳар катталарига таъсир кўрсатган бўлса керак, улар генерал Черняевнинг айтган аҳдномасини, у кўрсатган мазмунда тайёрлаб беришини зиммаларига олдилар. Чунончи, Ҳакимхўжа қозикалон аҳдномани безаш ва тузишни Абдусаттор Ко-

рабоши ўғлиға тошириди. Аҳднома тайёрлангандан сүнг, үнгә шаҳар катталари ва савдогарлари имзо чекиб ва муҳр босиб генерал Черняевга топширишди. Генерал Черняев домла Солиҳбек охун доддо ва упинг ҳамроҳларини Томскка сургун қилди.

Генерал Черняев аҳдномани Абдусаид ва Ҳодиҷожи номли савдогарларнинг кулига бериб, Петербургга, подшоҳга олиб бориб беришни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдномани босқинчилик сиёсатини бўяш ва халқаро матбуотда шовқин-суронии бартараф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатди. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси аҳднома нусхаларини кўпайтириб, Истамбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга, умуман, кўзга ташланадиган жойларга ёпишириб қўйган. Шундай қилиб, генерал Черняев Тошкентга бостириб киргандан сүнг икки аҳдномани, яъни сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилик сиёсатига хос бўлган қалбаки ҳужжатни тузишга эришди.

Генерал Черняев Тошкентда юқори табақа вакилларининг ихтиёридаги қулларни бўшатиш ҳақида фармон чиқарди. Натижада, бир вақтлар уруш пайтларида асирликка олинган ёки кўчманчилар томонидан келтирилиб сотилган турли миллатдаги, унчалик кўп бўлмаган қуллар озод қилинди. Генерал Черняев махаллий яҳудийларни камситишга қаратилган айrim одатларни бекор қилди. Жумладан, яҳудийларнинг белларини ип билан боғлаб юриши ва белгиланган хилдаги телпакни кийишлари тўғрисидаги талаб йўқ қилинди.

1865 йил сентябрь ойида Оренбург генерал-губернатори Крижановский Тошкентга келиб шаҳарни мустақил, деб эълон қилди. Буни у Тошкентнинг Бухоро амирлиги ва Кўқон хонлигининг таъсирига берилиб кетмаслиги учун қилган эди. Чунки, бу вақтларда шаҳарда айrim гуруҳлар орасида Бухоро амирлиги ва Кўқон хонликларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ҳаракатлари ҳамон давом этмоқда эди. Бунинг устига, Бухоро амири Музофархон Тошкентга элчи юбориб, шаҳардан рус қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини Черняевдан талаб этди. Аммо, энди фурсат қўлдан берилган эди. Галабалардан руҳланган генерал Черняев ўзбошимчалигини давом эттириб, ўз бошлиғи Оренбург генерал-губернатори Крижановский билан муносабатини кескинлаштириб юборди. Генерал Черняев қўшини 1866 йилнинг

февраль ойида Жиззахда ватан ҳимоячилари томонидан мағлубиятта учратылди. Натижада Крижановский Марказга мурожаат қилиб, 1866 йилнинг март ойида генерал Черняевнинг қақирилиб олиннишига ва унинг ўрнига генерал Д. И. Романовскийнинг тайинланишига эришиди.

1866 йил август ойида рус императорининг Тошкентни рус давлати тобелигига олганлиги ҳақидағи расмий фармони эълон қилинди. 1867 йилда эса Сирдарё ва Семиреченск (Еттисув) вилоятларини ўз ичига олган Туркистан генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, бу мансабга генерал К. П. Қауфман тайинланди. Тошкент Туркистан генерал-губернаторлигининг маркази бўлиб қолди.

Шу равишда Тошкент рус давлати минтақасининг бир қисмига ва чор ҳукуматининг кейинчалик Ўрта Осиёда тұла ҳукмронлиги ўрнатылышда муҳим таянчга айлантирилди.

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ УРУШИ ӨЛИНИШИ

Бухоро амирлигининг ҳукмдори Музаффархоннинг бутун минтақа тақдиди қыл устида турған бир пайтда чор ҳукуматининг тажовузига қарши кескин чораларни күрмаслиги халқнинг қаттиқ нафратини үйғотди. Үшударажада узоқни күрмаганки, тошкентликлар умум душманга қарши ҳарбий ёрдам сұраганларда сарой аҳли ҳузырида шундай деган: «Мен бир оддий рус лашкарбoshisi билан урушни үзимга ор деб биламан. Агар урушмоқчи бўлсан, у вақтда тўппа-тўғри Москвага ёки Петербургга бориб жанг қилурман». Амирнинг бу мантиқсиз сұzlари Бухоро жамоасининг қонини қайнатиб юборди. Бу ҳолат айниқса, рус қүшинлари томонидан Тошкент босиб олинганидан кейин авжига минди. Хусусан, руҳоний ва зиёли вакиллари амирни қўрқоқликда ва бепарволикда қораладилар. Аҳоли амир саройини қуршаб, тошбўрон қилди. Ҳатто, Музаффархон хоинликда айбланиб, ўлдирилиши маълум қилинди. Ниҳоят, халқпинг қаттиқ сиқуви ва талаби орқасида Музаффархон айрим чораларни кўрди. Масалан, Жиззах қалъасини мустаҳкамлашга маблағ ажратилиб, қўшин кучайтирилди. Натижада, бу ернинг мудофаа қобилияти анча мустаҳкамланди.

1866 йил январь ойининг охирида генерал Черняев 14 пиёда ротаси, 100 казак ва 16 тўплар билан Жиззах-

га ҳужум қилди. Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона жангги туфайли Жиззахни ололмай, Тошкентга қайтишга мажбур бўлди. Бу ғалаба барча қатори Музafferхонни ҳам руҳлантириди. Шундан кейин Музafferхон умумий «газовот» эълон қилиб, 100 минг одам тўплади. Уларнинг орасида қўшиндан ташқари қўлига нима тушса шу билан қуролланган халқ кўпчиликни ташкил қилган. Улар амир Музaffer бошлиқ Жиззахга ва бу ердан Сирдарёнинг чап қирғоғидаги Сассиқкўл деган жойга келдилар. Буни қарангки, Музafferхон бўлажак жангга пухта тайёргарлик кўриш ўрнига ички кийимда ўтириб шахмат ўйнаш ва ашула эшиши билан вақтини ўтказди. Шу аснода рус қўшинлари ҳужум қилганда амир Музaffer ички кийимда отга миниб қочади. Халқ оломони ва қўшин ҳам турли томонга қочиб тўзиб кетади. Бу воқеа 1866 йил 8 майда Сассиқкўл яқинида жойлашган Иржар деган жойда содир бўлди. Бу ерда рус қўшинлари генерал Романовский бошчилигига урушдилар. Қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлдилар ва жароҳатландилар. Кўп одамлар қайтишда йўлларда мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошдан кечирганлар. Мана, хоҳласам, Московга бориб урушаман, деб чиранган ҳукмдорнинг асли башараси қандай бўлган. Рус қўшинлари кўп миқдорда ҳарбий қуролларни, жумладан, 26 тўпни, 670 пуддан ортиқ порохни ва 220 минг патронни ўлжага олдилар. Улар 1866 йил 19 майдан 20 майга ўтар кечаси 18 та тўплардан ўқ узиб Хўжандга ҳужум қилдилар. Бу ерда халқ шу даражада қаттиқ жанг қилдики, бундан фазабланган душман қўшини шаҳарни ялписига ўқса тутиши орқасида 20 мингдан ортиқ киши ўлдирилди ва уй-жойлар вайронага айлантирилди.

1866 йилнинг 11 октябрида чор қўшини генерал Крижановский бошчилигига Жиззахни қуршаб олади. Жиззахдаги жанг шу даражада даҳшатли бўлганки, тўкилган одам қони бамисоли ариқ сувига үхшаб оққан. Ҳимоячиларнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини ҳатто чор қўшинлари ҳам тан олган. Бу жангда ҳимоячилардан 2 ярим минг киши ўлиб, кўплаб кишилар ярадор бўлган. Пировардида, Жиззах душман томонидан эгалланди. Босқинчилар 1867 йилнинг 7 июня идди Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўрғонда 45 минг киши билан мағлубиятга учратди. 1868 йил майдага эса Самар-

қанд шаҳри остонасидаги Чўпонота тепалигида уруш бўлади. Бу ерда ҳимоячилардан кўп киши қирилди ва ярадор қилинди.

Чор аскарлари эртасига Самарқанд шаҳрига бостириб кирадилар. Бундан хабар топган амир Музффар қаттиқ даҳшатга тушиб, хабарчини «шум сўзлари» учун дарҳол осиб ўлдиришга фармон беради. Унинг васвасаси аста-секин йигига айланаб: «Худо мени Самарқандан маҳрум қилгандан кўра жонимни олгани яхши эди», деб нола чекади. Амирнинг ишудлиги ва мағлубияти халойиқ орасида юрт сохибиға қарши норозилик ва забни янада кучайтиради. Айниқса, унинг чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни ўта кескинлаштиради. Натижада, Бухоро атрофидаги аҳли жамоа амирдан «қандай бўлмасин урушни давом эттиришин» талаб қилиб қўзғолон кўтарадилар. Амир Музффар ҳалқ қўзғолонининг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан қўрқиб, дарҳол чоризмга қарши ҳарбий юриш ўюштириди. Чули Малик деган жой қўзғолон марказига айланди. Бу ерда ойболта, сўйил, найза ва шунга ухшаш нарсалар билан қуролланган қўзғолончиларнинг асосий кучлари тўпланган эди. Бироқ, қўзғолон бостирилди.

Талвасага тушган амир нима қилишни билолмай ўз атрофидаги беклар билан кенгаш ўтказиб сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласини муҳокамага қўйди. Кенгашда биринчи бўлиб сўз олган лашкарбоши Усмонбек шундай дейди: «Амирлик ҳалқи урушни давом эттиришин талаб этаётган бир пайтда кофириларга контрибуция (товон) тўлашдан кура бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари қўллаб-қувватладилар. Шундан кейин 15 минг отлиқ, 6 минг лиёда ва 14 тўпдан иборат қўшин Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашди. Қўшинни руҳлантириш ва ғалабага чорлаш ниятида амир Музффар уларга қўйидаги тарзда мурожаат қиласди: «Содик мусулмон фуқаролари, Сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, ғалаба биз томонда бўлғай. Самарқанд ва Каттақўргоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик йўқотиш эмас. Биз темурийлар авлодимиз, биз ўз еrimизни қандай қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар, мен динимиз ва Ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини кофирилар кўз ўнгидан намойиш этишингизга умид қиласман. Ҳалқ биз-

дан ғалаба күтпіти, у жаңғдан сұнг сизларни қарши олғапида дин ва Ватан ҳимоясы учун кураштан ва еримизни коғирлардан тозалаганлар, деб айтишесин. Зира булоқ жаңғ майдонида ҳалок бұлғанлар шарафига шонли ёдгорлик үрнатылади. Мусулмонлар, Туркистан генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла [1500 минг сұм] товон сифатида сизларга берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларымни рүёбга чиқарып, самарқандылар түнідеги қора доғни юvasизлар. Мусулмонлар, сизларға зафар өр бўлсан!» Ушбу мурожаат тўн ўқлари овози остида ўқиб эшиттирилади. 1868 йил 2 июня генерал К. П. Кауфман қўмандонлиги остидаги қўшин ва ҳимоячилар ўртасида жаңғ бошлианди. Бухоролик мудофаачилар: «Олинглар, олдирманлар ахир...» дейишиб, душманга қарши ҳужум қилдилар. Аммо кўп талафот кўриб мағлубиятга учрадилар. Бу ҳақдаги хабар бутун Бухоро ҳалқи ғазабини янада кучайтирди. Амир қўрқиб Қизилқум тарафға қочиб кетди. Зира булоқдаги жаңғ вақтида Самарқандда чоризмга қарши ҳалқ қўзғолони бошлианди. Ўрт ҳимоясига шаҳар атрофидаги қишлоқ ва огуллардан минглаб кишилар келиб қўшилдилар. Генерал-губернатор К. П. Кауфманнинг ёзишича, Қаттақўргондан то Самарқандгача бўлган ерларда кишиларни кам учратган. Бунга сабаб найманлар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоқлар, қиргизлар ва бошқа қабилалар Жўрабек ва Бобобек бошчилигига Шаҳрисабздан келаётган 20 минг кишилик қўшин ва қасоскорларга қўшилиб, Самарқанддаги қўзғолончилар сафини тўлдирган эди. Самарқанд чоризмга қарши умумхалқ курашининг ўчигига айланди.

Бир неча минг кишилик қўзғолончилар шаҳар қалъасида үрнашган чор қўшинини құршаб олиб жаңғга киришилар. Аммо Шаҳрисабз беклари чор қўшинларига ёрдамчи кучлар келаётганлигидан хабар топиб, Самарқандн ташлаб чиқадилар. «Шундан кейин,—деб ёзади К. П. Кауфман,— шаҳар аҳли қишлоқлардан келаётган ҳалқ кўнгиллилари билан биргаликда қалъага ҳужум қилиши ни давом эттирадилар». Бу вақт ичидә ҳар икки томондан кўплаб киши қурбон бўлади ва ярадор қилинади. 8 июня генерал К. П. Кауфман бошчилигига қўшилар шаҳарға бостириб кириб, қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Улар шаҳар бозорини ўқса тутадилар. Қўзғолон қатнашчиларидан 19 киши ўлимга ва 19 киши Сибирга умрбод сургунга ҳукм қилинади. Бунинг усти-

га. құзғолончиларнинг аксарияти жаңгда үлдирилди ва ярадор этилди. Бошқа жойларда эса босқинчилар бунчалик күп талафот күрмаган эди. Шунинг учун генерал К. П. Кауфман: «Самарқанд қальасидаги талафотни жуда катта йүқотиши», деб баҳолайди. Бу вақтда амир Музаффарнинг обруси ва мавқеи тобора тушиб, таҳтда зұрга илиниб турарди. Амир Карманага келиб, үз амалдорлари иштирокидаги кенгашда чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бұлак чора қолмаганини маълум қилиб: «Эндиликда барча құшин ва қурол-аслақаларни, тұптарни оқ подшохга топшириб, менга Маккага, ҳажга боришга рухсат беринини ундан сұрайман. Сезиб турибманки, менинг үлемим яқын, тақдирим ва ҳаётим халқнинг құлида», дейди.

1863 йылнинг 23 июнінде амир Музаффарнинг әлчи-лари Самарқандга К. П. Кауфман ҳұзурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдирадилар. Сулҳга Са-марқанд, Қаттақұрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми амирликдан ажратыб олиниб, Россия таркибиңа киритилди. Амир товон сифатида 500 минг сүм тилла пул тұлашшаға ва хорижий мамлакатлар билан мустақил равишида алоқа үрнатмасликка розилик беради. Шуниңдек, Россия савдогарларига амирлик тасаруфида бемалол савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишша ҳамда карвонсаройлар қуришга ижозат этилди. Улар тұлайдиган савдо божлары миқдорын бухороликлар тулайдиган божлардан ошмаслиги керак эди.

Хуллас, шартнома тузилгандан сүнг, Бухоро амири урушни расман тұхтатыб, рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар ва ҳур фикрли одамларнинг қаттық норозилигига сабаб бұлды. Ҳатто, амирнинг үғли Қаттатұра ва бир неча нұфузлы беклар бирлашиб, Музаффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттирилділар. Улар амирнинг таҳтдан маҳрум этилғанлыгини әзілон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта күч тұпладылар. Шаҳрисабз беклари Қаттатұра-ни амир деб әзілон қиласылар. Натижада, амир Музаффарнинг ахволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бала қүшинлари үртасида Самарқанд яқинидаги Жом қишлоғида содир бұлған жаңгда амир сарбозлари енгилади. Шундан сүнг амир чор маъмуриятига ҳарбий ёрдам сұраб мурожаат қиласылар. Буннан инобатта олган генерал Абрамов 1870 йылда Шаҳрисабз ва Китобда Жұрабек ва Ҙобобек бошчилигидаги құшин ва оломонни енгис-

у жойларни амир Музффар ихтиёрига топширади. Бундан илгари, яъни 1868 йилда чор қўшинлари томонидан босиб олинган Қарши шаҳри ҳам амирга қайтарилади. Бу билан чор ҳукумати амир Музффарнинг рус давлатига янада итоат этишини мустаҳкамлаб борди. Амир эса сулҳ шартларини оғишмай амалда бажараверди.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Чор ҳукумати Хива хонлигини босиб олиш учун катта тайёргарлик курди. Ваҳоланки, Хива хонлигидаги 1869 йилги маълумотларга кўра, 1500 кишидан иборат мунтазам армия бўлиб, ҳарбий техникаси ниҳоятда паст дараражада эди. Шунга қарамай, чор ҳукумати хонликка қарши уч тарафдан, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги, Оренбург ва Каспий денгизи томонидан ўз ҳарбий кучларини ташлайди. Қўшин яхши қуролланган 12 минг кишидан иборат эди. Ҳатто, қўшинга император хонадонидан буюк князь Константин Константинович Романовский, князь Евгений Максимович Романовский ҳам қўшилади. Айтидан, бу билан ҳарбий юриши мавқеини янада ошириш мўлжалланган бўлса керак. Қўшинга генерал К. П. Кауфман умумий қўмандонлик қиласи. Чор қўшинлари узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, Хива хонлиги чегарасига етиб келадилар. 1873 йилнинг май ойида йўлма-йўл хиваликлар қаршилигини енгib борган чор истилочилари 28 майда Хива шаҳри остонасига келиб тўхтайдилар. Бу вақтда Саид Муҳаммад Раҳимхон қочишга ултурган эди. Қўшин генерал Верёвкин бошчилигига Хива шаҳрига ҳужум бошлайди. Пировардида, уруш тўхтатилади ва генерал К. П. Кауфман Саид Муҳаммад Раҳимхонни қайтадан таҳти эгаллашга даъват қиласи. Шундан сўнг Саид Муҳаммад Раҳимхон Хивага келиб, рус давлатининг вассали сифатида ўз таҳтини эгаллайди. 1873 йил 12 августда ўзаро сулҳ тузилиб, Хива хонлиги ўз сиёсий мустақиллигини йўқотади. Шунингдек, у товои тўлашни ва Россия савдо гарларига хонликда бемалол иш юритиш учун шаронт яратиб беришни бўйнига олади. Амударёнинг ўиг қирғоги Россия ихтиёрига ўтказилиб, у ерда генерал-губернаторликнинг Амударё бўлими ташкил этилади.

Шундай қилиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари

уз мустақилларини қўлдан бой бериб, Россия тар-
кибига киради. Амирлик ва хонлик сақланган бўлса-да,
улар рус давлати манфаатлари доирасида иш юрит-
ганлар. Чор ҳукумати минглаб кишиларнинг ёстигини
қўригани ва ногирон қилгани етмаганидек, уруш ҳара-
жатларини ундириш учун Бухоро амирлигини 500 минг
олтин пул, Хива хонлигини эса 2 миллион 200 минг сўм
товор тўлашга мажбур этади. Бу оғир жарима меҳнат-
каш омманинг мушкул ҳаётини япада оғирлаштиради.

Қўқон хонлигининг урушиб олинишни

Чор истилочиларининг галдаги иияти Қўқон хонли-
гини тутгатиш эди. Улар Туркистон, Чимкент, Тошкент
ва бошқа жойларни босиб олиб, Қўқон хонлигига қат-
тиқ зарба берган эди. Қўқон хони Худоёрхон қўрқоқ
ва шижаотсиз бўлганлиги учун Ватан химояси йулидз
бирон арзигулик иш қилмади. Аксинча, чор ҳукумати
паноҳида уз тахтида ўтиришни ўйларди, холос. У 1868
йили подшо Россияси билан сулҳ тузиб, амалда унга
қарам бўлиб қолади.

Бунга кўра, хонлик срларида рус савдо-саноат ва-
килларига катта имтиёзлар берилди. Худоёрхоннинг
рус ҳукуматига итоаткорлигини тақдирлаган чор ҳуку-
мати уни Россия давлати ордени билан мукофотлади
ва унга «Асилизода» деган фахрий унвон берди. Худоёр-
хоннинг мазкур сиёсати аҳолисининг ғазабини тошириб
юборди. Бунинг устига хоннинг зулми тобора кучайиб
борди. Натижада, 1873 йилда Пўлатхон бошчилигига
халқ қўзғолони кўтарилид ва у тобора авжига миди.
Халқ нафратига учраган Худоёрхон ўзининг бой хази-
насини 40 аравага юклаб Ҳўжандга қочиб кетади. Бу
ердан Тошкентга юборилади. Генерал Кауфман унинг
бойликларини ҳукумат фойдасига мусодара қилиб, ўзи-
ни Оренбургга сургун қиласиди. Рус архив манбаларига
кўра, Худоёрхон бу ердан қочиб Афғонистон овқали
Ҳиндистонга ва сунгра Саудия Арабистонига бориб
ҳаж қилган. Шундан кейин яна Афғонистонига қайтиб,
кўп ўтмай вафот этган.

Қўзғолончиларга хонликдаги ҳукмрон доираларнинг
вакиллари Абдураҳмон Офтобачи, Мулла Исо Авлиё.
Султон Муродбек ва бошқалар ҳам қўшилиб чор ҳуку-
матига қарши кураш олиб бордилар. Бу ҳаракат шу

даражада кенг қулоч ёйдик, бутун Фарғона водийсини қамраб олди. Қулай фурсатни кутаётган чор ҳукумати аскарлари 1875 йил 6 августидан Фарғона водийсига бостириб киради. Қўзғолончилар босқинчиларга қарши қаттік жанг қиладилар. Шафқатсиз душман қўшинлари бир неча ахоли турар жойларини ер билан яксон этади. Биргина Андижондаги жангда қўзғолончилардан 20 минг киши ёвузларча ер билан яксон этилди. Бу фожеа генерал Скобелевнинг буйруги ва бевосита шитирокида рўй беради.

Халқ қўзғолони шафқатсизлик билан бостирилиб, 1876 йил 16 февралда Қўқон хонлиги тугатилади. Шундай қилиб, чор ҳукумати 1853—1876 йилларда, ўзбек хонликларига қарашли шаҳар ва қишлоқларни биринкетин босиб олиб, Урта Осиёнинг ҳукмдори бўлиб қолади. Минглаб оддий халқ вакиллари болта, таёқ билан қуролланиб, ўзидан ҳар жиҳатдан бир неча баробар кучли ва яхши қуролланган чор қўшинларига қарши мардонавор курашади. Улар аскарларнинг тўплар ва милтиқлардан отилган ўқ ёмғирларига кўкракларини тутдилар. Ўзбек хонлари эса мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий техникани такомиллаштириш ўрнига ўзаро курашларни давом эттира бердилар. Айниқса, Бухоро хонлигининг Қўқонга нисбатан олиб борган душманлик сиёсати чор ҳукумати учун катта фойда келтирди. Уруш ҳаракатлари шуни кўрсатадики, учала хонликни ҳукмдорлари ҳам ҳарбий жиҳатдан мутлақо саводсиз кимса бўлиб чиқди. Бундан Қўқон лашкарбошиси Алимқул мустасиодир. У чор ҳукуматига қарши курашда ўзининг ҳарбий маҳоратини намойиш этиб, қўшинга ва халқ қасоскорларига билимдонлик ва жасорат билан бошчилик қилди. У жўшқин ватаппарвар ва қаҳрамон шахс сифатида жанг майдонида ҳалок бўлди.

Ўзбек хонликлари ерларининг босиб олиниши подио Россиясининг юқори табақаси томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олиниди. Россия молия вазири Вишнегородский бу жойларни «рус тожидаги энг қимматбаҳо жавоҳирдир», деб баҳолади.

Туркистон генерал-губернаторлигининг чегараси вақт ўтиши билан кенгайиб борди. Пировардид, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд. Еттисув ва Каспий орти ерларини ўз қарамоғига киритди.

Бухоро амирлигига 28 беклик вилоятнинг — Чоржўй,

Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Фузор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Болжувон, Шуғнон, Рӯшон, Кўлоб, Қўрғонтепа, Шеробод, Халиф, Карки, Бурдалиқ, Қарши, Қабодиён, Қоболиқ сингари жойларини ўз ичига олган.

Хива хонлиги эса Питнак, Ҳазорасп, Ҳонқа, Урганҷ, Қўшкўприк, Қиёт, Шоҳбод (Шовот), Тошҳовуз, Омбар, Маноқ, Гурлаш, Мангит, Қилич, Ниёзбой, Қипчоқ, Порсу, Илёли, Қўҳна Урганҷ, Ҳўжайли, Шуманай ва Қўнғирот деган жойларни қамраган.

Қўриниб турибдики, амирлик ва хонликнинг ерлари илгаригига нисбатан жуда қисқарган. Бундан, айниқса, Бухоро амирлиги катта талафот кўрди. Қўқон хонлиги эса бутунлай таг-томири билан қўпориб ташланди. Унинг марказий қисмида Фарғона вилояти ташкил этилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркистон халқларининг ўта ватанпарварлиги ва эркесварлиги орқасида рус давлати уни тезкорлик билан босиб ололмади. Натижада уруш ўрта хисобда 25 йил давом этди. Халқ оммасида миллатпарварлик туйғулари шу даражада кучли эдикни, агар ҳарбий маҳорат ва ҳарбий техника талабга жавоб берарли даражада бўлганда рус давлатининг ёвуз нияти юзага чиқмаслиги турган гап эди. Начора, ўлка ҳукмдорларининг нодонлиги ва ожизлиги ҳамда бир гурӯҳ кишиларнинг хоинлиги Туркистон ўлкасининг Россия панжасига тушишига сабаб бўлди. Чор ҳукумати туб аҳоли вакилларини олий ва ўрта мансаблардан маҳрум қилди, натижада ўлкани бошқариш рус генераллари ва офицерларининг қўлига ўтди. Шу равишда миллий давлат тугатилиб, рус тили давлат тили ҳисобланди. Миллий тилнинг ва миллий маданиятнинг ривожланишига йўл берилмай, «улугмиллатчилик» спёсати амалга оширилди. Бутун ўлкада мустамлакачилик ва миллий зулм ҳукм сурди. У Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиб, бошига сон-саноқсиз азоб-уқубатлар тушди. Шунинг учун ҳам халқ оммасининг озодлик курашилари давом этди. Масалан, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги халқ ҳаракатлари шулар жумласидандир. Бундай Мустамлакчилик учун курашилар 1917 йил октябрь тўнташидан кейин совет давлатига қарши қаратилган «босмачилик» ҳаракатларида ҳам ўз ифодасини топди. Аслида, миллий озодлик моҳиятига эга бўлган бу умумхалқ ҳара-

катларидаги халқыннан барча табақалары ғаол қатнашиб, ватанпарварлык намуналарини намойиш этдилар.

Иншооллоҳ, Ўзбекистон Мустақиллиги тикланди. Гарчанд, замон тақозосига кўра, бу тарихий воқеа бир томчи қонсиз содир бўлган бўлса ҳам, лекин унинг учун олиб борилган қурашларниң илдизлари рус давлати тажовузини бошлаган вақтларга бориб тақалади. Ушандан буён Ватан мустақиллиги учун 10 минглаб кишилар жонини ҳам, молини ҳам аямади. Ниҳоят, кўз ўнгимизда ўзбек халқыннан асрий орзу-ниятлари рӯёбга чиқиб, она юртимиз мустақилликка эришди.

УЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯҚҚАЛҲОКИМЛИГИ
УЧУН КУРАШ ВА УНИНГ РОССИЯНИНГ ХОМ АШЕ
МАНБАИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

(XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошлари)

СУНЬИП СУГОРИШ ТАРМОҚЛАРИ

Пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда сувнинг аҳамияти беқиёслиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Туркистон ўлкасида энг қадим даврлардан сунъий суғоришга давлат миқёсида алоҳида эътибор берилиб, сув учун кураш умумхалқ ҳаракатига айланди. Шу маънода сувдан фойдаланиш шариат тартибларида қуидаги тарзда ўз ифодасини топганди:

1. Дарё ва кўл сувлари худойи таолонинг кишиларга берган марҳамати ва неъмати ҳисобланиб, ундан ҳамма баробар фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бундан хусусий кишилар томонидан бунёд этилган ҳовуз ва қудуқлар мустасно бўлса-да, лекин одамларга улардаги сувлардан ичишга, молларни суғоришга ва рӯзгор эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишга рухсат этилади.

Айрим ҳолларда давлатнинг сувга эгалик қилин ҳуқуқи берилса-да, лекин жамоа аҳлининг ундан фойдаланишига тўсқинлик қилинмайди.

2. Сувни сотиш ва сотиб олиш тақиқланади, фақат айрим ҳоллардагина бунга рухсат бериш мумкин. Сув камчил вақтларда барча одамлар эҳтиёжи доирасида баробар тақсимланади. Зарурят туғилса, навбат билан сувдан фойдаланилади.

3. Сувдан фойдаланаётган ҳар бир киши сунъий суғориш тармоқларини тузатиш ва таъмирлашида қатнашиши шартдир. Сувдан фойдаланиш ўз-ўзини бошқариши асосида олиб борилиб, ариқларни тузатиш, таъмирлаш ва сувни тақсимлаш ҳалқ сайлаган «кукбоши» ва миробларга юклатилади. Уларга ғалла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари билан иш ҳақи берилади.

Сув ишоотларига зарар етказмаслик шарти билан тегирмонларнинг ишлашига рухсат берилади. Сувни кўп талаб этадиган шоли аҳолининг розилиги билан эки-

лиши мумкин. Сув каналлари у ёки бу хўжалик ерларидан ўтказилган тақдирда эгасига ҳақ тўланади.

Мазкур тартиблар асосида асрлар мобайнида сувдан фойдаланиб келинган. Уларнинг яхши томонлари шундан иборатки, сувдан фойдаланишда ўзбошимчалик ва тўс-тўполонларга йўл қўйилмайди. Аммо, барибири сув танқислиги вақтида жанжаллар бўлиб турган.

Улкада чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин сунъий сугориш тармоқларига ва умуман, сувга эгаликни у ўз қўлига олди. Чор ҳукумати пахта илинжида сунъий сугоришни ривожлантириш зарурлигини яхши англаб, сув иншоотлари лойиҳасини тайёрлади. Бироқ, ҳукумат сунъий сугоришни изчилик билан ривожлантиришга қодир эмаслиги туфайли етарли даражада маблағ бера олмади. Бу вақтда Туркистон ўлкасида Сирдарё, Амударё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари энг катта сув ҳамда ҳаёт манбай сифатида муҳим аҳамиятга эга эди. Марказий ҳукумат сунъий сугоришга етарли даражада эътибор бермаган бўлса-да, ўлкадаги чор маъмурияти вакиллари уни эътибордан четда қолдирмади. Чунончи, губернатор Кауфманнинг кўрсатмасига биноан 1869 йилда ёк Мирзачўлда сунъий сугоришни йўлга қўйиш мақсадида П. Аминов бошлигига муҳандис ва топографдан иборат мутахассислар қидирув гуруҳи тузилди.¹ Гуруҳ Мирзачўлда сунъий сугориш бўйича маълумотлар тўплади. Кейин ушбу маълумотлар асосида Н. Ф. Ульянов раҳбарлигига иш юритилиб, 40 минг десятина² (240 минг таноб) ернинг сугориш лойиҳаси тузилди. Ва ниҳоят, XIX асрнинг 70-йилларда Сирдарёнига чап қирғозида «Кауфман канали»ни қазишига киришилди. 6 йил мобайнида олиб борилган машаққатли меҳнат яхши натижада бермай, 13 чақирим масофада ер қазилди, холос. Мирзачўлда сунъий сугоришни ривожлантириш ҳаракатларининг халққа фойласидан кўра зиёни кўп бўлди.

Мирзачўлда канал қазиш лойиҳаси 1872 йилда тасдиқланиб, 1874 йилда иш бошлигандан. Бу иш 1875—1878 йилларда ҳам давом этган бўлса-да, 1883 йилда тўхтатилган. Шундан кейин Мирзачўлда айрим қидирув ишлари олиб борилиб, таклиф ва мулоҳазалар маъмурниятга маълум қилинди. Масалан, 1885 йилда муҳандис

¹ «Туркестанские ведомости». 1873, № 27.

² Бир десятина ер бир гектарга тенглашади.

Н. Петровнинг генерал-губернаторга юборган хати шулар жумласидандир.

Мирзачўлда ва Тошкент атрофида сунъий сугоришни ривожлантиришга императорнинг жияни князи, Н. К. Романовский ўз ҳиссасини қўшиди. У 1881 йилда Тошкентга келганидан кейин, Чирчиқ дарёсидан 50 чақирим узунликда канал қазитди ва унга «Искандарбек» номини берди. Бу канал 4513 десятина ерни сугориш имконини берди. Уша йили Чирчиқда «Хоним» номли канал ҳам қурила бошланди. Ушбу 65 чақирим узунликдаги канал орқали 3215 десятина ерни сугориш имконига эга бўлинди. Аммо, кўрсатилган каналлар атрофида рус қўргонлари юзага келиб, сувдан кўпроқ улар наф кўрдилар. Князь Н. К. Романовский 1887 йилда Мирзачўлда «Николай I» каналини қуришга киришиб, ўз ҳисобидан бир миллион сўм сарфлади.

1885—1890 йилларда Мирзачўлда 28 чақирим масофадаги Бухоро номида канал қурилди, лекин кейин маблағ этишмаслиги натижасида иш тұхтатилди. Н. К. Романовский 1891 йилда Мирзачўлда «Хива» аригини қурди. Бу 90 чақирим узунликдаги канал 1895 йилда ишга туширилди. Бироқ, бу сувнинг маълум қисмигина туб аҳолига берилди, холос. Чунончи, у ўзбек ва қирғизларга тегишли 750 десятина ерни сугорган бўлса, русларнинг 2000 десятина, Н. К. Романовскийнинг 2000 десятина, давлат мулкчилигининг 4000 десятина ерлари сугорилган¹. 1899 йилда Н. К. Романовский томонидан Мирзачўлда қурилган барча каналлар ҳукumatнинг ихтиёрига ўтказилди. Бунинг учун унга ҳазинадан пул тўланди. Мирзачўлда сунъий сугоришнинг бирмунча жонлантирилиши орқасида бир нечта рус қўргонлари ташкил топиб, 1919 йилда улар 2827 десятина ерга эгалик қилдилар.

Каналларни қаэиш машаққати эса, асосан, туб аҳоли зиммасига тушди ва улар хонавайронликка учрадилар. Айниқса, тошкентликлар ва хўжандникларга оғир бўлди².

Умуман айтганда, Мирзачўлда сунъий сугоришни ривожлантиришдан мақсад, рус қўргонлари сонини тобора кўпайтириб бориш ва пахтачилликда олиниди-

¹ Отчет по Ревизии Туркестанского края произведеный сенатором графом К. К. Паленом. Вып: 3, с 275.

«Туркестанские ведомости», 1912, № 18.

ган даромадни кучайтиришдан иборат эди. Ҳатто, дәх-қончиллик вазири А. В. Кривошени давлат Думасида сўзлаган нутқида «Русларнинг ўлкадаги мавқенин кўтариш нуқтаи назаридан Мирзачўлга ўрнашадиган руслардан олиниадиган ер учун ҳақ туб аҳолига нисбатан оз бўлишинини»¹ уқтириди.

1900 йилда рус ҳукумати Мирзачўлнинг шимоли-шарқий тарафида 45 минг десятина ерни ўзлаштириш хақида қарор қабул қилиб, 2 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Бироқ, бу ишлар ўта секинлик билан олиб борилиб, маблағ ва қурилиш жихозлари етишмади. Шу боис, 1911 йилда Мирзачўлдаги сунъий сугориш ишларини тугаллаш учун хазинадаи 4.856.500 сўм ажратилди. Курилишларни 1915 йилгача тугатиш режалаштирилди². Бироқ, бу пул ҳам кўрсатилган миқдорда берилмади. Ниҳоят, 1916 йилнинг бошларига келиб, «Николай I» канали қурилиши тугалланиб, 35 минг гектар ерни сугориш кўзда тутилди. Бу ернинг 80—90 фонзида пахта етиштириш режалаштирилди³. Амалда эса, 1914 йилда Мирзачўлда етиштирилган пахта бутун ўлкада етиштирилган пахтанинг бир фонзини ташкил қилган. 1913 йилда Мирзачўлда 50 минг десятина ерни сугоришга мўлжалланган Н. Романовский канали битказилган эди. Амалда эса, 34 минг десятина ерни сугориш имкони туғилган.

Шу равишда чорак аср мобайнида Мирзачўлда магистрал сув канали битказилди. Бундан руҳланган рус маъмурияти Мирзачўлда 500 минг десятина ерии ўзлаштириш масаласини ўртага ташлади. Бунга кўра, у ерда «Бешта шаҳар, 200 савдо ва жамоат майдонлари ҳамда 45 мингдан 57 минггacha кишини ўз ичига олган рус қўрғонлари бунёд этилиши лозим эди. Мирзачўлда сунъий сугоришнинг тұла йўлга қўйилиши Россияга ярим миллион аҳоли яшайдиган турар жойларни беради. Бу ердан Россияга 130 млн. сўмга яқин баҳода 8—9 млн. пуд пахтани олиб кетиш имкони туғиларди»⁴.

Рус маъмурияти Чирчиқ атрофидаги жойларда 32 минг десятина ерни сугорадиган сунъий сугориш тар-

¹ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. Ц—7. I-рўйхат. 5199-иши, 90-б.

² «Туркестанские ведомости», 1913, № 220.

³ Ғаша жойда. 1916, № 190.

⁴ «Туркестанские ведомости», 1913, № 220.

моқларини қуришни ва бунинг учун 1.800 минг сўм сарфлашни режалаштиди. Аммо, бу режани тўла амалга оширишининг иложи бўлмай, аввалдан фойдаланиб келинаётган сув тармоқларини кенгайтиришиб давом эттирилди. Бу вақтда Чирчиқнинг икки қирғидан кўплаб сув шохобчалари турли томонларга тарашиб (1-жадвал) кетган эди.

1-жадвал

Ариқларининг номи	Ариқларниң узунлиги	Бир сакундга утадиган сўнг хамми	Сурорадиган ерлар	Сувдан фойдаланаётганинг хона-лондер	Ариқларни тоғ-лашга келингаччи кучи иш-тадди						
					тамирим	иуб. фунт	деситина				
Чирчиқнинг ўнг қирғидан:											
Искандарбек ариғи											
Холим ариғи	50	40—90	2600	538	8500						
Захариқ	85	100—300	3500	524		1					
Бўйсув	150	1000	23.500	4748		7000					
Қорасув	175	2300	13.416								
Қалмоқ ариқ	40	460	10600								
Гаукат	8	100	800			220					
Парнабат	10	150	750			300					
Болариқ	12	524	882			100					
Баротхўжа	18	200	2474	430		1800					
Чорток	9	226	347	267		100					
Шоҳариқ	12	268	131			250					
Чулдак	8	197	193			50					
Такбай	5	20	15								
Қиличота	6	102	17	1250		300					
Жўнариқ	12	70	29								
Ниёзбoshi	47	500	7839	1263		3500					
Кулқурдуқ	30	230	3417	533		1500					
8 та кичик ариқлар	45	100	1685			1000					
Чирчиқнинг чап қирғидан	29	166	116			100					
Бектемир тизими											
31 та кичик ариқлар	157	1736	2266	2064		3680					
Йик	13	170	25	360		450					
Қум I	10	100	60	210		450					
Бектемир	19	850	345	815		1280					
Тош	22	175	75	447		2320					
Қум II	12	67	30	111		240					
Учтамкали	16	150	70	125							

1	2	3	4	5	6
Тошлоқ	26	120	70	140	460
Ужкент	23	120	80	120	175
Чакмоқ	11	130	280	140	770
Қорасув тилеми:					
қорасув	90	1600	4490	4544	3000
Хон I	24	49	730	230	980
қорақалпоқ	10	336	500	215	600
Ағанай юлук	15	90	400	130	
Оқ	11	163	800	306	575
Саобука I	15	210	150		
Дархон	20	170		200	1400
Валиқ	10	27	90	200	
Сарбува	17	84	170	325	700
Саврау	10	170	200	230	
Хон II	24	248	800	310	2330
25 та майды ариқ-лар	197	1020	990	1924	488
Оҳангарон дарё-сіздап:					
Искент	25	20	500	450	900
Шаҳрия	4	50	145	180	
Хўжа	16	30	525	150	
Оқтепа	12	100	1640	800	
Мозор	20	15	150	250	
Хон	31	140	1763	810	2860
Шоманси	12	60	172	85	940
48 та майды ариқлар	192	932	5297	9445	
Жам и:	1725	16305	95.372	34869	49118¹

Демак, Тошкент воҳасини Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидаи чиқарилган 1725 ҷақирим узунликдаги ариқлар қоплаган. Улар бир секундда 16305 куб фунт сув оқизинш имконига эга булиб, 95.372 десятина ерни суғорган. Шу равишда Чирчиқ дарёси асосий сув манбаи ҳисобланиб, 27.294 хўжаликка хизмат қилган. Сувнинг маълум қисми пахта етиширишга сарфланган, албатта. Шунингдек, Чирчиқ дарёсининг чап қирғонидаги ерларни қуритиш ҳисобига 20.000 десятина ерни ўзлаштириш режалаштирилди².

Самарқанд вилоятини сув билан таъминлашда Зарафшон дарёси муҳим ўрин эгаллаган. Ундан чиқарил-

¹ Манбада ушбу жойларнинг айримлари нотурни помланганилигини эслатамиз.

² «Туркестанские ведомости», 1912, №8.

ган Туюотар, Булунгур, Косон ва Дарғом сингари йирик ариқлар вилоятдаги 130.000 десятина ерни суғорган. Шуни айтиб үтиш лозимки, XIV асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон вақтида қурилган Туюотар ариғи вақт үтиши билан ташландиқ ҳолга тушиб қолган эди.¹ 1912 йили рус ҳарбий маъмуриятининг ташаббуси билан уни тиклашга 100 минг киши иштирокида ҳашар уюштирилди. Ҳашарчилар бир ярим ойлик озиқ-овқатни гамлаб, Жиззахдан 200 чақирим масофадаги Туюотар ариғи бўйига жойлашиб ишга киришдилар. Оғир шароит ва мавжудатли меҳнатни мардонавор енгган ҳалқ ариқни тиклашга эришди. Уша вақтлардаги газетанинг ёзишича, ариқда сув оқишини кўрган ҳалқ хурсандчилидан қичқириб юборган. Ҳашарчилар орасида тиз чўкиб, худон таолонинг марҳаматига шукур қўлганлар, ўзларини сувга ташлаб ичганлар, ҳатто суюнганидан юраги ёрилиб ёки чўкиб ўлганлар бўлган. Тикланган ариқ янги Туюотар номида аталиб, Жиззах уездидаги 700 десятина ерга пахта экиш имконини берган¹.

Минтақада энг йирик сув манбаларидан бири Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ташкил топган Сирдарёдир. Норин дарёси Тян Шань тоғларидан бошланиб, йўлда бир неча сув тармоқларини уз ичига олади. У 40 чақирим масофадан сунг, Мингбулоқ қишлоғида Қорадарё билан қўшилгач, Сирдарё номи билан аталаған. Учқўрғон, Қизилқудуқ, Тути, Қайка I, Қайка II, Халқобод, Янгиариқ, Караскон, Рустамогалиқ, Қумтўғон, Зарбоб, Давлатбой, Назаруздинхон, Жидакен сингари номлардаги ариқлар чиқарилган эди. Қорадарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидан эса Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улугнор, Чек, Насриддинбек, Қўқонқишлоқ, Ҷази, Хайробод номидаги ариқлар қазилган. Улардан ташқари тоглардан тўппа-тўғри қишлоқларга ва шаҳарларга оқиб келадиган Қагарсой, Бозорқўрғонсой, Эсипастсой, Подшота, Сўх, Учқўрғонсой, Шоҳимардонсой, Исфара, Оқбўри, Арвоҳсой, Қирғизота ариқлари бор эди. XX асрнинг бошларида Фарона вилоятида 36 суғориш тармоқлари бўлган. Унинг жануби-шарқий тарафидаги Исфара, Сўх, Сариқўрғон, Авғон, Воҳ, Қора-Куржин ва Оққўрғон сингари тармоқлари, асосан, Қўқон уездини сув билан таъминлаб турган.

Вилоятининг жануб ва жануби-шарқ томонларидаги

¹ «Туркестанские ведомости», 1913, № 220.

тоғлардан келадиган ариқлар, хусусан, Шоҳимардон, ва Улугиор ариқлари Марғилон уездини сув билаи таъминлаган. Тара, Қоракулжа, Ясси, Когар, Чапкент, Қора-Унгара, Шайдон, Майли-Избоскан номли ариқлар эса Андижон уездидеги томон оққан.

Норин дарёсидан оқадиган Подшоота, Олабуқа, Ашча, Хрот, Сумсар, Күк серек, Чодак ва бошқа ариқлар Наманган уездини қамраб олган. Юқорида номлари зикр этилган сув тармоқлари вилоятга жон киргизиб, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда мұхым аҳамият қасб этгандар.

Бизнинг иктиёризмизда ўша сув тармоқларининг қанча экин майдонларини сугориш қобилиятига эга эканлиги ҳақида маълумотлар мавжуд:

1. Равотники	50131 десятина
2. Сұхники	5247 — «—
3. Шоҳимардонники	58235 — «—
4. Исфарапники	68803 — «—
5. Абширенники	11018 — «—
6. Аравонники	57976 — «—
7. Оқбүрипники	100086 — «—
8. Ясси ва Куршибиники	176320 — «—
9. Кагарники	17067 — «—
10. Бозорқўргонники	25461 — «—
11. Майли-Избосканники	20753 — «—
12. Норин сув шоҳбачалариники	67288 — «—
13. Чортоқ сув тармоқлариники	9315 — «—
14. Подшоотники	32977 — «—
15. Қизилотаники	16811 — «—
16. Косонники	27203 — «—
17. Сумсарники	9502 — «—
18. Газинники	25771 — «—
19. Чодакники	5102 — «—
20. Аштники	9317 — «—
21. Бободархонники	3867 — «—

Кўриниб турибдик, 1—4 ва 6—8 саналардаги сув тармоқлари катта ҳажмдаги ерларни сугориш имконига эга эди.

Рус маъмурияти сунъий сугоришнинг ўлка ҳаётидаги улкан ўрнини англаб, уни ривожлантириш лозимлигини императорга маълум қилиб турди. Чунончи, Туркистон генерал-губернатори Вревский 1895—1897 йиллар учун берган ҳисоботида шундай ёзган: «Сунъий сугоришни тартибга солиш ва уни ривожлантириб бориш деҳқончилик вазирлиги маҳаллий ташкилотининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Чунки, фақат шу йўл билан-

гина Туркестондаги давлат ерларининг даромадини ошириш мүмкүн. Шу билан бир қаторда үлкәндаги унумдор ерлардан катта даромад олиниши натижасида саноатимизни ва савдони чет эл қарамалыгидан озод қилишимиз мүмкін»¹.

Хуллас, сув хўжалигининг барча тармоқлари назорат остига олиниб, Туркестон генерал-губернаторлиги қошида ва вилоятларда ер ва ирригация бошқаруви учун алоҳида мансаб лавозими таъсис этилди².

Губернатор Вревскийнинг кўрсатишича, 1895 йилда Фарғона вилоятидаги Учқўрғон ариғини кенгайтиришга қаратилган тадбиrlар белгиланиб, дәхқончилик ва мулчиллик вазирликлари томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан ишга киришилган. Бироқ, темир йўл қурилиши ва ишчи кучига тўланадиган ҳақининг ошиши муносабати билан иш деярли тўхтаб қолган. Бундан ташқари, рус маъмурияти суғориш тармоқларини ривожлантириш мақсадида Қорадарёдан сув чиқариб, 16.250 десятина ерии ўзлаштириш ва бунга 1.154.247 сўм сарфлишни режалаштириди³.

Аммо, фойдали лойиҳаларга ҳукумат томонидан маблағ етарли даражада берилмаганилиги орқасида кўпинамалга ошмади.

Шунга қарамай, үлка маъмурияти сунъий суғоришни ривожлантириш зарурлигини ҳукуматга таъкидлайди. «Фарғона вилоятининг иқлим шароити ва тупроғининг ўзи,—деб ёзган эди ҳарбий губернатор Чаковский,—тўқимачилик саноатининг энг қимматли хом ашёси бўлмиш пахта талабларига яхши жавоб беради, дейиш қийин. Негаки, бу ердаги дәхқончилик ўсимликларини сунъий суғоришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, сув тармоқларини кенгайтириш ва янги каналларни куриш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шундай қилинса, саноатни хом ашё билан таъминлаш ва рус қўрғонларини кўпайтириш имкони туғилади»⁴.

Шунингдек, Чаковский янги ерларни ўзлаштириш катта харажатларни талаб қилишини, лекин ерларнинг унумдорлиги туфайли уларни яқин орада оқлаши мумкинлигини айтиб утган.

¹ Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3, д. 239, л. 20.

² Уша жойда, л. 17.

³ Уша жойда, л. 17.

⁴ Уша жойда, д. 320, л. 4.

Куриниб турибни, у сунъий сугоришнинг ривожлантирилиши янги ерларни ўзлаштиришни, дехқончилик маҳсулотларини, хусусан, пахта хом ашёсини купайтириш имконини бериш билан баробар Фарғона водий-сига кўплаб русларни кўчириб келтиришга шароит яратишни хукуматга маълум қилган.

Рус маъмурият вакилларининг сунъий сугоришни ривожлантириш ҳақидаги талаблари бежиз эмас, ал-батта. Чунки, Россиянинг пахта конига айланиб бораётган Фарғона вилоятида жон бошига тӯғри келадиган сугориладиган ернинг ҳажми жуда оз бўлган. Бу ҳақда тегишли маълумотлар (2-жадвал) далолат беради¹.

Жадвалдаги рақамларни шарҳлашдан олдин, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, улар сугориладиган ерларни ҳар волостдаги жон бошига тӯғри келадиган ҳажмини кўрсатувчи ноёб хужжатdir. Шунинг учун ҳам у тўла ҳолда келтирилди. Уша рақамлардан аёнки, сув тармоқлари волостлар ва хўжаликлар бўйича бир хilda тақсимланган. Масалан, Марғилон уездига қарашли Чимён волостида жон бошига 0,94, Яккатутда—0,88, Ёзёвон ва Қулинда—0,77 десятина сугориладиган ер тӯғри келган бўлса, бошқа волостларда, хусусан, Асакада—0,40, Файзиободда—0,54 десятинани ташкил қилган. Аввал, Қўқонқишлоқ, Марҳамат, Бўстонда ер бир десятинадан ошган. Урта ҳисобда Марғилон уездига сугориладиган ер жон бошига 0,7 десятинадан тӯғри келган.

Қўқон уездига ҳам жон бошига тӯғри келадиган сугориладиган ерларнинг ҳажми бир текисда бўлмай, айрим волостларда, жумладан, Нагутқипчоқда—1,81 ва Лайлакда—1,64 десятинани эгаллаган. Қолган волостларда энг ози—0,32, 0,23, 0,42 ва ундан ортиқ десятина га борган. Урта ҳисобда Қўқон уездига сугориладиган ерлар жон бошига 0,51 десятинадан ошмаган.

Сугориладиган ерларнинг ҳажми, айниқса, Андижон уездига кам бўлган. Бу ерда биргина Наукент ва Костида 1,28 десятинани ўз ичига олиб, бошқа жойларда—0,24, 0,43, 0,58, 0,59, Қўқонқишлоқда—0,88 ва Майгирда—0,90 десятинадан иборат бўлган. Умуман олганда, сугориладиган ер Андижон уездига жон бошига 0,64 десятинадан тӯғри келган.

¹ Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1882, д. 320, л. 4.

Уездлар	Велостлар номм	Аҳодининг сони	Ер ҳажми—деситина хисобида			
			Жами деситина	Сугорилади- ган ерлар деситина	Сугорилмаган ва яроқсиз ер- лар деситина	Жон бошига тұры келали- ган сугориш майдони деси- тина
Марғилон уезді бүйіча	Файзиобод	22352	36250	12277	23973	0,54
	Езёвон	23720	39875	18495	21380	0,77
	Яккатут	22454	32375	19825	12550	0,88
	Олтиарик	20376	24625	8786	15839	0,43
	Чимён	22280	69125	20931	43194	0,94
	Авшал	11123	39632	14636	24996	1,31
	Найман	11781	496125	6686	489939	0,57
	Бўстон	4560	178375	5218	173.157	1,14
	Қуба	13145	12375	9859	2486	0,75
	Қўқонқишлоқ	13866	28775	12285	13090	1,10
	Қоратепа — Наукент	14720	16875	10726	6149	0,72
	Шаҳрихон	22813	32000	16763	15237	0,73
	Сегазин	11350	10750	7880	2870	0,69
	Асака	17137	10125	6891	3234	0,40
	Қулин	11581	25875	6994	16881	0,77
	Аравон	16292	23250	8121	15129	0,49
	Марҳамат	9634	40500	12034	30266	1,06
	Ичкелик	17675	257750	12791	244959	0,72
Ж А М И :		286.859	1.374.657	211228	1154809	43,71
	Кўқов уезді бүйіча	Аравон	14326	7375	4352	0,30
		Ганикировон	15480	5375	4652	0,30
		Қайнар	19549	15125	6459	0,33

1	2	3	4	5	6	7
Кенагас	11422	25500	4928	8139	0,43	
Кудаш	10170	15250	7111	6137	0,70	
Чирчиқ—Жидан	10300	13625	7488	17147	0,72	
Жашжал	13907	24625	7478	25213	0,53	
Қипчоқ	6596	29500	4287	104140	0,65	
Қорақалпоқсұх	17485	109750	5610	43261	0,32	
Сұх	7346	47125	3864	15617	0,52	
Риштон	17970	25250	9633	24524	0,53	
Задиан	19590	34625	10101	21144	0,51	
Янгиқұргон	15379	28080	6936	32755	0,45	
Үлтарма	11250	38125	5370	8391	0,48	
Бабайдин	16854	15650	7259	898	0,43	
Найман	11553	5375	5477	334064	0,47	
Нагутқинчиоқ	6730	346250	12186	259225	1,81	
Лайлак	4207	266125	6900	183177	1,64	
Исфарин	15358	190875	7698	41880	0,50	
Конибодом	13780	45000	3120	21595	0,23	
Яйпай	14936	27875	6280	26965	0,53	
Бешариқ	13124	34000	7035	25071	0,69	
Махраш	7522	30125	5054			
Ж А М И :		294834	1380605	142678	1211755	13,49
Андижон уезді бүйіча	Вокент	14972	8250	5355	289	0,36
	Ербаш	12910	26750	10158	16592	0,78
	Олтинкүл	19254	13875	10330	3545	0,53
	Балиқчи	22858	43750	19859	29891	0,86

1	2	3	4	5	6	7
Жалолкулук	9015	16625	5474	10884	0,04	
Күрөнгелә	18381	23125	12568	10557	0,68	
Ойым	18350	13250	8160	5090	0,44	
Корасув	12137	10276	3399	6877	0,28	
Майли-Иабоскан	22413	197125	19543	177582	0,87	
Хаккулобод	14556	28250	22513	5737	1,54	
	16726	28125	18576	9549	4,11	
Кемүлхорачир	9039	256500	—	256500	—	
Жалолобод	19911	31750	11551	20199	0,58	
Үзган	31830	497125	13780	483345	0,43	
Кугарт	17138	203500	4144	199356	0,24	
Бозоркүргон	45844	171000	9406	464594	0,59	
Күкөнкишлөк	49220	58875	46998	44877	0,88	
Наукент	61486	21250	7229	13321	4,28	
Майнир	12334	17125	11146	5979	0,90	
Сусамир	8110	509184	—	509184	—	
ЖАМИ:	321184	1893220	210186	1945903	12,47	

Улкада сунъий сугориш бўйича амалий ишга нисбатан қидирув ва лойиҳалаш ишлари салмоқли ўринни эгаллади. Масалан, Мирзачўлда сунъий сугоришни ривожлантириш бўйича Г. К. Ризенкампф, В. Чиков, Г. В. Ведоров, Е. К. Яков ва бошқалар янги срларни ўзлаштириш таклифларини баён этиб, иш режаларини ва харитани ҳукумат вакилларига тавсия этдилар. Аммо, улар тўла амалга оширилмади. Фарғона водийсидаги сунъий сугориш бўйича қидирув ишлари ва лойиҳалар тузинида А. И. Вавейков, Н. Жилин, Н. Петров, Н. Королков, К. Синявский, Г. К. Ризенкампф ва бошқа мутахасислар мухим ўрин эгалладилар. Уларнинг фаолияти С. Жалиловнинг «Фарғона водийсининг сугорилиш тарихидан» китобида батафсил баён этилганлиги учун уни атрофлича ёритишига ҳожат йўқ, албатта. Бундан ташқари, улар томонидан тузилган таклифлар ва лойиҳалар қоздагина қолган эди. Бу хусусда масалани маҳсус ўрганганд С. Жалилов шундай деган: «Шундай қилиб, чоризм билан рус капиталистлари ўртасидаги янги ерларни ўзлаштириш ишини ташкил қилишга доир келишмовчиликлар, чор ҳукуматининг хусусий ташаббускорлар ҳаракатига бефарқ қарагани ва шунингдек, чор маъмурий идораларида сансалорлик ва бюрократизм кайфиятлари Фарғона водийсида йирик ирригация иншоотларини қуриш ва катта майдонлардаги бўз ерларни ўзлаштириш иланларини амалга оширишга йўл бермади!»¹.

Шунга қарамай, айрим таклиф ва лойиҳалар ҳақида фикр юритиш фойдадан холи бўлмайди. Бу борада 1878 йилда Фарғона водийсизда сунъий сугориш ҳолати билан танишган академик А. Миддендорфнинг фикр-мулоҳазалари қизиқарлидир. У аввало хонлик даврида чала қолган ишларни тугаллашни ва туб аҳолининг минг йиллик тажрибасига таянишин таклиф этди. Унинг фикрича, Норин ва Қорадарёлардан ариқ чиқариш ва Улуғнор аригини кенгайтириш ҳамда сунъий сугориш харитаси тузилиши лозим эди. Барча катта-кичик ариқларга сувни тақсимлаш учун муҳандислик иншоотларини қуришни таклиф этди. Унинг кўрсатишича, сунъий сугориш ишларини тартибга солиш ва назорат қилиш биринчи галдаги вазифадир. «Модомики,—деб ёзганди у,—

¹ Жалилов С. Фарғона водийсининг сугорилиш тарихидан (XIX—XX аср бошлари). Т. 1977, 133-б.

бизнинг давлатимиз чиқарган қарорга биноан, буту Түркистон сувини ўз мулки деб эълои қилган экан; мөдомики бу сувлардан озуқа воситаларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш зарур экан; ирригация ишшоотларини ширкат ва уюшмалар қўлига топшириб қўйиш мумкин эмас ва у билан десқончиликка боп соз тупроқни сугориш жуда фойдалидир, у ҳолда тезликда ва гайрат билан ишга киришиш кечкитириб бўлмайдиган бурч бўлиб қолади¹.

Муҳандис Н. Жилин Улугнор аригини сув билан таъминлашга алоҳида аҳамият берди. У қўйидаги вазифаларни ўргатга ташлади:

1. Улугнорнинг Тешиктошдаги тўғонини қайта қуриш ҳамда Тўнғизтўсар тўғонини қайта таъмирлаш.

2. Уни мунтазам сув билан таъминлаб туриш учун Андижоннинг шимолидаги Бобоғози аригини Улугнорга бирлашириш, шоли экиш устидан назорат ўрнатиши.

Шу асосда айрим ишлар амалга оширилди. Чунопчи, Улугнор аригининг маълум қисми тозаланиб ва қирғозлари дамба билан кўтарилиб, тошқин хавфининг олди олинди. Бобоғози ариғига тўғон қурилиб, Улугнорга бурилди. Тўнғизтўсар ва Тешиктош тўғонлари ҳам қайта қурилди. Аммо, бу ишлар сунъий сугоришни маълум даражада тартибга солиб, уларга арзимаган маблаг — 1100 сўм сарфланган эди, холос. Маъмурият томонидан етарли даражада маблагнинг берилмаслиги орқасида Н. Жилиннинг Улугнор аригини талаб даражасида яхшилашга қаратилган лойиҳаси қолиб кетди. Маъмурият вакиллари ҳалқ кучи билан анча харобага айланган Мусулмонқул аригини бир оз бўлса-да, тиклади ва қишлоқларнинг сув билан таъминланиши бирмунича яхшилаанди. Шунингдек, Кампирравотда водийда энг йирик ҳисобланган Шаҳрихонсойни ва Андижонсойни мунтазам сув билан таъминлаш учун ҳашарлар уюштирилди. Бироқ, сунъий сугоришни ривожлантиришга қаратилган барча ишлар ниҳоясига етказилмади. Бунинг устига, сув тошқинлари қилинган ишларга штурм етказиб турди. XX аср бошларида ҳам сунъий сугоришни тартибга солиш ва ривожлантириш ҳаракатлари тұхтатилмаган бўлса-да, лекин марказий ҳукумат вакиллари бу ишга етарли даражада эътибор бермадилар. Бу вақтда Улугнор аригини тубдан яхшилашга қаратилган лойиҳа ту-

¹ Жалилов С. Фарғона водийсининг сугорилыш тарихидан. 76-б.

зилиб, маблағ ажратилишини сұраб Петербургга мурожаат қилинди. Бироқ, бу ерда ҳам масалага салбий жавоб берилді. Шундан кейин вилоятда иш юритиш асосан үлкәнде рус маъмуритининг таъсир доирасы билан чегараланиб қолди. Улка генерал-губернаторининг күрсатмасига биноан, Улуғнор арифининг давоми сифатида Балиқчи ариғи қазиши киришилди ва битказилди. Шаҳрихон сойида ҳам сунъий сугоришилар анча тартибга солиниб, экин майдони 60 минг десятинаға етди.

Күрилаётган йилларда сунъий сугоришини ривожлантириши үз ичига олған 6 та лойиҳа тузиленди. Уларни амалга ошириш буйича ҳукумат идоралари ўртасида күп ёзишмалар ва фикр алмашувлар бўлди. Пировардида, 1914 йилда Туркистон үлкасида сунъий сугоришини ривожлантириш масаласи давлат думасида муҳокама қилиниб, уни давлат ҳисобидан амалга оширилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бироқ, шундан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Умуман айтганда, Туркистон үлкасида пахтачилик асосан эскидан иш бериб келаётган сув тармоқларини маълум даражада тузатиш ва айrim ариқларни қазиши асосида ривожлантириб борилди.

Умумлаштирганда, рус ҳукуматининг 1908—1915 йилларда үлкалаги сув ҳужалигига сарфлаган маблағи қўйидаги ҳажмда бўлган:

1908 йилда — 76000 сўм.	1912 йилда — 130043 сўм.
1909 йилда — 90000 сўм.	1913 йилда — 283100 сўм.
1910 йилда — 87600 сўм.	1914 йилда — 350000 сўм.
1911 йилда — 87690 сўм.	1915 йилда — 561799 сўм.

Бинобарин, давлат томонидан ажратилган маблағ жуда оз бўлган. У маълум даражада солиқлар ҳисобига тўлдирилган. Айниқса, ҳашар воситасида иш битириш кенг қулоч ёйган эди. Ўн минглаб кишилар ўзларининг иш қуроллари ва озиқ-овқатлари билан ойлаб сунъий сугориши тармоқларида азоб-уқубатда ишлашган.

Шундай қилиб, асосан, халқнинг кучи билан қурилган сунъий сугориши тармоқлари үз самарасини бериб турди. 1917 йилги маълумотга кўра, сугориладиган ерларининг ҳажми сув ҳавзалари буйича қўйидагича (З-жадвал) тасвиранланган:

№	Сув ҳавзалари нинг номи	Сугорилган ерлар (деситина)	№	Сув ҳавзалари нинг номи	Сугорилган ерлар (деситина)
1.	Сирдарё хавзаси	1245000	7.	Сангзор ари- ғи	106000
2.	Чирчиқ, Келес, Құры-Келес, Оҳангарон	228000	8.	Зарафшон Қаттақурғон билиш	393000
3.	Талас, Те- рес (Авлан- ота округи)	140000	9.	Мурғоб ва Текен ариқ- дари	172000
4.	Чу дарёси	141000	10.	Амударё	64000
5.	Иссиқкүл	70000			
6.	Балхаш құли Хаммаси:	297000			
					2871000

Демак, улкада Сирдарё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёларидан күп сув олиниши патижасида экин майдонларининг ҳажми бошқа жойдагиларга нисбатан анча юқори ҳисобланған. Олдинги саҳифаларда таъкидланғандек, сунъий сугориш тармоқларини тузатиш ва тозалаш ишларининг оғирлігі тамомила аҳолининг зиммасига туынған. Манбаларнинг күрсатишича, халқ оддий солиқлардан ташқари, чигирткага қарши курашға, йўлларни ва қўприкларни ҳамда сунъий сугориш тармоқларини тузатишга сарфланадиган харажатларни ўз ичига олган учта солиқни тўлаган. Уларнинг орасида, айниқса, «Иrrigationная повинность» («Сунъий сугориш солиғи») оғир бўлган. Бу ҳақда қўйидағи маълумотлар (4-жадвал, 1906 й.) далолат беради.

4-жадвал

Уеаллар номи	Хоналонлар- нинг сони	Ариқларине уаулиги яқынлар	Тузатил- ган ариқ- ларнинг уаулиги	Курилши жиходлари- нинг ишхизи сўм	Пинчи мучи- нинг бахо- си сўм	Солиқнинг уаулиги ишинде сўм
Наманган	76545	3437	3062	19122	64501	83623
Марғилон	67530	3428	2114	17320	48114	65435
Ланджон	45531	3060	3060	97190	26930	51120
Қўқон	71912	—	—	3598	16991	20593
Ўш	22448	1091	687	2877	5460	8337
Хаммаси:	283966	11016	8923	140107	161996	227108

Жадвалдан аёнки, ишда салкам 300 минг хонадон қатнашиб, 227.108 сўмлик ҳажмда меҳнат қилган. Бундан ташқари, Корадарёдан Шаҳриҳон ва Андижонга борадиган сувни тақсимлаш учун Марғилон уездидан 23901 ва Андижондан 30616 сўм олинган.

XIX асрнинг охирлари—XX аср бошларида сунъий сугоришидаги янгиликлардан бири моторлар, яъни насослар ёрдамида сувни экин майдонларига чиқаришдан иборат бўлган. Улкада бундай насосларнинг умумий сони 99 та бўлиб, 73 таси Фаргона, 20 таси Каспийорти вилоятидаги ўрнатилган эди. Қўқон ва Наманган уездларида 16500 десятина ер насос воситасида сугориланлиги маълумдир. Улкада сунъий сугориш ишларини бошқариш учун Туркистон генерал-губернаторлиги қошида битта амалдорлик лавозими жорий этилган эди. Вилоятларда ирригация бўйича бошлиқ ва унинг ёрдамчиси техниклар бўлиб, улар уездлар бошлиғи билан биргаликда иш юритганлар. Булардан ташқари, сунъий сугориш ишлари билан «қўқбоши», мираблар ва ариқ оқсоқоллари шуғулланганлар. Масалан, Фаргона вилоятида 57 та оқсоқоллар ва 1500 та мираблар ҳамда 2 техник ишлаган. Оқсоқоллар маъмурият томонидан маош билан таъминланшиб турилган. Масалан, 1906 йилда оқсоқолларга Қўқон уездидаги 4672, Марғилонда 9039, Наманганда 10812, Унда 1392, жами 32214 сўм маош тўлаинган. Мирабларга галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосил даражасига монанд равишда берилган ва ойига 30 сўм маош тўлаинган.

Умумий хуоса шуки, чор ҳукумати сунъий сугоришини ривожлантириши — пахтациликини юқори даражага кўтарилишини таъминловчи асосий манбалигини яхши англаса-да, унинг кенг кўламда қулоч ёйинини хоҳламади. Тўгри, у маълум даражада маблаг сарфлаб, ўлка бўйича 70000 десятина ерни ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Аммо, бу ҳали жуда оз эди. Чор ҳукуматининг бундай қилишига пахтацилика кам харажат қилиб, кўп фойда олишга интилгани сабаб бўлган, албатта. Натижада, сунъий сугоришиниг барча огирилиги ва азоб-уқубатлари халқнинг зиммасига тушиди. Уни тузатиш ва таъминлаш учун текин ишчи кучларидан ташқари, яна сув солиғи жроний этилди ва халқнинг етти қават териси шинлинди. Бу чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатининг таркибий қисмларидан бири сифатида намоён бўлди. Бу борада давлат ҳисобига

йўлга қўйилган сунъий сугориш туманинда рус қўргонларининг юзага келиши ҳам далолат бўради. Чунончи ўша янги ўзлаштирилган 70 минг десятина ернинг 35 минг десятинаси Мирзачўлга тўғри келади. Бу ерда янги сугориш тармоқлари атрофида рус қўргонлари ташкил этилди. Шунга ўхшаш ҳолат Тошкент уездидаги ҳам кўзга ташланади.

Шу равишда чор ҳукуматининг сиёсати заманинда кўпроқ хопликлар давридан қолган сунъий сугориш тармоқларини кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳисобига пахтачиликни тобора ривожлантириб бориш ҳаракати ўз ифодасини топган эди. У сунъий сугоришини давр талабига монанд равишда ривожлантира олмади.

Чор ҳукумати ўзининг Туркистон ўлкасидағи салкам 50 йиллик ҳукмонлиги даврида 70000 гектар ерни сугоришга эришди, холос. Улкада тайёр экин майдонлари ва қисман янги ўзлаштирилган ерларда пахтачилик ривожланиш йўлига ўтган бўлса-да, лекин барча вилоятларда ўсиш даражаси бир хил бўлмади.

АМЕРИКА ПАХТА НАВЛАРИНИНГ ИҶИЛИМЛАШТИРИЛИШИ

Подшо Россиянинг Туркистонга тажовузининг асосий сабабларидан бири, тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлашдан иборат эди. Маълумки, тобора ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун пахта асосан, Америкада катта харажатлар эвазига келтирилган. Пўлининг узоқлиги ва бошқа сабаблар бонс пахтани мунтазам ва меъерида етказиб келишининг ҳаммавақт ҳам иложи бўлмас эди. Шу бонс, чор ҳукумати ва капиталистлар ўзбек пахтасини қўлга киритиб, катта даромад эгаси бўлиш учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Улар бунга эришмак ниятида ўлкага бостириб киритиб, минглаб кишиларнинг ёстигини қуритиб, ўз ҳукмонлигини ўрнатишиди. Бироқ, орзиқиб кутилган мақсаддага эришишнинг ўзи бўлмади, албатта. Чунки, Туркистондаги пахта тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бермас эди. Бу ерда узоқ асрлардан бўён маҳаллий «ғўза» пахтаси етиштирилиб, «малла ғўза» ва «қизил пўчоқ» номларида юритиларди. «Қизил пўчоқ» пахтасининг чигити анча йирик ва толаси оқ рангда, узунлиги эса 22—23 мм бўлганлиги учун шу номда юритилган.

«Малла гўза»нинг ранги қизғишроқ бўлиб, чигити майда, толасининг узунлиги 22—23 мм бўлган. Унинг тепа тарафидаги чаноқлари сон жиҳатидан бошқа пахта навларига иисбатан кўп бўлган. Маҳаллий «гўза» навларининг орасида Хива хонлигидаги етиштириладиган пахта ўзининг сифати ва майнинги жиҳатидан устунлик қилган. Унинг толасининг узунлиги ўрта ҳисобда 20 мм бўлиб, оқ рангли эди. Ўша давр мутахассисларининг фикрича, Хива пахтаси Америка пахтасидан қолишмаган. Бироқ у кам ҳосилли эди. Тошкент, Фарғона водийси ва Бухорада етиштириладиган «гўза» пахталари аслида бир-бирларидан унчалик фарқ қилмаган. Бироқ, Бухоро пахтаси бирмунча сифатли ва толаси узуироқ эди. Умуман олганда, маҳаллий «гўза» пахтаси ҳунармандчилик тўқимачилиги ва маҳаллий газламалар ишлаб чиқаришга мослашган бўлиб, кўн асрлар мобайнида ички ва ташқи бозор талабини қондириб келган. Унинг маҳаллий иқлим ва шароитга мос тушадиган томонлари ҳам бор эди. Пахта пишиб етилганида чаноқнинг тўла очилмаслиги шамол пайтларида ҳосилни ерга тўкилиб, нобуд бўлишидан ҳамда чаңг-тўзонлардан сақлаган. Булардан ташқари, маҳаллий пахтанинг камсувликка чидамлилиги, уни сув камроқ пайтларда ҳам экиш имконини берган. Ҳосил етиштирилганида чаноқлари терилиб, сўнгра ундан пахта ажратиб олинарди. Замон тақозосига кўра, «гўза» пахта нави ўзининг камҳосиллиги ва толасининг калталиги билан тўқимачилик саноатига мос тушмай, Америка пахтаси билан рақобат қила олмай қолди. Бу ҳол ўлкани рус давлати босиб олишидан аввалроқ савдо-ҳунарманд доираларининг айрим вакилларига аён бўлган. Бундай кишилар ўзбек пахтасини рус тўқимачилик саноати талабларига мослаштириш ва даромадни оширишини кўзлаб, Америка пахта навини ўлкада иқлимлаштиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик савдогар X. Сайидумаров Россия орқали Америка пахта нави уруғини Бухорога келтириб эккан. Унинг бу ҳаракати самарали бўлиб, сифатли тола олишга эришган. Ҳатто, бу тола Нижний Новгород ярмаркаларига олиб борилган. Лекин Бухорода Америка пахта навининг аҳамиятини яхши тушунмаслик орқасида ўз-ўзидан нуколиб кетган. 1868—1869 йилларда Тошкентда, Хўжандда ва Самарқандда Америка ҳамда Миср пахта навларини Ҳожиёнусов ва Спиридонов деган

кишилар иқлимлаштиришга ҳаракат қилиб ундан яхши ҳосил етишириди¹.

Уша йили рус матбуоти Туркистон ўлкасида қандай қилиб бўлмасин, пахтачиликни ривожлантиришга даъват этди. «Пахта ишлаб чиқариш саноатининг биринчи тармоғи сифатида катта диққат-эътиборга лойикдир. Ҳозирда бизда Бухоро номида юритиладиган пахта— Американикига иисбатан арzon тушмоқда»².

Бинобарин, рус давлатининг ўлкадаги ҳукмроилигининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек пахтаси унга фойда келтира бошлаганди. Шунинг учун ҳам бошқа газетада: «Туркистон фаровон ўлка ҳисобланиб, кумуш, олтин, темир, кўмир ва қимматли тошларга эгадир. Аммо, ўлканнинг тугаб-битмас бойлиги пахта ва ипакдир. Ҳозирда булар ривожлантирилмаган бўлса-да, лекин ақл ва идрок билан иш юритилиб, такомиллаштирилса, Россиянинг фабрикалари пахта ва ипак билан таъминлаиди ҳамда уларни четдан олишга эҳтиёж қолмайди»³, деб ёзилган.

Хуллас, рус давлатининг ҳукмрои доиралари ва капиталистларнинг икки қўзи Туркистон пахтасига тикилган эди. Улар биринчи навбатда Америка пахтасини иқлимлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришдилар.

Бу ишни биринчи бўлиб Н. Н. Раевский деган кимса бошлаб юборди. У даставвал Кримда Америка пахта навини иқлимлаштириш устида тажриба ўтказди. У 1866 йилда Оренбург генерал-губернаторига «Америка пахтасининг уруғи ва пахтани етишириш усуллари» қўлланмасини жўнатган. Айрим маълумотларга кўра, ўша йили Америка пахта уруғини экиш учун Тошкентга ҳам юборилган. 1868 йилда эса Туркистон генерал-губернатори Кауфман Америка пахта уруғини бепул тарқатиш ҳақида курсатма берган⁴.

1969 йилда Н.Н. Раевский «Россияда ва қўшни Шарқ мамлакатларида пахтачиликнинг ривожланиши» мәзвуи бўйича маъруза ўқиди⁵. У Россияга Туркистондан пахта келтирилиши ўта қулай ва фойдалилигини исботлаб

¹ «Голос», 1870, № 165.

² «Русский вестник», 1868, с. 364.

³ «Биржевые ведомости», 1867, № 11.

⁴ Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф. 1. 16-рўйхат, 1701-ниш, 18-в.

⁵ «Биржевые ведомости», 1869, № 340.

берди. Унинг сўзига кўра, Россияга ҳар йили жами 3.088.285 пуд (42710136 млн. сўмлик) пахта келтирилиб турилган. Шундан 2.449.043 пуд пахта (36.753.645 сўмлик) Оврупо чегараси орқали олиб келинган. Қолган 639.192 пуд пахта (597191 сўмлик) шарқ мамлакатларидан олинган. Шу равишда шарқ пахтаси 21 фоизни, Оврупо орқали келтирилгани 79 фоизни ташкил этган¹. Бу катта миқдордаги пахтани сотиб олишда ўн миллион сўмлаб маблағ сарфланган. Бунинг устига, Россияда савдо флоти бўлмаганлиги сабабли, пахта Оврупо мамлакатларининг флоти ва темир йўлларида олиб келинганлиги учун кира пули кўп кетган. Уруш вақтларида эса пахта келтиришда узилиш бўлганлиги ёки камайиб кетиши орқасида саноат тўхтаган ва саноатчилар катта зиён кўришган. Н. Н. Раевский буларни ҳисобга олган ҳолда Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш Россия учун беқиёс катта фойда келтиришини ўқтириб ўтади².

Унинг берган маълумотига кўра. 1866 йилда ҳозирги Узбекистон ҳудудидан Россияга ҳаммаси бўлиб 408.703 пуд пахта келтирилган. Пахтанинг биринчи қўлдан сотиб олиниши ва пулининг маълум қисми газлама билан тўланиши саноатчиларга катта фойда келтирган. «Бу ҳолат, — дейди Н. Н. Раевский, — Россия иқтисодини ва саноатини ривожлантиришда ижобий таъсир этиши турган гап». У ўз маърузасида қандай бўлмасин, ўлкада Америка пахта павииши етиширишга киришишга даъват этди. У Америка, Миср ва бошқа жойлардан мутахассислар чақиришини, пахта етиширишга оид қўлланмаларни рус ва узбек тилларида чоп этишини таклиф қилди. Шунингдек, пахта тажриба плантацияларини очиб, уруғ етиширишини йўлга қўйишни ҳамда мутахассисларни тайёрлашга эътиборни жалб этди. У ўлкага пахта тозалайдиган ва чигитни ажратиб оладиган машиналар келтириш масаласини ҳам кўтарди. Н. Н. Раевский «Россия ва Урта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш комитетини тузишни таклиф этди. Комитет ишига саноатчилар ва умуман, пахтадан мағфаатдор бўлган кишилар жалб қилиниши таъкидланди. Комитет Тошкент, Самарқанд, ва бошқа жойларда ўз вакилларига эга бўлиши керак эди. Н. Н. Раевский Туркистонда ва Кавказда пахтачиликни ривожлантириш бўйича қўйидаги таклифларни киритди:

¹ «Биржевые ведомости». 1869, № 340.

² Уша жойда.

1. Пахта тажриба плантацияларини бир неча йил мобайнида ер солиғидан озод этиш.
2. Энг яхши этиштирилган пахта нави учун йиллик пул мукофотини бериш.
3. Түркистонда ва Қавказда ҳар йили пахтага бағицланган күргазма очиш.
4. Пахта этиштириш билан шуғулланувчиларга қарз бериш учун алоҳида маблағ ажратиш.
5. Чет мамлакатлардан пахтадан чигитни ажратиб оладиган машина харид қилиш учун пул ажратиш.
6. Пахта этиштириши яхши ўзлаштириш ва билимни ошириш учун бир нечта олимларни чет элларга юбошиб ҳамда у ердан пахтасиликни яхши биладиган мутахассисларни чақириш.
7. Туркистон ва Қавказда пахта тажриба плантацияларини ташкил этиш¹.

Ҳокимият вакиллари мазкур таклифларни инобатга олган ҳолда бир қатор чораларни кўрди. 1871 ва 1872 йилларда Н. Н. Раевскийнинг Тошкентдаги идораси 200 пуд Америка пахта нави уруғини экиш учун текинга тарқатди. Натижа ёмон бўлмади, маълум даражада муваффақиятга эришилди.

1871 йилда Кауфман Москвада уюштирилган кўргазмага бориб, бу ерга кўйилган Тошкент пахтасининг сифатини аниқлаб беришни илтимос қилди. Шундан кейин махсус комиссия тузилиб, пахта текширилди. Комиссия аъзолари пахтанинг сифати анча паст ва толаси калталиги ҳақида ўз фикрларини билдирилар. Кауфман улардан Туркистонда пахтасиликни ривожлантириш буйича чора-тадбирларни тавсия этишларини сўраган. 1871 йилда Самарқандда пахта тажриба станцияси очилич, Си-айленд помли Америка пахта уруги экилди². Кейинги йили Кауфман молия вазирлиги ва Шимолий Америка Штатларидаги рус элчихонасининг ёрдами билан 200 пуд Си-айленд пахта уругини келтирилди³ ва Самарқанд пахта тажриба станциясида эктириди. Америкага пахта навини этиштиришини ўзлаштириш учун юборилган, сўнгра ўлкага қайтган Г. Самолевскийнинг кўрсатишича, ўша экилган уруг биринчи маротаба парваришни билмаслик орқасида яхши ҳосил бермаган⁴.

¹ «Биржевые ведомости». 1870, № 10.

² Узбекистон Марказий Давлат архиви. Ф. 1. 16-рўйхат, 1701-иш, 14-в.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Бу хатоинг тузатилиши туфайли уруғлар йўккйнчи экилишида жуда яхши натижалар берган¹. Бу пахта толасидан Серпухов ва Собин фабрикаларида яхши газламалар тўқилган. Ҳатто, у Америка пахтасидан қолишмаган².

Америка пахта навларининг иқлимлаштирилиши сифатли тола олиш мумкинлигини курсатди. Шу боис, капиталистлар «Урта Осиё пактацилик саноати ширкати»ни тузиш таклифини ўртага ташладилар. Улар Америка пахта навларини экинши тобора ривожлантириб боришилик учун моддий ва техникавий ёрдам беришлини пахта тозалаш ва тойлаш масалаларини ҳал этишиликни ҳам уқтириб ўтдилар.³

Кўриниб турибдики, янги пахта навларини этиштириш билан бир қаторда саноат тармоқларини йўлга қўйиш ҳаракатлари ҳам бошлаб юборилди.

1871 йилда Зарафшон округининг бошлиги генерал Абрамов ва Н. И. Раевскийлар Самарқандда тажриба станциясини ташкил этиб, Америка пахтасини экиб, унинг ургини олишди. Бу станция шахсан генерал Абрамовнинг маблаги ҳисобига бунёд этилганди. Афтидан, бу ҳарбий бошлиқ даромадни кўзлаб, ҳаражатларни ўз бўйига олган. Унинг ташаббусини Кауфман мамнуният билан қарши олган⁴. Станцияда 1875 йилга келиб, 15 десятина ерда 30пуд уруг этиштиришга муваффақ бўлипди. Уруғлар дәхқонларга бепул улашилган.

1875 йилда Гошкентда маҳаллий аҳоли орасида Америка пахта нави Мулла Йўлчи Тўйчибоев томонидан экилган. Бундай ҳаракатлар Бухорода ҳам бўлган эди. 1878 йилда Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда Америка пахта нави тажриба сифатида экилган. 1876 йилда «И. Янов и К°» номида 30.000 сўм маблағ билан ширкат тузилди. У ўз олдига Америка пахта навларини кенг кўламда тарқатиш, машиналар воситасида пахтани тозалаш ва тойлаш ҳамда чигитдан ёр олишни мақсад қилиб қўйди. Аммо, иш билармоянларининг ишудлиги орқасида ширкат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

80-йилларда Америка пахтасининг яна бошқа навларини ҳам иқлимлаштириш борасида иш олиб борилди.

¹ «Туркестанские ведомости». 1876, № 50.

² Узбекистон Марказий Давлат архиви. Ф. 1. 16-рўйхат, 1701-иши, 14-в.

³ Уша жойда, 15-в.

⁴ «Голос». 1875, № 18.

Тажрибалар келажакда улардан яхши ҳосил олишга ва кенг куламда тарқатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Айниқса, Упланд пахта навини иқлимлаштирищ мұваффақиятли үтди. Бундай натыжа Америка пахтасынан бұлган қизиқишиң янада оширди. Туркистан генерал-губернатори Н. О. Романовскийнинг ташабуси билан 1884 йилдан бошлаб Америка пахта навларини иқлимлаштиришга янада жадаллик билан киришилди. Ҳатто, ўзбек тилида бу пахталарни парвариш қилиш йўл-йуринкларини ўргатувчи рисола чоп этилди. В. И. Масальскийнинг ўша вақтларда тұплаган маълумотларнага күра, пахта тажриба станциялари ва плантацияларида Америка пахта навларини етиштириш борасида катта ишлар амалға ошириб борилган. Чунонча, Тошкент шаҳрининг атрофларида Беляковнинг—620, Тарсиннинг—220, Малинининг—500, Ярославл катта мануфактурасининг—400 десятинадан иборат плантациялари ташкил этилган эди. Тошкентдаги рус плантацияларининг умумий ҳажми 4000 десятинани, Сирдарё вилоятидаги пахта экин майдонларининг 20 фоизини ташкил қылган. 1884 йилда бу плантацияларда Упланд Америка пахта навидан 10.000 пуд ҳосил олинган. 1885 йилда эса ҳосилнинг миқдори 30.000 пудга етди. Тошкент плантацияларида пахта етиштириш ишига агрономлар Г. Самолевский ва А. Валькинслар раҳбарлық қылғанлар.

Энг йирик плантация эгаси бұлмеш Беляковнинг ерларида ўзбек деҳқонлари омоч ва бошқа маҳаллий иш қуорлларидан фойдаланып ишлаганлар. Бир ой ишлайдиганлар 7—10 сүм, кунбайдагиларга 80—45 тийин ҳақ тұланған. Ҳар иккى ҳолда ҳам бир кунлик иш ҳақи үрта ҳисобда 10 тийинни ташкил этған. Деҳқонларнинг асосий қисми Фарғона водийсідан келғанлар. Ұша плантацияда Нев Орлеанс, Лихон Дунчанс, Мастадан, Профилис сингари Упланд Америка пахта навлари етиштирилған. Плантацияда ғалла, қовун, тарвузлар ҳам экилған. Шу ернинг ўзида қурилған заводда пахта тозаланған ва тойланған.

М. М. Стефаницкий ерлари плуг билан ҳайдалған. Чигит эса құм ёқи тупроқ билан буғланған ва унга керосин сепилған. Бир пуд чигитта иккى қадоқ керосин сарфланған.

Фарғона вилоятида ҳам рус пахта плантациялари юзага келған. Улар Марғилон уездіді—80, Кўқонда—20, Андижонда—80, Наманганда—100 десятина ҳажмдагы

ерларни ўз ичига олган. Жами 500 десятина га бориб, умумий пахта майдонининг (50.00 десятина) бир фоизини ташкил қилган. В. И. Томичнинг Марғилондаги плантациясида (20 десятина) Упланд Америка пахта навлари билан бир қаторда маҳаллий чигит уруғлари ҳам экилган. Биринчисидан бир десятинадан 62, иккинчисидан 42 пуд пахта олинган. Пахта плантация эгасининг заводида тозаланиб ва тойланиб Привислян губерниясидаги фабрикаларга жўнатилган. Намангандан уч чақирим нарида жойлашган «Курдин и К°» ўртоқлик плантациясида (150 десятина) 1880 йилда 50 десятина га яқин Америка пахта навлари, асосан, маҳаллий иш қуроллари билан етиширилган. Бу ерда ойликка ишлайдиганларга 8—9 сўм, кунбай ишлайдиганларга эса 25—30 тийиндан ҳақ тўланган. Плантацияда ойлик ишловчилар сони 14, кунбайликлар 10 тадан 70 тагача борган. Плантацияда иш яхши йўлга қўйилганлиги учун бир десятина ердан 60—70 пуд пахта олиш мумкин бўлган. Етиширилган ҳосил у ердаги пахта заводида тозаланган ва тойланган. Самарқандда Майерфорт фирмасига қаравали плантациянинг 200 десятина ерига пахта экилган. Бу ернинг тупроғи яхши бўлиб, сувга муҳтожлик бўлмаган. Плантациядаги ишлар янги агротехника асосида амалга оширилган. 1890 йилда ташкил қилинган бу плантацияни Америкадан келган мутахассис бошқарганлиги туфайли пахта етишириш юқори даражада олиб борилган.

Пахтачиликининг ривожланишида чор ҳукуматининг 1878 йилдан бошлаб чет мамлакатлардан олинадиган пахтага бож солиши муҳим ўрин эгаллаган. Узбек пахтасидан эса бож олинмаган. Бу савдо-саноат доираларининг даромадларини ошириш имконини берди. Хуллас, ўлкада пахтачиликдан мўмай даромад олиш мумкинлиги Россиядаги ишбилармонларни шошириб қўйди. Кимнинг маблағи бўлса, ўзими пахтага урди. Туркистон маъмурити номига пахта плантациялари учун ер ажратиб берилиши ҳақида аризалар кела бошлади. Натижада, умрида пахтачилик билан шуғулланмаган шахслар пахта плантацияларига эга бўлдилар. Бунинг гувоҳи бўлган В. И. Масальский шундай ёзган: «Туркистонни «пахта васвасаси» қамраб олди («хлопковая лихорадка»). Савдогарлар, амалдорлар, офицерлар ҳамда маъмурит вакиллари қайси бирларида маблағ бўлса, плантация-

ларни ва пахта тозаловчи корхоналарни барпо этишга муккасидан тушдилар»¹.

Рус пахта плантацияларида мардикорлар ва чоракорлар ишлатилган. Ерни ишлаш ва пахта етиштириш агротехникасининг савияси жуда ноchor эди. Бу ҳолат пахтанинг таннархини қимматлаштириб, кўп плантация эгалари зиён кўрдилар. Айниқса, бундай ҳодиса об-ҳаво ноқулай келганида қаттиқ сезилади. Оқибатда, айрим плантация эгалари пахтачиликдан бутунлай воз кечдилар ёки ерларини деҳқонларга ижарага беришга мажбур бўлдилар. Умуман айтганда, XIX асрнинг охирларига келиб, рус плантаторларининг аксарияти ишни удалай олмай, уз фаолиятларини тұхтатдилар. Умуман, ўлкада асосан Американинг Упланд пахта навлари асосида қуйидаги пахта турлари етиштирилди: Навкинс, мalla чигит, кўк чигит, мамонт, Алленг-Лонгстапле, Пет-Вильбарин, Марв, Онк-Балле, Тошкент, Чимкент ва бошқалар. Аммо, пахта навларининг ҳосилдорлиги бир хил (б-жадвал) бўлмаган.

5-жадвал

Навларининг номи	Бир дес. дан олин- ган 1-хосил		Бир дес. дан олинган 2-хосил		Бир дес. дан олин- ган 3-хосил		Бир дес. дан олинган улув- мий ҳосил		Бир пуддан олинган ҳосил мидори		Хосилнинг фойзи хисоби		Толалинг узунлиги
	П	1Ф	Д	1Ф	П	1Ф	П	1Ф	П	1Ф	П	1Ф	
Кук чигит	45	25	41	5	2	20	89	10	12,7	31,8	1,95		
Кип	48	9	40	3	3	10	91	22	13,5	33,7	2,10		
Онк-Балле	40	22	32	30	4	20	77	32	12,4	31,2	2,17		
Петер	18	35	22	15	12	10	53	20	13,3	33,3	2,00		
Навкинс	30	17	23	10	10	1	63	28	13,0	33,2	2,30		
Русалс	20	2	29	30	4	30	54	22	13,5	32,7	2,27		
Мalla чи- гит	27	8	30	21	3	13	61	2	12,3	30,8	1,750		

Бинобарин, Кинг пахта нави ҳар жиҳатдан устун бўлиб, кўп ҳосил олинган. Бунинг устига, у тез пишиши билан ажralиб турган. У айниқса, Фаргона водийсига мос келган.

Айтиб ўтиш лозимки, даставвал Америка пахта нав-

¹ Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. С. П. 1892, с. 19.

лари тажриба станцияларида иқлимлаштирилиб, сұнгра синовдан үтган ууруғлар дәхқонларга улашилган эди. Бу борада, айниңса, Тошкент атрофида үтказилған тажрибалар мұхым үрин әгаллайды. Бу ерларда Овруло техникаси билан ерларнинг ишланищи яхши натижаларни берди. Масалан, М. Стефаницкий ва С. Тарсин плантацияларида пахтани етиштириш күрсатилған усулда амалға оширилған. Бирок, бундай илғор ҳаракатлар барча плантацияларда құлланилмай, күпроқ маҳаллій дәхқончилик куролларидан фойдаланылған. Айрим бошқа плантацияларнинг ташаббуси билан янги агротехника усуллари табиқ әтилғанлығы маълумдир. Бу борада Наманғандаги «Пахтакүл» ууруғчылык плантацияларининг фаолиятини ҳам күрсатып үтиш мүмкін. Бу ерда Кинг, Алленг, күк чигит, Янги Колумбия ва бошқа пахта навларидан яхши ҳосил ва ууруғ олиниб, дәхқонларға янги техникани үзлаштиришга ёрдам берилған¹.

1887 йылдан бошлаб, Каспийорти вилоятида ҳам Америка пахта навларини иқлимлаштиришга киришилди. Ұша йили бу ерда император Александр II күрсатмасига мувофиқ Мурғоб давлат плантациясы очилди. Шундан кейин 1100 дасытина майдон үзлаштирилиб, 470 десятинасига пахта экилди. Қейнгі йилларда экин майдони тобора көнгайтирилиб, 8930 десятинага етказилди. Шундан 5583 десятинасига пахта экилди. 1911 йилга келиб, экин майдони 19000 десятинага етди. Шундан 1100 десятина ер пахтага ажратилди. Экин майдони қисмларга тақсимланиб, 53 таси русларга, 117 таси эса туб аҳолига ижарага берилған². Плантацияда Америка пахта навлари иқлимлаштирилди ва ууруғлари дәхқонларға тарқатилди. Ҳатто, уининг қошида пахта тозалаш, ёғ, қанд заводлари қурилди. «Департамент земледелия» бошқармаси Америка пахта навини тарқатиш ва пахтачилкни ташкил этишга қаратылған чораларни амалга ошириб борди. Уннинг ташаббуси билан 1896 йилда Марвада пахтачилк бүйіча инструкторлык лавозими таъсис қилинди. Шунингдек, үлканинг күп жойларыда намунали тажриба станциялары ишга туширилиб, янги навпахтани тарқатиш күчайып борди. Айниңса, қишлоқ хуҗалик техникасининг көлтирилиши ва уларни сақлаш

¹ «Туркестанское сельское хозяйство». 1913, № 1, с. 40.

² К. А. Чапковский Отчет о командировке в Мургабское государственное имение. Т., 1913, с. 3.

учун омборлар қурилиши диққатга сазовордир. Булар 1900 йилдан бошлаб Тошкентда, Авиёотада, Андижонда ва Самарқандда барпо этилди. Улкада пахта майдонлариға раҳбарлик қилиш учун учта инструктор тайинланди. Булардан ташқари, ҳар бир вилоят ҳокимлиги қошида қишлоқ хўжалиги буйича мансабдор киши тайинланиб, зиммасига пахтачиликни назорат қилиб туриш вазифаси юклатилди. Пахтачиликни илмий ривожланириш мақсадида мутахассис ва олимларнинг иштирокида съездлар ўтказиб турилди. Бундай съездлар 1884, 1885, 1903 йилларда Тошкентда, 1904 йилда Кавказ ортида бўлиб ўтди. Тошкент съездида сунъий сугоришнинг тартибга солиниши ва шолиҷиликни қисқартириш тавсия этилди. Съезд тажриба станцияларини ва инструкторларнинг сонини кўпайтиришни, пахта уруғларини имтиёзли равишда тарқатилишини ва янги ерларни ўзлаштирилишини талаб қилди. Шунингдек, съездда пахтакорларга қарз бериш, пахта савдосини ва ишчи кучларини тартибга солишга доир масалалар ўргага ташланди. 1907 йилда пахтачиликни ривожланиришга доир вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Пахта комитети» тузилди. 1911 йилда барча вилоятларнинг ҳокимликларида аҳолига агрохимия хизматини кўрсатувчи «Агрохимия ташкилоти» ташкил қилинди.

1902 йилда Тошкентда ва Тифлисда иш юритган съездда пахтага боғлиқ кўп кишилар қатнашиб, пахтачиликни ривожланишини таъминлайдиган дастур қабул қилинди. Бунда пахта майдонларини тобора кенгайтиришга ва пахта савдосини такомиллаштиришга ва ишчи кучи билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш таъкидланди. Съезднинг қарорига биноан, Мирзачўл ва Андижондаги тажриба участкалари кучайтирилди ҳамда Фарғонада уруғчилик станцияси, Каттақўронда ва Амударё бўлимида тажриба участкалари очилди. Хуллас, XIX асрнинг 80—90-йилларида рус ҳукумати ва савдо-саноат вакиллари ўлкада пахтанинг Америка навларини иқлимлаштириш асосида пахтачиликни ривожланиришга эришган бўлсаларда, лекин пахта, асосан, эски сугориладиган ерларда етиштириларди. Америка пахта навларини иқлимлаштириш ва тарқатилишида ўзбек деҳқонларининг тажрибаси ва меҳнати муҳим ўрин эгаллаган. «Туб аҳоли,—деб ёзган эди давлат Думасининг аъзоси Н. Сколозубов,— ўзларининг экинларни етиштиришдаги ва хўжаликни юритишдаги таж-

рибалари билан русларга катта ёрдам беришлари турган гап. Туб аҳолининг кўп асрлик тажрибаси ва мөхирлигини тан олмаслик нодонликдир»¹.

Дарҳақиқат, барча пахта тажриба станцияларида, плантацияларда ёки ўзларига қарашли ерларда Америка пахта навларини иқлимлаштиришдаги оғирликлар, асосан, дәҳқонлар зиммасига тушарди. Улар агрономларниң маслаҳатларига ҳам қулоқ солган ҳолда иш юритиб катта натижаларни қўлга киритдилар. Уларнинг бой тажрибасиз пахтачиликни ривожлантириш амри маҳол эди. Шуни курсатиб ўтиш лозимки, пахтадан олинадиган даромад ғалла, жӯхори, беда ва бошқа ўсимликлариниңга нисбатан кўп эди. Аммо, рус ҳукумати пахтачиликни ривожлантиришни қўзлаб, уларнинг барчасига бир хил солиқ тўлашни таъсис этди. Бундай тартиб 1891 йилда вақтинча қўлланилган бўлса, 1900 йилдан бошлаб доимийга айлантирилди. Хўш, иқлимлаштирилган Америка пахта навларининг яхши томонлари нималардан иборат бўлган? Жавоб шуки, унинг шоҳлари маҳаллий пахта навларига нисбатан анча йирик бўлиб, танасининг баландлиги икки газгача (0,711м.) борган, япроқ ва кўсаклари ҳам катталиги билан ажратиб турган. Кўсаклардаги чигитлар сони 27—40 тагача боргани. Кўсаклар аста-секинлик билан етишиб ва пастдан юқорига қараб очилганлиги сабабли, терим шоҳларниң остиқ қисмидан бошланиб, навбати билан юқори босқичгача кўтарилган. Шунинг учун ҳам ҳосилни уч маротаба териб олишга имкон туғилган. Америка пахтасининг толаси анча узунлиги ва ишаксимонлиги (майнинг) билан ҳам маҳаллий пахтадан фарқ қиласган. Унинг бир пудидан 28—29 қадоқ чигит ва 12—14 қадоқ (фунт) соф тола олиған. Америка пахтасининг энг муҳим фазилатларидан бири, пахта кўсагида очилишидан иборат эди. Маҳаллий пахтанинг кўсаги очилмаслиги туфайли узиб олиниб, сўнгра момик хонадонларда қўл билан ундан ажратиб олиниарди. Бу кўп вақт, ишчи кучи ва мешақатли меҳнатни талаб қилиб, пахтанинг танинхии ошишига олиб келарди. Үлкада юқорида айтилган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган кўк чигит, малла чигит, қора чигит ва Кинг сингари пахта навлари кенг тарқалган эди. Иқлимлаштирилган Америка навлари ҳар жиҳатдан тўқимачилик саноати

¹ «Туркестанский сборник», том 60, с. 100.

талабларига жавоб берган. Америка пахта навларини экиш тобора күпайб борган бұлса-да, лекин у маҳаллий пахталарни тамомила сиқиб чиқаролмади. Улар оз миқдорда бұлса-да, етиштирилиб, маҳаллий әхтиёжларни қондиришга ишлатилди. Хусусан, улардан маҳаллий газламалар түқиши давом эттирилаверди. Пахта саноатини ривожлантиришга XIX асрнинг 80—90-йиллари — XX асрнинг дастлабки йилларида Үрта Осиё ерларини бир-бири ва Россия билан боғловчи темир йүлларнинг қурилиши ҳам катта таъсир этди. Эндиликда машаққатли меҳнат, күп вақт ва маблағ талаб этувчи карвон йүлларига әхтиёж тобора камайиб борди. Пахтани карвон йүллари орқали олиб кетилиши қанчалик мушкүлиги ва қимматга тушишини муаллифлардан бири қуидагича таърифлаган: «Пахтанинг асосий қисми Туркистоннинг турли вилоятларидан Тошкент, Қазалинск орқали Оренбургга келтирилган. Бу ердан Россиянинг турли жойларига юборилган. Пахта туяларда ташилгани учун жуда күп вақтни олиб, қимматга тушган. Одатда карвон Оренбургга боргунча 5—6 ой ўтган. Қулай шароит юзага келган тақдирдагина йўлга икки-уч ой вақт кетган. Тошкентдан бир тудаги пахтани Оренбургга келтириш учун 13—18 сўм сарфланиши натижасида пахта толасининг нархи 12—16 фоизга ошган»¹. Боз устига, пахтани одатда куз ва қиши фаслида олиб кетилиши натижасида ёмғир ва қорда чириб, сифати пасайган ҳоллари бўлган. Чунки, пахта юпқа матодан тайёрланган қопларда сақланган. Темир йўллар қурилганидан кейин кўрсатилган қийинчиликлар ва катта йўл харажатлари бартараф этилди.

Айрим маълумотларга кўра, 1890 йилда Америка ва маҳаллий пахта навлари экилган майдонларининг ҳажми қуидагича (б-жадвал) бўлган:

б-жадвал

Вилоятлар	Америка пахта нағи десятина	Маҳаллий пахта нағи десятина
Сирдарё:		
Тошкент уезди	17.100	1.776
Чимкент уезди	1.000	124
Жамн:	18.100	1.900

¹ Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб., 1892, с. 23.

Фарғона:		
Марғилон уезди	8.736	4.640
Қўқон уезди	3000	10211
Андижон уезди	7.289	1.315
Наманган уезди	13.814	988
Ўш уезди	2.081	1.495
Ж а м и:	34.920	18.649
Самарқанд:		
Самарқанд уезди	2.135	5.838
Каттақўргон уезди	3.237	3.665
Жиззах уезди	67	156
Хўжанд уезди	500	1.750
Ж а м и:	5.939	11.379
Туркистон бўйича:	588.599	31.958

Демак, Америка пахта нави маҳаллий пахта навига нисбатан анча катта ҳажмда етиширилган.¹

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирларига келиб Америка пахта навини иқлимлаштириш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА ПАХТАЧИЛИК

Фарғона водийсининг табиий шароити ва иқлими ҳар жиҳатдан диққатга сазовор бўлиб, Туркистон ўлкасининг дурдонаси сифатида донг таратган эди. Бу ерда инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчаси мавжуд бўлган. Ҳалқнинг ўта меҳнатсеварлиги, абжирлиги, ишибилармонлиги ҳамда дәҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиққа моҳирлиги водийни ниҳоятда кўркам ва бой мамлакатга айлантирганди. Шунингдек, водийдаги афсонавий боғлар ва қўкаламзорлар, ўқтам, истараси иссиқ одамлар бу ерга ташриф буюрганларнинг қалбида унутилмас хотира қолдирган.

Фарғона водийсида қадимги даврларданоқ пахтачилкнинг ривожланганлиги маълумдир. Шунга мувофиқ равишда тўқимачилик ва тикувчилик касблари кенг қулоч ёйиб, хилма-хил ип ва ипак газламалар ишлаб чиқарилган. Улар ташқи савдонинг муҳим буюмлари

¹ Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб. 1892, с. 24.

сифатида ҳам қадрланган. Рус давлати ўлкани босиб олганидан кейин Қўқон, Андикон, Наманган, Марғилон ва Ўши ӯз ичига олган Фарғона вилояти тузилди.

7-жадвал

Уездлар	Ўтрок аҳолиси	Кўчманчилар	Жами	Шахар аҳолиси
Марғилон	122000	35000	158000	34000
Қўқон	211000	10000	223000	52000
Андикон	262000	44000	307000	45000
Наманган	262000	37000	399000	54000
Ўш	67000	9000	77000	20000
Умумий сони	924000	135000	1.174000	206000

XIX асрнинг охирларида вилоятда (7-жадвал) жами 2.412.000 киши яшаб, уларнинг асосий қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган. Аҳолининг сони жиҳатидан биринчи ва иккинчи ўринни Наманган ва Андикон, учинчи ўринни Қўқон уездлари эгаллаган¹. Умуман айтгана, Фарғона вилояти аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланиб, пахтачилик салмоқли ўрии эгаллагай. Юқорида курсатилганидек, рус ҳукумати ва капиталистлари вилоятда пахтанинг Америка навларини иқлимлаштириш бўйича катта ишларни амалга оширидилар. Натижада янги пахта навлари тобора кўп экилиб, маҳаллий пахта навлари экиладиган майдон (8-жадвал) қисқарив борди.

8-жадвал

Инлар	Америка пахта нави	Маҳаллий пахта нави	Жами
	десятина	десятина	
1888	15008	19661	34669
1889	27550	23166	50716

¹ 1899 йилга тегишли матлумотларга кўра, вилоятда 618 рус оиласлари яшаб, улар 2.546 кишини ӯз ичига олган. Центральный государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3.Д. 320. л. 29.

1890	32492	18649	51141
1891	52979	13315	66294
1892	72588	17196	89884
1893	71208	14092	85300
1894	67696	14644	82338
1895	94895	16084	109701
1896	115727	1299	117026
1897	102642	14153	116795
1898	95544	10686	106237
1900	144444	10839	155283
1899	174026	12300	186826

Жадвалдан аёнки, Америка пахта нави 1888 йилда 15008 дасятина ерни ўз ичига олган бўлса, 1890 йилда 32492 ва 1900 йилда 174026 десятинага ошди. Мажаллий пахта навлари экиладиган экин майдони гоҳ кўпайиб, гоҳ озайиб турган. Умумлаштирганда, Фарғона вилоятида пахта майдони 1888 йилда 34669 ва 1900 йилда 186326 десятинани ташкил этган. Пахта етиширишда об-ҳавонинг қулай келиши муҳим ўринни эгаллаган. Шунинг учун ҳам 1899 йилда пахта майдони 40 фоизга кўпайган¹. Буни назарда тутган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский императорномига юборган ҳисоботида: «Эндиликда қаттиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Россия саноати учун ниҳоятда зарур бўлган пахтани экиш ва уни ривожлантириш ўсиб бораверади»², деб ёзган эди. Шунингдек, у 1899 йилда пахта савдо фирмаларига ва аҳолига 20 миллион сўм даромад келтирганинги баён этган³.

Чайковский пахтадан олинаётган даромадни рукач қилиб, ҳар десятинадан 3 сўм 83 тийин олинаётган солиқни 8—12 сўм орасида кўпайтиришни ва бу билан давлат хазинасига фойда келтиришни тавсия этади⁴. Унинг кўрсатишича, пахтага қўлланилаётган имтиёзли солиқни сақлаган ҳолда, тола заводдан чиқариллаётганда ундан қўшимча солиқ олиш лозим, дейди. Шундай қилинганида давлат хазинасига 100 минглаб сўмлар тушиши кўрсатилади⁵.

Бинобарин, рус маъмурияти пахта ҳисобига давлат

¹ Центральный Государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1982. Оп. 1. Д. 442. л. 30.

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда.

⁵ Уша жойда.

казинасини янада күпроқ бойитишга ҳаракат қилган. Шунга қарамай, ҳукумат эндигина кучга кириб бораёт. ган пахтачиликка зарба бермасликни ўйлаб, таклифни инобатга олмади.

1896 йилда Фарғона вилоятида пахта экиш майдонларининг ва ҳосилнинг ҳажми (9-жадвал) қўйидагича бўлган.

9-жадвал

Уездлар	Экилган майдон		Пахта ҳосили		Бир десятина-даги ҳосили		Пахта ҳосили	
	Аме-рика	маҳал.	Америка	маҳал.	Аме-рика	маҳал.	Аме-рика	ма-хал.
	дес-на	дес-на	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд
Марғилон	70184	5753	509200	84476	50	14	1.189.735	Малъумот
Қўқон	13090	6520	848950	252162	64	98	282.326	
Андижон	47150	870	2131720		45	38	707240	
Ўш	2418	355	103974	6922	48	19	34658	
Наманган	22790	1348	414173	48900	62	36	471390	Малъумот

Жами: 155632 14846 4008017 392460 219 205 2.685.349 —

Демак, Америка пахта нави қайд қилинган йилга келиб, Фарғона вилоятининг деҳқончилигида салмоқли уринин эгаллади. Айрим йилларда маҳаллий пахта на-вининг ҳосилдорлиги Америка пахта навиникига нисбатан анча устун турган булса ҳам, лекин сифат жиҳатидан паст эди.

Фарғона вилоятида 1898 йилда пахта майдони ва олинган ҳосилга тегишли маълумотларга кўра, (10-жад-

10-жадвал

Уездлар	Америка пахта нави	Хосил-нинг ҳажми	Хосил-дорлик оид дес-тина		Маҳаллик пахта нави	Хосил-нинг ҳажми	Хосил-дорлик оид дес-тина	
			дес-тина	пуд.			дес-тина	пуд.
Марғилон	30000	1450	38	2000	80000	40		
Қўқон	13345	520	40	7435	334575	45		
Андижон	28570	1550	55	55	2475	45		
Наманган	22599	1351	60	836	37620	45		
Ўш	1280	36	30	360	12600	25		

вал), бир десятина ердан 38—55 пуд Америка пахтаси олинган бўлса, маҳаллийнидан 40—45 пуд ҳосил қўлга киритилган¹. Ҳатто, Наманганда бир десятинадан 60 пуд пахта ҳосили олинган.

Маҳаллий пахта заводларда тозаланмай ва тойланмай хонадонларга тарқатилган². Бу ерда улар чаноқдан ажратилган ва кўпроқ маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилган. Вилоятда, пахтачилик, айниқса, Марғилон уездидаги ўсиб, 30000 десятина ерини қоплаган. Маҳаллий пахта кўпроқ Кўқон уездидаги етиштирилиб, экин майдони 7435 десятинани ташкил қилган. Бироқ, бу пахтанинг сифати ва нархим пастроқ эди. Бизнинг ихтиёrimизда вилоятнинг айрим уездлари ва волостларида пахтачиликнинг тутган ўрни хусусида маълумотлар мавжуд.

Буларга кўра, 1891 йилда Кўқон уездидаги 166000 пуд, 1892 йилда—175000 пуд ва 1893 йилда—220000 пуд Америка пахтаси олинган. Шу йилларда 70000, 80000 ва 52000 пуд маҳаллий пахта нави етиштирилган³. Пахта уезднинг 23 волостида, жумладан, кўпроғи Бешариқ, Конибодом, Кудам, Риштон, Жанжал, Янгиқўрон, Зодион ва Ултарминда экилгай⁴.

Кўрсатилган волостларда ҳар бир десятинадан 65 пуд Америка пахтаси ёки 20 пуд тола олинган.

Маҳаллий пахтанинг бир десятинасидан 40 пуд пахта, толадан эса 12 пуд олинган⁵. Вилоятда қора чигит, кўк чигит, оқ чигит сингари янги навлар етиштирилган. Улар Упланд Америка пахталарини иқлимлаштириш орқасида юзага келган бўлиб, чигитларнинг ранги бўйича номланган⁶. Айтиб ўтиш лозимки, дастлабки вақтларда кўрсатилган пахта навларининг уруглари алоҳида экилган бўлса, кейинчалик заводларда тозалаш жараёнинда улар аралаштирилиб юборилган. Буларни саралашга кўп ҳолларда дәхқонларнинг вақти ҳам, имкони ҳам бўла бермасди⁷.

Бу ҳолат пахта навларини ва сифатларини аниқлаш-

¹ Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3. д. 320, л. 43.

² Уша жойда.

³ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. 1, 27-рўйхат, 1574-иш, 62-в.

⁴ Уша жойда.

⁵ Уша жойда.

⁶ Уша жойда.

⁷ Уша жойда.

дэ жиддий қийинчиликларни туғдирган. Шу боис, яхши уруғлик пахта нави кенг тарқалмасди, бу ҳолат күпроқ Наманган ва Андижондагина күзга ташланган¹. Улкада пахта тозалаш заводининг юзага келиши мұхим ахамиятга эга бўлди. Бундай корхоналар пахтачиликнинг ривожланишини таъминловчи мұхим омиллардан бири бўлган. Улар 1880 йилда — 2 та, 1885 йилда — 3 тага, 1888 йилда — 7 тага етган бўлса, 1891 йилда — 21 та, 1893 йилда — 61 та, 1898 йилда — 88 та ва 1899 йилда — 94 тани ташкил этди².

1898—1899 йилларда ўша заводларда 4.496.758 пуд пахта қайта ишланган.³ Заводлар техник мутахассислар билан яхши таъминланмаганди. Шунингдек, уларнинг жойлашган бинолари ва шароити ачинарли ҳолатда эди. Завод эгалари харажатдан қочиб, техника таъмирига етарли даражада эътибор бермасликлари орқасида пахта бекордан-бекорга нобуд қилинган вақтлар ҳам кўп бўлган⁴.

Заводлардаги машинистларнинг ва чилангарларнинг барчаси руслар бўлиб, ўзбеклар факат қора ишларда ишлаганлар. Русларнинг орасида ҳам маълумотли мутахассислар жуда оз бўлиб, кўпчилиги Қаспийорти вилоятларидағи темир йулларда хизмат қиласан машинистлардан иборат эди. Уларнинг ичидаги урта техника маълумотлиси 3 киши эди, холос. Ўзбек ишчиларига кунбайига 40—50 тийин атрофида, бир ойга эса 15—17 сум ҳақ тўланган⁵. Уларнинг турмуши ниҳоятда ачинарли бўлиб, кўпинча қовун ва нон билан овқатланганлар. Бунинг устига, ўзбек ишчиларига маҳсус кийимлар берилмаганлиги орқасида узун енгли ва этакли чопонларини қайириб, ноқулай ҳолда ишлашга мажбур бўлганлар. Пахта тозалаш вақтидагина ишлар қизғин тус олган. Бошқача айтганда, заводлардаги иш мавсумий хисобланган.

XIX асрнинг охирига келиб, пахтанинг ҳалқ хўжалигида тутган ўрни юқори поғонага кўтарилиди. Вилоят статистика бошқармасининг кўрсатишича, «бир миллион

¹ Центральный Государственный Исторический архив России
■ Санкт-Петербург. Ф. 1282, оп. 3, д. 320, л. 45.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

олти юз йигирма минг аҳолига эга бўлган Фарғона во-
дийси мухим мавқега эгадир. Бу ўлканинг иқлим ша-
роитига мувофиқ пахта, нодир мевалар ва узумлар
етиштирилади. Айниқса, пахта катта аҳамиятга эга бў-
либ, ҳар йили 25 дан 40 миллион сўмгача даромад
беради. Ҳосил яхши бўлган 1900 йили беш миллион
пуд пахта толаси олинди ва Россия саноати эҳтиёжининг
учдан бир қисми таъминланди¹.

1901 йилда вилоятда пахта ва бошқа экинларнинг
нисбати қуйидаги тарзда бўлган:

Америка пахта нави	— 191.573 десятина
Маҳаллий пахта нави	— 15.562 — « —
Кузги буғдой	— 88.048 — « —
Баҳорги буғдой	— 80.371 — « —
Шоли	— 60.290 — « —
Жўхори	— 59.797 — « —
Беда	— 39.565 — « —
Маккажўхори	— 38.977 — « —
Тарик	— 13.120 — « —

Қўриниб турибдик, пахта майдони олдинги йиллар-
га нисбатан анча кенгайган. Хусусан, 1899 йилга қара-
ганда 50.000 десятина, 1900 йилдагига нисбатан 31.000
десятина кўпайган. 1901 йили эса 20.280 десятинага
ортди. Уша йили вилоятда 9.800.444 пуд пахта ҳосили
етиштирилди. Аммо, об-ҳавонинг ноқулай келганлиги
орқасида ҳосил олдинги йиллардагига нисбатан оз
олинди.

Кейинги йилларда вилоят ҳаётida пахтанинг салмоғи
сақланди. Буни 1903 йилга тегишли маълумотлардан
(11-жадвал) кўриш мумкин.

11-жадвал

Ўсимликлар	Экин майдони	Ҳосил	Баҳоси		
			десятина	пуд	сўм
Америка пахта нави	135342	11073879	44539097		
Маҳаллий пахта нави	13714	518682	1920938		

¹ Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан, 1902, стр. 2.

1	2	3	4
Зигирпоя	6543	195242	693108
Капон	2102	25592	102368
Кунжут	1269	39132	117.396
Құқиори	192	7660	30640
Күлгабоқар	59	2856	11424
Беда	50342	17019272	13615417
Тарық	3492	250123	250123
Хашак	74	2960	592
Полиз әкінлари	12391	—	—
Картошка	717	289865	382401
Қовун-тарвуз	—	—	979749
Тамаки	69	1610	4830
Бошқа әкінлар	4255	—	851000

Умумлаштирганда, ҳар икки навдаги пахта майдони 149056 десятинани қоплад, 622122 десятина суғорила-диган ернинг 24 фоизини ташкил этган. У 1902 йилга қараганда 8139 десятинага күпайди. Шунингдек, ҳосил ўша йилга нисбатан 4101345 пудга ошди. У бутун вилоят бўйича 19128030 пуд ҳажмида олиниб, бир десятина-дан 80 пуд пахта етиштирилди.

Айниқса, Марғилон ва Андижонда пахта ҳосили юқо-ри бўлиб, бир десятинадан 145—150 пуд ҳосил олинган пайтлар бўлган. Об-ҳавонинг яхши келиши муносабати билан иккинчи терим ҳам биринчи навга қабул қилин-ган. Бунинг устига нарх ҳам анча кўтарилиган. «Бир пуд пахта, — дейилади манбада, — 4 сўм 25 тийин баҳоланди. Фарона вилоятида ҳеч қачон бундай бўл-маган эди. Пахта нархининг бу даражада ошишига Аме-рикадан келтирилаётган пахтанинг камайиши натижа-сида тўқимачилик корхоналарининг унга талаби куч-айиши сабаб бўлди. Деҳқончилик, хусусан, пахтачилик-нинг ниҳоятда самарадорлиги туб аҳолининг иқтисодий ҳаётини бирмунча яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу айниқса, зилзиладан катта зиён кўрилган пайтда жуда қул келди»¹. Аммо, бундай ҳолат онда-сонда содир бўларди, холос.

Пахтанинг сурункасига бир ерга экилиши оқибати-да унинг ҳосилдорлигига зиён бўлиши хавфи туғилди. Шунинг учун маъмуритят вакиллари чорвачиликни ри-

¹ Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан, 1902, с. 4.

вожлантиришга ва гүнгни кўпайтиришга даъват этди.
Айни бир пайтда, алмашлаб экишга эътибор қилинди¹.

Вилоятда лалми ерларда ва баҳорги ғалла экинлари (буғдой, арпа, гуруч, тарик, нӯхот, сули ва жӯхори) ҳам анча кенг майдонни эгаллаган. Уларнинг ҳажми 1903 йилда 391.561 десятинадан иборат бўлган. Аммо, сугориладиган ерлар нуқтаи назаридан пахтацилик олдинги ўринга чиқди. Расмий маълумотларга кўра, у 1901 йилда умумий экин майдонининг 24 фоизини эгаллаган бўлса, 1903 йилга келиб, 27 фоизга кутарили.

Агар ўша йили терилган пахтанинг қиймати 46.459.000 сўм хисобланган бўлса, ғалла турлариники 41.390.036 сўмга борган. Бундан ташқари, пахтадан олинган даромад ҳам юқори турган. Чунончи, бир десятина ердаги пахтадан 326 сўм, буғдойдан 11 сўм, шолидан 122 сўм, жӯхоридан 120 сўм даромад олинган.

Хуллас, ҳар жиҳатдан пахтадан олинадиган даромад баланд турган. Шу боис, «пахта қимматли ва тез харид қилинадиган ўсимлик сифатида вилоятда имкони борича кўп етиширилган»¹.

Пахтацилик вилоятнинг у ёки бу уездларидаги ҳолати ва ўсиш даражасига келганда қайд этиб ўтиш лозимки, улар бир текисда (12-жадвал) бўлмаган.

Бу маълумотлардан аёнки, пахта етиширишда Марғилон уезди 52673 десятина ва 5367300 пуд биринчи ўринда, Андижон 29313 десятина ва 2.931300 пуд ва Қўқон 23448 десятина ва 953508 пуд иккинчи, учинчи ўринда турганлар. Кейинги ўринларни эса Намангандан Уш уездлари эгаллаган. Бундай ҳолат 1904 йилда ҳам кўзга (13-жадвал) ташланди.

Умумлаштирганда, 1904 йилда сугориладиган ер майдонларига экиладиган экинларнинг 31 фоизини пахта қоплади. Бу олдинги йилга нисбатан 7 фоиз ортиқ бўлиб, пахта биричи ўринни эгаллади. Масалан, буғдой 168837 десятина —28, шоли эса 10, жӯхори—9, беда—7, маккажӯхори—9 фоизни ташкил қилган.

Кўрсатилган йили Марғилон уездиде 3308085, Андижонда—283707, Қўқонда—2216696, Намангандада—1396787 пуд ва Ушда—164980 пуд, жами 9923622 пуд пахта териб олинган.

¹ Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелап, 1902, с. 13.

12-жадвал

АКИН ТҮРЛƏРИ	Маршилов уезды		Күгөн уезды		Андижон уезды		Наманган уезды		Ўшт уезды	
	Экин майдони	Хосил пуд								
Америка пах- та нави	52673	5367300	23448	955508	29913	2931300	26759	1982610	2149	159430
Маҳаллий пахта нави	2447	110145	8500	233587	1404	412320	1429	50860	234	41700
Зинирлоя	444	3024	402	—	90510	2602	52305	1767	4767	12663
Кунжут	480	24000	—	—	640	12800	130	2456	49	476
Күкнори	160	6400	—	—	20	2100	—	—	42	60
Кунгабоқар	47	510	—	—	20	1600	—	290	16	—
Веда	4799	5367300	14294	2079923	8581	1802040	8608	5703239	867	2034500
Тарик	748	43800	877	55950	1290	72540	4502	77853	—	—
Хашак	74	2960	—	—	—	—	—	—	—	—
Қоюн-тар- пуз	3825	—	593	—	—	—	—	—	741	—
Картопка	152	106400	428	1033000	22	11000	61	5876	54	49789
Такаки	18	205	24	525	4	—	—	—	36	780
Каноп	—	—	—	—	—	240	—	—	209	24877
Бончак	1692	—	2562	—	—	—	22	475	—	—
Экинлар	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
ЖАМИ:	64199	11032014	44102	4356423	132404	4948512	94958	7826326	6522	52539751

13-жадвал

Уездлар	Сүгорилдиган ерлар	Экилган майдон
	деситина	деситина
Марғилон	214428	154982
Андижон	211156	153572
Наманган	170178	112989
Қўқон	163372	101975
Ўш	11089	65889
Жами:	770223	589407 ¹

Кейинги 1905 йилда эса пахта майдони 21100 деситинага қисқарди. Бунга 1904 йилда Россия тўқимачилик корхоналарининг инқирозга учраши пахтага бўлган талабни пасайтирди, шунингдек, нархининг пасайишига сабаб бўлди. Ҳатто, бир пуд пахтанинг нархи 3 сўм 50 тийиндан 2 сўм 50 тийинга тушиб қолди. Аммо, 1905 йилда ҳосил яхши булиб, бир деситинадаги Америка пахта навидан ўрта ҳисобда 79—80 пуд, маҳаллий навдан эса 65—74 пуд пахта олинди. Бу уездлар бўйича қўйидагича бўлди: Андижонда — Америка ва маҳаллий пахтаси 79, 98 ва 62,82 пуд, Қўқонда — 50, 87 ва 44, 59 пуд, Марғилонда — 69,22 ва 57,00 пуд, Наманганда — 65,72 ва 34,98 пуд, Ўшда — 73,73 ва 36,38 пуд ҳосил берди.

Демак, пахтанинг ҳосилдорлиги бўйича биринчи ўринни Андижон эгаллаб, кейинги ўринларда Наманган ва Марғилон уездлари турган. Вилоят уездларида пахта ҳосилининг ҳажми қўйидагича бўлган (14-жадвал)².

14-жадвал

Уездлар	Америка пахта нави	маҳаллий	жами
	пуд	пуд	пуд
Андижон	3.265.297	129.648	3.394.945
Қўқон	1.152.822	349.263	1.502.085
Марғилон	3.614.953	185.252	3.800.205
Наманган	2.439.302	30.031	2.469.333
Ўш	156.510	3.258	159.768
Жами:	10.628.884	698352	11.326.336

¹ Статистик маълумотлар асосида тузилди.² Статистик маълумотлар асосида тузилди.

Марғилон пешқадамликни бермай, 3.800.205 минг пуд пахта етиштирган бўлса, Андижонники 3.394.945 пудни ташкил этади. 1905 йилдаги Америка пахта на-вининг умумий баҳоси — 31.178.058 сўмни, маҳаллий-ники эса — 1.394.904 сўмни ташкил этган. Ҳар икки турдаги пахтанинг биргаликдаги баҳоси 32.572.962 сўм ҳисобланган. 1904 йилда бу рақам 27000000 сўм бўлганлиги назарда тутилса, 1905 йилда пахтачиликнинг салмоғи анча ошганлиги аён бўлади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 1904—1905 йиллар маълумотларига кўра, руслар қўл остидаги ерларда ҳам пахтачилик билан шуғулланилган. Бироқ, руслар, асосан, ғаллачилик (59,39%) ва бошқа полизчилик экинларини етиштириб, пахтачиликка 320 десятина ер ажратганлар. Бу умумий экин майдонининг 7,04 фоизини қоплаган. Пахтачилик, асосан, русларнинг Марғилондаги плантацияларида экилган. «Марғилон уездидаги рус қўрғонларидаги кишилар,—деб ёзилади манбада,—пахтадан олинадиган даромадга ҳавас қилишиб, ўз ерларининг маълум қисмидаги пахта экадилар. Аммо, уларнинг кўпчилиги ўз ерларидаги чоракорларни ишлатиб, пахта эктирадилар. Чоракорлар тўртдан бир ёки учдан бир қисм ҳосилни ер эгаларига бериш шарти билан пахтани парвариш қиладилар ва уни териб оладилар»¹.

Пахтанинг ғалла ва бошқа деҳқончилик экинларига нисбатини курсатувчи далилларга кура (15-жадвал) у 166789 десятина сугориладиган ерга экилган. Буфдой ва арпа экилган майдон эса ўтроқ районларда 151978 десятинани ташкил қилган. Демак, 1905 йилда ҳам пахта етиштириш биринчи ўринда турган. Бундан ташқари, пахта оз миқдорда бўлса ҳам кўчманчи районларда экилган.

1906 йилга келиб, «пахтачилик вилоят аҳолисининг асосий машғулотига айланди ва унинг фаровонлигини таъминловчи омил бўлди. Фарғона водийсида пахта етиштиришга барча кишилар талпинди ва яшадилар»².

Дарҳақиқат, уездларда пахта етиштириш кенг қулоч ёйган эди.

1906 йилда етиштирилган пахтанинг нави — 3 сўм 35 тийиндан, биринчи ва иккинчи навлар ўртасидагиси —

¹ Статистический сборник Ферганской области за 1905 г. Фергана, 1908. с. 26.

² Уша жойда.

15-жадда¹

Экилтган майдон	Экилтган майдон	Экилтган майдон	ЖАМИ		Нүчманик су- аҳолининг су- фориддиган	ЖАМИ
			деситина	деситина		
Америка пахта пави	152425	320	152745	46	152791	
Махаллий пахта пави	13998	—	13998	—	13998	
Будой	140304	2697	143001	20418	163419	
Арпа	11674	50	11724	4959	16681	
Шоли	69498	231	69720	204	69938	
Лӯхори	66528	—	66523	49	665724	
Беда	60774	261	61015	567	61602	
Маккакӯхори	56607	487	56794	5023	61817	
Қонун-тарбуз	18123	23	18146	8	18155	
Тарик	11369	17	11387	6654	18038	
Зигирпой ва қавоп	9372	12	9848	324	9702	
Тамаки	909	—	909	412	1024	
Нӯхот	556	—	556	—	556	
Картошка	423	163	586	—	586	
Сули	—	308	308	—	308	
Вошқа өқинадар	12356	271	48827	175	43001	
ЖАМИ:	575716	4540	635687	38237	1267037	

¹ Статистик маълумотлар асосида тузилди.

2 сүм 70 тийиндан ва учинчи нави 2 сүмдан сотилган. Шу равишда, Америка пахта навининг қиймати — 38.304.491 сүм ва маҳаллий пахтаники—119170 сүмни ташкил қилган. Бу 1905 йилдаги пахта қийматига нисбатан 7 миллион сүм күп эди.¹ Уша йили олинган пахта толаси 3641388 пудга етди.

Пахта майдони уездлар бўйича 1906 йилда (16-жадвал) қўйидагича тақсимланган¹.

16-жадвал

Уездлар	Америка пахта нави	Маҳаллий пахта нави	Жами
	десятина	десятина	десятина
Андижон	50865	2035	52900
Қўқон	25409	6189	31598
Марғилон	54213	3111	57326
Наманган	87317	942	88259
Ўш	3395	161	3556
Жами:	171201	12438	183639

Бинобарин, 1906 йилда ҳам пахта етиштиришида Андижон ва Марғилон етакчиллик қилишган. Пахта майдонининг умумий ҳажми 183.869 десятинани ташкил қилган.

1907 йилда пахта майдони 199.587 десятинани ва олинган ҳосил — 11.383.873 пудни, 1908 йилда — 187633 десятина ва 11904330 пудни, 1909 йилда 199.413 десятинани ва 16.676.079 пудни ташкил этган.

Демак, 1909 йилда вилоятда пахтачилик яна бир даражада юқорига кўтарилди.

Бунга об-ҳавонинг қулай келиши, шунингдек, дехқонларнинг пулга муҳтоҷлиги ниҳоятда кучайиши ва уни маълум даражада пахта ҳисобига тўлдириш мумкинлиги ҳам катта роль йўнаган.

«Дехқонларнинг умиди,—деб таъкидланади манбада,—об-ҳавонинг яхши келиши туфайли рӯёбга чиқиб, августнинг биринчи ярмидаёқ пахтанинг дастлабки теримидан олинган ҳосил бозорда пайдо бўлди. Кейинги

¹ Статистический сборник Ферганской области за 1906 г. Фергана, 1908, с. 20.

кунларда ҳам об-ҳавонинг меъёрида туриши орқасида пахта обдан етилди, сентябрь ойи охирида содир булган совуқ унга зиён келтира олмади. Биринчи қаттиқ совуқ 12 октябрда келди, лекин пахтага зиён бўлмади, чунки у пишиб етилган эди.

Об-ҳавонинг қулайлиги вилоятда ҳеч бўлмаган катта пахта ҳосили олиш имконини бериб, бир десятинадан 82 пуд, баъзи жойларда 90 пуддан ортиқ ҳосил қўлга киритилди. Маҳаллий пахта эса 54 пуд ҳосил берди»¹.

Ваҳоланики, 1907 йилда ҳосил ўртача 60 пуд ва 1906 йилда 65 пуд бўлган.

1909 йилги пахтанинг сифати яхши бўлганлиги учун нархи ҳам қимматлашди, 1907 йилда бир пуд пахтанинг биринчи нави 12 сўм 20 тийин, 1908 йилда — 10 сўм даражасида бўлган бўлса, 1909 йилдагиси 14 сўм баҳо-ланган. 17-жадвалдаги маълумотларнинг кўрсатишича, 1909 йилга келиб Андикон вилояти экин майдони ва ҳосилнинг ҳажми бўйича олдинги сафда турган.

Демак, вилоят уездларида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги бир десятина ердан Америка пахта навинники — 65 пуд ва маҳаллий пахта навинники — 48 пудни ташкил этган. Юқорида кўрсатилганидек, 1909 йили Америка пахтасининг ҳосилдорлиги 80—90 пуд ҳисобида эди. Пахта толаси эса 1908 йилда 3488902 ва 1909 йилда 5.127.894 пуд бўлган.

Хуллас, «кузнинг ва қишининг қуруқ келиши ва бунинг орқасида йўлларнинг ботқоқ бўлмаслиги ҳамда деҳ-коиларнинг нулга муҳтожлиги теримни уюшқоқлик билан утказишини ва ташишини таъминлади. Натижада ноябрининг иққинчи ярмидаёт пахтанинг асосий қисми сотилди. Бу олдинги икки йил мобайнидаги ҳосилсизликдан курилган зарадан деярли холи бўлиш имконини берди»².

1911 йилда вилоят аҳолиси пахтани энг муҳим ва даромадли маҳсулот сифатида кўпроқ экишга ва салмоғини оширишга барча куч-қувватини сарфлади. Улар галла ва бошқа экинларни пахтадан сув ортганидан кейингина суғордилар. Пахтадан манбаатдорлик шу даражада кўтарилдики, экин майдони 31420 десятина, яъни 13,3% га ошди.

¹ Статистический сборник Ферганской области за 1909 г. Ферган, 1911, с. 18.

² Уша жойда. 21 б.

17-жадаас

Үездлар	Шиллэр	Экин майдони		Хосал сир десчинадан		Пахта хом ашыс		Пахта тодасы	
		Америка пахта навы	Махалдай пахта навы	Америка пахта навы	Махалдай пахта навы	Америка пахта навы		Махалдай пахта навы	
						десят.	десят.	пуд.	пуд.
Андижон	1908	50615	2022	52637	61.8	42	3144866	84703	3199569
	1909	65509	1492	67001	—	—	6007641	85949	6093590
	1908	30448	6673	37121	68	57	2068864	381670	2451534
Гўйчон	1909	31517	5805	37322	—	—	2155087	338428	2493545
	1908	60164	2770	62931	59	44	3536958	122703	3659661
Марнилон	1909	59092	2452	61544	—	—	4276374	97820	4374194
	1908	33276	1454	35730	71	50	2375457	72766	2448228
Наманган	1909	33945	1032	37977	—	—	3366825	61452	3428877
	1908	3451	14	3465	42	29	144942	405	445347
Сыр	1909	4199	40	4209	—	—	285999	504	286503
	1908	181405	12933	190884	65	48	112420999	662247	11904334
ЖАМИ	1909	197262	10791	208053	—	—	16191926	584153	16676079

Айтиб ўтиш лозимки, 1910—1911 йилларда қиши қаттиқ келган бўлса-да, лекин қор жуда кам ёғди. Натижада кўп булоқларда ва ҳатто дарёларда сув камайиб кетди. Шуларга қарамай, деҳқонларнинг машаққатли меҳнати ва мохирлиги орқасида пахта ҳосили (18-жадвал) ёмон бўлмади¹.

18-жадвал

Уездлар	Экин майдони			Үртacha ҳосил Бир десятина			Пахта ҳосили			Жами пуд	
	десятина			пуд			пуд				
	Амер. пахта	маҳал. пахта	Жами	Амер. пахта	маҳал. пахта	Амер. пахта	маҳал. пахта	Жами			
Анди- жон	76252	4497	80749	67	49	5081847	221450	5474911			
Кўкён	39493	6615	46108	54	44	2143947	390923	2427184			
Наман- ган	44428	567	44995	73	63	3197732	36180	32044969			
Марғи- лон	84474	1161	85635	63	55	5318663	63832	5563883			
Уш	9860	—	9860	37	—	363072	—	382829			

Жами: 256477 12840 277347 211 211 16405264 612385 45893776

Бу ерда пахта ҳосилининг ҳажми (16.718.536 пуд) кўрсатилган. Чунки, бунга маҳаллий эҳтиёж учун қолдирилган пахта киритилмаган. Бир десятина Америка пахта навидан олинадиган ҳосил ўрта ҳисобда 63 пуд ва маҳаллийники 48 пудга борган. 1912 йилда Фаргона вилоятида бўлган гармсөл пахтачиликка катта зиён келтириши орқасида ҳосил 1911 йилга қараганда 6,7 фоизга кам олинди.

Пахта экин майдони 270902 десятинани ташкил этиб, олдинги йилдагига нисбатан 3,6% га қисқарди. Ҳосил эса 7.222.000 пудни ташкил қилди. Айрим йилларда пахта майдонининг бир оз бўлса-да қисқаришига, кўпинча сувининг камчиллиги ёки пахтага талабининг сусаниши сабаб бўларди. Шунингдек, ғалла ва умуман, озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши ҳам сабаб бўлган. Бундай омиллар бартараф қилингач эса, яна пахта майдонларини кенгайтиришга зўр берилган. Масалан, 1914 йилда пахта 291.752 десятина ерга экилган,

¹ Статистик маълумотлар асосида тузилди.

бу демак, пахта майдони олдинги йилга қараганда салкам 20000 десятинага ошган. Бу иили табиний шароит қулаги келиб, сув етарли даражада бўлди. Натижада пахта майдони Андижон уездидаги—94.342, Марғилонда—93.550, Қўқонда—50.757, Наманганда—42.739 ва Ўнда 10.373 десятинани ташкил қилиб, жами 7.590.000 пуд пахта толаси олинди¹. Пахтачиликнинг энг ривожланган даври 1915 йилга тўғри келади. Бу вақтда пахта «яроқлик барча ерларда экилиб, буғдой адир ерлардан тобора кўп сиқиб чиқарилиб бора берди»². Қўрсатилган йилда 336.525 десятина ерга пахта экилганлиги маълумдир. Фалла майдони экин майдонларининг 354.362 десятинасини қамраб олган бўлса, пахта майдонининг ҳажми 48 фоизни қоплаган. Бошқа экинларга солищтирганда, пахтанинг тутган ўрни янада ойдинлашади: пахта—336.525, буғдой—317.762, шоли—14.117, тарик—9.626, маккажӯхори—46.961, боғдорчилик экинлари—13.391, арпа—40.310, жӯхори—41.084, сули—2410, беда—63.053, каноп ва кунжут—2790 десятина ерга экилган. Умумластирганда, уларнинг миқдори 920.486 десятина га боради³.

Демак, пахта сугориладиган умумий ер майдонининг ярмига яқин қисмини қоплаган. Пахта майдонлари вилоят уездларида қўйидаги тарзда белгиланган: Андижонда—101.919, Марғилонда—89634, Қўқонда—51166, Наманганда—43426 ва Ўнда—14101 десятина ҳисобланган⁴. Бинобарин, Андижон уезди ҳамон пешқадамлик килган. Вилоятда пахта ҳосили 9.518.000 пудга боради. Амалда сугориладиган ерларнинг анча қисми фойдаланилмаган. Бинобарин, мазкур ерларда сувнинг етиш маслиги ёки бошқа сабаблар орқасида экин экишнинг иложи бўлмаган. Бундан ташқари, улар пахта етиширишга нолойиқ бўлган. Масалан, 1910 йилда сугориш мумкин бўлган 890.000 десятина ернинг фақат 700.000 десятинасидан фойдаланилган. Шунинг учун вилоятда пахтанинг тутган ўрнини амалда экилган майдонлар ҳисобидан белгилаш тўғри холосага олиб келади. Шунуктаи назардан қараганда, 1904 йилда пахта майдони

¹ «Туркистон вилояти». 1915, 30 июль.

² Туркестанское сельское хозяйство. 1915, № 16, с. 584.

³ Земли корепшого населения Ферганской области. М., 1924, с. 12.

⁴ «Туркистон вилояти». 1915, 30 июль. Бу ерда пахта майдони камроқ қўрсатилган.

Фарғона вилоятидаги 84 волостнинг 8 тасида—100%, 20 тасида 50%, 10 тасида—тұртдан уч қисмени ва 16 тасида бешден түрт қисмени эгаллаган. Умуман, пахтачилик вилоятдаги волостларнинг күпларида салмоқли ўринни эгаллаган. Масалан, бу ахволни Исфара мисолида күриш мүмкін. Бу ерда 1914 йилда пахта майдони 92,34 десятинани (47,7%), беда—34,62 десятинани (17,9%), сабзавот экинлари—2,19 десятинани (1,1%), кузги буғдой—44,03 десятинани (22,8%), жұхори—16,25 десятинани (8,4%), мош—0,97 десятинани (0,5%) ва пиёз 0,74 десятинани (0,4%)¹ үз ичига олган. Куриниб турибдикі, пахта биринчи ўринда, беда ва кузги буғдой иккінчи ва учинчи ўриналарда турғанлар. Агар буғдой етиштириладиган лалмикор, яъни сугорылмайдыган ерлар қаторига кирилса, у вақтда пахтанинг салмоги янада ошади. Умуман олганда, вилоятдаги волостларнинг аксариятида пахтачилик асосий ўринни эгаллади.

Хуллас, XIX асрнинг 80-йиллари—XX асрнинг бошлирида Фарғона вилоятіда пахтачилик тобора ривожланиб борған. Пахта майдони 1888 йилда—34.669 десятина ва 1900 йилда 186.326 десятинани, 1915 йилда эса 336.525 десятинани ташкил этади. Натижада, Туркистон үлкаси бүйіча етиштириладиган пахтанинг 68 фоизини, бошқа маълумотларга күра. 70 фоизини Фарғона берарди. Шундай қилиб, Фарғона вилоятіда пахта якка-жокимлигининг пойдевори қурилғанди.

СИРДАРЁ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТАЧИЛИК

Сирдарә вилояті Туркестон генерал-губернаторлығыннан әнг үйрек вилоятларидан ҳисобланиб, Тошкент, Чимкент, Авлиёота, Перовский ва Казалин уездларини ҳамда Амударә бұлымины үз ичига олғанди. Маркази Тошкент шаҳри ҳисобланған. XIX асрнинг охирларыда аҳолисининг 586.352 тасини үтрок, 949.466 тасини күчманчилар ташкил қылған. 1904 йилда аҳолининг умумий сони 1.179.848 кишига борған. Олдинги сағифаларда

¹ Материалы по водопользованию в Туркестанском крае. Т. 1915, с. 81.

кўрсатилганидек, Сирдарё вилоятида ҳам Америка пахта навини етишириш тобора кенг қулоч ёйиб борди. Унинг майдони қуидаги тарзда (19-жадвал) ошиб борди.

19-жадвал

Йиллар	десятиназ	Йиллар	десятиназ
1884	300	1893	10482
1885	1000	1894	10200
1886	12000	1895	14512
1887	14338	1896	21815
1888	15745	1897	21605
1889	16374	1898	23805
1890	19880	1899	16384
1891	12260	1900	23575
1892	11272		

Мазкур рақамлардан кўринниб турибдики, Америка пахта нави 1884 йилда 300, 1890 йилда 19.880 десятинани ўз ичига олган бўлса, 1900 йилда 23.575 десятинага кўпайган. 1890 йилдаёқ «Пахтачилик деҳқончиликнинг энг фойдали соҳаси сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. Унинг самарадорлиги узил-кесил маълум бўлиб, келажакда пахтанинг ривожланишини таъминловчи кучга айланди»¹. Бу вақтда Америка пахта нави 21000, маҳаллий пахта нави 2500 десятина ерга экилган. Жами, 23.500 десятинани ташкил қиласиди².

Манбаларнинг кўрсатишича, Тошкент уезди Туркистон ўлкасида Америка пахта навини тарқатишда етакчилик қилган. Бу ердан Самарқанд ва Фарғона вилоятларига янги нав пахтанинг уруғлари, яъни чигитлар тарқатилган. Шунингдек, Тошкент янги агротехникани қўллашда ҳам пешқадамлик қилган. «Тошкент атрофларидаги пахта плантациялари, уларнинг катталикларидан кўра, кўпроқ Оврупо деҳқончилик иш қуроллари билан ерларни ишлашлари орқали ажralиб туради»³.

Маҳаллий пахта навларини етиширишга келганда, айтиб ўтиш лозимки, улар экин майдонининг 1888 йил-

¹ Обзор Сир-Дарьинской области за 1890 г. Т. 1892, с. 90.

² Уша жойда.

³ Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб, 1892, с. 66.

да — 10.996, 1890 йилда эса — 1.900 десятинасии ташкил этган. Бу вақтда 19-жадвалда күрсатылғаныдек, Америка нағыз экилган пахта майдони бир неча баробар күп бұлғанды. Вахоланки, маҳаллий пахта экилган майдон 1889 йилда Фарғона вилоятида — 23.155 десятинаға борган.

Вақт үтиши билан Америка пахтасининг мавқеи күтарилиб бора берди. Ўзбек дәхқонлари бу пахтанинг афзаллыгини тобора яхши анграб, уни моҳирлик билан етишириа бордилар. Пировардиде, Америка пахта нағыз маҳаллий пахта нағини анча «бурчакка қисиб» қўиди. Эндиликда пахтакорлар янги пахта навларининг сирларини яхши ўзлаштириб олгандилар.

1896 йилги маълумотларга кўра, пахта экин майдонининг ва ҳосилининг ҳажми ошиб (20-жадвал) борган.

20-жадвал

Уездлар ва айрым худудлар	Америка пахта нағи	Маҳаллий пахта нағи	Америка пахта нағи	Маҳаллий пахта нағи	Америка пахта хом ашёси	Маҳаллий пахта хом ашёси	Америка пахта тонаси	Маҳаллий пахта тонаси
	десят.	десят.	пуд	пуд	минг/ пуд	минг/ пуд	минг/ пуд	минг/ пуд
Тоқкент								
атрофи- даги уезд- лар:	163	55	56	49	9,1	2,7	2,9	0,9
Тоқкент	19122	23.08	50	36	965,0	63,5	313,7	27,8
Чимкент	2530	1,342	48	35	110,4	47,9	35,8	15,2
Амударё булғами	—	3.680	—	106	—	386,6	—	125,6
Жамн:	21815	7.585	154	226	3845	4497	352,6	159,0

Бу вақтга келиб, Америка пахтаси экилган майдон 21815 десятина, маҳаллийни 7.335 десятинадан иборат бұлған. Умумий ҳосил эса 552 00 пуд толани ташкил қылған. Бундан 75 фонзи Америка пахтасига ва 25 фонзи маҳаллий пахтага түғри келған².

¹ Статистик маълумотлар асосида тузилди.

² Фёдоров А. П. Хлопководство в Средней Азии. СПб. 1898, с. 161.

Айрим архив хужжатларига қараганда, 1899 йилда умумий экин майдонлари бүйинча пахта түртінчи ўринни эгаллаган. Масалан, бүгдой экилган ер—100.000, шоли—68.000, арпа—35.000 ва пахта—28000 десятина ерни ўичига олган¹. Агар ғалла турларини, асосан, лалми ва шолини «ботқоқ» жойларга, яғни пахтага мос бұлмаган ерларға экилишини ҳисобга олсак, у вақтда сүфориладиган ерларда пахта салмоқли ўринни эгаллаган булиб чиқади. Буни ўша иили пахтадан 1.000.000 пуд ҳосил олинғанлыги ҳам күрсатади².

ХХ аср бошида пахтасынан салмоқлы ривожлана борди (21-жадвал). Чунончы:

21-жадвал

Уездлар	1906 йил		1907 йил		1906 йилга нисбатан күштепшілек камай- шып	
	Америка пахта нағы	Маҳаллий пахта нағы	Америка пахта нағы	Маҳаллий пахта нағы	Америка пахта нағы	Маҳаллий пахта нағы
Тошкент	18.290	407	30.053	199	64,3%	-73,2%
Чимкент	3.185	429	3.087	520	-3%	21,2%
Амударё бұлыми	1.840	3.120	3.496	1.855	-90%	40,5%
Жами:	23.315	3958	36.036	2574	157,3%	144,9%

1907 йилда 1906 йилга писбатан Америка пахтасы экилган майдон уездлар бүйинча 57,1 фоизга ортган. Маҳаллий пахтапики эса 37,2 фоизга камайған. Пахта етиширишда Тошкент уезді олдинги ўринде булиб, 1907 йилда Америка пахта нағы экилган майдон 64,3 фоизга ошган ҳолда, маҳаллийники 73,2 фоизга камайған. Пахта майдонининг умумий ҳажми 1906 йилда 27.273 ва 1907 йилда 39.120 десятинани ташкил қилған. Шу равишда кейинги иили пахта майдони 11.849 десятинага ошған.

¹ Центральный Государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф., 1282, оп. 3, д. 309, л. 9.

² Ўша жойда.

³ Статистик маълумотлар асосида тузилди.

Бошқа маълумотнинг кўрсатишича, 1907 йилда вилоятда пахта 44.407 десятина ерга экилган¹. 1908 йилда эса пахтчилик бирданига юқорига кўтарилди. Шу вақтдан бошлиб экин майдони изчиллик билан кенгайиб бораверди. Масалан, 1908 йилда—10.914, 1909 йилда—33.463, 1910 йилда—35.675 ва 1911 йилда—67.839 десятина майдонга пахта экилди. Кейинги йилларда, хусусан, 1913 йилда—76.726, 1914 йилда—84.399, 1915 йилда—73.995, 1916 йилда—64.635 ва 1917 йилда 48.718 десятинани ташкил этди. Кўриниб турибдикি, кейинги уч йил мобайнида пахта майдони қисқариб борган. Бунга биринчи жаҳон уруши оқибатида юзага келган оғир иқтисодий шароит таъсир қилган.

Пахтчилик, шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам йўлга қўйилиб, янги навлар иқлимлаштирилган. Вилоят Самарқанд, Хўжанд, Каттақўрғон ва Жиззах уездларини ўз ичига олган, аҳолиси 750.000 кишини ташкил этган. Мазкур жойда 1888 йилда—7.980, 1890 йилда—17.348, 1891 йилда—20.643, 1894 йилда—16.412 ва 1896 йилда—18.144 десятина ерларда пахта стиштирилганлиги маълумдир. Айрим маълумотларга кўра, 1890 йилда руслар қўл остидаги ерлардан 700 десятинасида пахта стиштирилган (22-жадвал). Пахта майдонларини уезд-

22-жадвал²

Вилоят уездлари	Америка пахта нави		Маҳаллий пахта нави	
	десятина		десятина	
	1891 йил	1891 йил	1892 йил	1892 йил
Самарқанд	4.189	1656	6220	1300
Каттақўрғон	5820	2704	2858	3022
Хўжанд	3223	7717	3887	1861
Жиззах	61	272	100	295
Жами:	13293	12349	8065	4.478

лар бўйича тақсимланишига келгандай айтиб ўтиш лозимки, 1891 йилда пахтанинг маҳаллий нави Америка пахта

¹ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. I, 27-рўйхат, 1574-иш, 24 в.

² Статистик маълумотлар асосида тузилди.

навлари экилгаи майдонга қараганда ярмидан кўпроғини (7.349 десятина) эгаллаган. Аммо, кейинги 1892 йилда Америка пахта нави экилган майдон анча ошиб 18.365, маҳаллийни эса 6.478 десятинани ташкил қилган. Пахтачиликда Каттақўргон уезди биринчи, Самарқанд иккинчи ўринни эгаллаган. Маҳаллий пахта Хўжандда ва Каттақўргонда кўпроқ етиширилган.

Вилоядта пахта майдонининг умумий ҳажми 1891 йилда 20643 ва 1892 йилда 24843 десятинага етган эди. Америка пахта нави экии майдонининг 73,9 фоизини, маҳаллийни эса 11,9 фоизини қоплаб¹, бир десятина ердан 65 пуд пахта ҳосили олинган. Шундай қилиб, Америка пахтаси 1892 йилга келиб, 38,1 фоизга ортди².

Пахтачиликда, айниқса, Каттақўргон уезди салмоқли ўринни эгаллаб, бу ерда Америка пахта навини етишириш тобора ривожланиб борган. Ушбу нав уезднинг Димариқ, Манариқ, Қиличобод, Ҳужаариқ, Калқўргон, Пайтамбин, Жун Тагр, Науқан, Митан, Тусун, Оқтепа, Чимбой ва бошқа волостларида экилган. Бу жойларда маҳаллий пахта 14659 таноб, Америка нави эса 11859 таноб ерни ўз ичига олган³. Айниқса, Пайтамбин, Науқан ва Митан волостларида Америка пахта нави кўпроқ етиширилган.

Кўрсатилган волостларда маҳаллий пахта бир десятинадан ўртача 12—20 пуд ҳисобида, Американики эса 16—32 пуд атрофида ҳосил берган⁴.

«Умуман, Америка пахтаси уруғидан олинган,— леб қайд қилинади манбада,—тола ўзининг олий сифати билан ажralиб туради. Ҳатто, у Америкадан Москва ва Ладзин бозорларига келтириладиган пахтанинг сифатидан қолишмайди. Ангар ва Оқтепа волостларидан олинадиган пахтанинг сифати Американикидан устун туради»⁵.

Пахта бу ерда уч йил мобайнида экилиб, яхши гўнглаб турилган. Сўнгра беда ва бошқа ўсимликлар экилган. Бошқачароқ айтганда, алмашлаб экиш услубига қаттиқ экътибор берилган. Шунинг учун ҳам ҳеч ким

¹ Узбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Ф. I.
27-рўйхат, 1574-иш, 25-в.

² Уша жойда, 25-в.

³ Уша жойда, 28-в.

⁴ Уша жойда, 42-в.

⁵ Уша жойда, 52-в.

ернинг қувватсизланганидан ва ҳосилидан шикоят
қилмаган¹.

Каттақўрғон уезд бошлиғи сўзича, маҳаллий пахта арzon нархда сотилиши ва ҳосилининг пастлиги натижасида уни яқин келажакда Америка пахта навлари томонидан сиқиб чиқарилишига шубҳа бўлмаган. Унинг таъкидлашича, Америка пахта навидан 400.000, маҳаллийницидан 100.000 пуд ҳосил олинниб турилган. Бу маълумот 1892 йилга тегишилди².

Уезд бошлиғи пахтачиликнинг ўсиб бориши деҳқончиликнинг бошқа тармоқларининг қисқаришига олиб келиб, озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса, фаллачиликка путур етказишини қайд қилган. Унинг айтишича, илгари вақтларда пахта майдони умумий экин майдонининг йигирмадан бир қисмини қоплаган бўлса, Америка пахтаси иқлимлаштирилганидан кейин олтидан бир қисмга кўпайган³. Бундай ўзгариш бошқа уездларда ҳам кўзга ташланган.

1892 йилда Самарқанд вилоятидаги уездларда пахта ҳосилининг ҳажми хусусида фикр юритилса, қуйидаги маълумотларга эга бўламиз (23-жадвал).

23-жадвал²

Уездлар	Америка пахта нави	Маҳаллий пахта нави	Жами
	пуд	пуд	пуд
Самарқанд	423.500	84.500	508.000
Каттақўрғон	510.570	196.495	707.065
Хўжанд	252.655	120.965	373.620
Жиззах	7.500	19.175	26.675
Жами:	1.194225	421.135	1134160

Каттақўрғон, Хўжанд, Самарқанд биринчи, иккинчи, учинчи ўринларда турганлар⁴. Ўша йили олинган тола Америка пахта нави ҳосилининг 30 фоизини ва маҳаллий пахта эса 25 фоизини қоплаган. Бунга Америка

¹ УЭР МДА. Ф. 1. 27-рўйхат, 1574-иш, 25-в.

² Уша жойда, 25-в.

³ Уша жойда, 25-в;

⁴ Уша жойда, 25-в.

пахта навининг чаногида пишиб очилиши, маҳаллийни эса чаноғида етилмасдан олиниб, қўл билан ажратиб олиниши сабаб бўлганлиги манбада қайд қилинади.

Бу ҳосилнинг пастлигини белгиловчи омиллардан бири эди, албатта. Агар пахта ҳосили тола ҳисобидан белгиланса, у вақтда ҳар икки нав пахтанинг ҳажми 459.190 пудни ташкил этади. Шундан 358.118 пуд Америка пахтасига, қолган 101.672 пуди маҳаллий навга тегишилдири. 1894 йилда эса ғалланинг 1893 йилда қимматлашгани боис, дәхқонлар кўпроқ уни экканликлари учун пахта майдони қисқариб, ҳосилда сезиларли дарожада камайиш бўлди. Чунончи, пахта хом ашёси 552.000, толаси 165.000 пудни қоплади. Кейинги 1896 йилда пахтадан 812.000 пуд ҳосил олинди.

Самарқанд вилоятида ҳам пахта етиштиришда кўпроқ маҳаллий дәхқончилик қуроллари ишлатилган. «Пахта майдонларида,—дейилади манбада,—ибтидоий усулда иш олиб борилади. Ер даставвал учига чўян ўрнатилган омоч билан ҳайдалганидан кейин, тишли тахта билан текисланади. Чигит биринчи навбатда гўнг билан аралаштирилиб, апрелнинг ўрталарида экилади. Майнинг бошларида чигит униб чиққандан кейин, намликни сақлаш учун чопиқ қилинади. Пахта ёз бўйи уч маротаба суғорилиб, сув ҳар бир ариқда икки кундан-уч кунгача тўлғазилади. Сунгра қуриган ёки касалга чалинган новдалар олиб ташланади. Ниҳоят, сентябрнинг ўрталаридан то ноябрнинг охирларигача пахта терими давом этади. Бизнинг ноқоратупроқ ерлардаги руслар Ўрта Осиёда пахтани етиштириш учун қанчадан-қанча машаққатли меҳнатни ва диққатнинг сарф этилишини тасаввур эта олмайдилар»¹.

Дарҳақиқат, ўзбек дәхқони экин майдонларини оддий кетмон ва омоч воситасида ишлаш учун катта кучғайрат ва кўп вақт сарфлаб ҳосил етиштиради.

1900 йилда вилоядта 22.825 десятина ерга экилган Америка ва маҳаллий пахта навларидан 1.556.139 пуд ҳосил олинган. Бу йили об-ҳавонинг яхши келиши ҳосилнинг самарадорлигини белгилаган.

ХХ аср бошларида Самарқанд вилоятида пахта экин майдони 1901 йилда—23.407, 1902 йилда—16.343,

¹ Фёдоров А. П. Хлопководство в Средней Азии. Санкт-Петербург, 1898, с. 110.

1903 йилда—9.812, 1904 йилда—18.307 ва 1906 йилда—13.937 десятинадан иборат бўлган. Бу рақамлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, пахта экиладиган ерлар айрим йилларда изчиллик билан кўпайиш ўрнига олдинги йилларга нисбатан камайган. Бунга озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, нархи ошганлиги учун дехқонлар пахта ўрнига уларни кўпроқ етиштиришга ҳаракат қилганлиги сабаб бўлган. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайганилиги туфайли пахтачилик усиб (24-жадвал) борди¹.

24-жадвал

Йиллар	Каттақўргон уезди	Самарқанд уезди	Жиззах уезди	Хўжанд уезди	Жами
	деситина	деситина	деситина	деситина	пуд
1907	10.083	4.665	1.440	7.135	23323
1908	3.801	5.573	225	11044	20.543
1909	14225	9.901	476	6.637	31.260
1910	13801	4.542	510	6.571	25.224
1911	15970	4.529	570	7.597	28.666
1912	16413	2.370	892	7.599	27.074

Жадвалда кўрсатилган йилларда пахта экилган ерлар 23—31 минг десятина орасида бўлган. 1909 йилда 30 минг десятинадан ошиб кетган.

Пахта майдонларининг кўпайиши ёки қисқаришига ҳамда об-ҳаво шароитига қараб терилган пахтанинг миқдори ҳам ҳар хил бўлган. Чуюнчи, вилоятда 1900 йилда—1.556.139, 1905 йилда—1.118.105 ва 1908 йилда—901.565 пуд пахта олинган. Мазкур йилларда Каттақўргон, Самарқанд, Жиззах уездларида 472.282, 651.285 ва 585.724 пуд пахта етиштирилган. Булар вилоятда олинган пахта ҳосилининг ярмидан кўпроғини ташкил қилганлиги ҳақида далолат беради. Ўша йилларда Хўжанд уездидаги пахта етиштириш иккинчи ўринда турган.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, вилоятда етиштириладиган пахтанинг кўриниши ва сифати бир хил бўлмаган. Масалан, Хўжанд пахтаси кўпроқ Фарғонанинг ўхшаса-да, лекин толаси унга нисбатан калтароқ эди. Айни

¹ Статистик маълумотлар асосида тузилди.

бир найтда дағалроқ ва ифлосроқ бўлиб, газлама тўқилаётганида анча тугун чиқарган.

Самарқанд пахтасининг толаси эса 28 мм бўлиб, қаттиқлиги ўртача ва айрим тугунчалари бўлган.

Кейинги вақтларда пахтачилик анча ривожланиб борган бўлса-да, лекин айрим йилларда гоҳ камайиб, гоҳ кўпайиб турган. Масалан, пахта экилган экин майдони 1913 йилда—31.758, 1914 йилда—30.846, 1915 йилда—55.573, 1916 йилда—60.305 ва 1917 йилда 42.004 десятина ерни уз ичига олган эди. Бундан 1914 ва 1915 йилларда пахтачиликнинг кутарилганлиги яқъол кўзга ташланиб турибди. Териб олинган пахта ҳажмига келсак, у 1913 йилда—953.000, 1914 йилда—621.000, 1915 йилда—1.346.000, 1916 йилда—1.123.000 ва 1917 йилда —826.000 пудни ташкил этган. Кўриниб турибдикни, вилоятда пахтачилик 1915 ва 1916 йилларда юқори поғонага кутарилган.

XIX аср охири—XX аср бошларида Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида Америка пахта навлари иқлимлаштирилиб, пахтачилик ривожи анча кенг қулоч ёйди. Улар пахтачилик соҳасида Фарғона вилоятидан кейинги иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган эдилар.

ТУРКИСТОН БЎШЧА ПАХТАЧИЛИК ВА ДЕҲҚОНЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Чор ҳукумати пахтачиликни ривожлантириб, мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий заминини бунёд этишга тўла эришдилар. Пахта кундалик ҳаётнинг таркиби қисми сифатида шу даражада салмофи ошиб кетдики, ўлкада ҳам, Россияда ҳам кўпдан-кўп кишиларни шошириб қўйди. Бу ҳақда Россия даҳқончилик департаментининг таниқли вакили В. И. Масальский шундай ёзган: «Утган қисқа вақт ичиде Туркистонда пахтачилик билан маҳсус шуғулланувчи корхоналар пайдо бўлди. Шароитга мос тушадиган Америка пахтасининг навлари иқлимлаштирилди ва пахта тозалаш заводлари қурилди, анча такомиллаштирилган дехқончилик қуроллари юзага кела бошлади. Пахта билан иш юритувчи йирик фирмалар фаолият кўрсатдилар. Пахтани тозалаш ва транспорт усувлари яхшиланди.

Хуллас, пахтачилик ривожланиб, ўн минглаб кишиларни қамраган, 100 минглаб одамларни озиқ-овқат билан

таъминлайдиган ва 10 миллионлаб сўмлар муомаласи-
ни ўз ичига олган катта ишга айланди¹.

Дарҳақиқат, XIX асрнинг охирлариға келиб пахта-
чиликнинг мавқеи юқорига кўтарилиди. Шунинг учун
ҳам пахта майдонларини тобора кенгайтириш биринчи
вазифа бўлиб қолди. Натижада ўлкада ўзлаштирилган
ерларнинг ҳажми ошиб (25-жадвал) бораверди².

25-жадвал

Йиллар	Фарғона вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспийорт вилояти	Жами
	десятина	десятина	десятина	десятина	десятина
1888	34.689	25.841	7.980	160	68.670
1889	50.716	25.841	9.265	100	85.922
1890	51.141	23.500	17.348	900	92.889
1891	66.294	15.480	20.643	1.300	103.717
1892	89.784	23.490	24.844	1.700	139.818
1893	85.300	31.500	21.488	4.000	142.288
1894	82.300	13.900	16.412	3.800	116.452
1895	100.701	14.104	15.223	3.500	142.527
1896	128.726	14.308	18.144	12.300	173.278
1897	116.802	14.512	16.142	11.000	158.456
1898	106.230	14.716	17.132	14.000	152.078
1899	135.283	14.920	23.370	6.500	185073
1900	186.326	15.123	22.825	10.000	234.274

Шундай қилиб, бутун Туркистон ўлкасида пахта
майдони 1895 йилда 142.527 десятина ҳисобланган бўлса,
1900 йилда 234.274 десятинага етди. Бунинг ярмидан
кўпроғи Фарғона вилоятига тўғри келади.

Пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилнинг
купайиши орқасида олинадиган даромадлар «пахта
васвасаси»ни кучайтириб, Туркистондагина эмас, балки
Россиядаги манфаатдор саноат-савдо доираларини ҳам
ўзига ром қилиб қўйди. «Пахта,—деб 1908 йилда ёзган
газета,—бутун Туркистон ўлкаси ҳаётининг асосий
йўналиши сифатида гавдаланмоқда. Фарғона, Сирдарё,
Самарқанд ва Қаспийортидаги вилоятларнинг туб аҳо-

¹ Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. СПб. 1892, с. 26.

² Бу ерда шуни айтеб ўтиш лозимки, манбаларда у ёки бу
вилоятдаги пахта майдони ва ҳосилнинг ҳажмига доир рақам-
ларнинг бир-бирларида маълум даражада фарқи бор, буни эъти-
борга олим мақсадга мувофиқлар.

лиси, руслар ҳамда Бухоро ва Хива хонликларидағи-
лар ҳаётининг барча тармоқлари күп жиҳатдан дунё-
да энг фойдалы үсімлік — пахтага боғланиб қолди.
Туркистан үлкасини босиб олиш билан жавоғыр құлға
киритилған бўлса, ҳақли равишда айтиш мүмкінки,
бу жавоғирнинг бири бўлмиш—пахта Туркистан үлка-
сии Россияга тамомила боғлаб қўйди. Шунингдек,
пахтачилик Ўрта Осиё темир йўлни қуришда мухим
ўрин эгаллади.

Пахта тўғрисида гапирсак, ҳозирда Туркистан үл-
касидаги бутун борлиқ пахтада ва ҳеч бир нарса пах-
тадан ҳоли эмас¹.

Мазкур сатрлар пахтани ҳалқ хужалигининг барча
соҳаларига кириб борганлигидан далолат беради. Бин-
нобарин, пахтачиликни тобора ривожлантириш кун-
нинг долзарб масаласи сифатида гавдаланади. Шу боис,
XX аср бошларида ҳам Туркистан үлкасида пахта экин
майдонлари кенг қулоч ёйиб борди (26-жадвал).

26-жадвал

Иллэр	Фарғона	Сирдарё	Самарқанд	Каспий-	Жами
	вилойти	вилойти	вилойти	орто	
	деситина	деситина	деситина	деситина	деситина
1901	210.279	15.327	23.407	11.000	260.013
1902	174.216	15.530	16.343	16.000	222.089
1903	149.056	11.019	9.312	22.000	191.887
1904	186.828	17.812	18.307	31.000	353.847
1905	166.789	13.302	18.737	11.000	191.111
1906	189.869	24.366	13.937	32.000	254.647
1907	199.994	32.125	15.521	34.000	288.640
1908	190.884	28.007	21.683	42.000	282.574
1909	208.053	31.463	31.269	31.000	301.785
1910	35.891	35.875	25.224	28.000	324.790
1911	268.317	49.268	28.666	38.000	83.281
1912	255.566	64.450	29.130	42.319	319.465
1913	274.897	76.726	31.758	43.000	426.381
1914	283.000	84.399	30.846	62.260	460.505
1915	333.525	74.050	55.573	57.466	520.614
1916	348.469	64.535	60.305	60.362	533.871
1917	286.699	56.134	42.004	33.953	939.404

Ушбу рақамлардан аёнки, үлка бўйича пахта май-

¹ «Туркестанские ведомости». 1908, № 116.

дени 1901 йилда 260.013 десятинадан 1916 йилда 533.671 десятинага кўпайди¹.

Бошқачароқ айтганда, курсатилган йиллар орасида экин майдони икки маротабадан ортиқ даражада ошди. Бунга чор ҳукуматининг олиб борган амалий тадбир-чоралари, яъни Америка пахта навларининг иқлимлаштирилиши сабаб бўлган эди. «Эндиликда Туркистон пахтасининг сифати ўрта даражадаги Америка пахтасидан паст эмас, балки юқоридир»².

XX аср бошларида ўзбек пахтаси тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб берадиган даражага етди. Шунинг учун ҳам пахтани янада ривожлантириш ҳақидаги таклифлар матбуотда баён этилди. Масалан, «Туркестанские ведомости» газетасида шундай дейилган: «Амударё суви билан суғориладиган ерлардаги дехқончилик үсимликлари орасида пахта биринчи ўринида туриши лозим.

Чет элдан келтирилаётган пахтага қўйилган божулкада пахтациликни рағбатлантиришга қаратилган. Ҳозирчалик чет элдан ҳам пахта келтирилмоқда, лекин вақти келиб пахтамизни четга чиқаришимиз мумкин. Аммо ҳали бунга эришганимиз йўқ.

Охирида, Туркистон пахтаси Россиянинг Америка пахтасига эҳтиёжини камайтириб, жаҳон бозорига таъсир этади»³.

Туркистон ўлкасида пахтациликни энг юқори босқичга кўтарилиган вақти 1915 йилда кўзга ташланади. Маълумки, бу вақтда биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россияга Америкадан пахтани узлуксиз келтиришнинг имкони бўлмади. Бу ўзбек пахтасига бўлган эътиборни ва талабни янада кучайтирди. Айни бир пайтда, пахтанинг нархи ҳам ошиб борди. Масалан, 1898 йилда Фарғона вилоятида бир пуд пахта 1 с. 50 т., 1 с. 80 тийин ўртасида сотилган бўлса, 1905 йилда — 3 с. 33 т., 1910 йилда — 4 с. 45 т., 1916 йилда — 8 с. 50 тийин ва 1917 йилда — 33 сўм баҳода харид қилинган⁴.

Пахта дехқонлар томонидан машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатлар билан етишириларди, лекин ҳузу-

¹ Демидов А. П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. М., 1926, с. 43.

² «Туркестанские ведомости». 1908. № 151.

³ уша жойда.

⁴ Центральный Государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3, д. 320, с. 43.

рини бошқалар кўрди. Чунончи, етиширилган пахта ҳосили турли фирмалар томонидан харид қилиниб, Россиядаги саноат корхоналарига жўнатиларди. Улар пахта тозалайдиган ва тойлайдиган заводлар қурдилар. Шунингдек, пахта плантацияларини ташкил этиш ва деҳқонларга қарз бериш йули билан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритдилар. Айниқса, «Ярославль катта мануфактура ширкати» пахтани харид қилишда салмоқли ўрин эгаллади. Ҳатто, у Андижон, Самарқанд ва Хўжандда 2750 десятинадан иборат пахта плантацияларига эга бўлиб, даромадни янада кўпайтиришга ҳаракат қилди. Ўлкада унинг 16 та пахта тозалаш зауди бор эди.

XIX асрнинг 80-йилларида «И. К. Познанский испазлама акционерлик жамияти» ўз фаолиятини бошлаб, катта ҳажмдаги пахта савдоси билан шуғулланган. Масалан, у 1890—1897 йилларда 1.120.000 пуд пахтани сотиб олган эди. Унинг бўлимлари фақат Туркистон генерал-губернаторлигига эмас, балки Бухоро хонлигига ҳам бўлган. 1905 йилда Фарғона, Самарқанд ва Қаспийорти вилоятларида ҳамда Бухоро ва Хива хонликларида унга тегишли заводларни ўз ичига олган «Хлопок» («Пахта») акционерлик жамияти тузилди. 1909—1910 йилларга келиб бу жамиятнинг пахта бўйича савдо обороти ўз даври учун салмоқли 11,5 миллион сўмга етди¹.

1888 йилдан бошлаб «Бр. Шлосберг» савдо уйи йирик пахта савдосини олниб борган. Унинг Самарқанд, Қўқон ва Бухорода идоралари ишлаб турган. У Андижон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Асака, Каттақўғон, Бухоро, Термиз, Қоракўл, Қува ва ўлканинг бошқа жойларида минглаб пуд пахтани харид қилган. Унинг пахта бўйича савдоси қўйидагича ўсиб борган².

1888/89 — 200.000 п.	1893/94 — 443.705 п.
1889/90 — 300.000 п.	1894/95 — 556.575 п.
1890/91 — 388.000 п.	1895/96 — 841.250 п.
1891/92 — 507.000 п.	1896/97 — 1.395.750 п.

¹ Вексельман М. И. Российский монополистический иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX—нач. XX вв.). Ташкент, 1987, с. 33.

² Ўша жойда, 34-6.

Бинобарин, ўша «Савдо уйи» 1889 йилда 200.000 пуд пахтани харид қилган бўлса, 1896/97 йилга келиб бу рақам 1.395.750 пудни ташкил этди. Шунга ўхшаш йирик пахта савдоси билан «Никольский ширкати» ва «Савви Морозов ўғли ва К² Н ширкати» шуғулланганлар. «Н. Кудрин ва Урта Осиё саноат ширкати» пахта билан савдо қилувчи энг йирик харидорлардан бири ҳисобланган. Бу ширкатнинг фаолияти шу даражада кенг қулоч ёйдик, у 53 та фирмани ўз ичига бирлаштириди. Хусусан, Богородско-Глуховский, Твер, Волга, Никольский, Собин, Долматовский, Н. Коншин, Т. С. Морозов ва бошқа номлардаги кўп фирмалар шулар жумласидандир. Ширкатнинг бир нечта пахта тозалаш заводлари бўлиб, ўлканинг кўп жойларига Америка пахта чигитини экиш учун тарқатган.

XIX асрнинг 90-йилларида Фаргона вилоятида Эрон ва Урта Осиё савдо-саноат, Л. Кноп, Алексеев, Познанский (Лодз), Ярославль мануфактураси, Панфин, Аренс ва Комп, Сальев, Швецов, Шмид ва Комп, Мейеркарт, Рабенок ва Рябушинский фирмалари пахта билан савдо қилганлар.

Самарқанд вилоятида пахта савдоси билан Ярославль катта мануфактураси, Познань, Шлосберг, Миндор ва Стакович шуғулланганлар.

Шуни айтиб утиш лозимки, Потеляхов, Вадъяев, Симахов, Давидов сингари фирма эгалари ҳамда Миркомил Мирмӯминбоев ва бошқа қатор маҳаллий бойлар ҳам пахтани харид қилишда фаол қатнашганлар. Аммо пахта харид қилиш, асосан, банклар ва фирмалар қулига тўпланган эди. Улкада ташкил этилган давлат банклари, хусусий ишбилармонлар ва банкларнинг кўплаб бўлимлари пахта етишириш ва харид қилишга маблағларини сарфлаб, катта даромад олганлар. Пахтани сотиб олишда банклар ҳал қилувчи роль ўйнаганлар. Шу тариқа фирмалар, банклар ҳамда Россиянинг бошқа савдо-сотиқ вакиллари пахта савдосини XIX асрнинг 80—90-йилларидаёт ўз қўлларига олгандилар.

Кўрилаётган даврда Россияга олиб кетилган пахтанинг ҳажми (27-жадвал) қуйидаги тарзда бўлган.

Демак, 1886 йилда 0,3 млн., 1900 йилда 5 млн. ва 1907 йилда 10,8 млн. пахта Россияга юборилган бўлса, 1915/16 йилларда у 18,5 млн. пудга етди. Бу вақтда Америкадан пахта келтириш мушкуллашгани натижага-

Ииллар	Пахта. Пуд.	Ииллар	Пахта. Пуд.
1886	0,3 млн.	1901	6,9 млн.
1887	0,7 —	1902	6,0 —
1888	1,1 —	1903	5,5 —
1889	1,5 —	1904	6,4 —
1890	0,6 —	1905	5,5 —
1891	—	1906	0,0 —
1892	3,0 —	1907	10,8 —
1893	3,6 —	1908	8,3 —
1894	2,6 —	1909	9,8 —
1895	2,9 —	1910	9,0 —
1896	3,2 —	1911	11,6 —
1897	4,7 —	1912	11,5 —
1898	4,4 —	1913/14	12,8 —
1899	4,6 —	1914/15	14,6 —
1900	5,0 —	1915/16	18,5 —

Сида түқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи янада ошиб борган¹.

Шу сабаб пахта экин майдонлари янада кенгайтирилди. Бошқа экиниларга нисбати қўйидагича булган:

1. Кузги ва баҳорги буғдой	824.903 дес.
2. Пахта	533.614 —
3. Арпа	158.300 —
4. Шоли	153.448 —
5. Тариқ	68.507 —
6. Жӯхори	60.927 —
7. Маккажӯхори	52.658 —
8. Бофлар ва узумзорлар	48.000 —
9. Полиз экинилари	98.679 —
10. Сули	30.301 —
11. Құноқ	6.742 —
12. Дуккакли ўсмиллар	6.846 —
13. Қунжут	6.846 —
14. Зигир	4.195 —
15. Бошқа экинилар	3.042 —
Жами:	2057.008 —

Бинобарин, буғдой экилган майдон 824.903 десятинани эгаллаган. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, у асосан сугорилмайдиган лалми ерларда етиштирилган. Сугориладиган ва унумдор ерларнинг эгалланиши нуқ-

¹ Туркестанское сельское хозяйство. 1916, №17, с. 93.

тас назаридан қарагаңда, пахтачилик пешқадамлик (533.614 дес.) қилған. Буғдой майдонининг ҳажми олиб ташланса, у вақтда 1.175.962 десятина ер қолади. Шунда пахта үлкадаги сугориладиган ерларнинг ўрта ҳисобда уч ярим қисмини қоплаган бўлади. Шубҳасиз, бунда умум пахта ҳосилининг 68 фоизини берган Фарғона вилояти салмоқли ўринини эгаллаган. Пахтачиликдан олинадиган даромад бошқа экинларга нисбатан юқори бўлған. Шунингдек, унинг қиммати тобора ошиб борган. Масалан, 1889 йилда пахтанинг қиммати—7.435.000, 1893 йилда—56.882.000 сўмга етди. 1915 йилда фақат Фарғона вилоятида етиштирилган пахтанинг қиммати 170 млн. сўмни ташкил қилған.

Үлкада етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси хом ашё сифатида Россияяга олиб кетилган. 1911 йилги маълумотларга кўра, пахтанинг 84 фоизи Россиянинг марказий районларига жўнатилган.

Пахтанинг аҳамияти шу даражада катта бўлганки, 1912 йилда үлкадан Россияяга чиқарилган молларнинг умумий қиммати 200 млн. ҳисобланган бўлса, шундан 138 млн. сўмни, яъни 70 фоизини пахта қоплаган. Буни 1867 йилда 5.513.422 сўм ҳажмда Россияяга олиб кетилган пахта миқдорига солиштирилса, у ҳолда пахтачиликнинг қанчалик юқори погонага кўтарилигини куриш мумкин. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. 1890 йилда ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг—8, 1900 йилда—33, 1910 йилда—43 фоизини ташкил қилған бўлса, 1914 йилда—58 ва 1916 йилда—72 фоизини қоплади.

Шу тариқа Туркистон үлкаси Россиянинг хом ашё манбаига айлантирилган эди. Чор ҳукумати бунга эриши моқ учун даставвал ишни үлкани босиб олишдан бошлаган эди: «Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришнинг янги даври Тошкентни ва Қўқон хонлигини урушиб олиннишидан ва умуман, Туркистон үлкасида русларнинг мустаҳкам ўнашишидан бошланган эди. Табиийки, үлка өгалланганидан жейин пахтачиликни ривожлантириш рус маъмуриятининг биринчи вазифаларидан бири ҳисобланди»¹.

Дарҳақиқат, чор ҳукумати ва капиталистлар пахтачиликни ривожлантиришни ва чет эл пахтасига қа-

¹ «Биржевые ведомости», 1867. № 11.

рамликдан қутилишни муқаддас бурч, деб билдилар. Бундай қилиш лозимлиги, Тошкент урушиб олингандан кейин кўп ўтмай матбуотда ҳам баён этилган эди. 1867 йилдаёқ бу хусусда шундай ёзилган: «Туркистон ўлкаси—бой мамлакатdir. Бу ерда олтин, кумуш, темир, кўмир, қимматли ва битмас-туганмас бойлик—пахта ва ипак бор. Ҳозирда эса улар ҳали ривожланмаган, Аммо билимдонлик билан иш юритилиб, улар кенг кўламда ривожлантирилса, у вақтда Россия фабрикаларини пахта ва ипак билан таъминлаш мумкин. Шундагина уларни чет мамлакатлардан келтиришга эҳтиёж қолмайди»¹.

Ҳудди шундай фикрни 1868 йилда «Русский вестник» газетаси ҳам баён этган эди.

XIX асрнинг 60-йилларидан то 1917 йилгача бўлган даврда пахтани ривожлантириш ва ундан олинадиган даромадларни кўпайтиш ҳаракати бутун ўлка бўйлаб кенг қулоч ёйди. Барчанинг фикри-зикри пахтага қаратилиб, «пахта васвасаси» чулғаб олди. Бунинг ташаббускорлари ва илҳомчилари чор ҳукумати маъмурлари ва савдо-саноат доиралари эди. Пахта етиштиришдаги барча машаққатлар деҳқонларнинг зиммасида эди. Пахта экилганидан то теримгача бўлган вақт ичидаги банклар, фирмалар ва бошқа кўпдан-кўп манфаатдор доиралар деҳқонларнинг ҳол-аҳволи билан қизиқмай четда турганлар. Аммо терим бошланиши биланоқ улар ўзларини пахтага уриб, даромад кетидан қувганлар.

Деҳқонлар, айниқса, қишининг охири ва баҳор бошланишида кундалик ҳаётларини тебратиш ва дала ишларини юргизиш учун пулга муҳтож бўлиб қолардилар. Ҳудди шундай оғир вазиятда уларга банклар «ёрдам қули»ни чўзарди. Бу олди-бердини амалга оширишда қишлоқ оқсоқоллари, аравакашлар, пахтани чигитдан ва чангдан тозалашни уюштирувчи—чистачилар воситачилик қилганлар. «Чистачи» фақат пахтани тозалаш билан чегараланмай, фирмалардан пул олган ва қарзга уни деҳқонларга улашган. Чистачи ўзи яшаётган жойдаги кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхши билган. У қарз берабётгандага деҳқон ерининг қиймати баҳосини ҳисобга олган. Чистачи мижозларни алдашни, тарозидан уриб қолишини жуда яхши билган. У вақт ўтиши билан бойиб кетиб, фирмалардан узоқлашган

¹ «Биржевые ведомости», 1867, № 11.

ва мустақил иш юритган¹. Дәхқонлар қарздорлик шартномасыда кузда пахта ҳосилини белгиланған нархда қарз берган фирмада ёки бошқа судхұрларга топширишни үз зиммасыга олғанлар. Акс ҳолда, уларға катта жарима солинарди.

Одатда, банклар фирмаларға 8—9 фойз фойдаси билан пул берган бұлса, фирмалар бу пулни 12—16 фойз ҳисобида чистачига үтказған.

Чистачилар эса пулларнинг маълум қисмини 25—40 фойз фойдаси билан аравакашларға берган.

Пахтакорларнинг күпчилигіда от-араوا бұлмаганлыги туфайли пахта қабул қилувчи жойларға үз маҳсулотини олиб боролмас әдилар. Бундан фойдаланған аравакашлар чекка ва йұллари ёмон қишлоқларға болишиб, пахтани арzon баҳода харид қилғанлар. Хуллас, банклар қарзға берадиган пуллар бир неча кишилар, хусусан, фирмалар, чистачилар ва аравакашлар орқали кучга кириб, уларға келтирадиган фойдаси 100 ва үндан ортиқ фойзга күпайған.

Чистачи аравакаш ва пахтани харид қилувчи бошқа кишилар дәхқонларнинг саводсизлиги ва соддалигидан фойдаланыб, пахта сифатини пасайтириб, ҳисобдан адаштирганлар.

«Фарғонада,—деб ёзғанди үша давр мұхбири,—туб аҳолининг турмushi ва пахтанинг ривожлантирилишини күриш шуидай хүлосага келдімкі, пахта нархини оширадиганлар дәхқонлар эмас, балки халқ «жаллоблар»—деб атайдыган даллоллар (чистачи ва аравакашлар) дир. Пахта рақобати учун курашда фирмалар үзларининг даллоллари орқали дәхқонларға пулларни қарзға тарқатадылар. Фирмалар номидан қарз пулинин тарқатған даллоллар имкони борича пахтани арzon баҳода олишга ва уни фирмада қимматга сотишга ҳаракат қиласылар. Ҳақиқатдан ҳам дәхқонлар пахтани яхши нархда сотадылар, лекин буни қарз олмаган хұжаликтарына қила оладылар. Аммо қишлоқларда бунга үхшаган онлалар күп бўлмай, пахта баҳосини оширишга таъсир кўрсата олмайдылар. Мажаллий аҳолининг күпчилигиге эса даллолларнинг ўргимчак ииларига үхшаш панжаларига тушган бўлиб, үндан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ»².

¹ Денидов А. П. Экономический очерк хлопководства... М., 1926, стр. 11.

² «Окраина», 1907, № 220.

Фирмалар, чистачилар ва аравакашларнинг адолатлизлиги, зулми ҳақида «Окраина» газетасининг мухбари ёзган: «Аслида мазкур «Ургимчак инлари» банкларга ва фирмаларга тегишли булиб, чистачи ва аравакашлар воситачи эдилар, холос. Унинг қанчалик мустахкамлиги ва доирасининг кенглигини Фаргона вилояти мисолида яққол кўриш мумкин». Бу ерда «Русско-азиатский», «Сибирский торговый», «Волжско-Камский коммерческий», «Московский коммерческий», «Русский для внешней торговли», «Азовско-Донский коммерческий» ва бошқа саккизта банк пахта хариди билан шуғулланган. Булардан ташқари, турли мануфактура фирмалари ҳам иш юритганлар. Масалан, «Товарищество мануфактур Рабене», «Данилевский мануфактура», «М. В. Коновалов и С. Н.», «Альберг Гюбнер», «Эмил циндел», «В. Е. и А. Ясунинских», «Н. М. Бордыгина Н. К.», «А. Каретниковой С—М.», «М-ры», «Большой Кнешемской м-ры», «Ярославский Большой м-ры», «Прохоровской Трехгорной м-ры», «Товарищество Российско-Американский», «Треугольник», «Фабрикант», «Н. О.-Прус и К°», «Торговый дом», «Пинхас и Рыбаков», «Братья Крафт», «А. В. Швецов и сыновья», «Товарищество для торговли и промышленности в Персии и Средней Азии», «Андельское промышленное торговое товарищество», «Торговое промышленное товарищество», «Искандар», «Туркестанско-торгово-промышленное товарищество К. И. Соловьев и К°», «Акционерное общество «Хлопок», жами қирқдан ошик фирмалари шулар жумласидандир¹.

Қўриниб турибдики, кўпдан-кўп савдо-саноат тармоқлари ва банклар мўмай даромад манбаига арига ухшаб ёпирилиб, деҳқонларнинг «қонини сўриб» ётганлар. Улар бу ишни тил ва маҳаллий шаронти билмаганликлари учун чистачи, аравакаш ва пахта тозалаш заводларини қурган туб аҳоли вакиллари орқали амалга оширганлар.

Чор ҳукумати ва капиталистларнинг пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чоралари бир томонлама амалга оширилиб, деҳқонларнинг турмушини яхшилашга ҳаракат қилинмаган.

«Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чора-

¹ Кокандской биржевой ведомость за 1913 г. Коканд, 1914. с. 229.

ларнинг,—деб ёзади В. И. Юферов,—салбий томони шундан иборатки, уларни тайёрлашда ва ҳаётга тадбиқ этишида аҳолининг манфаатдор доиралари қатнаштирилмали. Амалда кўрилган чораларнинг ҳаммаси ҳукуматнинг ўз томонидан ишлаб чиқилиб, пахтани етиштирувчиларни ва бошқа унга алоқадор кишиларнинг сўзларига аҳёндагина қулоқ солинди, холос. Савдо-саноат доиралари эса катта имконларга эга бўлиб, ўз манфаатларини Қўқон биржа ва Москов биржасига қарашли пахта комитети орқали таъминлашлари мумкин эди. Пахтачилик билан шуғулланувчи дәҳқонлар ҳақида сўз кетгандা, шуни айтиб ўтиш лозимки, улар уюшмаган омма ҳисобланниб, ўзларининг эҳтиёжларини ва манфаатларини изҳор этиш имконига эга эмас эдилар. Хулас, тўқимачилик саноати ва пахта савдоси билан шуғулланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинди-ю, лекин пахтакорлар эътибордан четда қолдирилди».

Бошқачароқ қилиб айтганда, на ҳукумат, на фирма ва на бошқа пахтанинг ҳузурини кўрувчи доиралар пахтакорларнинг манфаатларини таъминлашни хәёлларига ҳам келтирмай, кўпроқ ўзларининг бойликлари ни ортиришга муккасидан тушиб кетдилар. Фирмалар биринчи павбатда волость бошлиқлари ва оқсоқоллар билан алоқани яхшилашга ҳаракат қилиб, уларни меҳмонга чақириб, совғалар уюштирганлар. Шунингдек, улар маҳаллий маъмурият вакилларининг хонадонларида меҳмонда бўлганлар. Бундан ташқари, фирмалар пахтакорларни ўз тарафига оғдириш мақсадида оммавий меҳмондорчиликни, ашула ва рақсларни ҳамда кўчкор уриштиришларни ташкил қилганлар.

«Туркистонда оқсоқоллар ва волость бошлиқлари ғалати бир шахслардир. Одатда бу лавозимларга бой кишилар сайланади. Совға-саломларни, ўйин-кулгиларни ва зиёфатларни яхши уюштирган кишилар сайловчиларни ўз томонига оғдиргандагина номзодликка лойиқ ҳисобланади. Сайловолди ҳаражатлари баъзи вақтларда 10 минглаб сўмларга боради, ваҳоланки, волость бошлигининг бир йиллик маоши 600 сўмдан ошмайди. Сайланган номзод мансабга ўтиргандан кейин турли ўйллар билан сарфланган ҳаражатларни ортифи билан қоплади»¹ деб ёзган эди «Окраина» газети.

1906—1997 йил мавсумида Россиядан ўлкага

¹ «Окраина». 1907. № 220.

келтирилган 160 млн. сўм миқдордаги молларнинг 135 млн. сўми пахтага тегишли эди. Бу катта ҳажмдаги маблағнинг маълум қисми қўйидагича тарзда сарфланган¹.

Темир йўл ва страховение жамиятига—10 млн. сўм.
Маҳаллий судхўрлар жамиятига—5 млн. сўм.

Пахта тозалаш ва тойлашга—3.200.000 сўм.

Давлат ва хусусий банклар томонидан қарзга бериладиган пуллар фоизига—3 млн. сўм.

Пахта савдосида даллоллик қилувчи рус ишбilar-монлариға—2 млн. сўм.

Транспортга воситачилик қилувчи жамиятларга—2 млн. сўм.

Россия фабрикалариға жўнатиладиган пахта тойла-рини ўрашга ишлатиладиган мато учун—1,5 млн. сўм.

Пахтани боғлашга ишлатиладиган симлар учун—300.000 сўм.

Темир симларни ташиб келтириш учун темир йўлга—200.000 сўм.

Янги заводлар қуриш учун—500.000 сўм.

Маблағлар юқорида шарҳланган тарзда тақсимла-ниб 135 млн. сўмдан 101 млн. сўм қолган. Аммо унинг 75 млн. сўми саноат молларини сотиб олиш ва бошқа ҳаражатларни қоплаш ҳисобига Россияга қайтариб олиб кетилган. Дехқонларга амалда 26 млн. сўм қол-ган. Бу маблағ дехқонларнинг ҳаётини таъминлашга етарли бўлмаган. Унинг талай қисми банклар ва судхўрлардан олинган қарзни ҳамда солиқларни тўлашга кетарди. Чунки уларнинг қарзга оладиган пуллари етиширилган пахтанинг қимматига нисбатан бир ярим баробар (28-жадвал) кўп эди.

28-жадвал

Вилоятлар	Бир пуд пахтанинг қим-мати, сўм.	Карз пулининг миқ-дори, сўм.
Фарғона	1 с. 85 т.	2 с. 77 т.
Самарқанд	1 с. 62 т.	2 с. 48 т.
Тошкент	1 с. 82 т.	2 с. 76 т.
Каспийорти	2 сўм.	3 сўм.

Демак, Фарғона вилоятида бир пуд пахтанинг қим-мати 1 сўм 85 тийин турган ҳолда, қарз пули 2 сўм 77

¹ «Окраина». 1907. № 220.

тийинга борган. Бундай аҳволни бошқа вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Одатда, чистачи ва фирмаларнинг вакиллари қарз беришдан олдин ҳар бир хўжаликнинг сув билан таъминланиш даражаси, ернинг ҳосилдорлиги ва умуман, пахта етиштириш имконларини аниқлаганлар. Ушбу хўжаликдан пахта олишга ишонч ҳосил қилингандагина, қарз пули расмийлаштирилган. Бу ҳақдаги ҳужжатлар қозининг муҳри билан тасдиқланган. Кўп ҳолларда қарз пулининг 50 фоизи эрта баҳорда, қолган қисмлари эса ёзининг ўртасида ва теримдан кейин берилган. Қарздорлик ҳужжатига биноан, ҳар бир хўжадик ўзи етиштирган пахтани фақат қарзга пул берган шахсга сотиши шарт эди. Масалан, 1914 йилда Мирзачўлда Вадъяев савдо-саноат ширкати билан бир пахтакор ҳўжалиги ўртасида тузилган шартномасига кўра, деҳқон пахтасини кўрсатилган ширкатга сотиши лозим эди. Бу ваъда бажарилмаган тақдирда ҳўжалик ширкатга 300 сўм жарима тўлашни ўз зимасига олган.

Фирмалар ва чистачилар пахтакорларни қаттиқ назорат остида ушлаб, уларни бозорларда эркин савдо қилишдан маҳрум қилганилар. Шу тариқа Туркистон ўлкасида етиштирилган пахтанинг 90 фоизи қарз пули воситасида рус савдо-саноат доиралари ва чистачиларнинг қулига тушган. Масалан, 1913—1914 йил мавсумида етиштирилган пахтанинг умумий қиммати 138.282.677 сўм турган бўлса, шундан 85.412.881 суми фирмаларга, 47.282.677 суми чистачиларга тегишли эди.

Фирмалар, чистачилар ва аравакашлар пахтакорларни қарздорлик занжиринда қаттиқ ушлаб туриш учун қарзининг маълум қисмини, чунончи, фирмалар қарз пулининг 10 фоизини, чистачилар айрим ҳолларда 40—50 фоизини атайлаб кейинги мавсумга қолдиришган. Бу билан улар деҳқонни кейинги мавсумда ҳам пахта экишга мажбур этиш ва уни доимий мижоз сифатида сақлаб туришни мақсад қилиб қўйган эди. Бирок, чистачи ва аравакашлар барча ҳўжаликларга бирдай муносабатда бўлмаганилар. Деҳқон ночор аҳволга гушиб, қарзини тўлашга имкони қолмаса, дарҳол мол-мулки тортиб олинган. Чистачи ва аравакашлар икки йилдан ортиқ кутмайдилар. Иккинчи йилнинг охирида судлашиб, деҳқонни кўп вақтлардан буён эгаллаб келаётган жойидан ҳайдайди, ер-сув ва ҳовлисини сотади ва ўзини

ерсиз батракка айлантиради. Бу ҳолат үлкада деҳқон.ларнинг ерсизланишига барча ижтимоий-иқтисодий заминни ҳозирлаб, деҳқонни ўз оиласи билан бошини қаерга уришни билмайдиган қашшоқликка мубтало этади. Натижада ерсиз хўжаликлар үлканинг айrim туманларида 40 фоизни ва уйсиз кишилар эса 25 фоизни ташкил қилган. Гарчанд, ҳукumat ернинг фирмалар қўлида тўпланишини тақиқлаган бўлса-да, судхўрлар бундан мустасно эди. Шу боис, чистачилар орасидан йирик ер эгалари стишиб чиқди. Масалан, Андикон уездиде чистачи Миркомил Мирмуинбойнинг ери шунчалик кўп бўлганки, уезд бўйича кезган бир кишининг ун маротаба «Бу ер кимники?» дегац саволининг бештасига «Миркомил бойники» деган жавоб берганлар. Бу кишининг 14 миллион сўм ҳажмида бойлиги бор эди. Үлкада Миркомилбайдан бошқа яна бир нечта йирик ер эгалари бўлған. Бир бой хўжалигига ўртacha ҳисобда 51,7 десятина ер тўғри келса, деҳқон хўжалигиники 0,8 десятинадан ошмаган. Умуман, Туркистон үлкаси бўйича 44 фоиз деҳқон хўжалиги 1 десятинаагача, 32 фоиз деҳқон хўжалиги 1—2 десятина, 4,2 фоиз хўжалик 10—12 десятина унумдор ерларга эга бўлган. Пахтакорлар уй ҳайвонлари билан таъминланиши жиҳатидан ҳам жуда почор ҳисобланган. Фарғона вилоятида—41,3, Сирдарё вилоятида—26,6 фоиз деҳқон хўжалиги уй ҳайвонларига мутлақо эга бўлмаган эдилар. Бутун Туркистон үлкаси бўйича 30 фоизга яқин деҳқон хўжалиги уй ҳайвонларига эга бўлмаганлар.

Айтиб ўтиш лозимки, пахтакорларга қарз ҳамма вақт пул билан берилмаган. Айниқса, XX аср бошлирида пул ўрнига ун, ғалла, чой, газлама ва бошқа нарсалар берилган вақтлари бўлган. Бу пахтакорларни янада хонавайронликка олиб келган. Чунки эрта баҳорда кўрсатилган молларнинг нархи 3—4 баробар ошиб кетарди. Қарз берувчилар эса саноат ва озиқовқат молларини шу вақтдаги бозор нархida пулга чақардилар. Бироқ пахтакорлар ерни ҳайдаш, иш ҳайвонини ва деҳқончилик қуролларини сотиб олиш учун пулга зарур бўлиб қоларди. Шу таҳлит у қарзга олган молларини бозорда арzon баҳода сотишга мажбур бўлган, пахтакор деҳқон баҳорда иш ҳайвонини қимматга олган. Уни қишида боқиш қийинлиги туфайли яна кузда арзонга сотишга мажбур бўлган.

Үлканинг баъзи туман ва қишлоқларида экин май-

донларининг 80—90 фоизига пахта экиларди, натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашак танқислиги юзага келарди. Бу ҳол пахтакорларни озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан қиммат баҳоларда сотиб олишга мажбур этиб, улар аҳволининг янада ёмонлашишига олиб кёлган.

Пахтачилик ҳақида ҳукумат миқёсида икки хил фикр мавжуд эди. Биринчидан, сугорилаётган ерлар доира-сида пахта етиштиришни кўпайтириш таклифи ўртага ташланди. Бунга кўра, ғалла ва бошқа экин экиладиган ер майдонлари қисқартирилиб, пахтанинг кўп экилиши кўзда тутиларди. Бундай қилинса, фақат пахтадан эмас, балки Россия ғалласини ўлкага келтириб сотишдан ҳам даромад олинарди. Иккинчи томондан, ўлкада пахтачиликнинг ривожлантирилиши Россияни Америка пахтасига қарамлигидан озод қилиб, сарфланаётган миллионлаб сўмларни тежаш имконини берарди. Шунинг учун ҳам Россия дехқончилик вазири Кривошеин ўлкада бўлганда: «Туркистон ғалласи Россия ғалласига, пахтаси эса Америка пахтасига рақибdir»,—деган эди. Бунинг маъноси шундан иборатки, борди-ю ўлкада ғалла кўп етиштирилса, пахта камаяди, ғалла эса кўпайиб, Россия ғалласига эҳтиёж қолмайди. Натижада, Россия икки томонлама зиён кўради. Иккинчи фикрдагилар пахтачиликни кенг кўламда ривожлантириб, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига юқори поғонага кутаришни баён этганлар. Аммо бу таклиф деярлик инобатга олинимади.

Демак, ўлка аҳолисининг аҳволи нима кечсан, лекин Россия пахтадан ҳам, ғалладан ҳам фойда олиши лозимлиги асосий мақсад қилиб қўйилган. Бундай сиёsat ўлкада озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига ва нархларнинг ошишига олиб келди. Эндиликда ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида буғдои етиштириш тобора камайиб, рус ғалласига қарамлик кучайиб бораверди.

Ўлка Россия томонидан босиб олинганидан кейин озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб бораверган: «Туркистонни руслар томонидан урушиб олинишидан сўнг,—дейилади манбада,—унинг иқтисодий аҳволи анча ўзгарди. Бу ерда бу ўзгаришлар хусусида гапиришнинг ҳожати йўқ. Айтиш керакки, руслар келгунга қадар Тошкентда гуруч, буғдои ва бошқа ғалла маҳсулотлари ҳайратга соларлик даражада арzon бўлган. Масалан, маҳаллий аҳолининг сўзига кўра, бозор куни

келтирилган ва жуда арzonлигига қарамай сотилмай қолган бүгдой турган жойида ҳаftалаб ҳеч қандай қаровсиз қолган. Үша вәтларда деҳқончилик үсимликлари қатори пахта ҳам күп экилган. Чунки бу үсимлик тури жуда даромадли соҳа ҳисобланган. Руслар келганидан кейин эса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб борди».

Бу ерда айтилганидек, ҳақиқатдан ҳам хонликлар даврида пахтачиликка катта эътибор қаратилган бўлса-да, озиқ-овқат маҳсулотларига зарар етказмайдиган даражада, яъни меъёрида етиширилган. Бу хусусда яна бир муаллифнинг фикрини келтириш айни муддаодир. Бунга кўра: «Руслар келгунга қадар пахта Ўрта Осиёда ташқи бозор нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ маҳаллий эҳтиёжларин қондириш учун етиширилган.

Ўзбекларининг меҳнатсеварлиги ва юксак деҳқончилик маҳорати ҳамда сугориладиган ерларнинг унумдорлиги туфайли Туркистонда озиқ-овқат жуда мўлқўл бўлган. Ўлканинг четдан фалла, ем-хашак ва чорвачилик маҳсулотлари олишга эҳтиёжи бўлмаган. Ҳунармандчилик ривожланганлиги туфайли хорижий мамлакатларнинг фабрика молларини ўлкага келтиришга зарурат туғилмаган, у даврларда озиқ-овқатлар ва ишчи кучлари ниҳоятда арzon бўлган»¹.

Чор ҳукуматининг ҳукмронлиги даврида эса аҳвол ўзгариб, ўлкада пахта яккаҳокимлигини барпо этишга қаратилган сиёsat изчилик билан амалга оширилиб борилди. Бунга ҳаракат туб аҳолининг манфаатларини таъминлаш учун эмас эди. Бу ҳақда матбуотда баён этилган маълумот ҳам далолат беради: «Россия фабрикаларини таъминлаш учун пахтачилик ривожланмоқда, ўлкага мустамлакачилик нуқтаи назардан қаралмоқда ҳамда фабрика эгаларини бойитишга ҳаракат қилинмоқда, деган фикрлар ҳукм сурмоқда»².

Пахтакорлар ва деҳқонлар оммаси турли солиқлар ва мажбуриятларнинг оғирлигидан ҳам озор чекканлар. Чор ҳукумати солиқлардан катта даромад олардилар. Масалан, улар 1913 йилда 23 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1916 йилда 33,3 млн. сўмга кўтарилиди. Бу ўз даври учун катта маблағ эди. XX аср бошларида

¹ «Русский хлопок», М. 1923, с. 25.

² «Голос», жур., 1898, № 17.

пахтакорларнинг қарз пуллари жуда күпайиб кетганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Буларга кўра 1912 йилда пахтакорлар давлат ва хусусий банклардан ҳаммаси булиб 156.712 минг сўм қарз эдинлар. Шундан 80.979 минг сўми (51 фоизи) Фарғона вилоятига тегишли эди.

29-жадвал

Вилоят уездлари	Васиқа бўйича берилган қарз, сўм	Битимнинг сони	Гаровга берилган пул, сўм	Битим сони
Марғилон	3.666.322	40507	160.302	2322
Наманғап	799.484	11479	3.000252	22793
Ағдажон	1.720.885	15443	680.164	4482
Қўқон	617.126	8890	212.230	23508
Жами:	6.803.817	763.19	4052.948	76613

1901 йилга тааллуқли ҳужжатдан (29-жадвал) маълум бўладики, васиқа яъни пулини фоизи билан тўлайдиган қарз миқдори 6.803.817 сўмни, кўчмас мол-мулк бўйича гаровга берилган қарзниң ҳажми 4.052.948 сўмни, жамлаганди 10.855.765 сўмни ташкил этган.

1911 йилга келиб бу қарз пули бир неча маротабага кўпайган.

«Қарзниң ниҳоятда оғир устама тўловлари орқасида толиқкан, бир неча маротаба алданган ва ҳисобдан адаштирилган деҳқон,—деб гувоҳлик беради бир муаллиф,—жуда ачинарли ҳаёт кечирди. Қарзниң ҳисобкитоби вақтида деҳқон уни бир неча маротаба ўсганлигига қарамай ёки тўлай олмаслиги орқасида барибир қаттиқ қийноқ остига олинади. Қарзларни ундириш фақат мол-мулк билан чегараланмаган. Баъзи вақтларда Европада аллақачонлар қолиб кетган усуллар қўлланган.

Айрим фирмалар ўзбошимчалик билан чорва молларини тортиб олиб, ўз одамлари орқали уларни бозорда соттирсанлар ва пулини омонат кассага ўтказганлар.

Баъзи олғир савдогарлар қулоқ эшиitmagan зўравонликларни қилиб, қарздорларни ўз омборларига қамаганилар ва уларнинг қариндошлари томонидан сотиб олиниши ёки қарзи тўланишини кутганлар. Қарздорларни калтаклаш ва жазолаш ҳар йили пахта мавсумида такрорланиб турадиган оддий воқеа ҳисоб-

ланган. Баъзи вақтларда ҳатто қарздорларнинг хотини-ни сотиб олишгача борилган.

Пировардиди, умиди пучга чиққан қарздорларнинг иши адвокатларнинг қўлига ўтган. Адвокатнинг барча харажатлари пахтакорларнинг фирмаларда сақланадётган қарздорлик ҳужжатларида қўшимча тўлов сифатида ёзиб борилган»¹.

Бечора пахтакорларнинг қарзига қарз қўшилиб, шўри қуриган. Пахтакорларнинг шафқатсизларча таданиши ҳақида қўйидаги маълумотлар ҳам далолат беради: «Ўрта Осиёда пахта савдоси шундай бир усулда олиб бориладики, ундан фақат йирик ва майдада банклар ҳамда аравакашлар ва чистачилар катта даромад оладилар. Пахтакорлар эса сарфланган меҳнатини ва маблағини қоплай олмай, мол-мулкидан ва еридан маҳрум бўладилар»².

Пахтакорларнинг шунга ухшашиб ачинарли ҳаёти бошқа манбаларда ҳам баён этилган.

1915 йилда тегишли ҳужжатда кўрсатилишича, Фарғона вилоятида 0—0,5 десятина ерли хўжаликлар 40, 5—1 десятиналиси 22 ва 1—2 десятиналиси 23 фоизни, умумлаштиргандаги барча хўжаликларнинг 85 фоизини ташкил этган.

Бундай оз ерли хўжаликларнинг 66 фоизи иш ҳайвонларига эга бўлмаган. Шунинг учун улар қарз сифатида бойларнинг иш ҳайвонларидан фойдаланишга мажбур бўлганлар. Умуман олганда, заиф хўжаликлар барча иш ҳайвонларининг 50—73 фоизига эга бўлган бўлсалар, тўқ хўжаликларда улар 83—103 фоизни ўз ичига олган. Натижада, 1904 йилда биргина Фарғона вилоятининг ўзида қишлоқлардаги ерсиз хўжаликларнинг сони 37.498 тага, яъни 14 фоизга етди.

1910 йилда Фарғона вилоятида улгуржи ишларни бажарувчи кишиларнинг сони 200 минг киши бўлиб, уларнинг аксарияти бир парча ерларида маҳрум этилган хўжаликларни ўз ичига олган. Натижада, дехқонлар чоракор ва мардикор сифатида бойларнинг ерларида ишлашга мажбур бўлганлар. Агар ер эгаси чоракорга, иш куроли ва иш ҳайвони, уруғ ва мардикорларни ёлаш учун пул берса, у вақтда ҳосилнинг 2/3, чоракор—

¹ Демидов А. П.: Экономический очерк хлопководства... М., 1926, с. 124.

² Верховской В. А.: Хлопководство в Туркестане. СПб., 1910, с. 31.

1/3 қисмини олади. Борди-ю, чоракорда кўрсатилган нарсалар бўлса, ҳосил икки ўртада баробар тақсимланган. Бу тарзда иш тенг шерикчилик асосида юритилган. Мардикорлар эса кунбайга ишлаганлар. 1915 йилги маълумотларга кўра, Андижон ва Марғилон уездларида чоракорларнинг ишлайдиган ерлари 20 фоизга борган. Шуни ҳисобга олиш керакки, чоракор кузда қарз пулинин ва деҳқончилик қуролларини ер эгасига топшириши керак эди. Умуман, чоракор ер эгасидан қўшимча нимаики олган бўлса, шунга мувофиқ ҳосилдан олинадиган улуш икки ўртада тақсимланарди.

1914 йилда Фарғона вилоятида 111.887,7 гектар срнинг 39,1 фоизини, ҳосилнинг учдан икки қисмини ва 89,6 фоизини, ҳосилнинг бешдан уч қисмини чоракорга ижарага берилганлиги маълумдир. Амалда чоракор шартларни ҳаммавақт ҳам бажариш имконига эга бўлмай, рўзгорни бут қила олмаган. Чунончи, 1914 йилда бир гектар ерда пахта етишириш учун сарфланган ҳаражат ва мاشаққатли меҳнат пул ҳисобида 207,3 сўмни ташкил этиб, шундан 194 сўм 86 тийин ижара ҳақи, қарзниг устама тўлови ва солиқларга кетган. Натижада, чоракорларнинг бир кунлик даромади 9 тийиндан ошмаган. Бу даромад бир гектар ердан 9 центнер пахта ҳосили етиштиргандагина олинган. Ваҳоланки, ҳосил кўпинча кўрсатилган миқдордан паст бўларди.

Оқибатда чоракорлар қулогигача қарзга ботиб, хўжалиги ниҳоятда қашшоқлашган. Чоракорлар билан бир қаторда ерсиз ва кам ерли мардикорларнинг аҳволи ҳам жуда ачинарли эди. Мардикорлар одатда кунбай ишлаб, иш ҳақлари 50 тийиндан ошмаган. Улардан ташқари, ойбайга ишлайдиган доимий мардикор бўлиб, бир ойига 7—10 сўмгача ҳақ олганлар. Бу тоифадагиларнинг меҳнати ер эгаларига анча арzonга тушган. Боз устига, улар аста-секии хўжайнининг қарздорлик панжасига тушиб борган.

Мардикорларнинг иш куни эрта тоңдан то қоронғи тушгунча давом этиб, қаттиқ назорат остида меҳнат қилганлар. Чоракор, мардикор ва бошқа бир парча срга эга бўлган деҳқонларнинг турмуш тарзини кўрганлар шундай тасвирлайдилар: «Деҳқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада ачинарлики, унга ўхшаганини бошқа бирор жойда кўрмаганман. Уйдаги бор нарса ерда ёки девор тагларида турган 2—3 та темир ва 2—3та сопол

идишлардан иборат, холос. Уйнинг бурчагида кўримсиз, йиртиқ ва яғири чиққан бир нечта ёстиқ ва кўрпачалар палапартиш тўпланиб ётибди. Дехқонлар қорамтирик кўкрагини қишин-ёзин очик қолдирадиган яғир яктак ва устига йиртиқ тўн киядилар. Хотинлар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Улар оғир меҳнатдан кейин куч тўплашга озгина қовурилиб сув билан пиширилган атала ёки жўхори, буғдой ёки арпанинг қатиққа араплаштирилган бўтқасини ейншади.

Уларда ҳаммавақт шу овқат ва доимо ўша машақатли меҳнат»¹.

Мазкур сатрларда пахтакор ва бошқа дехқонларнинг ўта оғир ҳаёти ва қашшоқлиги шу даражада яхши баён этилганки, унга изоҳнинг ҳожати йўқ. Мустамлақачилик муҳитида пахтачиликнинг ривожланиши тубжой аҳолини қандай аянчли ва фожеали оқибатларга олиб келганлиги яққол кўриниб турибди.

Пахтачиликни жадаллик билан ривожлантиришнинг ёмон оқибатларга олиб келишини XIX асрнинг охириларидаёқ жамиятнинг илгор вакиллари, хусусан, айрим дин пешволари яхши англаб, бу кетишида «оқ пахтадан ўзбек ҳалқи бошига қора кунлар тушишини» башорат қилганлар. Дарҳақиқат, юқорида кўрсатилганидек, худди шундай кунларга мубтало булинди. Чунки пахтадан олинидиган даромадларнинг асосий қисми савдо-сотиқ корчалонларининг кармонига тушаберди. «Пахтачилик кишиларга катта ҳажмдаги маблағларни олиб келган бўлса-да,—дейилади манбада,—лекин улар фирмалар, судхўрлар ва шунга ўхшаш бошқа кишилар ўртасида тақсимланди.

Ўртаҳол дехқонлар пахтадан бойимадилар, камбағал пахтакорлар эса хонавайрон бўлдилар»².

Ўлкадан Россияга фақат пахтанинг ўзи эмас, балки чигит, кунжара ва ёғ сингари маҳсулотларнинг узлуксиз олиб кетилиши ҳам дехқонларнинг хўжалигига салбий таъсир кўрсатган. Бу ҳолат ўлкада улар миқдорининг камайишига ва нархнинг ошишига олиб келган. Айниқса, пахта ёғи кўп олиб кегилган. Унинг ҳажми 1906 йилда—566.878, 1909 йилда—1.102.876, 1910 йилда—1.575.988, 1911 йилда—1.772.186, 1912 йилда—2.382.818 ва 1913 йилда—2.115.119 пудни ташкил қилган. 1914

¹ Демидов А. П. Экономический очерк хлопководства. М., 1926. с. 60.

² Ўша ерда.

йилги маълумотга қараганда, Россияга Красноводский (ҳозирги Туркманбоши) ва Самара орқали олиб кетилган пахта ва унинг маҳсулотларининг ҳажми (30-жадвал) гувоҳлик берадики, четга чиқаришда пахта ёғи биринчи ўринни, кунжара ва чигит кейинги ўринларни эгаллаган. Мазкур маҳсулотлардан тушадиган даромадлар ҳам Россияда қолган.

30-жадвал

Маҳсулотлар	Красноводский орқали пуд	Самара орқали пуд	Жами пуд	Нархи пуд	Умумий қиммати, сўм
Пахта толаси	5.957.337	9455347	15412684	1300	200364892
Чигит	323.481	121104	444585	4,50	266751
Кунжара	1276	940202	941478	0,50	470739
Ёғ	29274	1755849	1785123	0,50	8033054
Жами:	6.311368	12272502	18583807	—	28807033

Шунингдек, чор ҳукумати ўлқани тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш имконига ҳам эга бўлди. Пахтадан Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, газлама ўлкага тобора кўп миқдорда келтирила бошлианди. Шуни таъкидлаш лозимки, ўлкани Россия босиб олгунга қадар, яъни ўзбек хонликлари даврида Сибирь, Волга ва Урал орқали Россияга, асосан, тайёр маҳсулотлар, хусусан, ип ва газламалар чиқарилган. Бу ҳол ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим ўрин эгаллаб, ҳунармандчиллик ва деҳқончиликнинг самарадорлигини таъминлаган. Аммо ўлка вақт утиши билан тобора Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айланиб борди. Буни 1840—1850 йиллар мобайнида олиб борилган савдо алоқаларидан (31-жадвал) куриш мумкин.

Жадвалдан аёники, ўлкадан ип-газламалар — 4.012.028 сүмлик, ипак ва ярим ипак газламалар — 137.985 сүмлик ҳажмида юборилган. Россиядан келтирилган ипли газламаларнинг ҳажми — 1.487.863 сўм. Аммо ўлкада чоризм ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин аҳвол ўзгариб борди. Чунончи, бир томондан рус газламаларини келтириш ошиб борган бўлса, иккинчидан, унинг сотилган пулига пахтани арzon баҳода харид қилиш ҳам кучайган. Пировардида, рус газламаларини, яъни тайёр маҳсулотларни келтириш ҳам тобора ошиб борган.

Россиядан Үрта Осиёга келтирилган молларининг турлари	Молларнинг қиммати, сўм	Үрта Осиёдан Россияга юборилган молларининг турлари	Молларнинг қиммати, сўм
Тихла ва кумуш ташгалар	1.530.800	Пахта ва қалава ип	2.747.688
Мис	331.170	Қуруқ мевалар	208.770
Темир, чўян ва турлар металлар ва ундаи тайёрланган буюмлар	682.916	Қимматли тошлар	123.727
Ипли газламалар	1.487.863	Газламалар	4.012.028
Ипак ва ярим ипак газламалар	102.805	Ипакли ва ярим ипакли газламалар	137.985
Юнгли моллар	528.381	Юнгли буюмлар	120.22
Чарм моллар	825.556	Қоракўллар, мўйналар ва юнглар	1.075.702
Сандиқлар	65.875	Кашмир шойиси	164.612
Бўёқ ва бошқалар	438.211	Маряна (рўяп)	223.733
Турли моллар	776.695	Турли моллар	178.370
Жами:	6.789.972	Жами:	9.081.037

Улкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора кўп сиқиб чиқарилди. Бу хусусда бир мисол: 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунарманчичилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 182.700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49.875 сўмга тушиб қолди. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетди. Ваҳоланки, XIX асрнинг 40-йилларида газламалар Туркистоннинг ташқи савдога чиқарилган маҳсулотининг 45 фоизини қоплаган эди. Шундай қилиб, Туркистон үлкаси Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди.

Чор ҳукумати ва капиталистларнинг савдо-сотиқ хусусида юргизган сиёсати ҳам мустамлакачилик асосида шакллантирилган эди. Шунинг учун уша даврдаги рус матбуоти Туркистондаги Россия ҳукмронлигининг асил моҳияти «савдо манфаатларини таъминлашдан иборатдир», деб ёзган эди¹.

¹ «Биржевая ведомость». 1867. № 75.

Шунга үхашаш фикр иккинчи бир газетада ҳам баён этилган: «Шуни тақрор айтамизки, үлкадаги Россия ҳукмронлиги савдо нүктан назаридан катта аҳамиятга молидир»¹.

Дарҳақиқат, босқинчилар үлкадаги ички ва ташқи савдодан тушадиган даромадларнинг эгаси бўлиб қолилар. Бу мақсад русларнинг ўзбек хонликлариға қарши олиб борган жанглари вақтидаёқ сув юзасига яққол қалқиб чиққан эди.

«Рус қушинларининг,— деб ёзилган газеталардан бирида,— бирин-кетин қўлга киритган ажойиб ғалабалари савдо-саноат вакилларига куч-қувват ва тетикликни бахш этади. Чунки енгилмас қушинимиз савдо аҳлиниңг манфаатлари учун ҳам жанг қилмоқда»². Шу маънодаги фикр бошқа газетада ҳам ўз аксини топди. Масалан, «Голос»да: «Ўрта Осиё бизнинг кўз ўнгимизда беҳисоб бойликлари билан гавдаланиб турибди. У бизнинг келажакдаги энг катта бозоримиздир»,— деб таъкидланган эди³.

XIX асрнинг иккинчи ярмида матбуотда баён этилган ўша фикр-мулоҳазаларнинг түғрилиги Россиянинг үлкада тўла ҳукмронлиги ўрнатилган даврда янада яққол кўзга ташланди. Чор ҳукумати ва капиталистлар савдо-сотиқни ўз қўлларида тўплаб, бойликларига бойлик қўшиб бордилар. Бу хусусда XIX асрнинг охиirlарида Фарғона вилоятининг ўзидағина газламалар ва пахта билан савдо қўилувчи 36 фирма ҳамда ҳар йили 100 млн. сўм ҳажмида иш юритувчи Давлат банкининг бўлимлари борлигини эслатиб ўтиш кифоя.

Кўрсатилган вақтда Н. Фёдоров деган кимса Туркистон гўё Россия учун даромад манбаи эмас, деган соҳта фикрнинг нотўғрилигини баён этиб ёзган: «Фарғона водийсида, умуман, бутун Туркистонда турли-туман табиий бойликлардан ҳали фойдаланилган эмас. Аммо Оренбург—Тошкент темир йўлининг қурилиши ўлкани бизнинг саноатимизнинг олтин хазинага айлантириши ҳамда марҳум молия вазири Вишнегородскийнинг Туркистон «Рус тожидаги жавоҳир», деган сўзларининг оқланишига асос бўлади».

¹ «Московская ведомость». 1867, № 146.

² «Русская ведомость». 1867, № 98.

³ «Голос». 1867, № 220.

Хақиқатдан ҳам, «Рус тожининг жавоҳири» бўлмиш Туркистон Россиянинг энг бой хазинаси сифатида, дехқонлар оммаси эса бутун мамлакатнинг энг қашшоқ аҳолиси тарзида «шуҳрат» қозонди. Унинг аҳволи, айниқса, биринчи жаҳон уруши даврида (1914—1918 йй.) мисли кўрилмаган даражада оғирлашди. 1914—1916 йилларда Туркистондан Россияга фронт баҳонасида 41 млн. пуд пахта, 3 млн. пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 471 минг пуд балиқ, 70 мингта от, 2.925 минг пуд жун, 12.737 та туя, 13441 та ўтов, 270 та арава, 38.004 кв. метр шолчалар ва бошқа нарсалар олиб кетилган. Қизил ярим ой жамияти 1916 йилда ҳалқдан 2.400 минг сўм пул тўплаб Россияга жўнатган.

1914 йил 15 октябрда пахтанинг ҳар пудидан 2 сўм 50 тийин, яъни «пахтадан ҳарбий солиқ» олиш ҳақида ти император имзо чеккан фармони чиқарилди. Шу муносабат билан Қўлон биржа комитети ўзининг Петрограддаги вакили В. В. Уржумцевга ҳарбий солиқни тұлашга розилиги, лекин «дехқонларнинг оғир иқтисодий аҳволини» ҳисобга олган ҳолда солиқни 1 сўм 50 тийинга туширишга эришиши ҳақида шошилинчнома жўнатди. Аммо ҳукумат вакиллари дехқонларнинг қашшоқлашганини ҳисобга олмай, 1915 йил 18 январда қўшимча қарор қабул қилди. Бунда шундай дейилган: «Ўрта Осиё, Тошкент, Фарғона, Қавказорти, Байкалорти, Сибирь ва Омск темир йўл станцияларида ҳамда Қаспий денгизи, Волга, Ока, Кама ва Мария сув ҳавзаларидаги темир йўл ва кемалар бекатларида пахтанинг ҳар бир пудидан 2 сўм 50 тийиндан солиқ олинсин¹. Бу тўловининг оғирлиги асосан пахтакорлар зиммасига тушарди. Шунинг учун ҳам Қўлон биржа комитети солиқни камайтиришини сўраган эди².

Ҳақиқатдан ҳам, «ҳарбий солиқ» 30-40 млн. сўм атрофидаги маблағни ҳукумат хазинасига тушириб, пахтакорларнинг аҳволини чидаб бўлмайдиган даражада ёмонлаштириди.

Улкада озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархитобора ошиб бораверди. Бундай ўта мушкул вазиятдан капиталистлар ва судхурлар фойдаландилар. Мухбирнинг Фарғонадан юборган ахборотига кура, 1916 йилда,

¹ Кокандский биржевый комитет. Коканд. 1915 г., стр. 93.

² Ўша ерда, 90-б.

умум қимматчилик күчайиб бораётган шароитда ип-газламаларнинг нархи катта ҳажмда ошиб борган. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари 80—100 фоиз кўтарилигган бўлса, ип-газламаларнинг нархи эса 300—400 фоизга қимматлашди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг асосан ип-газламалардан фойдаланиши назарда тутилса, у вақтда унинг нархининг чидаб бўлмайдиган дараҷада ошиши натижасида мамлакат чинакам қашшоқликка учраганилиги кўзга ташланади.

Отларнинг кўплаб фронтга олиб кетилиши орқасида нархи 50 сўмдан 100—200 сўмгача ошиди. Натижада, пахтакорлар отсиҳ қийин аҳволга тушиб қолдилар. Айни бир пайтда қўйларнинг нархи мисли кўрилмаган дараҷада қимматлашди. Умуман, бозорда нимаики сотилса, барчасининг нархи жуда баландлашиб кетди. Шундай оғир вазиятга қарамай, чор ҳукумати, капиталистлар ва судхурлар пахтакорларни шилавердилар. «Молларга,—деб ёзилган манбада,—талаб катта, нархлар кунда эмас, ҳар соатда ошмоқда. Умуман, нархларнинг пасайишига умид йўқ. Узларнинг поксизликлари ва савдодаги гирромилклари билан ном чиқарган саноат доиралари ҳеч бир нарса билан ҳисоблашмай, ўз манфаатларни ўйламоқдалар. Улар чүнтакларини олтин билан тўлдиришга мукласидан тушиб кетдилар. Уятсизлик касаллигига чалинган кулоқлар ҳам, куз ёшлари билан тўлган денгиздан бойликларни тўпламоқдалар».

Пахтакорлар қайси дараҷага тушиб қолганилигини шарҳловчи мазкур сатрлар билан якунлаймиз. Чунки, саҳифаларда келтирилган маълумотлар чор ҳукумати даврида ўзбек пахтакорлари ниҳоятда қашшоқлашганилигини кўрсатиб турибди.

Демак, хулоса қилиб айтганда: Биринчидан, чор ҳукумати Туркистон заминининг турли-туман бойликларини эгаллашни ва уни Россиянинг хом ашё манбани ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришни кўзлаб ҳарбий юришларни ўюштирган эди. У бу мақсадни амалга оширгандан кейин, пахтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият бериб, Америка пахта навларини иқлимлаштиришга муваффақ бўлди. Бу ҳолат ўзбек пахтачилигига янги воқеа ҳисобланди. Чунки маҳаллий пахта навларнинг сифати кўпроқ ҳунармандларнинг талабларига мос тушарди. Зоро, унинг толаси анча калта ва дағал ҳисобланган. Шунингдек, у чаноғида очилмаганлиги учун чаноқ узиб олиниб, сўнгра ундан

пахта ажратиб олинарди. Бу мاشаққатли мәжнатни талаб қилиб, таннархнинг ошишига олиб келган. Америка навида пахта чаноғида очилган ва жойида териб олинган. Унинг сифати юқори бўлиб, түқимачилик саноати талабларига тулиқ жавоб берган.

Шу равишда, XIX асрнинг 80—90-йилларида ўлкада жаҳон андозасига жавоб берадиган янги пахта навлари иқлимлаштирилган эди;

Иккинчидан, пахтачилик янги сунъий суфориш тармоқларини кенг куламда йўлга қўйиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эмас, балки илгаридан фойдаланиб келинаётган экин майдонлари доирасида ривожлантирилди. Бу озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг камайиши ва нарҳ-навонинг ошишига олиб келди. Айниқса, ғаллачиликка катта зарба берилди.

Пахтачиликнинг янги навлари Фарфона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида тобора кўп етиштирилиб борилди. Улар, айниқса, Фарфона водийсида салмоқли ўринни эгаллади. Бу ерда етиштирилган пахта бутун Туркистон ўлкасида олинадиган пахтанинг 60 фоизидан ортигини ташкил этган. XIX асрнинг охири—XX аср бошларида пахта яккаҳокимлигининг пойдевори бунёд этилиб, улка Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Чунончи, 1890 йилда ўзбек пахтаси рус түқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг 8 фоизини ташкил этган бўлса, 1916 йилга келиб 72 фоизга кутарилди;

Учинчидан, пахтачиликнинг ривожлантирилиши мустамлакачилик нуқтаи назаридан амалга оширилган эди. Undan олинган катта даромадлар чор ҳукумати, капиталистлар, савдо-саноат доиралари томонидан ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштиришга аҳамият берилмади. Пахтакорлар мәжнатига яраша ҳақ ололмай қарздорлик кишанлари билан боғлаб қўйилди. Натижада, ўзларининг бир парча ерларидан ва умуман, мол-мулкидан айрилган деҳқонларнинг сони тобора ошиб бораверди. Ўлкада қашшоқлик ҳукм суріб, халқнинг ҳаёти ғоятда ёмонлашди.

Тўртингчидан, совет давлати чоризмининг пахтачилик соҳасидаги сиёсатининг меросхўри сифатида пахта яккаҳокимлигини тўла амалга ошириди. У даврда пахта 5—6 млн. тонна ҳажмида олиниб, деярли ҳамаси Марказга жўнатиб турилди. «Пахта васвасаси» мисли кўрилмаган даражада авжига миниб, жамият

ҳаёти ва тақдирини белгиловчи омил сифатида тавда-
лантирилди. Деҳқон оммаси кул каби шафқатсизларча
ишлатилиди.

Пахтадан олинадиган сон-саноқсиз даромадлар Мар-
казнинг хазинасига дарё каби оқиб бораверди. Пахта-
корлар эса оғир ҳаёт гирдобида яшади. Ер, сув, қўйинг-
чи, табиатдаги барча борлик кимёвий ўғитларнинг
меъёридан ортиқ ишлатилиши натижасида заҳарланди.
Турли касалликлар, бевақт ўлганларнинг сони тобора
кўпайиб бораверди. Умуман айтганда, чоризм ва совет
даврида пахтачиликнинг кенг кўламда ривожлантири-
лиши шу даражада даҳшатли фожеаларни юзага кел-
тирдики, таърифлашга қалам ожизлик қиласди.

Фақат Узбекистон мустақиллiği тиклангандан ке-
йингина бундай фожеалар бартараф этилиб, ўзбек
халқи пахтанинг чинакам эгаси бўлиб қолди.

Давлет ҳадибимо яни тоғапчалардай мисаллар
бөршенинг ўтиши ишлар буда ишмасло ишларди сабаклаштиришади.
Рўйиёт беъдиликниң сабакларидос шаттаданда ишлар
зарурда олардан олар бўйича тозебашини
худоидар оларни ишлардан оларни оларни
худоидарни оларни оларни оларни оларни
худоидарни оларни оларни оларни оларни

ЖАДИДЛАР ҲАРАҚАТИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЗАМИНИ

Мустақиллик шарофати ила матбуот саҳифаларида
Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Наим Каримов, Аҳ-
мад Алиев, Дилором Алимова, Қарим Норматов ва
бошқа муаллифларнинг жадидлар фаолиятига бағиш-
ланган сермазмун мақолалари чоп этилди. Улар тарихи-
мизда ўчмас из қолдирган, лекин совет даврида сур-
бетларча қоралангандар жадид ҳаракатини холисона ўрганиш, оқлаш ва оммалаштиришга ҳисса қўшилар.

Аммо, жадидлар ҳаракатини юзага келтирган заминларига доир масалаларни ёритиш ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Мазкур ишда уларни ўрганишга ҳаракат қилинди. Шубҳасиз, бу катта масалани бир мақолада тўла-
тўкис ҳал этишнинг иложи йўқ, албатта. Ўйлайманки, муҳтарам ўқувчилар буни ҳисобга оладилар.

Маълумки, муҳим тарихий воқеалар тасодифан ва фавқулодда содир бўлмай, ўзларининг илдизи ва заминига эга бўлади.

Шунга ўхшаш, жадид ғоялари ва ҳаракати ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги шароитга боғланган ҳолда шаклланди ва тобланди. Бошқача-роқ айтганда, улар ўша давр сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг акс садоси сифатида гавдаланди.

СИЁСИЙ ЗАМИН

Жадидлар сиёсий фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан сурорилган эди. Бу ғоялар, аввалимбор XIX асрнинг 50—70-йилларида ўзбек ҳалқининг Россия тажовузига қарши жангларида ўз ифодасини топған эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам ҳалқининг қалбидаги жўш уриб турди. Бу ҳамиша ўз ҳалқининг дардидаги яшаган ва унинг озодлиги учун жо-

нини тиккан жадидларнинг ҳам онги ҳамда қалбини чулғаб олди.

Чунки рус давлати мінтақада миллий давлат ва қўшинни тутатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурӣ тизимни ташкил этиб, бутун мінтақанинг ягона эгаси бўлиб қолди. Рус ҳукумати 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиб, К. П. Кауфманни губернатор қилиб тайинлади. У 1868 йил 1 январь куни Тошкент шаҳрининг нуфузли кишилари хузурида нутқ сўзлади. У ўз сўзида рус давлатининг Туркистон заминига бостириб киришини ва қонли урушларни «оқлаш», «ҳаспушлаш» учун кўп найрангбозлик қилди. Зоро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик хукм суриб, ҳалқ оммаси ҳамиша оғир аҳвол ва азоб-уқубатда яшаганлигини таъкидлади. Чор ҳукумати туб аҳолига озодлик ва фаровон ҳаёт баҳш этиш мақсадида Туркистонни эгаллаган эмиш. У ўлкада ўзи тузган мустабид сиёсий-маъмурӣ тизимни мақтаб шундай дейди: «Баҳт-саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни, улуғ императорнинг марҳаматини англашига туб аҳолининг ақл-идроқи етарлимикан?.. Такрор огоҳлантираманки, сизларнинг тақдирингиз ўзларингизининг қўлларингизда. Агар ўзларингизни фойдангизни уйлаб ва бизнинг марҳаматимизни ҳис этиб, чор ҳукуматига хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлсангизлар баҳтли ҳаётга эришасизлар. Борди-ю, сизлар бошқача иш юритиб ҳукуматга қарши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади».

Қўриниб турибдики, К. П. Кауфман ҳалқни чор ҳукуматининг атрофига жипслashiшга даъват этди. Акс ҳолда, ҳарбий куч ишлатишни баён қилди. У рус давлатини имкони борича, адолатли ва инсонпарвар давлат сифатида тасвиrlашга ҳаракат қилди. Ўзини эса, мана шундай «салоҳиятли» давлатнинг Туркистондаги вакили сифатида гавдалантириди. Аммо, кўп ўтмай рус давлатининг ҳам, шахсан ўзининг ҳам ишқоби йиртилиб, ҳақиқий башараси ошкор бўлди. Чунончи, К. П. Кауфман босқинчилик ва талончилик урушини давом эттириб, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини ваҳшийларча босиб олди. Шундан кейин рус ҳукумати мінтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан иборат уч қисмга парчалаган ҳолда бошқарди. Рус ҳукумати генерал-губерна-

тор лавозимига улуғмиллатчилик руҳи билан сүфорилган ва қаттиққўл кимсаларни тайинлади. Улар ўлқада мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни изчиллик билан амалга ошириб, бойликларни талашда муҳим ўрин эгалладилар. Шу боис, уларининг исм-шарифларини үқувчилярнинг билиб қўйиши фойдадаи ҳоли бўлмайди деб үйлайман:

К. П. Кауфман (1867—1882), Н. А. Тевянов (1904—1905).

М. Г. Черняев (1882—1884), Д. И. Субботин (1905—1906).

Н. О. Розенбах (1884—1888), Н. И. Гродеков (1907—1908).

А. Б. Вревский (1889—1898), П. И. Мишенко (1909).

С. М. Духовский (1898—1901), А. И. Самсонов (1909—1913).

Н. А. Иванов (1901—1904), А. Н. Куропаткин (1916—1917).

Улардан ташқари. 1914—1916 йиллар орасида Флуг, Мартсон ва Ерофеев деган кишилар вақтичалик губернатор бўлиб тургандар. Генерал-губернаторлар ўзларининг ёрдамчилари ва маҳсус кенгаш аъзолари билан иш юритгандар. Генерал-губернаторлик қошида ижроий орган — уч бўлимдан иборат идора (канцелярия) бўлган. Биринчиси, бошқарув ва маъмурӣ шахслар; иккинчиси, ер, солиқлар, қурилиш, алоқа, үқув ва санитария; учинчиси, молия ва ер солиқларига доир масалалар билан шуғулланган. Шунингдек, бу бўлим вақф мулклари, статистика ва хорижий фуқароларни ҳам назорат қилиб турган. Идора қошида Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари билан алоқани таъминловчи дипломатия бўлими ҳам фаолият кўрсатган. Ўлканинг олий ва ўрта бошқарув лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланди. Генерал-губернаторлик таркибига Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари киритилиб, Тошкент шаҳри унинг марказига айлантирилди. Вилоят ва унга қарашли уезд бошлиқлигига ҳам ҳарбий кишилар қўйилди.

Вилоят ҳарбий губернаторлари ўз қўл остидаги шаҳар, қишлоқ ва овуллар устидан қаттиқ назорат ўртиб, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширгандар. Бу ишда вилоят бошқармаси ижроий орган сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Вилоят ҳисобидаги уездларга катта-кичик шаҳарлар,

қишлоқ ва овуллардан ташкил топган волостлар кирган.

Улкадаги қуйи бошқарувга, хусусан, волость, қишлоқ ва овул оқсоқоллик лавозимларига маҳаллий аҳолининг вакиллари «сайлор» йўли билан тайинланган. Улар рус маъмуриятининг кўрсатмаларини сўзсиз бажарадиган ва ўта итоаткор кишилар ҳисобланган.

Шундай қилиб, маҳаллий юқори табақа вакиллари олий ва ўрта бошқарув лавозимларидан маҳрум этилиб, сиёсий майдондан сурн сурниб ташланди. «Маҳаллий халқнинг орасида, — деб ёзганди Фарғона вилояти губернатори, — хоннинг амалдорлари ва айниқса, руҳонийлар сингари душманларимиз кўп. Биз бу ўлкага келганимиздан кейин улар фақат собиқ мавқеларидангина эмас, балки яхши ҳаётни таъминловчи имкониятларидан ҳам айрилдилар. Ўша тоифадаги кишилар ўз жамиятининг руҳи ва заиф томонларини яхши билганларни учун аввалги тартибларни тиклаш мақсадида халқни русларга қарши отлантиришга қодирдирлар».

Дарҳақиқат, хонлик даврида ўз ватани учун хизмат қилган кишилар оз эмас эди. Улар фақат даромадларидан айрилганларни учун эмас, балки она юрт мустақилларини тиклаш учун курашга тайёр эдилар. Ҳатто, улардаги мустақиллик учун кураш ҳаракати XX аср бошларига, яъни кейинги авлодга мерос сифатида ўтиб борди. Бу хусусда архив манбаларида шундай дейилган: «Рус давлатига бўйсундирилганига қадар, Фарғона мустақил давлат ҳисобланниб, ўзининг тарихи, ҳукмрон синфи ва бошқарув тизимиға эга эди. Уларнинг йўқолганига ҳали чорак аср бўлгани йўқ. Шунингдек, янги шароитга мослашиб учун бир кишининг умри ўтгани йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларнинг булишини назарда тутган ҳолда, маҳаллий аҳолини қаттиқ назорат остида сақлаб туриш зарур. Чунки улар ўз ҳолига ташлаб қўйилтганлиги учун доимий равишда назорат қилишнинг имкони йўқ. Янги тартиб ва қонунлар орқасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларнинг қисқартирилиши туфайли иқтисодий манфаатларига ҳам зиён етказилди»¹.

Рус ҳукумати биринчи навбатда, дин пешволарини

¹ Центральный Государственный архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. З. д. 412, л. 27.

энг хавфли душман ҳисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка қисиб» қўйишга ҳаракат қилди.

Маълумки, рус ҳукумати қозилик судини сақлаган бўлса-да, лекин қозилар қаттиқ назорат остида ушлаб турилди. Улар ва қуий маъмурият вакиллари биргаликда «гаҳ деса қўлга қўнадиган» тарзда ишлатилган. Ҳатто арзимаган баҳоналар топиб ваҳимада ва қўрқуда ушлаб турилган. Масалан, Қўқонда 25 та қозилар эски қабристонларни бузмасликни сўраб ариза ёзганларида, улардан бир нечтаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин, бир гуруҳ нуфузли кишилар норозилик хатини ёздилар. «Хонлар вақтида, — дейилган унда, — қозилар шариат қонунларини билганликлари учун мукофотланганлар. Аммо халойиқ қозиларнинг бекордан-бекорга лавозимларидан бушатилганини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шарнатга зид ишларни қилмаганлар»¹.

Рус маъмуриятининг қозиларга нисбатан қўллаган адолатсизлиги жамоа аҳлининг норозилиги ва нафратини янада кучайтирди. Шунинг учун вилоят ҳарбий губернатори А. А. Абрамов қўзғолон кутарилишидан қўрқиб, агар тартибсизликлар рўй берса, у вақтда қозиларни Сибирга сургуи қилинишини маълум қилди². Айни пайтда, Қўқон уездининг бошлиғи: «Агар дин пешволари тартибсизликларда қатнашсалар, мадрасаларнинг ёспилишини ва вақф ерлари тамомила давлат ихтиёрига ўтказилишини»³, билдириди. Шикоятга имзо чеккан қозилардан 10 киши ҳибсга олинган эди.

Шунингдек, уларга хайриҳоҳлик билдириган эллик-бошилардан 8 таси қамалди. Бу ҳол оғир ҳаёт гирдобида турмуш кечираётган халқнинг норозилигини кучайтириб, оломон тўплана бошлади. Натижада хавфли вазият юзага келиб, қўзғолон кутарилиши аён бўлиб қолди. Бундан чўчиб кетган ҳарбий губернатор қози ва эллик-бошиларни қамоқдан озод этишга мажбур бўлди. Қози Мулла Ашур шикоятнинг ташаббускори сифатида Сибирга сургуи қилиниши керак эди, лекин вазият кескинлашганлиги туфайли бу ҳукм ҳам бекор қилинди⁴.

Рус ҳукумати ўлкада ўзига мустаҳкам таянч ҳосил

¹ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ф. 19, 1-рўйхат, 332-иш, 43-б.

² Уша жойда, 22-б.

³ Уша жойда, 27-б.

⁴ Уша жойда, 53—54-б.

қилиш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида рус шаҳарлари ва посёлкаларини бунёд этди. Бу жойларга минглаб руслар жойлаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги русларнинг сони 197.420 кишига етди. 1909 йилда эса улар 619.320 кишини ташкил этди. Натижада, ўлкадаги ўтроқ ва кўчманчи аҳоли унумдор ерлар ва яйловларнинг талай қисмидан маҳрум бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолди. Ўлкада русларнинг тобора кўпайиб бориши сиёсий жиҳатдан ҳам туб аҳолига ўта хавфли эди. Зоро, улар рус давлатининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини мустаҳкамловчи омила гайни турган гап эди.

Шундай қилиб кўрдикки, XIX асрнинг иккичи ярми—XX аср бошларидаги Туркистон заминидаги мустамлакачилик ва улуғмиллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим барпо этилди. Рус ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқ беришни хаёлига ҳам келтирмади. Рус матбуоти ва илмий асарларда Туркистон ўлкаси очиқдан-очиқ «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланди. Иш шу даражага бориб етди, «Русский Туркестан» («Рус Туркистан») атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб ҳалқ ўзбек ва қозоқ сингари асл номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), «туземец» («ерли аҳоли») деб юргизилди. Қозоқлар эса «киргизы» («қыргизлар») номи билан аталди.

Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини чор ҳукуматига қарши қудратли муҳолифатга айлантириди. Уларнинг орасида маҳаллий юқори табақаларнинг илфор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч-қувватга тўлиб борди. Бу ғоялар жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун жадидлар мазлум ҳалқни озодлик курашига даъват этдилар. Зоро, Абдурауф Фитрат шундай ёзган: «Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни «Урхавалари» билан титратган йўлбарс болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?.. Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар!».

Бинобарин, жадидларнинг йўлбошчиларидан бири бўлмиш Фитрат ҳалқини довюраклика чақириб, она юрт учун курашга отлантиради. У ўзининг «Темур сагана-

¹ «Ўзбекистон адабиёті ва санъати», 1992 й., 5 июнь..

си» номли пьесасида чор ҳукуматининг мустамлакачи-
лик сиёсати орқасида Туркистон замини ўзининг собик
куч-қудратини ва шон-шуҳратини йўқотиб, мисли кў-
рилмаган даражада оёқости қилингани, хўрлангани,
талангани ва хонавайрон бўлгани ҳақида баён этган.
Зоро, «Темур сағанаси» пьесасининг қаҳрамони Амир
Темурга мурожаат этиб шундай дейди¹:

Багрим ёнақ, юзим қора, кўнглим
синик, бўйим букик.
Сенинг зиёратингга келдим, Султоним!
Эзилгаи бошим, кесилгаи виждоним,
куйган қоним, уртангал жоним учун,
бу сағанандаш даво излаб келдим, Хоқоним!
Юз ийлардан бери жафо кўриб, ғам
чекиб келгаян туркишиг қонли кўз
ёшларини этакларинигга тўйкарга келдим.
Қоронгулар, ичра қолган ўзбек қўзлари учун
Тупроғингдан сурма олтани келдим.
Туркнинг номуси, эътибори, иймони,
Виждони золимларнинг аёғлари остида қолди!
Туркнинг юрти, улоги, учоги, Туруни ёт қўлларга
тушди.
Туркниш белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат
ўлласига кетди.
Сенинг қиличиниг билан дунё эгаси бўлган
Турк тинчгини бир ётоқ тополмай қолди.

Мазкур мисраларда Амир Темур хўрланган ва та-
ланган авлодлари учун руҳий куч-қулрат сифатида
таърифланган. Пьеса қаҳрамони унга мустақиллик ва
озодликнинг рамзи сифатида мурожаат қилиб, мадад
сураган. У Темур руҳига яна шундай сўзларни айтади:

Эй, арслонлар арслони,
Менинг ёзуқларимдан ўт,
мени қўлимни тут,
Белимни боғла, муқаддас
фотиҳангни бер...
Сенинг дунёга сигмагац гайратинигга
Оит ичаманки, Турунинг эски шараф ва улуғлигипи
қайтармасдан бурун аёғларинигда ўтирмасман.

¹ Мазкур маълумотлар биринчи марта профессорлар Б. Қосимов ва Н. Каримовлар томонидан эълон қилингап. Муаллиф архиви.

Бинобарин, пьеса қаҳрамони фақат иолиш билан чегараланмай, Туркистон «шарафи ва улуғлигини» тиклаш учун курашишга қасам ичади. Бу жадидларнинг озодлик фоясини акс эттирувчи омиллардан биридир. Бу хусусда Беҳбунийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» газетасида чоп этилган мақоласи ҳам диққатга сазовордир. У бунда руслар, яхудийлар ва бошқа ҳалқларга үхшаб барча мусулмонлар ҳам битта сиёсий партияни тузишларини таъкидлади. У Россияда фаолият кўрсатаган партияларни монархистлар, кадетлар, социал-демократлар ва социал-революционерлардан иборат тўрт гуруҳга бўлади. Унда монархистлар партиясининг мусулмон аҳлининг иқтисодий-маданий жиҳатдан ривожланишига қарши туришини қоралаган. Шунингдек, социалистик партиялар хусусий мулкни тугатиб, ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришга ҳаракат қиласётганикларини танқид қилган. Беҳбуний социалистларнинг хусусий мулк, шахс ва оила ҳақидаги қарашлари ўта зиёнли ва мусулмонларнинг манфаатларига зиддигини очиб ташлайди.

У кадетларнинг конституцияли давлатни ташкил қилиш, «ҳарбий кенгаш» ўрнига думани таъсис этиш ҳақидаги ластурини мақтаб, мусулмонларга ҳам тенглик, эркинлик ва тараққиётга эришиш имкониятларини яратишини уқтириб ўтади. У мана шу дастур асосида ягона мусулмон партиясини тузиб, биргаликда ва ҳамкорликда озодлик учун курашга чақиради.

Жадидларнинг сиёсий курашларини тасаввур этишида 1913 йилда «Туркистон овози» ва «Голос Туркестана» газеталарида кутарилган қўйиндаги уч масала ҳам диққатни жалб этади:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли ҳалқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш.

2. Кўчманчи ҳаёт кечириувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилганига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Ушбу масалаларнинг йўналиши чор ҳукуматининг улуғмиллатчилик сиёсатига қарши қаратилган эди, албатта.

Миллий буржуазиянинг вакиллари орасида жадидларнинг мустақиллик ва озодлик фояларига ҳамдардла-

ри ҳам оз эмас эди. Масалан, андижонлик миллионер Миркомил Мирмұминбоев 1915 йилда «Сиёсий жиҳатдан ишончсиз ва давлатта хиёнат қылган шахс» сифатида терговга тортилган¹.

Аммо, у пора бериб қутулиб қолған, 1916 йилги құзғолон вақтида ҳам чор ҳукуматининг сиёсатига қарши зидан иш юритған Миркомилбой Мирмұминбоев императорнинг туб ақолини мәрдикорликка олиш ҳақидағы фармонини қоралаб, унға қарши курашишга даьеват этған. Бу қақда уннинг Құқон ва Марғилоннинг нұфузлы кишиларига йұллаган махфий хатлари далолат беради. У Құқондаги ишончлы кишисига ёзған хатида шүндай деган: «Сизға маълум бұлсинки, Құқон ақолисига ва бойларга одамларни мәрдикорликка бермасылларини тайинланг. Құрқманглар, Россия оғир ахводда, мени үзим бордим ва билдім. Қачонки, одамлар мениннен үстімдан шикоят қылғанларда, мениннен жавобгарлар ишінде тортмадилар, чунки 150 минг сүм бериб қутулдым.

Хозирғи шароитда рус амалдорларига минг сүм берилса, бас, хотинини ҳам, болаларини ҳам беришга тайёрдірлар. Туркиядаги ахвол яхши. Эндиликда биз құлфурушларнинг қониниң ичамиз. Андижон тақдиди мениннен құлымда. Бу хатни үқи, тез жавоб бер ва махфий ушла»².

Шундай мазмундаги хат Марғилондаги Сайд Мамад Эшон номига ҳам ёзилған³.

Миркомил Мирмұминбоев бундай хатларни бошқа шаҳарларга ҳам юборғанligи маълум. Шу равища, у үз халқини Рус давлатига қарши бөш күтаришга даьеват қилишга ҳаракат қылған эди.

Демак, Туркистан заминніда Рус давлатининг ҳукмронлиги орқасида миллий давлатнинг барбод этилиши ва улуғмиллатчилик сиёсати жадидларнинг озодликни тиклашга қаратылған сиёсий ғояси ва курашини шакллантириди.

¹ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. Туркистан генерал-губернаторлығының идорасы, 31-рүйхат, 110-ш, 166-б.

² Ұша жойда. Ф. Фарғона вилояты ҳарбий губернаторлығы идорасы. 2-рүйхат, 148-ш, 66-б.

³ Ұша жойда.

ИҚТИСОДИЙ ЗАМИН

Россиянинг Урта Осиёда ўтказган мустамлака сиёсати, айниқса, иқтисодга катта таъсир кўрсатди. Рус хукумати ва капиталистлар биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини әрзон хом ашё билан таъминлашга қаттиқ киришдилар.

Маълумки, маҳаллий пахта навларининг сифати ва толасининг узунлиги жиҳатидан ҳунармандчилик саноатига мослашган эди. Шу боис, у тўқимачилик саноати эҳтиёжини тұла қондира олмади. Мустамлакачилар буни ҳисобга олиб, улкада Америка пахта навларини иқлимлаштиришга қаратилган чораларни изчиллик билан амалга ошириш ҳаракатига тушдилар. Чунонча, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, маҳсус тажриба станция ва плантацияларда экилди. Ҳатто, чигитлар дәхқонларга бепул улашилди. Ниҳоят, XIX асрнинг 80-йилларига келиб Америка пахта навини иқлимлаштиришни ўзбек дәхқонлари амалга оширдилар ва катта муваффақиятларга эришдилар. Бу пахтанинг толаси анча узун, ҳосилдорлиги ва сифати баланд булиб, тўқимачилик саноатининг талабларига тұла жавоб берарди.

1886 йилда етиштирилган пахтанинг ҳажми 3 млн., 1910 йилда 10,8 млн. ва 1915 йилда 18,5 млн. пудни ташкил этди. Бу пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилиб, ўлка унинг хом ашё манбанга айлантирилди. Бу эса халқнинг, шу жумладан, маҳаллий юқори табақа вакиллари, зиёлиларнинг норозилиги ва нафратиниң үйғотиши турган гап эди.

Пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда пахта тозалаш, ёғ ва совун заводлари юзага келди. Мустамлака даврида пахта тозалаш заводларининг сони 208 тага етиб, уларда пахта тозаланди ва тайёрланди. Уларнинг талай қисми маҳаллий бойларга тегишли эди. Масалан, Фарфона вилоятида 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазия қўлида эди. Аммо-лекин, заводлар техникавий жиҳатдан анча заиф бўлиши билан бирга уларнинг эгалари рус капиталистлари ва фирмаларига қарам бўлиб, улар билан рақобат қилишга қодир эмасдилар. Бундан айрим бойлар мустаснодир, албатта.

Мустамлака даврида миллий буржуазия шаклланиб, жамият ҳаётидаги салмоқли ўрин эгаллаб борди. XX аср

вакиллари қоронгуликда ва қолоқликда, умуман, маънавий қашшоқликда ҳаёт кечирди. Бунда юқоридаги Н. О. Остроумовнинг «хизмати» катта бўлди. Шу боис ҳам жадид Мирмуҳсин Шермуҳамедов шундай ёзган эди: «Табий Туркистонга маориф инспектори қилиб белги. лангач, қарт миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб, мадраса очира олмас эди. Қарт миссионер бунга пичроқ (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зоро, тажрибали бир мактаб ва мадрасада ўқиб чиққан шогирдларда диний, миллий ҳис-туйғу бўлар эди. Улар миссионернинг пичроқ маслагига хизмат этмасдилар. Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёқ тиқилиб тўздирилгач, қарт миссионер Остроумов Туркистондан йўқолди. Туркистон 27 йиллик шум малъундан қутулганидан кейингина сулу олди».

Ҳақиқатан ҳам, Остроумов кўп йиллар мобайнида улуғмиллатчилик сиёсатининг илҳомчи ва ижрочиларидан бири эди.

Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасалар фаолиятига имкон яратилса «фафлата ётган мусулмонларнинг уйғониши» ва «ионимиз яримта» булиши мумкин, деган хавотирланиш йўқ эмас эди.

Курилаётган даврда маънавий ҳаётнинг негизи бўлмиш дин дахлсизлиги сақланган бўлса-да, лекин дин пешволарининг жамиятдаги мавқеянига қаттиқ зарба берилиб, таъқиб остига олинди. Бақф ерларининг қисқартирилиши ва уларни рус маъмурияти назоратига олиниши ҳам диннинг иқтисодий заминини анча заифлаштириди. Дин пешволарининг ҳар бир «иожўя» ҳаракати панисломизм ва пантуркизм сифатида қораланди. Мустамлакачилар халқнинг маънавий ҳаётини тарихий ёдгорликларни харобага айлантириш билан ҳам қашшоқлаштириди.

Босқинчилар ўзбекларни жаҳон тараққиётидан четда қолдириб, фан ва маданиятнинг ўсишига катта тўсқинлик қилди. Бундай, миллатнинг ҳозирги кунинигина эмас, балки келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий курашининг асосини шакллантириди.

Улар биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини оширишга киришдилар. Улар ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юбориши талаб этдилар. Масалан, бундай таклифлар

М. Беҳбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» (1909) ва Чулпоннинг «Дўхтир Муҳаммадёр» (1915) сингари мақолаларида баён этилди.

Жадидлар миллий матбуотни ривожлантириш билан ҳам ҳалқ «кўзини очиш»га ҳаракат қилдилар. Чунончи, улар 1905 йил охирида «Ўрта Осиёning умр гулзорлиги» номида газета чиқаришиб, мактаб ислоҳотларига ва бошқа ҳаётий масалаларга оид мақолаларни чоп этишди. Аммо газета икки ойдан кейин фаолиятини тұхтатишга мажбур бўлди.

1905 йилда жадидларнинг «Тараққий» номли газетаси чиқарилди. Унда маорифда ислоҳотларни утказишга даъват этувчи фикр-мулоҳазалар, ўлка сиёсий-маъмурий тизимини таңқид қилиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашни ўз ичига олган мақолалар чоп этилди. Шунинг учун ҳам газета кўп ўтмай ҳукумат томонидан ёниб қўйилди. 1906 йил сентяброда «Хуршид» («Қуёш») газетаси чиқа бошлаб, унда эҳтиётлик билан сиёсий-ижтимоий бошқарув тизими таңқид қилиниб, ҳалқнинг сиёсий онгини ўйғотувчи мақолалар чоп этилди. Бироқ бу газета ҳам ўша йилнинг охирги ойларида маъмуриятнинг кўрсатмасига биноан тұхтатилди. 1908 йилда «Шұҳрат» деган номда жадид газетаси чиқди. Унда босилган М. Беҳбудий мақолаларидан бирида, туб аҳоли вакилларидан муҳандислар, қонуншунослар, докторлар, иқтисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлекатларга юбориши лозимлиги кўрсатилди. Шунингдек, у сиёсий ҳаётга доир мақолаларни ҳам эълон қилди. Бу газета ҳам, одатдагидек, ҳукумат томонидан ёпилди.

Демак, рус маъмурияти газеталарни бирин-кестин ёниб, жадидларнинг маърифатпарварлик фаолиятига түсқинлик қилиб турган. Аммо, жадидлар бўш келмай 1913—1915 йиллар орасида «Самарқанд», «Садои Туркистан», «Садои Фарғона», «Жонли тил», «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарини ҳамда «Ал-ислоҳ» ва «Ойна» журналларини чиқардилар. Уларда ислоҳотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ўз аксини топди. Жадидларнинг машхур вакилларидан бири Чулпон ўтмиш замонларда маърифат ҳам ривожланганигини, бироқ мустамлакачилик даврида инқирозга учраганлигини таъкидлаган. «Рус ҳукумати вақтида,— деб ёзганди у,— ички Россия мусулмонларини чўқинтироқ ишида Рустами Зол (Рустам Зол) бўлғон, бизнинг маълун Остроумов тўрамизнинг

устози саналган машхур Ильминский чўқинтириш сиёсатининг бири бўлғон машхур Поледонаевга ёзган хатида: «Ерлик халқ орасидан бизнинг учун фойдалик ва ҳеч бўлмагандан зарарсиз кишилар, у рус тилини тутилиб, уялиб, гапиратурғон, ўрисча ёзганда бирмунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернаторимиздан эмас, ҳатто устол бошлиги (мирзо) миздан ҳам қўрқатурғон кишилардир», деган эди.

«Бунга қарши,— деб сўзини давом эттиради Чўлпон,— биз рус тили билан эмас, ҳатто Оврупо маданиятли миллатларнинг тили ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамоққа албатта ҳақ қозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимиизда кўролмоғанимизга бир нарса қўшилса, яъни ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, тутқун қизлари ҳам Ильминский васиятига қарши исен бошласа, ўзи учун энг тотли бўлғон элидан, отонасидан кечиб, минглаб чақирим ерга кетсалар, одам қатори ҳақини, туртки емасдан, урилмасдан, сўкилмасдан ўз хуқуқини ортиғи билан қозонаоламиз. Эски турмуш ўлим тўшагида, йигитларимизнинг чип билимига қараб бу интилишлари эски турмушни бироз аввал ерга кўмгусидир».

Гарчанд ушбу ажойиб ва жўшқин фикрлар 1922 йилда «Қизил байроқ» газетасида ёзилган бўлса-да, лекин ундаги ғоялар ва умуман, жадидларнинг фаолияти рус хукумати вақтида намоён бўлган.

Юқорида қайд қилинган Миркомил Мирмўминбоев Андижонда шифохона ва мадраса очиш учун кўп ҳаракат қилди, лекин рус маъмурияти унинг мавқеи янада ошиб кетишидан ва халқининг «уйгониши» дан қўрқиб режасини амалга ошишига йўл бермади. Бу хусусда қуйидаги архив ҳужжати далолат беради:

Фарғона вилоят бошқармасига

«Миркомил Мирмўминбоев Андижон шаҳрида қурмоқчи бўлган мадраса масаласи бўйича шуни маълум қиласманки, Фарғона вилоят бошқармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуришга иложи борича рухсат этмасликни ва фақатгина эски мадрасаларни таъмиглашга рухсат берилишини сўрайман.

Охирги пайтларда баъзи бир шаҳарларда (Андижон, Қўқон ва Үратепа) мусулмонларнинг баъзи бир мачит

ва мадрасаларига ўқувчиларнинг мисли кўрилмаган даражадаги катта оқими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид ҳолдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирда муллавачалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишига кўпайган. Андижон шаҳрида шундоқ ҳам мусулмон мактаблари керагидан ортиқроғдир».

Туркистон ўлкаси халқ билим юртларининг инспектори имзо чеккан мазкур ҳужжат рус ҳукумати ҳоҳиш иродасининг ифодасидир, албатта.

Демак, рус ҳукуматининг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизликда ва қолоқликда сақлашга, умумжаҳон тараққиётидан маҳрум этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам халқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакцион сиёсатга қарши ўлароқ жадидларнинг маърифий ва маънавий кураши юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларидағи шароит жадидларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилади. Бу тарихий аҳамиятга молик ғойлар миллий буржуазия, руҳоний ва умуман, маҳалий юқори табақанинг илғор вакилларини ҳам қамраб олди. Чунки Россия ҳукмронлиги ўлкани хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди, мустамлакашилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини авжига миндирди.

Ватанга содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш ҳис-түйгулари ҳам жадидлар етакчилигига жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш, билимнин ошириш, миллий ҳис-түйгуларини ва сиёсий оғигини ўстириш учун курашдилар. Бошқачароқ айтганда, улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди, деган тап эмас, албатта. Аксинча, юкорида курсатилганидек, сиёсий қарашлар мавжуд эди-ю, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун хали шароит етилмаган эди. 1917 йилда Россияда Романовлар сулоласи ағдарилиб, сиёсий курашга имкон туғилиши биланоқ жадидлар, миллий буржуазия ва руҳоний вакиллари биргаликда Туркистон мустақиллиги учун сиёсий кураш бошладилар.

ФАРГОНА ВОДИЙСИДАГИ 1916 ЙИЛ ҚҰЗФОЛОНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН

(1956 йилда ёзиб олинган)

ЛАЙЛАЕВ МАВЛОН

Түғилған йили — 1884

Түғилған жойи — Марғилон шаҳри, Тошмозор маҳалласи
Миллати — ўзбек

Отасининг касби — қассоб

Ўзининг касби — чоракор, мардикор, гишт терувчи

Туар жойи — Фарғона шаҳри, Садовай кӯчаси, 11-й

Лайлак исмли отам қассобчилик билан шуғулланып, менинг гўдаклигим вақтидаёқ улиб кетган экан. Шундан кейин бечора онам уч бола билан бева қолиб, бойларнинг эшигига чўри сифатида ишлаб, кўп машаққатларни бошимиздан кечирганимиз. Отамнинг вафотидан 7—8 йил утгандан сўнг, онамни бир чоракор хотинлика олди. Мен ёшлигимга қарамасдан, ўгай отам билан биргаликда Матмусабойнинг ерида чоракорлик қилдик. Бизнинг ҳаётимиз жуда оғир бўлганлиги учун ҳаммавақт йўқчиликда ва азоб-уқубатда яшадик. Мингбошилар, судхўрлар ва бошқа бой кишилар бизларни «ҳайвон» каби ишлатиб, ҳаддан ташқари қаттиқ эзганлар. Мен чоракорликдан кўпинча бош тортиб, шаҳарда ҳаммолчилик, гишт қўйиш, куча супуриш ва бошқа шунга ўхшашиб ишлар билан шуғулланар эдим. Лекин, ҳар қандай ҳаракатларимга ва ишлашимга қарамасдан, қорним нонга тўймас, устим кийимга ёлчимас эди. Гоҳ қишлоқда ўгай отамницида, гоҳ шаҳарда ўзимга ўхшашиб ўртоқларимницида туриб ҳаммавақт сарсонликада умр кечирганиман. 1916 йил рўза ойи кунларидан бирида қишлоқдан шаҳарга тушганимда, камбағалларни мардикорликка олар эмиш, деб эшитдим. Бу хабар фақат мени эмас, балки ҳамма кишиларнинг ҳам ғазабига ғазаб қўшди. Бунинг натижасида золимларга қарши бош кутариш ва мардикорликка бормаслик учун курашиш камбағалларнинг бирдан-бир тилаги бўлиб

қолди. Чунончи, эрталаб Үрда тагига тахминан 20 мингга яқин кишилар йифилди. Бу ерга тез орада чор хуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар ҳам қўлларида қоғоз ушлаган ҳолда етиб келдилар. Улар Үрда тагидаги чойхонанинг баланд супасига чиқдилар. Шундан кейин Маҳмудбек мингбоши ҳалққа қараб «осмон баланд, ер қаттиқ», шунинг учун ҳеч қаёққа биздан қочиб қутуломайсизлар, «биз сизларни нима қилсак, қилаверамиз», «мардикорликка боришларингиз шарт» деганда, бизлар унга қараб: «Сен золим ўзинг бор», «Тўнғиз Маҳмуд мингбоши йўқолсин!», «Биз бормаймиз» ва «Ур!» деб бақирдик. Шундан кейин оломон бошланиб, бойларга қарши ҳужум қилинди. Мен ҳам золим мингбошилардан аламимни олиш пайти келди деб, уларга ҳужум қилдим. Мен биринчи бўлиб Маҳмудбек мингбошини ерга йиқитиб «энди қўлга тушдинг-ку!» деб икки қулим билан томоғидан бўғганлигим учун хириллаб овози чиқмай қолди. Шу ондаёқ оломон мингбошини болта, тош ва ғиштлар билан уриб ўлдирдилар. Шундан кейин мен бир тўда ҳамроҳларим билан «Маҳмудбекнинг уйини куйдирамиз ва мол-мулкни талаймиз», деб кетдик. Қўзғолончиларнинг олдинги сафида мен кетаётган эдим. Шунинг учун йўлда Ҳамид номли миршаб менга ўқ узди, аммо ўқ менга тегмади. Ҳамроҳларим билан бирга миршабнинг олдига бориб, уни отдан йиқитдик ва бошини ердаги тошга урдик. Оломон Ҳамид миршабни ҳам тош ва ғиштлар билан уриб пачақлаб ташладилар. Бошқа бир ўрус миршабни қилаётган ишимизнинг устига келиб қолиб, менга қилич солди ва бўйнимни ярадор қилди. Дарҳол ўртоқларим бўйнимга тупроқ сепиб, белбоғ билан боғлаб қўйдилар. Ўрус миршаби эса қочиб қутулди. Биз Маҳмудбек мингбошининг уйига бориб, бутун мол-мулкни таладик. Мен ўз ўртоқларимга мингбоши уйидаги кийим илинадиган чиройли қилиб ишланган узун дорпечларни ҳам олишларни буюрдим. Натижада Маҳмудбекнинг уйида ҳеч нарса қолмади деса бўлади. Шундан кейин мен Ақшақ қишлоғига, ўгай отаминикига қочиб кетдим. Эртасига шаҳарга қовун сотишга тушган бир дехкон шаҳарда миршаблар мени ахтариб юрганликларини ва агарда мени топиб беришмасалар, шаҳар аҳолисининг ҳаммасини ўлим жазосига тортишлари тўғрисида хабардор қилди. Бу хабарни эшитиб, битта мен сабабли шаҳар ҳалқи қирилмасин деб, ихтиёрий равишда шаҳарга тушдим ва

қамоққа олиндим. Янгибоғдаги маҳкамада менинг оёқ-құлларимни боғлаб, үн бир маротаба аскарлар ерга коптот сингари урдилар. Мен ҳушимдан кетиб қолдим. Башқа құзғолончилар ҳам мен сингари раҳмсиз жазоланди. Янгибоғдаги маҳкамада учта ўзбек хотини құзғолонга фаол қатнашганлиги учун қамалған эдилар. Бу ерда қилич билан жароқатланған бўйним оғирлашиди. Шунинг учун мени ҳарбий касалхонага юбордилар ва бир оз тузалганимдан кейин ҳаммамиз суд қилиниб, мен 15 йилга кесилдим. Оёқларимизни кишанга солдилар ва мени Сибирга сургуни қилдилар. Бу ердан 1917 йилдан кейин ўз ватаним Марғилонга қайтиб келдим.

РАЗЗОҚОВ РАҲМОН

Туғилган йили — 1890

Туғилган жойи — Марғилон уезди, Яққатут қишлоғи

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — арава устаси

Ўзининг касби — отасига ёрдамлашған, шогирд

Туар жойи — Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани. Барлик қишлоқ кенгаши

1916 йилги құзғолондан олдин мен туғилиб ўсган Яққатут қишлоғида пахта, бошоқлы донлар ва сабзавот әкинлари етиштирилар эди.

Қишлоқдаги әкни майдопларнинг анча қисми Мансурхұжа мингбоши, Саидахмадхұжа ва Мамажон каби бойларнинг құлида эди. Бу бойларнинг ерлариде деҳқонлар чоракор сифатыда ишлаганлар. Чоракорлар тинмай ишлашларига қарамасдан, ҳеч вақт ўз ҳаётларидан мамниун бўлмаганлар. Чунки ер эгаси бўлган бой чоракор меҳнат қилиб етказган ҳосилнинг кўп қисмини ўзига олиб, унинг жуда оз қисмини чоракорга берар эди. Шунинг учун чоракор жуда оғир ҳаётда яшаган. Чоракорлар муҳтожлик натижасида бойлардан қарз олишга мажбур бўлганлар. Аммо, чоракор ўз қарзини тўлолмай, бойнинг қарздорлик кишанига тушиб, бойнинг ерида худди қул каби ишлашга мажбур бўлган. Якка хўжаликка эга бўлган майдада деҳқонларнинг ахволи ҳам жуда оғир бўлган. Оғир солиқлар ва ҳосилнинг кўпинча унумсиз бўлиши натижасида майдадеҳқонлар қарздор бўлиб қолар эдилар. Лекин бундай деҳқонлар ҳам қарзларини беролмай, хонавайрон бўлганлар. Чунончи, бойлар қарз олган деҳқонларнинг ерла-

рний, мол-мұлкларының үзларига мажбuriй рағиішда тортиб олиш иүли билан берган қарзларини үндирғандар. Масалан, қишлоқдаги Ғозибеков Ҳошимбек номли бой камбағал деңқон Исматуллаев Қирғизнинг ерини үз қарзини бера олмаганлыгы учун тортиб олган. Шундай иүл билан Мансурхұжа мингбоши ҳам камбағал деңқон Ҳантов Холмирзанинг ерини үзиге қаратиб олган эди. Қишлоқда камбағалларга тутун пули, сув пули, таюоб пули ва бошқа бир қатор солиқлар солинган. Умуман айтганда, 1916 йылғы құзғолон арағасида қишлоқ ва шахар ақолисиининг турмуш ҳаёти жуда ёмонлашиб, меңнаткаш омма зулмга қарши курашиш учун етилиб турған эди. Ана шундай бир пайтда рус ҳукуматининг подшоси үзбеклардан мардикорликка олмоқчи бўлиб фармон чиқарди. Бу фармон маълум бўлгандан кейин камбағалларни шу дараражада қўзғатдики, ҳатто хотин-қизлар ва ёш болалар бутун кечаси билан ухламай, үз оталари, акалари тўпланган жойларда қатнашиб нафрат ва ғазаб билан йиғлаб ўтирилар. Мен турған қариндошларимнинг маҳалласида кечаси билан шовқинсуронлар бўлиб: «Чор ҳукумати ва мингбошиларнинг уйи куйсии!», «Бойларнинг падарига лаънат!», «Мардикорликкни зулмини ҳам биз камбағаллар тортамизми?» дейишиб, золимларга қарши очиқдан-очиқ бош кўташишга қарор қилдилар. Мен ҳам буларнинг ҳаракатига қўшилиб, құзғолонда қатнашдим. Чунки, мингбошиларга ва бойларга бошқалар билан бир қаторда мени ҳам аламим бор эди. Чунончи, отам солиқларни тұлаши билан бирғаликда мингбоши ва бошқа бойларга тегишли араваларни тузатганда, улар отамга иш ҳақи бермас эди. Бундан отам ва мени жуда хафа бўлиб юрар эдик. Мардикорликка олиш тұғрисидаги хабар тарқалған куни эртасига эрталаб шаҳарнинг Үрда тагига 20 миннга яқин кишилар тўпландилар. Булар ойболта, пичоқ, тош, йўғон таёқлар билан қуролланған эдилар. Үрда тагига халқнинг тўплаптандыгини эшишиб, чор ҳукумати ва маҳаллий амалдорлар етиб келиб халқни юпатмоқчи бўлиб, мардикорликка олишиниг гүё камбағалларга фойдалы иш эканлигини тушунтиришга интилдилар. Аммо, халойнқ учига рўмол боғланған таёқларни осмонга кўтариб ва силкитиб: «Мардикорликка бормаймиз!», «Золимлар борсени!» ва «Үр!» деган овозлар кутарилди. Қўзғолончилар амалдорларга ҳужум қилиб Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошиларни энг катта золим

ва бой сифатида үлдирилар. Мен ўз кўзим билан Маҳмудбек мингбоши ўлигини хотинлар томонидан тошбўрон қилинаётганлигини кўрдим. Мингбошиларни үлдиришда мен ҳам бевосита қатнашганимай. Одамлар үлдирилган мингбошиларнинг тепасида туриб: «Худога шукур, золимлардан қутулдик» деб, бир-биirlарига мурожаат қилдилар. Қўзғолон вақтида ўрус ва маҳаллий миршаблардан ҳам кишилар үлдирилди. Шу воқеалардан кейин мен ўз қишлоғим Яккатутга қочиб кетдим ва шаҳарда қўзғолон бўлганлигини хабар қилдим. Бу хушхабар камбағалларни руҳлантириб, Яккатутда ҳам қўзғолон бошланишига олиб келди. Яккатут ва унинг атрофидан келган чоракорлар, хонавайрон бўлган майда дехқонлар ва бошқа камбағаллар эртасига биргаликда қўзғолон кўтариб, золимларга ва чор ҳукуматига қарши курашдилар. Қўзғолончилар Мансурхўжа мингбoshiни уйидан олиб чиқиб, «Бизнинг устимиздаги зулм камми?», «Мардикорликка бойлар борсан», деб унга ҳамла қилдилар. Мансурхўжа мингбоши қочиб қутулди. Қўзғолончилар унинг уйига бостириб кириб, мол-мулкини талон-тарож этди. Новвойчилик билан шуғулланган камбағал Солисев М. Мансурхўжа мингбошининг уйидаги шкафни очиб, бутун қарз векселларини олди ва қўзғолончиларга қараб: «Энди ҳаммангиз қарздорликдан қутулдингиз», деб векселларни ёндириб ташлади. Бу вақтда элликбоши Мирзарайим қўзғолончилар томонидан ҳушидан кетгунча калтакланди. Пешиндан кейин қочиб кетган Мансурхўжа ўрус аскарлари билан келиб, уч кишини оттириб ташлади. Кўп кишилар калтакланди ва қамоққа олинди. Қўзғолончиларнинг молмулклари таланди. Яккатутдаги қўзғолончиларнинг фаол қатнашчиларида 58 кишини, жумладан, мени ҳам тутиб олишиб, Фарғона турмасига қамадилар. Бу ерда ҳаммамиз турли муддатлар билан суд томонидан ҳукм қилинди. Марғилон шаҳридаги Ўрда таги қўзғолонида мингбошиларни үлдиришда ташаббус кўрсатган камбағал Нурматосиб үлдирилди. Қўзғолоннинг фаол қатнашчиси Мукаррамхон ҳам осилди. Мени эса 4 йил каторга жазосига ҳукм қилдилар. 1917 йилдан кейин озод бўлиб, Марғилонга қайтиб келдим.

ІОФУРОВ МУЗАФФАР

Түгилган йили — 1889

Түгилган жойи — Марғилон шаҳри, Машад даҳаси, иккинчи
Қорхўжа маҳалласи

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — деҳқончилик, кўнчи

Ҳизнинг касби — отасига қараашган

Турар жойи — Марғилон шаҳри, 98-квартал, 19-уй

1916 йилининг рўза ойида бўлиб ўтган Ўрда таги қўзголонидан икки кун олдин Саидаҳмадхўжа Фиёсчўжаевнинг уйида чор ҳукуматининг чиновниклари, тўрт минг боши, тўрт депутат ва бошқа ҳукумат катталари йиғилишиб, мардикорликка олиш тўғрисидаги чор ҳукуматининг фармонини амалга ошириши масаласи бўйича муҳокама ўтказилганлиги шаҳарга маълум бўлиб қолди. Мингбошилар ва бошқа амалдорлар мардикорликка олишликдан фойдаланмоқчи бўлиб, бой оиласидан уларнинг болаларини мардикорликдан олиб қолиш шарти билан пора олдилар ва мардикорлик рўйхатига камбағалларни киргиздилар. Бу хабарларнинг тарқалишига Қосимхўжа қозининг кичик укаси Мукаррамхон сабабчи бўлган эди. Мукаррамхон ҳар даҳага одам юбориб мардикорликка фақат камбағаллардан олинмоқчи эканлигини хабар қилди. Шундан кейин, камбағаллар ҳар жойларда тўпланиб, золимларнинг хатти-ҳаракатлари ва жабр-зулмга қарши қўзғолон қилишга аҳдлашдилар. Чунончи, эрталаб соат 5-6 ларда Ўрда тагидаги майдонга бир неча минг кини тўпланди. Буларнинг ичида мен ҳам бор эдим. Тахминан, соат 10 ларга яқин Ўрта тагига шаҳарнинг ўрус ва маҳаллий амалдорлари етиб келиб, чойхона ёнидаги баланд супага чиқдилар ва мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонни расмий суратда эълои қила бошладилар. Ҳалойиқ бирданига бақириб, қўлларида таёқ ва тош ушлаганлари ҳолда золимларга ҳужум этдилар. Натижада, Маҳмудбек ва Мавлонбек каби икки мингбоши, Аҳмад ва Суязов деган мираншаблар оломон қилиниб ўлдирилди. Қолган золимлар отга миниб ҳар томонга қочдилар. Буларнинг кегидан қўзғолончилар тўда-тўда бўлиб қувлаб кетишидилар. Шу воқеа юз берётган вақтда Костя Марков номли полиция старишиси Ўрда тагидаги телефон будкасига кириб кетди. Мен ва Иброҳимов Қимсан у мираншабнинг телефон орқали аскарларни чақиришлигини

аңглаб, дарҳол телефон симини узишга киришдік. Иброҳимов Кимсаннинг ёрдами билан будка устига чиқиб, телефон симини узишга эришдик. Буни күрган будка ичидаги мишлош чиқиб менга қилич билан ҳамла қилди. Аммо қилич менга тегмади. Шундан кейин мишлош отга мишиб қочиб кетди. Мен эса ўз уйимга кетдим. Кечқурун тахминан соат 5—6 ларда Фарғонадан Марғилон шаҳрига чор ҳукуматининг аскарлари келганилигини ва бошқалар билан бир қаторда мени ҳам суриштириб юрганликларини эшишиб, Қўқонга, бу ердан Андижон ва Тошкентга қоғодим. Лекин охирида тутилиб, қамалган бўлсам ҳам, 1917 йилдан кейин суд қилинмасдан озод бўлиб, туғилиб ўсган Марғилонга қайтдим.

ИБРОҲИМОВ КИМСАН

Туғилган йили — 1889

Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Тоглиқ маҳалласи
Миллати — узбек

Отасининг қасби — кавушдуз косиб

Узининг қасби — Марғилон шаҳар почта-телеграф ишчиси

Турар жойи — Марғилон шаҳри, Пушкин кўчаси, 125-квартал,
36-й

Менинг отам Марғилон шаҳрида ямоқчилик ва кавуш тикиш билан шуғулланган. Отамнинг жуда ҳам камбағал бўлищлиги ва оиласизни таъминлай олмаганилиги учун ёшлигимданоқ бойларнинг эшигига бир бурда ноң учун хору зор бўлиб, малай сифатида ишлаганиман. Шунингдек, қоровулчилик, мешкобчилик, новвойларга шогирдчилик ва извоҷчилик ишларини ҳам қўилганиман. Охирида, яъни 1915 йилда телефон тузатиш ҳунарини ўрганиш учун шогирд бўлдим. Бу иш ҳам мени қашшоқликдан қутқара олмади. Менга ўхшашиб кишиларнинг сони жуда кўп бўлиб, ҳаммамиз зулм остида яшар эдик. Ана шундай утакетган даражада оғир шароитда яшётган вақтимизда биз камбағалларни золимлар мардикорликка олиб, бошқа юртларга юбормоқчи бўлдилар. Бу ҳаммамизнига нафрат қўшди ва зулмга қарши астойдил бош кутаришимизга баҳона бўлди. Ҳар маҳаллада қўзғолон бўлган куни кечаси кўчаларда ва ҳатто уйларда кишиларнинг йигилишиб, «бир ёқадан бош чиқарайлик» ва «золимларга қарши курашайлик»,

«Золимларнинг дастидан қаочон қутуламиз» дейишиб, рўза саҳаридан кейин Урда тагига тўпламоқчи бўлдилар. Бу ерга мардикорликка олишга қарши курашиш учун бой гурӯҳларининг баъзилари, жумладан, Қаландархона даҳасининг қозине Қосимхўжа қози ва унинг укалари Умархон ва Мукаррамхон келдилар. Буларнинг ичидан айниқса, Мукаррамхон мардикорликка қарши курашида фаол қатиашди. У қўзғолон бўлган куни кечаси маҳаллама-маҳалла от билан юриб, мардикорликка камбағалларгина олинимоқчи эканилигини хабар қилди. Рўза саҳаридан кейин Янгибогда жойлашган полиция маҳкамаси олдига кўп одамлар тўпланиб, чор ҳукумати амалдорларининг чиқиниларини талаб қилди. Аммо, улар қўрқиб, халқ кўзиға кўринмадилар. Шундан кейин халойик аzonга яқин Қаландархона даҳасидаги Жармачитга келди. Бу ерда ҳам кўп одамлар тўпланиб турган эканлар, Ҳаммамиз бир-бирингизга қўшилиб кетиб, Қосимхўжа қозидан: «Нима учун мардикорликка фақат камбағаллардан олиниади?», «Сиз қози бўла туриб нима учун адолатсизликка қарши чиқмайсиз?» деб унга бақирдик. Қосимхўжа қози эса бизнинг талабимиз ва спиқувимиздан бизнинг томонимизга ўтди ва бизлар билан бирга Саидаҳмадхўжа зовудчиникига бордилар. Бу киши шаҳарининг энг таъсири катта бойларидан бири бўлиб, мардикорликка олишининг биринчи тарафдорларидан эди. Саидаҳмадхўжа ўзининг бу фаолияти билан чор ҳукуматига хизмат кўрсатмоқчи эди. У 4—5 мингдан ортиқ одамларни ўзига қарши келаствганларидан хабардор бўлиб, Фарғонага қочиб кетгани экан. Шуни айтиш керакки, Саидаҳмадхўжага қарши борганиларнинг орасида унинг ихтиёрида ишловчи ишчилар ҳам кўп эди. Биз ҳаммамиз Саидаҳмадхўжани ўйидан тополмай Урда тагига келдик. Бу ерга келаётганимизда йўлдан бизга бошқа одамлар ҳам қўшилди. Бизнинг қаторимиз бир неча минг кишига борди. Биз Урда тагига келсак, бу ерда ҳам жуда кўп кишилар йиғилишган экан. Орадан кўп ўтмай чор ҳукуматининг мансабдорларидан бири мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонин ўқиб тамомламасиданоқ халқ орасидан: «Чор ҳукуматига бормаймиз!», «Золимлардан ўлар бўлсак, ўлиб бўлдик!» — деган овозлар ва шовқин-суронлар кўтарилидни. Шу вақтда эски йиртиқ чопон кийган бир

камбағал (узоқроқда турғаппм учун буинг кимлигини танимадим) одамларининг елкасидан-елкасига эмак-лаб ўтиб, фармонни үқиётган мансабдорга ташланди ва уни құлудаги қоғозга ҹанғал солиб йиртди. Маңсағдор эса уни отишга ҳаракат қылған бұлса ҳам, лекин бундай қилолмай, қиличини құлиға олиб ва ҳар иккى томонға айлантириб, мингбошининг отини миниб ва тұпшончасини олиб ҳар иккى томонға тез-тез отған ҳолда қочиб кетди. Құзғолончилар унинг кетидан құвлаган бұлсалар ҳам, аммо уни ушлолмадилар. Шундан кейин құзғолончилар маҳаллий амалдорларга ҳужум қила, уларни золим сифатида оломон қила бошладилар. Мен эса Үрда тағидаги полиция будкасидан телефон орқали Фарғонадан аскар чақиришга интилаётгайларини күриб, Ғофуров Музаффар билан телефон симини уздым. Құзғолон вақтида мингбошилардан Мавлонбек ва Маҳмудбек оломон остида үлдирилди. Ҳатто мингбошининг, янын Маҳмудбекнинг ўлиб ётган мурдаси ҳам жазоланди. Чунончи, 15—20 камбағал кишилар жуда катта оғир тошлар күтариб келишиб, Маҳмудбек мингбоши мурдасининг устига ташлаб юбордилар. Маҳмудбек мингбошининг қиличини Лайлаев Мавлон номлы бир камбағал тақиб олиб, «золимларни қирамиз» деб орқасидан бир неча минг кишини эргаштириб юрганини күрдим. Иккinci мингбоши Мавлонбекшінг үлдирилиши каппоннинг жувор бозорида юз берған эди. Бу ерда чойхона қуриш учун келтирилған бир неча минг гишт құзғолончилар учун қуорол сифатида хизмат қылды ва бу гиштлар билан бириңчи галда Мавлон мингбоши үлдирилған эди. Бу мингбоши шу даражада оломон қилиндик, унинг гавдаси ғильтарға күмилиб, мутлақо күринмай қолди. Құзғолончиларининг бир қисми чөр ҳукуматининг Суязов номлы полиция старшийсінин құвлаб бориб, ҳозирги электр станциясынинг рұнарасида оломон қилиб үлдирилар. Үрда тағидаги Қодиржон деган нос-пурушининг дүконнің қочиб бекинган иккinci бир ми-шаб ҳам үлдирилди. Құзғолончиларининг бوشқа бир қисми Аҳмад мирабини үлдирилар. Құзғолончиларининг катта бир қисми амалдорларининг үйларига бөститириб бориши учун ҳар маҳаллага тұда-туда булиб кетдилар. Чунончи, Лайлаев Мавлон билан бирғалик да Үрда тағига кетған құзғолончилар Хусанхұжа бойни үлдирилар ва унинг мол-мұлқини талоп-торож

қилдилар. Қўзғолон бўлган куннинг тахминан пешин соат 4—5 ларида Марғилон шаҳрига аскарлар келиб кўп кишиларни қамоққа олдилар ва уларнинг мол-мулк-ларини таладилар. Шу равишда Ўрда тагидаги бўлган қўзғолон тамом бўлган эди.

ЮСУФЛИХЎЖАЕВ УМАРХОН

Тугилган йили — 1866

Тугилган жойи — Марғилон шаҳри, Қаландархона даҳаси

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — қози

Ўзининг касби — қози

Турар жойи — Марғилон шаҳри, Тельман кўчаси. 122-квартал,
135-йи

1916 йилинг 11 июлида Марғилон шаҳрининг хукумат бошлиқлари, жумладан, полиция бошлиқлари ва мингбошилар ўзбеклардан мардикорликка олиш тўғрисидаги император фармонини олганликлари маълум бўлди. Ушбу хабар шаҳар аҳолисини газаблантириб, уларни қўзғолон кўтаришига олиб келди. 11 июлнинг бутун кечаси давомида ҳар маҳаллада камбагалларнинг ўзаро йигилиши бўлиб, бунда улар аҳиллик билан бош кўтаришига маслаҳатлашидилар. Шу равишда 12 июлнинг эрта азонида Ўрда таги деган жойга шаҳарнинг ҳар томонидан одамлар келиб тўпланидилар. Шаҳарнинг амалдорлари ҳам келиб, мардикорликка олиш фармонини расмий суратда ҳалққа қараб эълон қилдилар. Фармон ўқиб эшиттирилаётган вақтда ҳалойиқ шовқин-сурон кўтариб, «жон берсак ҳам мардикор бермаймиз», деб бақириниди. Шундан кейин қўзғолончилар қочиб кетишга интилаётган Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошиларни тутиб олиб ва оёқ остига йиқитиб ўлдирдилар. Мингбошиларнинг уйлари эса таланди. Ана шу воқеаларнинг ҳаммасини ҳалқнинг тарафида турган ҳолда ўз кўзим билан курдим. Шундан кейин ўз уйимга қайтдим ва кечқурун Ўрда тагига чор аскарларининг Марғилон шаҳрига Фарғонадан келганликларини эшитдим. Ўрда тагидаги қўзғолонда менинг акам Қосимхўжа (Қаландархонанинг биринчи қозиси) ва укам Мукаррамхон (ҳеч қандай иш билан шуғулланмасдан бизнинг қарамогимизда яшаган) ҳам қатнашган эдилар. Мени ва акамни қамоққа олишиб, Фарғона турмасига олиб

бордилар. Укам Мукаррамхонни Фарғонадаги Құчқорчи қишлоғында қочиб юрганида полиция старшийси Сотиболди Икромов ушлаб олиб, биз ётган турмага олиб келиб ташлади. 1916 йилдинг октябрь ойнда бизнинг ҳаммамизни суд қилиб, мени ва акамни 15 йил қамоқ жазосига ва укам Мукаррамхонни эса осиб ўлдиришга ҳукм қилдилар. Бунга биноан укамни Фарғона турмасида осдилар. Мен ва акамни Самарқандга юбордилар. Бу ердан биз 1917 йилдан кейин озод қилиндик. Акам 1937 йилда вафот этди. Мен эса ҳозирда 90 ёшга кириб, давлат томонидан нафақа олмоқдаман.

МУҲАММАДИБРОҲИМОВ МУҲАММАДРАСУЛ

Түгилган йили — 1890

Түгилган жойи — Марғилон шаҳри, Машад даҳаси, Иккинчл
Оталиқ маҳалласи

Миллати — ӯзбек

Отасининг касби — тўифурӯш

Ҳизвинг касби — тўифурӯш

Туар жойи — Марғилон шаҳри, 66-квартал, 50-үй

Чор ҳукумати даврида Марғилон шаҳрида бойлар ва камбағаллар ўртасида зиддият ва бир-бирларини кўра олмаслик яққол кўзга ташланиб турар эди. Чор ҳукумати фуқароларни ҳаддан ташқари хўрлаган ва эзган. Бойларнинг орасида энг ёмони ва золими Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошилар булиб, булардан ҳамма зириллаб турган. Чунончи, улар камбағалларни оёқ остига олиб тенар ёки от қамчини билан¹ уради. Мингбошилар ва бошқа бойлар узларнинг қилған адолатсизликлари учун мутлақо жазога тортилмас эдилар. Чунки, чор ҳукуматининг амалдорлари ва бошқа давлат кишилари бойларнинг тарафида туриб бегуноҳ камбағалларни қоралаганлар. Чоракорлар ва бошқа камбағалларнинг аҳволи айниқса қиш вақтида жуда оғир бўлган. Шунинг учун улар бойлардан қарз олиб, буни тўлай олмас эдилар. Бунлай вақтда камбағал янада хонавайрон бўлган. Масалан, Маҳмуд мингбоши этикдўз Охуижон Мирзакаримовининг қарзини бера олмаганлиги учун срини ва мол-мулкини зўрлик билан ўзига тортиб олиб, унга берган қарзини бир неча маротаба ортиғи билан ундириб олган. Камбағалларнинг ана шундай оғир аҳволи туфайли 1916 йилти

құзғолон пайдо бұлған эди. Құзғолоннинг келиб чиқышыга мардикорликка олиш түғрисіндегі ҳаракат ҳам сабабчи булди. Құзғолондан бир-иккى кун олдин Маҳмудбек мингбоши катта үтиришларда «энди пахтамиз очилди», «энди пахтамизни терамиз», деб мәррүләниб ва мақтаниб ганирибди. Бу сұз дархол шашарга тарқалған бұлса ҳам, аммо уннинг маъносига түшүнмай ҳайрон бұлдилар. Фақат құзғолон бұладыған кун — кечаси Маҳмудбек мингбошининг «пахтамизни терамиз», деган сузининг маъноси аёй бўлиб қолди. Чуноччи, камбағалларни 'ва бошқа учалик катта бой бўлмаган кишиларни мардикорликка олиш түғрисида рус подшосининг хабари келган экан. Ана шу мардикорликка олинишидан Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошилар фойдаланиб, пахтадан олинадиган даромадга ўхшаш катта даромадга эга бўлмоқчи эканлар. Яъни, кимининг пули кўп булиб, мингбошиларга пора берсалар, уннинг ўзи ёки ўғли қолишликлари мумкин бўлди. Уларнинг ўрнига мингбошилар фақат камбағалларни мардикорлик рўйхатига олиб, бойлардан катта пора олганликлари маълум бўлди. Бу азоб-уқубатда ҳаёт кечириб, нафратларга тўлиб-тўшган камбағалларни Ўрда тагига келиб құзғолон кутаришлирига олиб келди. Бу ерда отам, мен ҳам ўз норозилигимизни ифода этиш учун кўпчилик бўлиб келдик. Ўрда тагига тахминан 15 мингдан 20 минггача бўлған шаҳар аҳолиси йиғилған эди. Чор ҳукуматининг фармонини ўқий бошлаб, ярмига келмасданоқ халқ орасидан камбағаллар биринчи булиб: «Бормаймиз!», «Золимларга ишламаймиз!» ва «Ўр!» деган садолар остила ошпичноқ, теша, ойболта, пишоқ, гишт, тош, кетмоң дастаси каби нарсалар билан ҳужум қилдилар. Натижада Мавлонбек 'ва Маҳмудбек мингбошилар ўлдирилдилар. Камбағал Нурмат: «Одам бўлиб бир янги кийим кийиб кўрай», деб Маҳмуд мингбоши ўлдирилгандан кейин кийимларини ва этигини ечиб олиб кийди. Құзғолончиларнинг бир қисми камбағал Йўлдош аттор бошчилигига Ўрда тагидаги томошахонага полицияни қувлаб бордик. Умуман айтганда, Ўрда тагида бўлған құзғонлонда отам Мирсаидов Мұхаммадибрөҳим, укам Ҳошимжон Мұхаммадибрөҳимов ва мен фаол қатнашдим. Құзғолон вақтида Фофуров Музаффар телефон симини узди. Бундан құзғолончилар жуда хурсанд бўлдилар. Чунки, телефон симининг

узилиши ўрус аскарларининг тезда етиб келишига түсқиплик қилган. Кечқурун менин, отамни ва укамни Янгибоге маҳкамасига олиб бориб қамадилар. Бу ерда казак аскарлари оёқ-құлларимизни боғлаб, бизларни «сичқон бўйн» қилиб ерга бир печа маротаба тұхтоворсиз урдилар. Шу хилда менин, кеска отамни ҳам жазоладилар. Натижада ҳушимиздан кетиб қолиб, мен 40 кун давомида, отам эса 80 кун давомида ўзимизни бир оз дурустроқ сездик. 82 кишини, жумладан, бизларни ҳам Фарғонага олиб бориб суд қилдилар. Судда гувоҳ ва даъвогар сифатида Марғилоннинг мингбошилари, бойлари ва амалдорлари қатнашдилар. Қўзғолончиларнинг фаол қатнашчиларидан Нурамат ва Мукаррамхон суд ҳукми билан осилди. 75 ёшли отам 15 йилга, мен бир йилга, 20 ёшли укам З йилга кесилдик. Биз 1917 йилда қамоқхонадан озод бўлдик.

МАҚСУДОВ РАҲМАТИЛЛА

Түғилгая йили — 1886

Түғилган жойи — Марғилон уезди, Тошлоқ волости, Тожик
қыпчоги

Миллати — ўзбек

Отаси пинг касби — камбағал деҳқон

Ўзининг касби — камбағал деҳқон

Турар жойи — Марғилон шаҳри, 45-квартал, 22-йи

1916 йилга келиб, азоб-уқубатда яшаётган фуқароларнинг устига шундай оғир мусибат тушники, бу менга ўхшаш камбағалларнинг очиқдан-очиқ золимларга қарши кутарилишига сабабчи бўлди. Бу мусибат ўзбеклардан мардикорликка олиш тўгрисидаги хабардан иборат эди. Ёзёрон волостига қарашли қишлоқлардан ва шунингдек, бизнинг қишлоғимиздан кўп сондаги камбағаллар Марғилон шаҳрининг чеккасидағи Наманганга борадиган йўлда, яъни Чиганоқ деган жойда тўпландилар. Бу ерга волость идораси жойлашган эди. Газабланган халойиқ «мардикорликка бормаймиз», деб амалдорларга қараб тош отдилар. Полиция ва мингбошилар эса халойиққа қараб ўқ узди ва одамларни калтаклай бошлади. Шундан кейин қўзғолончилар золимларга бирданига ҳужум қилиб, улардан бир нечтасини ўлдирилар. Аммо, қўзғолон бостирилди ва кўп кишилар қамоққа олинди, қаттиқ жазоланди. Чиганоқдаги қўзғонда бевосита қатнаш-

гандигим учун мен яшириндим. Лекин, маълум вақтдан сўнг мени мажбурий суратда мардикорликка юбордилар. Ёзёвон волостидан ҳаммаси бўлиб минг киши мардикорликка олинди. Булар билан мени Тошкент орқали Тамбов губерниясига қарабашли Либинский шаҳридаги чўян заводига олиб бордилар. Бу ерда биз назоратчиларнинг калтаклари ва хўрлашлари остида 12 соатдан ишлаб, заводга руда ташидик. Очликдан ва совуқдан бизнинг ҳамроҳларимиз ҳалок бўлдилар. 1917 йилдан кейин бизлар ўз Ватанинига қайтишга муваффақ бўлдик.

РАҲИМОВ ИСЛОМ

Түғилган йили — 1875

Түғилган жойи — Марғилон шаҳри, Сопилтӯда даҳаси, Сопилтӯда маҳалласи

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — темирчилик

Ғазининг касби — темирчилик

Турар жойи — Марғилон шаҳри, 163 квартал, 15-й

Марғилон шаҳрида 1916 йилда булиб ўтган катта қўзғолонда камбағаллар асосий ўринини эгалладилар. Ҳуш, нима учун камбағаллар қўзғолон кўтарған эдилар? Бунга жавоб, камбағалларнинг ҳаддан ташқари оғир аҳволи ва чор ҳукуматининг зулмидан бошқа жавоб йўқ. Шахсан менинг ўзим ва менга ухшаш бир неча юз ҳамроҳларим қўзғолон кўтаришимиздан мақсад, озодлик учун курашдан иборат эди. Шаҳардаги бошқа камбағаллар билан бир қаторда бизнинг оиласиз ҳам оғир шароитда яшаган. Отам ва мен кетмон, ўроқ ва омоқ тиши ясар эдик. Отамнинг вафотидан сўнг, бир ўзимга темирчилик билан шугулланиш оғирлик қилди. Шундан кейин турли ишлар билан шугулландим. Айниқса, отамнинг тириклигидаёқ ичкари ҳовлимизининг Алиёрбой қўлига ўтиб кетниши бизни анча хонавайрон қилган эди. Бечора отам муҳтоҷлик натижасида Алиёрбайдан 40 тилла қарз олиб, беролмай, ичкари ҳовлимизни унга топшириб қарздан қутулган эди. Шаҳардаги ипак газлама тўқувчи косиблар устакорларнинг қўлида ишлаб, тайёрланган газламанинг ўндан бирини ёки саккиздан бирини олар эдилар. Қўпинча косиблар устакордан бу бир қисм газламани қарздор булиб қолганликлари учун ололмас

эдилар. Камбағалларни бойлар ҳар қандай қийинчиликтарға мубтало қилиб, бойликтарини орттиришга ҳаракат қылғанлар. Масалан, Кунжак маҳалласидаги Үсмөнчабой бир камбағал деҳқоннинг ерини ўзиға қүшиб олишни лозим топди. У бунга эришмоқ учун маҳалла катталарини зиёфат қилиб, улардан камбағал деҳқоннинг ерини олиб беришларини талаб этди. Оғзи мойланған маҳалла катталари камбағал деҳқоннинг күрпа-еёстиқларини мажбурий равишда күчага олиб чиқиб ташлаб, уининг ерини бойга зўравонлик билан олиб бердилр. Оғир аҳвол натижаси ҳамда мардикорликка олиш хабари камбағалларни 1916 йилда қўзголон қилишларига йўллади. Қўзголондан бир кун илгари кечқурун мени Мукаррамхон чақириб олиб, қўлимга 4 дона хат берди ва буни тўрт даҳага тарқатишни буюрди. Бу ерда шуни айтиш керакки, Мукаррамхон қозилар онласига тегишили бўлишига қарамасдан, кўпинча камбағаллар билан суҳбатлашар ва маълум иш билан шугулланмас эди. Мукаррамхоннинг тошишриги билан 4 дона хатни тарқатиб, чойхонага келиб ўлтирганимда, орқамдан Маҳмуд мингбоши Шоюсуф ва Азим миршаблар билан келиб мени тутдилар. Билишимча, менинг хат тарқатгалигимни эшишиб келган экан. Миршаб Маҳмудбек мингбоши бошчилигига мени боғлашиб, оёқ болдиримни тилиб, орасига туз сепдишлр. Мен бақирдим ва 'шу онда Мукаррамхон келиб Маҳмуд мингбошига қараб: «Эрталик умринг борми ёки йўқми, ҳадеб ваҳшийлик қиласверасанми, бу камбағал сенга нима ёмонлик қилди?» деб унга дўқ қилди. Мен шундан кейин ҳушимдан кетиб қолибман. Эрта билан аzonда кўзимни очсан, уйимда ётибман ва кучадаги шовқин-суронлар эшитилди. Шунинг учун ва кечқурун ҳамроҳларимга берган ваъда бўйича Ўрда тагига золимларга қарши тўпланишга чиқдим. Аммо, мен кўзғолон авж олиб турган вақтда чиққан эканман. Касаллигим туфайли юра олмасдан, биродарларимнинг қилаётган ҳаракатларини ва курашларини бир четда туриб кузатиб турдим. Чунончи, кўзғолончилардан бир мингдан ортиғи Маҳмудбек ва Мавлонбекларни ураётганилкларини ва бошқа бир қисми эса миршабларни қувлаб кетаётганилларини ўз кўзим билан кўрдим. Бу вақтда Музаффар Гофуров телефон симини узганини ўз кўзим билан кўрдим. Эртасига Лайлаев Мавлон бошчилигига қўз-

ғолончиларнинг бир қисми Маҳмуд мингбошнинг уйига бориб мол-мулкларини талаганликлари ҳақидаги хабар бутун шаҳарга тарқалган. Ўрда тагидаги қўзголонда хотин ва болалар ҳам қатнашган эдилар. Қўзголон бўлган куннинг тахминан кеч соат 5—6 ларида казак аскарлари келганликларини эшишиб, Тошкентга қочиб кетдим. Марғилонга 1917 йилда қайтиб келишга эришдим.

АБДУГАФУРОВ ОРИФЖОН

Тугилган йили — 1875

Тугилган жойи — Марғилон шаҳри, Сегаза кӯчаси, Ўрта Қадим қашлоги

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — камбагал деҳқон

Ўзининг машгулоти — мирза

Гуарар жойи — Марғилон шаҳри, Навоий кӯчаси, 20-квартал, 144-үй

Марғилон шаҳрининг Ўрда тагида қўзғолон бўлган куни тахминан соат 11—12 ларда Қўқондан етиб келдим. Мен Қўқонга шахсий ишим билан борган эдим. Ўрда тагига келганимда бир неча мишиг кишиларни қўзғолон кўтариб фишт, тош ва таёқлар билан у ёқдан-бу ёққа чопғанларини ўз кўзим билан кўрдим. Қўзғолончилар Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошиларни ва бошқа амалдорларни ўлдириб қўйганликлари менга маълум бўлди. Бир неча соат ўтгандан кейин, шаҳарга солдатлар келиб ва уйма-уй юриб қўзғолончи камбагалларни тутиб қамоққа олдилар. Бу ерда қўзғолончилар шафқатиз равишда жазоланди. Уларнинг ҳаммаси Фаргона қамоқхонасига юборилиб, суд қилиниди ва турли муддатларга кесилди. Улардан бир нечтаси эса осиб ўлдиришга ҳукм этилди. Буларнинг оиласи мени вакил сифатида Тошкентга, генерал-губернатор Куропаткиннинг олдига суд ҳукмни енгиллаштириши талаб этиб юбордилар. Чор ҳукумати ва унинг амалдорлари халқ оммасининг суд ҳукмидан жуда қаттиқ норози бўлганларидан чўчиб, ўлим жазоси берилган ҳукмни узоқ муддатли қамоқ билан алмаштириди. Факат қўзғолончиларнинг энг фаолларидан Нурмат ва Мукаррамхон осилди.

ТОППУЛАТОВ МАМАЖОН

Тугилган йили — 1896

Тугилган жойи — Маргилон шаҳри, Қаландархона даҳаси
Миллати — ўзбек

Отасининг касби — 1914 йилгача Файзиобод волостининг оқ-
соқоли, ўртаҳол деҳқон

Ўзининг машғулоти — Фарғона шаҳар билим юртисининг ўқув-
чиси

Туар жойи — Маргилон шаҳри, 27-квартал, 91-үй

Маргилон шаҳрининг Ўрда тагидаги майдонида бўл-
ган қўзғолонда чоракорлар, ҳунармандлар ва бошқа
кишилардан ташқари завод ишчилари ҳам фаол қат-
нашган эдилар. Чунончи, 1914—16-йилларда Маргилон-
да бир нечта пахта заводи бўлиб, буларда асосан, маҳал-
лий ишчилар ишлар эдилар. Завод эгалари Саидаҳмад-
хўжа Ғиёсхўжаев, Мадрайимқори Саримсоқов, Мулла-
қорабек Ботирбеков, Мирзаолим Мирдовидов ва бош-
қалар ишчиларни жуда қаттиқ зэгланлар. Пахта заводи
ишчилари 12 соат ва ҳатто ундан кўп вақт ишлаб, жуда
оз иш ҳақи олганлар. Уларнинг туар жойлари ва тур-
муш ҳаётлари ўтакетган даражада оғир булиб, улар-
нинг орасида турли касалликларга дучор булганлик-
лари оз эмас эди. Завод эгалари ишчиларни оёқости
қилиб, хўрлаганлар. Шунинг учун ҳам ишчиларни ша-
ҳарнинг бошқа камбагаллари билан биргаликда Ўрда
тагидаги қўзғолонда фаол қатнашаётганилларини ўз
қўзим билан кўрдим. Мен бу вақтда ўқишидан таътилга
Маргилон шаҳрига келганлигим туфайли Ўрда таги-
даги қўзғолон гувоҳи бўлишга эришдим. Қўзғолон
вақтида завод ва темирйўл ишчилари темир-терсак ва
гинит ушлаган ҳолда мингбошиларни ва чор амалдор-
ларини ўлдиришида фаол қатнашиб, озодлик курашига
ўзларнинг катта ҳиссаларини қўшидилар.

МИРЗАБОЕВ ТУРСУН

Тугилган йили — 1888

Тугилган жойи — Маргилон шаҳри, Журмон маҳалласи

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — чоракор

Ўзининг касби — чоракор, мардикор, хизматкор

Туар жойи — Маргилон шаҳри, Навомий кўчаси, 1-квартал,
8-үй

Оtam ва онам ўзларнинг уй-жойларига эга бўлмай,
бойларнинг эшигида отам чоракор, онам эса оқсоқ бў-

либ оғір шароитда «ҳайвон» кабін яшәғанлар. Бизларға үхаш камбағалларнинг сони Марғилон шаҳри ақоли-сининг күпчилик қисмими ташкил этган. Шунинг учун ҳам 1918 йилги халқ құзғолонида камбағаллар қатнашиб, золимларга қарши бош күтарған эдилар. Мен ҳам бошқа камбағаллар билан бир каторда Үрда тагидаги құзғолонда қатнашғанман. Құзғолончилар Үрда тагида золимлардан бир нечтасын оломоң қилиб үлдирди. Құзғолондан сұнг мен яшириндім. Лекин, бир неча күнлардан кейин мажбурий суратда мардикорликка олиндім. Мени ва бошқа ҳамроҳларимни Пенза-Сизрань орқали Минский губернасиға олиб бориб, устимиздан жуда қаттық зулм қилдилар ва эздилар. Сұнгра үз она шаҳримга қайтиб келиб, 1917 йилдан 1951 йилгача милиция органларида хизмат қилдім.

МАҲЛАДРАҲИМЖОНОВ УСМОИЖОН

(Рахимов Усмонжон)

Түғилған йили — 1900

Түғилған жойи — Андижон шаҳри, Ұлк даҳа, Қорамула маҳалласи

Миллати — үзбек

Отасининг қасби — новвойчилик

Ұзининг қасби — новвойчилик

Туар жойи — Андижон шаҳри, Иккинчи бүлім, Қызыл юл дүз құчаси, 91-үй.

1916 йил ески ой билан рұза ойида бұлған Андижон шаҳрининг Жомеъ деган жойида халқ құзғолонидан меңні хотираларим тубандаги чадидир:

Халқ құзғолонининг келиб чиқиши шундан иборат бұлған эди.

Мен 17 ёшда, ҳар ҳолда, ёш бұлсам ҳам эсім бор эди. Чунончы, бизлар бойлар томонидан қаттық әзила-әтганимизни ва оёқости қилинаётганимизни жуда яхши сезар әдик. Шунингдек, чөр ҳукуматининг жабр-зулмини тортғанимиз. Мени отам аслида камбағал бұлыб, бағрини кеңаю қуандуз оловга бериб новвойчилик билан шуғулланған. Бу шида мен отамға бевосита ёрдам берғанман. Новвойчилиқдан келадиган даромад шу дара жада оз бұлыб, доимо йүқчиликда ёки мұхтожликда ҳаёт кечирап әдик. Бизга үхаш новвойларни ва бошқа камбағалларнинг ақволи жуда ачинарли эди. Бойларнинг, чөр ҳукуматининг адолатсизликтери ва жабр-

Зұлмі Менға үхшаш қашшіоқтарни құзғолон күтаришігә мажбур қылди. Құзғолоннинг 1916 йилга келиб күтарилишига сабаб, камбагалларни мардикорликка олиш баҳона бұлды. Құп сондаги камбагаллар Андіжон шаҳрининг марказий жойи ҳисобланған Жомеге тұпланды. Бу ерда шаҳар амалдорлари мардикорликка олиш тұррисида оғиз очғанларда халқ орасидан: «Мардикорликка бормаймиз!», «Мардикорлик зулмини тортмаймиз!», «Бойларнинг ўзлары мардикорликка борсны!»—деган овозлар күтариленді. Халқнинг ана шундай золимларға қарши хитобларында қарамасдан мингиштілар халққа қараб дүк қылған эди, халойнқ шу ондағы «золимларни үлдириш пайти келди», дейишиб улардаң биринни тошиғыштлар билан үлдириштілар. Шундан кейин чор ҳукumatининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар Янғи шаҳарға қараб қочабошладылар. Буларнинг кетідан камбагаллар құлларында таек, кетмөн, пичоқ, тош ва бошқа шунга үхшаш нарсалар билан қувиб кетділар ва тахминан бир чақирем үйл босилғандан кейин золимларнинг аскарлари билан қонылғанда шаҳар ҳокими үтирган извошини тұхтатмоқчи бўлиб отнинг жиловини ушладым ва орқага тортдим.

Құзғолончилар эса ҳокимга ёпишдилар, ҳоким извошга үтирганда тұхтатғанимда солдат менға қилич солди ва құлымни тирсагигача чопиб ташлады, шуинингдек, даҳанимнинг таги ҳам қиличдан яраланды. Шундан кейин ҳушимдан кетдім ва фақат касалхонадагина үзимга келдім. Бу ерда мен билап бирғаликда ярадор бўлған құзғолончилардан 20 киши келтирилган экан. Бизлар қаттық назорат остида касалхонада ётдик. Бизнинг орамизда қаттық яраланғандардан камбагал Сайibaҳрор (Шарнибой гузарлық, оғзидан ўқ еган), маҳалла қоровули Ҳожибой, Мақсудали Қори (бошидан қилич еган) ва бошқа құзғолонда қатнашиб яранған бир неча камбагаллар касалхонада үлділар.

Бу ҳодисалар ҳозирғи Андіжон вилюят касалхонаспиининг биносында юз берган эди. Құзғолон қатнашчиларидан ва катта ташаббус құрсағтанлардан тахминан 20 кишини ва мени суд қилич турлы муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. Суд Андіжон шаҳрида бўлиб ўтди. Менинг құлымдан айрилғанимни ва ёшлиғимни ҳисобга олиб, шартли равишда бүшатдилар.

МИРЗАЕВ ПҮЛДОШ

Түгилган йили — 1879

Түгилган жойи — Андикон шаҳри, Бештоти даҳаси, Аъзлам
домла маҳалласи

Миллати — ўзбек

Отасининг касби — чоракор

Ўзининг касби — Рўзиохунбой пахта заводида юк ташувчи,
бойларнинг эшигига хизматкор

Тураг жойи — Андикон шаҳрида яшайди

Андикон шаҳрида қовун пишиғида юзага келган қўз-
голон ҳақидаги хотираларимни сўзлаб ўтмоқчиман. Бу
қўзголонда мен ва бошқа камбағаллар қатнашиб зо-
лимларга қарши курашган эдик. Бизлар қўзголондан
олдин чор ҳукуматига таянган бойларнинг жабр-зулми
остида азоб чекканимиз.

Менинг отам бойларнинг ихтиёрида чоракорлик қил-
ган. Шунинг учун ҳам мен ўқиш ва баҳтли турмушдан
маҳрум эдим.

Отам гўдаклигимда вафот этиши натижасида бизнинг
оиласиз етим қолиб кўп сарсон бўлганимиз. Мен бой-
лар эшигига хор-зор бўлиб «ҳайвон» каби яшаган
эдим. Балогатга етганимдан кейин Рўзиохунбойнинг
пахта заводида юк ташувчи сифатида ишладим. Аммо
менинг оғир ҳаётим яхшиланмади. Чунки завод эгаси
бўлган бой бизни эртаю кеч ишлатиб, жуда оз иш ҳақи
берар эди. Шунинг учун менга ўхшаш завод ишчилари-
нинг турмуши жуда танг бўлган. Оғир шароит ва
зулм, хўрлик натижасида мен заводдан чиқиб кетдим.
Аммо ҳеч қаердан қорнимни нонга «тўйгазадиган» ишни
тополмадим ва бойларнинг қўлида хизматкорликда
эзилдим. Менга ўхшаш бойларнинг ва чор ҳукуматининг
зулмидан азоб чеккан камбағаллар сони жуда кўн
эди. Бойлар ва чор ҳукумати амалдорлари бизлар-
нинг устимиздан ҳар қандай адолатсизликларни қилар
эдилар.

Қорнимиз оч ва ялангоёқ эдик. Бу бизни текинхўр-
ларга қарши курашишга йўналтириди. Шу равнишда биз
Андикон шаҳрида бўлиб ўтган қўзғолонга кириб кел-
ган эдик. Қўзголонда мардикорликка юборишиликка
қарши ҳам чиқсанмиз. Қўзғолондан бир кун илгари ша-
ҳарда мардикорликка фақат камбағалларни олар эмиш,
деган сўзлар тарқалғандан кейин ҳар жойда йигин бў-
либ, бунда камбағаллар «Улиш ёки қолиш», «Золим-
ларга бўш келмаймиз» деган сўзлар билан шовқин-

Сурон қилдилар. Бу йигиплардан хабардор бүлгән чөр ҳукумати амалдорлари ва бойлар бир нечта камбағаларни калтаклаб қамоққа олдилар. Шундан кейин ҳалқнинг норозилиги жуда кучайди ва кечаси билан маҳаллаларда ҳаракат тұхтамади. Эртасига бир неча минг кишилар шаҳарнинг Жомеъ майдонига тұпландылар. Құзғолончилар үтін бозоридаги саксовулларни ва катта соябонларнинг узун-узун ёғочларини олиб ва осмонга құтариб шовқын-сурон солдилар. Одамларнинг құлида тош ва гиштлар, мени құлимда эса таек бор эди.

Оломоннинг ичида хотин-қызылар ва болалар ҳам қатнашдылар. Чөр ҳукуматининг аскарлари билан биргаликда шаҳар ҳокими, амалдорлари ва бошқа бойлар келиши билан оқ уларға ҳужум қилинди. Улар қочндар ва бизлар эса уларни құвладык. Шундан кейин чөр ҳукумати аскарлари бизга қарши үк үзді ва бир чолни үлдірдилар. Бир ёш йигит оғейдан яраланды. Ҳозирги «Меҳнат гули» артелининг олдидә ҳам чөр ҳукумати үқидан бир камбағал ва құзғолончи ҳалок бүлди. Құзғолон қатнашчиларидан бир нечтаси жазоланды ва қамоққа олинди. Мен үзимни панага олиб, то 1917 йылғы февраль воқеасига қадар ҳар жойларда қочиб юрдим.

ДАРВИШЕВ МАҲАМАД

Тұғилған йыл — 1900

Тұғилған жойи — Андіжон шаҳар. Қиялик даҳаси, Омовжұра маҳалласы

Миллати — ўзбек

Отасишинг касби — чоракор

Үзиннинг касби — чоракор

Туар жойи — Андіжон шаҳри, Байналмилаз күчеси, 10-үй

Жомедаги құзғолонда отам ва мен бевосита қатнашиб, чөр ҳукуматига қарши курашған әдик.

Құзғолондан олдин отам Қосимов Дарвіш, Суванбайхожи ва Раҳматуллахожи бойлар ерида етиштирилған ҳосилнинг бешідан бир қисмими олиш шарти билан эртаю кеч меҳнат қылар әдик. Мен ўшлығымдан оқ отам билан биргаликда ишлаб, чоракор бүлғанман. Құзда ҳосил йиғиб олинаётған вақтда бой ёки бойнинг яқын кишиларидан бири шартлашилған ҳосилнинг бешідан бир қисмими күпинча бермаган. Чунки отам шу даражада камбағал әдики, қарздорликдан қутулмаган.

Натижада биз янада чуқурроқ қарздорлик зулмiga бoтib қолгaimиз. Масалан, менинг отам Мамажон бойдан 100 сүм пулни 130 сүм қилиб бериш шартни билан олди. Аммо отамниң чоракордикдан топган пули ҳатто кундалик овқатга етмаслиги натижасида ўз қарзини вақтида беролмади. Шунинг учун бизнинг олган 100 сүм қарзимиз бир йил давомида фоиз туғиб 390 сүмга етди. Бу пулни отам ва мен жуда қаттиқ машаққат ва меҳнатлар туфайли зўрга узган эдик. Қарздан узилган бўлсак ҳам, аммо хонавайрончиликка учраб жуда қашшоқлашидик. Бунинг устига, бизга ўхшаш камбағалларни мардикорликка олиб янада қаттиқроқ эзмоқчи бўлдилар. Шунинг учун мен ва отам маҳалламиздаги камбағаллар билан биргаликда бош кўтариб Жомега келдик. Бу ерга келсак, бир неча минг одамлар тўпланиб турган эканлар. Бизлар уларга қўшилдик.

Мингбошилар, амалдорлар ва бошқа бой кишилар мардикорликка юбориш тўғрисида гапирган вақтда халойиқ: «Бойларга боқиб қўйган боламиз йўқ», «Бормаймиз!»—дейишиб ҳужум бошлади. Золимлар қочдилар. Буларниң кетидан бизлар қувладик ва Қатортеракда чор ҳукуматининг аскарлари билан тўқнашув бўлди.

Камбағал новвой Маҳаммадраҳимжонов Усмонжон ўз кетидан бир туда камбағалларни эргаштиргани ҳолда извошда қочиб кетаётган шаҳар ҳокими ёқасидан тортиб йиқитмоқчи бўлганида бир аскар уни қўлига қилич урди. Натижада Усмонжонининг бутун қўли тирсатигача кесилиб тушди. Бу воқеани мен ўз кўзим билан кўрдим.

Қўзголончилар бўш келмагандан сўнг, чор ҳукумати аскарлари «Янги шаҳар»га қочдилар. Орадан биринки соат ўтгандан кейин, «Янги шаҳар»дан кўп сондаги аскарлар келиб, кўп кишиларни қамоқقا олди. Мен 1917 йилгача қочиб юрдим.

ХОЛЬБОЕВ ОХУНБУВА

Туғилган йили — 1888

Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Сой даҳаси, Яканиш
маҳалласи

Миллати — узбек

Отасининг касби — ямоқчи косиб

Ўзининг касби — бойларнинг эшигига хизматкор

Турар жойи — Андижон шаҳри, Узгарини маҳалласи, Обод
кӯчаси, 23 ўй

Бойларнинг эшигига хизматкор сифатида турли ишларни бажариб бир кунимни зўрга ўтказиб юрган вақтимда мени золимлар мажбурий суръатда мардикорликка олдилар.

Андижонда мардикорликка олиш Жомедаги қўзғолондан кейин юз берган эди. Бу қўзғолон вақтида мен Сегаза деган қишлоқда бўлганлигим учун камбағалларнинг золимларга қарши курашида қатнашолмадим. Шунинг учун мен жуда афсусланган эдим. Чунки, мен ва оиласиз бойларнинг қаҳрли зулмини күп тортгаймиз.

Андижондан минг кишини, жумладан, мени вокзалаға олиб чиқиб поездга ўтиргизганда шаҳар мингбошилари ва бойлари олдимизга келиб «хайрлашмоқчи» бўлган вақтида, биз камбағаллар уларга қарши нафрат сўзларини отдик ва ҳақорат қилдик. Бизning ичимиздаги Абдураҳмонов Эшон деган бир камбағал мингбошига қараб шундай деди: «Меним ҳовлимни тортиб олиб, хонавайрон қилган эдинг. Шундан кейин мен вокзалда юк ташувчилик қилиб юрган эдим. Аммо сен хотинталоқ менин ўз ҳолимга қўймай мардикорлик зулмига тортдинг!» — деб бақирганда ҳаммамиз унинг сўзларини қувватлаб, бойларга ҳужум қилдик. Бойлар чорҳукумати аскарлари ҳимояси остида ўзларини четлатиб қолишга эришдилар.

Аммо мардикорликка олиниг камбағалларнинг чорҳукуматига қарши ҳаракати зўрайиб борди. Бундан хавф олган чорҳукумати амалдорлари Абдужаббор мингбошининг ўз амалидан бекор қилганликларини вокзалда бизга эълон қилдилар. Шундан кейин бизларни Одесса томонга юбориб, қаттиқ ишлатдилар ва кўп зулмларни қилдилар. 1917 йилда ўз Ватанимизга қайтиш имконига эга бўлдик.

ҲАСАНОВ АБДУЛЛАҲАСАН

Түғилгай йили — 1892
Түғилган жойи — Андижон уезди, Олтинқўл волости, Даъвар-
зин кишлаги
Миллати — ўзбек
Отасининг касби — камбагал дехқон
Ўзининг касби — камбагал дехқон
Туар жойи — Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Тельман
колхози, Даъварзин қ/к

Бизшинг оиласиз ҳам чор ҳукумати зулмидан
азоб чеккаи оиласардан бирни эди. Менинг отам ўзига
қарашли кичкина ерида ишлаб, олган хосиллининг кўп
қисмини турли солиқларни тўлаш ва бойларнинг ишта-
ҳасини қондириш учун беришга мажбур бўлган.

Бойлар зулмига ваadolатсизликларига қарши
сўз айтувчилар ёки уларга бўйсунишдан бош тортганлар
қаттиқ жазога тортилган, Масалан, кунлардан биринда
кишлоқ амалдорларидан бирни Мансурқул Амин
бизнишг уйимизга келиб ўлпонни тезда тўлашимизни
талаб этди. Аммо унинг талабини қондиришга бизнишг
имконимиз йўқ эди. Шунинг учун Мансурқул Амин ме-
нинг отами олиб чиқиб кетиб қаттиқ хафа килибди.
Буни отам қайтиб келгандан кейин ғазабланиб менга
гапириб берган эди. Бойлар чор ҳукуматига таянган
ҳолда дехқонларни эзиб, ерларини ўз қўлларига тўпла-
дилар ва кўп майда дехқонларни чоракорга айланти-
риб ишлатдилар. Масалан, Яқволиҳожи бой камбағал
дехқон Шокир Қувватовнинг ерини мажбурий суратда
ўз ерига қўшиб олди. Чунки Шокир Қувватов ундан
олган қарзини беролмаган.

Қийналиб, азоб чекиб турганимизда бизларни мар-
дикорликка олмоқчи ва бошқа шаҳарларга юбормоқчи
бўлдилар. Чор ҳукуматининг бу мақсади Даъварзин
қишлоғидаги аҳолининг зулмга қарши чиқишлиарига
турткни бўлди.

Қўзғолондан олдин қишлоқнинг ҳар жойида тўпла-
нишлар бўлиб, бунда камбағал дехқонлар ва чоракор-
лар «чор ҳукуматига қаршимиз», деган сўзлар билан
кечаси қўзғолон кўтаришга аҳд қилдилар.

Шундан кейин зулм остида жуда қашшоқлашган
ва нафратга тўлиб-тошиган камбағаллар, жумладан,
Маҳаммадазим Умурзоқов, Шодмонали Сайдалиев,
Маҳмудака (отасининг исми ёдимда йўқ), Исмоил (ота-

сүннинг номи эсимда йўқ) ўз атрофларига қишлоқ камбагалларини ва ўзига тўқ бўлган (аммо унча бой бўлмаган) кишиларни ўюнтириб, қишлоқдаги амалдорлар турадиган жойга бордилар. Булар билан бир қаторда отам ва мен ҳам бориб, қўзғолонда қатнашдик. Ҳаммамизнинг мақсадимиз зулмдан ва мардикорликка боришлидан қутулиш эди. Шунинг учун бизларга қараб қишлоқ мингбошиси Ҳакимбек ва унинг мишиблари ўқ узишга ҳаракат қилдилар. Шу ондаёқ қўзғолончилар уларга тош, таёқ, болта ва пичоқлар билан ҳужум қилиб, Ҳакимбек мингбоши ва иккита мишибни ўлдиридилар. Мингбошига пичоқни биринчи бўлиб камбағал Маҳаммадазим Умурзоқов урди.

Қишлоқ мингбошиси ва мишибларни ўлдиришда камбағал дехқон Шодмонали Сайдалиев қатта жасорат кўрсатган. Тонг отгандан сўнг аскарлар келиб қўзғолон қатнашчиларининг оиласларини, жумладан, хотинқизларни, ҳатто кампирларни ҳам тепдилар ва савалдилар. Ўйларидаги мол-мулк ва мевалар солдатлар томонидан таланди.

Аскарлар хотинларни ва оналарни эмчакларидан ушлаб судрадилар ва улардан қочиб кетган эрларини ёки ўғилларини топиб беришни талаб этдилар. Буни эшишган қўзғолончилар ўз оиласларини сақлаб қолиш мақсадида ихтиёрий равишда қишлоққа қайтиб кела бошладилар. Отам ва мен ҳам қишлоққа қайтишга мажбур булганимиз. Қишлоқда бир нечта кишиларни, жумладан, отам Ҳасан Қувватов ва мен, Маҳаммадазим Умурзоқов, Маҳмудака, Исмоил, Шодмонали Сайдалиев, Қорабой Исмоилов ва бошқалар қамоққа олишидик. Қамоқхонада отамни олиб қолиб, мени ёш экан, деб чиқариб юбордилар. Отам суд қилиниб, 15 йилга ҳукм этилди.

Маҳаммадазим Умурзоқов, Шодмонали Сайдалиев ва Маҳмуд осиб ўлдиришга ҳукм этилди. Маҳаммадазим осилиб, қолган иккни киши эса 15 йил қамоқ жазосини олди.

Қишлоғимиздан яна бир неча киши турли муддатдаги қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Менинг отам 1917 йилдан кейин қишлоғимизга қайтди.

Далварzin қишлоғидаги қўзғолонда ҳаммамиз озодликка чиқиш учун курашга кўтарилган эдик,

ТӘХТАСИНОВ ҰСМОНАЛИ

Түғилған йили — 1885

Түғилған жойи — Андижон уезді, Жалақудуқ волости, Жалақудуқ қишлоғи

Миялати — ўзбек

Отасининг касби — ямоқчи косиб

Ўзиппиг касби — чоракор

Турар жойи — Андижон вилояти, Жалақудуқ маҳалласи

Сұғи қишлоғида бўлиб ўтган ҳалқ қўзғолонида бир нечта атроф қишлоқларининг жумладан, Жалақудуқ қишлоғининг аҳолиси қатнашганилгинанг гувоҳиман. Бизнинг қишлоғимиздаги аҳолининг турмуш ҳаёти бошқа қишлоқларга ўхаш жуда оғир бўлган эди. Бойларниң катта ерларида чоракорлар пахта эксалар бешдаи бир қисмини, дон эксалар учдан бир қисмини олини шарти билан ишлагалир. Аммо чоракорлар ҳосил етиширгунича қарздор бўлиб қолишлари натижасида олиши лозим бўлган ҳосилнинг маълум қисмини бойдан оломас эдилар. Худди шу равиша мен ҳам Мадкарим бойнинг ерида чоракорлик қылганиман.

Бизнинг қишлоғимиз аҳолиси чор ҳукumatининг амалдорларига оғир ва турли хилдаги солиқларни тұлғанлар. Юқоридаги сабаблар ҳамда мардикорликка олиш түркисидаги хабар камбагалларни қўзғолон күтаришта олиб келди. Бу ердаги қўзғолонда бизнинг қишлоғимиздаги камбагаллар қашлоқлашган ва хонавайрон булган Қаландаров Яқуб бошчилигида қатнашганликларидан менинг хабарим бор эди. Сұғи қишлоғида қўзғлончилар бойлардан бир нечтасини оломон қилиб улдирғанликлари тез орада бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келди.

Қўзғолондан кейин бизнинг қишлоғимиздан камбагал деҳқон Холмат Худойбердиев, чоракор Хўжамберли Эгамбердиев, чоракор Тожиқул (фамилияси ёдимда йўқ) ва Қаландаров Яқубларни аскарлар қаттиқ калтаклаб, қамоққа олганликларини ўз кўзим билан кўрган эдим. Буларнинг ичидан камбагалларининг йўлбошлиси сифатида Қаландаров Яқуб чор ҳукumatи томонидан осиб ўлдирилди. Қаландаров Яқуб жуда ҳам камбагал бўлиб, ўзининг унумсиз ва жуда кичик ерига эга эди. У жабр-зулм остида кўп мاشаққатлар тортган. Шунинг учун ҳам Қаландаров Яқуб бизнинг қишлоғимиздаги камбагалларга бош бўлиб, Сұғи қишлоғидаги қўзғолонда золимларга қарши курашда жасорат кўрсатган.

ТҮХТАСИНОВ ТҮХТАМУРОД

Түгилган йили — 1886
Түгилган жойи — Ӯш уезди, Булоқбоши, Хўжаобод қишлоғи
Миллати — Ӯзбек
Отасининг касби — дехқон
Ҳизнинг касби — дехқон
Турар жойи — Анижкои вилояти, Хўжаобод тумани, Хўжаобод
қишиоқ кенгапи

Уш уездининг Хўжаобод қишлоғида 1916 йилда қашшоқлашган дехқонларининг қўзғолони бўлиб, буида мен ҳам қатнашдим. Қўзғолон қўйидаги сабаблар натижасида пайдо бўлган: бизнинг қишлоғимизда бойлар ўз қўлларига катта ерларни тўнлаб, меҳнаткаш аҳолини ҳаддан ташқарин эзганлар. Улар ўз ерларида чоракорларни ишлатиб ва камбагал дехқонларни оёқости қилиб, катта бойликларга эга бўлганлар. Бунинг натижасида қишлоғимизда хонавайрон ва қашшиоқ бўлган камбагалларнинг сони жуда кўпайиб кетди ва бойларга қарши нафрат ниҳоятда авж олди.

Хўжаобод қишлоғида Махаммад Солиҳхўжа бой, Имин Охунбой, Раҳимбой ва мингбошилар камбагалларнинг энг ашаддий эзувчиси ҳисобланганлар. Бу бойлар чор ҳукуматининг олдида тиз чўкиб ва унинг мафтатини кўзлаб, камбагалларни мардикорлик зулмига мубтало қилиш тўғрисида бир қатор чораларни кўрабосладилар. Улар камбагалларни мардикорлик рўйхатига ёзиб, мажбурий суратла Русиянинг узоқ шаҳарларига юбормоқчи бўлдилар. Бу ҳалқининг устига тушиган мусибат чор ҳукуматига қарши бўлиб турган ва нафрат газаби ошиб-тошиб кетган қашшоқларни очиқдан-очиқ золимларга қарши кутарилишларига олиб келди. Бу қўзғолонда ўртаҳол дехқонлар ва бошқа унча бой бўлмаган онлалар ҳам қатнашилар. Чунки бу онлалар катта бойларнинг ва чор ҳукуматининг адолатсизликларини ва сиқувларининг жафосини тортиб турғанлар. Менинг онлам ҳам худди ана шунлай онлалардан бири хисобланган. Масалан, ўз тўғримдаги бир воқеани айтиб ўттай: кунлардан бирида Имин Охунбой мени унга салом бермаганлигим учун ҳожатхонага қамаб қўйган эди. Бунга ӯхшаш бошқа ҳўрлашларни ҳам кўрганмиз. Шуни айтиш керакки, факат бизнинг онламиз бойларнинг доимо оёқости қилиб ҳўрлашларини тортган эмас эди. Бизга ӯхшаш онлаларнинг сони оз бўлмаган. Юқорида-

гилардан ташқари, бизлар турли хилдаги солиқларни
ва мажбуриятларни чор ҳукуматининг фойдасига тұлар
ва ишлар әдик. Шундай қилиб, мени ва бoshқа менга
үхшаш кишиларнинг құзғолонда қатнашишларига са-
баб чор ҳукуматининг зулмі ҳисобланған.

Құзғолон күтариш ҳақида Хұжаобод қишлоғининг
жамма жойыда күндүз күни түпланишлар бўлиб тайёр-
гарлик қўрилди. Кечаси тош, кетмои, таёқ ва пичоқлар
билин қуролланиб, амалдорларни тутиш ва уларга жазо
бериш мақсад қилиб қўйилди. Бунга биноан кечаси
қишлоғимизнинг аҳолиси түпланиб, бойларин қидира
бошладилар. Биринчи галда құзғолон күтарган киши-
лар, жумладаи, мен ҳам қишлоғимизнинг энг катта
бойи ва золими ҳисобланған Имин Охунбойни ва унинг
акасининг угли мингбoshi Маҳаммаджон Солиевни тутиб
олиш учун уйига бостириб бордилар. Аммо бойларнинг
бироргаси ҳам құлымизга тушмади. Чунки бизнинг
құзғолонни кечаси кутармакчи эканлигимизни билишиб
қочиб кетгандар.

Құзғолончилар Имин Охунбойниң уйига боришиб,
унинг дарвозасини ва ойналарини тош, таёқлар ва бол-
талар билан буздилар ва синдирилдилар. Эртасига аскар-
лар келиб, қишлоқда бош күтарған кишиларни савалади
ва қамоққа олдилар. Қамоққа құзғолон қатнашичи-
лардан қўйидагилар олинган:

1. Усмон Маҳамматов,
2. Иброҳимжон Усмонов,
3. Тұхтамурод Тұхтасинов,
4. Салоҳиддин Холиқов,
5. Тилаболди Шералиев,
6. Абдураҳим Махсим Мадалимов,
7. Абдураҳимжон Үмурзоқов,
8. Үмурзоқ ҳожи Тұхтахұјаев,
9. Сатим Янгибоеv.

Камбағалларининг ичиде Усмон Маҳамматов құз-
ғолонни уюштиришша жонбозлик билан ҳаракат қилди.
Шунингдек, Сатим Янгибоеv ҳам камбағалларнинг те-
пасида турған кишиларнинг бири бўлган. Мен ва бош-
қа құзғолонда қатнашиб қамалганлар 1917 йилда суд
қилинмасдан қамоқхонадан озод бўлдик.

иңде көрсөткөн мактабада олардың тарихи-
ческих язбаларынан түзүлгөн «Узбек тарихи-
ческих язбалар» деген альбом жарылған. Альбомда
түзүлгөн язбалардың негізгілерінде 1943-жылдан бері
шешімдегі Узбекистон Республикасының тарихи-
ческих язбаларынан түзүлген «Алтын көк

ВАТАН ТАРИХИНИ ҚАНДАЙ ҮРГАНМОҚ ҚЕРАҚ

Аввало шуни үқтириб үтиш лозимки, «Узбек адабиеті
ва санъати» рұзномасининг саҳифаларида босилған
ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини үрганиши ҳақидағы
мақолалар қызғын күтиб олипди. Шубҳасиз, муаллиф-
ларниң турлы фикр-мулоҳазалари бир-бирларини тұл-
диради ва бойитади. Аммо, ҳали үз ечинини кутаёттган
муаммолар ва таклифлар оз әмас. Шу бойынша, мен
ҳам үз дилимдаги сұзларни бағын этишини лозим күр-
дім.

Камина мана салқам 50 йилдирки Узбекистон Фан-
лар академиясینинг Тарих институтыда узлуксиз ишлаб
келмоқдаман. Тарих фанининг марказы ҳисобланған
бу даргоҳда илмий ишлар бүйіча директор үринбосары
лавозимида 20 йилдан ортиқ ишлашим ҳам күп илмий
асарлар, докторлық ва номзодлик диссертациялар билан
бевосита танишиш имконини түглірди. Шунинг учун
ҳам собық совет давридаги тарих фанининг ҳолати күз
үйгімда бамисоли кинолента сингары ҳамон үтиб ту-
рибди. Бұни кеңг үқувчилар оммасыга ҳавола қилиш
фойдадан ҳоли әмас, деб үйлайман.

Шұны тан олиш керакки, собық совет даврида та-
рих фаны бироз бұлса-да ривожланған. Чунопчи, Рес-
публиканың олий үқув юртларыда тарих кафедралари
ва куллиётлари бүнәд этилиб, минглаб тарихчи мута-
хассислар этиштирилди. Айниқса, 1943 йилда Узбекис-
тон Фанлар академияси қошида Тарих институтининг
ташкыл этилиши мұхим воқеа ҳисобланды. Шундан ке-
йин илмий тадқиқот ишлари ва юқори малакали олим-
ларни тайёрлаш тобора кучайиб борди. Қатор илмий
асарлар, дарслерлер, дастурлар ва үқув құлланмалары
чоп этилди. Хусусай, «Узбекистон ССР тарихи» яра-
тилди. Шунишгедек, Республика миқёсінде жағон

илемий анжуманлар ўтказилди. Күриниб турибдикى. Сиртдан қараганда тарих фани ривожланиб кетганга ўхшайды. Аммо, унинг моҳияти ва йўналишига назар ташланса, у вақтда кўп илмий асарлар, докторлик ва номзодлик диссертациялари чиппакка чиқиб кетади. Ҳатто, уларга сарфланган вақт ва меҳнатга ачинасан, киши. Негаки, одатда тарихий асарлар асрлар оша яшаб, молдий ва маъшавий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган. Собиқ совет тарих фанининг умри эса шу даражада қисқа бўлдики, қизил империя ағдарилиши биланоқ «миси чиқиби», тутдай тўкилди. Бу ҳолат, айниқса, совет даври тарихига багишланган асарларда кўзга ташланди. Тарих фанининг бундай фожеага учрашига асосий сабаб шундаки, у коммунистик партиянинг «гоявий қурол»ига айлантирилди. Шу боисдан, ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини ўрганишда қўйидаги хатоларга ва соҳталашибтиришга йўл қўйилди.

Биринчидан, маълумки, Туркистон ўлкаси умуминсоният тараққиётининг йирик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Афсуски, бу қадимий даврларга тегиншли ёзма маълумотлар ўзаро урушшар, табиий оғатлар ва чет эл босқинчиларининг тажовузлари орқасида камданкам сақланган. Айниқса, араб халифалигининг ҳужумлари маданий меросни йўқ қилди. Бу ҳақда буюк аллома Беруний шундай ёзган эди: «712 йилда араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим ўлкага бостириб кириб хоразмликларининг ёзувини билган, уларнинг ривоятларини сақлаб қолгаи барча кишиларни, улар орасидаги барча олимларни имкони борича қувгин қилди ва қириб юборди, патижада уларнинг ўтмиши шу қадар зулмат билан чулғандики, энди биз бу ерга ислом кириб келган вақтда уларнинг тарихида бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқий билимга эга эмасмиз».

Шу тарзда маданий мерос ўлканинг бошқа жойларида ҳам ер юзидан супуриб ташланди. Натижада, маҳаллий ёзма манбалар бизгача етиб келмади. Тўғри, сүғд ва бошқа шимолий эроний тилларда ёзилган айрим ҳужжатлар мавжуд. Бироқ, улардаги маълумотлар қисса бўлиши билан бир қаторда, уларни ўқиб, мағзини чақадиган мутахассислар деярли йўқдир.

Бир вақтлар Тарих институти. М. Исҳоқовни сугд тилини ўзлашибтириш учун Санкт-Петербургга юборди. У фан номзоди унвонини олиб, институтга қайтганда «ўрин йўқ» баҳонаси билан ишга олинмади. Яхшиямки,

Құләзмалар институтига ишга олиниб, шароит яратып берилди. Натижада М. Исқоқов сүгд тиلى бүйіча фан доктори илмий даражасыға эга бўлиб, ҳозир институттимизда ишиламоқда. Ҳозирда қадимги даврга оид ёзма маълумотлар, асосаи, юон, лотин, хитой ва бошқа хорижий тиллардаги манбаларда сақланган. Уларсиз уша замон тарихини тұла тасаввур этиб булмайди. Шунга қарамай, Тарих институтида күрсатылған қадимий тиллар бүйіча мутахассислар етиштиришга имкон берилмади. Оқибатда, ҳозирги замон тараққиеттінинг замини бұлмиш милоддан аввалғи VII асрдан то милодий VIII асрғача бўлған салкам бир ярим минг йиллик тарихий даврни ёзма манбалар асосида үрганишга қўл урилмади. Бу тарих фанидаги катта ўпирлишидир. Тўғри, «Ўзбекистон ССР тарихининг биринчи жилдидә қисқа маълумотлар берилган, лекин ушинг муаллифларни москвалик ва санкт-петербурглик олимлар эди.

Қадимги тарих бүйіча Москвада, Санкт-Петербургда ва бошқа жойларда бир қатор асарлар чоп этилди. Бу жуда яхши, лекин она-Ватанимиз тарихини ўзимиз ҳам үргансак, нур устига аъло нур бўларди.

Институтда ўрта асрлар тарихини кенг құламда ва холис үрганишине иложи бўлмади. Бу даврга эътиборни кучайтириш ва малакали олимлар тайёрлаш ҳақидаги сўровлар инобатга олинмади Асосаи, совет даври тарихини ёритиш ва тарғибот қилиш вазифаси юклатылди. Бунинг натижасида икки ярим минг йиллик қадимги ва ўрта асрлар тарихи бамисоли совет даври тарихининг думи сифатида гавдалантирилди. Чуноччи, у даврни үрганиш учун «Қадимги ва ўрта асрлар тарихи» номида атиғи битта бўлим, бир исча ўн йилликдан иборат совет даврига 5-6 та бўлимлар белгиланди. Бу бўлимларга институт илмий ходимларининг ўрта ҳисобда 70-80 фоизи жалб қилинди. Шунингдек, фан номзодлари ва докторларнинг кўпчилиги совет даври тарихи билан шуғулланди. Ҳатто аспирантурага ажратиладиган ўринларнинг асосий қисми шу даврга берилди. Илмий асарларни нашр этишда ҳам асосий эътибор совет даври тарихига қаратылди.

Туркистан тарихининг «қаймоги» хисобланған күшонилар, турк хоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ҳақида бирорта йирик асарлар яратылмади. Шунингдек, XVI—

XIX асринг 60—70-йилларигача ҳукм сурган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихини ўрганишда ҳам сусткашлик бўлди.

Собиқ совет даврида тарихий шахсларни холис ўрганиши ва оммалаштиришга йўл қўйилмади. Бу ҳақда партия махфий ҳужжатининг 1947 йилдаги кўрсатмасида: «Тарих дарсларида ўтган сиёsatдонлардан ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулмига ва уларга қаратилган ҳалқ курашига бурмоқ лозим бўлади», дейилган. Шу равида, тарихий шахсларни золим, каллакесар ва умуман ҳалқ душманлари сифатида таърифлаш одат тусига айлантирилди. Ваҳоланки, ўтмиш замонларда ўз ватанининг мустақиллиги ва тараққиётин учун курашган подшолар, зиёлилар ва ҳалқ вакиллари оз эмас эди. Шунин унутмаслик керакки, ўтмишда тинчликни ва тараққиётин таъминлаш харакатларини ёки бузғунчилик ва нарокаандаликни кимдир бошқарган. Ҳеч нарса ўзидан бўлавермайди. Ҳатто, ўз ватанига хоинлик ўюштириб, чет эл босқинчилари ёғини ялайдиган шахслар бўлганилиги ҳам маълум. Шу боис, оқни оқга, қорани қорага саралагандек, ҳалқпарвар давлат араббларини ва бошқа барча табақа вакилларининг қадримматини ўрнига қўйиб, миллатнинг фахри сифатида гавдалантириш лозим.

Кунларининг бирда забардаст олим И. Мўминов менга шундай деди: «Ҳамидулла, тарихий шахсларининг фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, ишни Амир Темурдан бошласак яхши бўларди. Сиз ўрта аср даври мутахассислари билан суҳбатлашиб, бу масалани ҳал қилиб, менга маълум қилинг».

Аммо, аввало мутахассис олимлар ўзи бармоқ билан санаарли эди, иккинчидан, борлари ҳам миллатчиликда қораланишидан қўрқиб, бу ишдан бош тортди. Шундан кейин, Иброҳим Мўминовнинг ўзи Амир Темур ҳақида иш ёзишга киришиб, уни ишончли ҳужжатлар асосида «оқлади». Бу ўша давр учун катта жасорат намунаси эди, лекин олим ҳақиқатни ёзганлиги учун қурбон бўлганилиги ҳеч кимга сир эмас. Мана, ўша вақтдан бүён чорак аср ўтдики, тарихий шахслар фаолиятини ҳаққоний равища баён этувчи ишни ёзишга ҳеч ким журъат этмади.

Мустақиллик йиллари бу муҳим масала хусусида

Олдиндән белгилаб қўйилган назария асосида эмас, балки манбаларни холис үргангандан кейин хуроса чиқарилмоқда. Шунингдек, коммунистик партияниң «идеаллаштириши», «реакцион», «клерикал-феодал», «сарой тарихчиси», «сарой шонри» ёки «сарой адабиёти» деган қораловчи ибораларини улоқтириб ташлаб, покланиш шу куннинг талабидир.

Хозирда бу иллатлардан ҳоли бўлиш йўлига ўтилган бўлса-да, лекин ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Собиқ совет тарихшунослигининг энг йирик сохталаштишларидан бири, ислом динини тараққиётнинг ва умуман, иносият ҳаётининг душмани сифатида талқин қилинишидан иборатdir. Ҳатто дин эскилик, жаҳолат ва нодонликнинг уяси, деб қораланди.

Собиқ совет даврида динга зарба берилиши маънавий ҳаётининг қашшоқланишига олиб келди. Нихоят, орзинқиб кутилган кунлар келиб, диннинг равнақ топиши учун кенг пўл очилди. Бироқ бир неча ўн йиллар мобайнида «динсиз» жамиятда суюги қотган одамлар онгига ислом асосларини сингдириш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам динга кўр-кўрона эргашиб, мутаассибликка бериувчи кишилар топилади. Хозирги вақтда жаҳонда асосан конституция, парламент ва демократия тартиблари ҳукм сураётган шароитда динни «сиёсий қурол»га айлантириш файритабий ҳолдир. Шу бонс, тарихий ва диний асарларда ислом динининг асл мөҳияти ва йўналишини моҳирона ёритиб, кенг кўламда тарғиб қилиш лозим, деб ўйлайман. Шундагина барча мусулмон фарзандларида динга онгли равишда ёndoшиш ва том маънодаги эътиқод шаклланади. Бу билан мен диндорлар орасида соф эътиқодли кишилар йўқ, демоқчи эмасман. Шубҳасиз, улар оз эмас. Лекин шариат асосларини яхши ўзлаштиргмаган одамлар анча-мунчани ташкил этади.

Маълумки, ўтмиш замонларда ота-боболаримиз ислом динининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшигандар. Эндиликда тарихий аиъаналарни тиклаб, араб, форс ва туркӣ тиллардаги манбалар заминида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириб, Ўзбекистонни исломшунослик фанининг марказларидан биринга айлантиришининг вақти келди. Ислом дини тарихига тааллукли яна бир масалага диққатни жалб қилмоқчиман. Совет даврида тарихчилар, шу жумладан, мен ҳам, Муқанниа бошчилигидаги қўзғолонни озодлик ҳаракати сифатида

ижобий таърифлаган эдик. Ҳатто, иккинчи жা�хон уруши вақтида Муқанна озодликининг рамзи сифатида саҳналаштирилган. Аслида эса, қўзғолоқ бошқача йўналишда боргани. Маълумки, VII асрнинг иккинчи ярмида Туркестонда ислом дини ҳали чуқур илдиз отмаган, зардўшт (оташпарастлик) динининг таъсири қўпорилмаган эди. Ҳатто, ислом динини қабул қилган кишилар орасида иккиланувчиларниң сони оз бўлмаган. Бунинг устига, араб халифалигининг ҳукмронлиги аҳволни оғирлаштириди. Шундай шароитда, Муқанна деган шахс ҳалқнинг норозилигидан фойдаланмоқчи бўлиб, ўзининг ғоялари билан сиёсий майдонда пайдо бўлди. Машҳур тарихчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида кўрсатилишича, Муқанна (Хошим Ибн Ҳаким) одамларни йигиб: «Мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман, мен ҳалққа ўзимни Одам (Ато) суратида, кейин Нуҳ суратида, кейин Иброҳим суратида, кейин Мусо суратида, кейин Исо суратида, кейин Муҳаммад Мустафо суратида кўрсатган зотман, энди мана ўзингиз кўриб турган суратдаман», деган.

Муқанна ислом динини мутлақо инкор қилиб, ҳар бир вилоятга қўйидаги мазмунда нома ёзib тарқатди: «Раҳимли ва меҳрибон Тангри номи билан саййидлар саййиди Хошим Ибн Ҳакимдан фалончи ўғли фалончига ҳамда худога бўлсин, ундан бошқа худо йўқ. У Одамнинг, Нуҳ, Иброҳим, Исо, Муҳаммад ва Абумуслимларнинг худосидир. Сўнгра (сўз шуки) қудрат эгалик, иззат ва ҳужжат Муқаннаникидир. Менга имон келтиринг ва билингки, подшоҳлик менга хос, азизлик ва худолик менини ва мендан бошқа худо йўқ, кимки менга имон келтирса, жанинат ўшанини, кимки менга имон келтирмаса, дўзах унини».

Мазкур сатрлардан кўриниб турибдики, Муқанна ўз диний ғояларини сиёсийлаштириб, подшоҳлик таҳтига даъвогар бўлган. Наршахийнинг кўреатинича, Муқанна жодугарлик, қўзбўямачилик ва айёрликнинг пири ҳисобланиб, минглаб кишиларниң бошини айлантирган. 776—785 йиллар мобайнида давом этган Муқанна қўзғолони вақтида минглаб кишилар ўлдирилди ва кўп жойлар вайрон қилинди. Шунингдек, қўзғолончилар томонидан кўп мусулмонлар қириб ташланди. Бундан ташқари, фожеа шундаки, Муқанна ғояларининг заминида мулкка ва хотинларга умумий эгалик қилиш ҳаракати ётган. Бу тарих ғилдирагини орқага суриш эди,

холос. Шуларга қарамай, ислом динининг асл мөхиятини ва аҳамиятини ҳали яхши англамаган кишилар Муқаннага эргашиб, хонавайронликка мубтало бўлди. Хуллас, қўзғолонни озодлик ҳаракати сифатида эмас, балки ислом дини билан Муқаннанинг ғайритабии диний ғоялари ўртасидаги кураш, деб баҳоланса ҳақиқат тўлиқ акс эттирилади.

Шуниси ачинарлики, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин, Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар бошлиги даги чеъ эл босқинчиларига қарши олиб борилган умумхалқ курашларининг тарихини ёзишга қўл урилмади. Натижада, она юртимиз мустақиллиги учун жонини Фидо қилган кўп минглаб кишиларнинг қадр-қиммати ўринига қўйилмади. Бу ҳолат тарих фанидаги катта иуқсайдир. Фақат сўнгги йилларда тарихий ҳақиқат тикланди: ўнлаб ҳаққоний асарлар яратилди.

Биз узбек ҳалқининг жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қушганлиги ҳақида кўп гапирамиз, лекин фан ва маданиятини юзага келиши ва ривожланиш босқичларини қамраб олган яхлит асар яратилмади.

Хозирда мустақияликка эришган Ўзбекистоннинг ҳалқаро алоқалари изчилик билан ривожланмоқда. Шундай вазиятда уларнинг тарихий илдиэларини билиш фойдадан ҳоли эмас. Утмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам ҳалқаро алоқалар ҳар бир мамлакат тарихининг таркибий қисми ҳисобланиб, уларсиз тарих ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Хусусай, Ўзбекистоннинг Эрон, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари билан кўп асрлик сиёсий, иқтисадий ва маданий алоқалари тарихини чуқур ўрганиб, иирик асарлар нашр этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, подшо Россияси ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон тарихини ҳам қайта ўрганиш лозим.

Коммунистик партия ҳокимиятини қўлга олгандан кейин ҳам чоризмнинг мамлакатдаги таъсирини қўпориб ташлаш учун унинг ёвузлиги ва зулмини фош қиувчи ва унга қарши кўтарилиган миллий-озодлик курашларини тарғиб этишини рафбатлантириди. Натижада, 20-30-йилларда ёқ кўрсатилган масалаларга доир илмий асарлар ва мақолалар чоп этилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин чоризмни қоралашга эҳтиёж қолмаганлиги ҳамда партиянинг шовинистик сиёсатининг кучайниши орқасида аҳвол ўзгариб борди. Чунончи, асримизнинг 50-йилларидан бошлаб илмий ишларда «Ўрта Осиёнинг

Россияга қўшиб олинишининг объектив-прогрессив аҳамиятини курсатиш» асосий ўринин эгаллади. Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, мустамлакачилик ва миллий зулм каби масалалар гарчанд инкор этилмаган бўлса-да, аммо умум тарзда қисқа баён этиб борилди. Шунингдек, чор ҳукуматининг ҳарбий юришлари «қўшиб олиши» сарлавҳаси остида шарҳланди. Масалац, «Узбекистон ССР тарихи»нинг биринчи нашрида (1947 йил) ҳарбий юришлар «уршиб олиниши» сарлавҳаси остида битилган бўлса, иккинчи, учинчи нашрида (1957, 1967) у «қўшиб олиниш» номи билан алмаштирилди. Худди шу номда мазкур масала менинг «Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши» (1967) ва Н. Халфиннинг «Присоединение Средней Азии к России» (1965) китобларида ёритилди. Тўғри, айрим муаллифлар гўё туб аҳоли феодал зулмдан қутулиш учун Россияга умид боғлаганлиги ёки етарли даражада қаршилик курсатишини истамаганлиги ҳақидаги ўз фикрларини уртага ташладилар. Лекин бу каби тутуриқсиз фикрлар ўз ўзидан қолиб кетди. Ўша даврларда назорат шу даражада қаттиқ эдикни, «қўшиб олиниши» ёзилиб Россиянинг босқинчилик, ёвузлик сиёсати «ниқобланмаса», босиб олинишини далолат берувчи фактларни, ҳужжатларни ўзида жо этган асарни чоп этиб, жамоатчиликка етказишга умид қилмаса ҳам бўларди.

Тарих асарларида ўзбек халқининг 1905—1907 йиллар ва кейинги инқилобий ҳаракатларда иштироки хусусида фикрлар ишончли далиллар билан исботланмаган. Амалда, туб аҳоли инқилобий гоялардан жуда йироқ бўлган. Ўларнинг орасида ишчилар синфи ҳали ташкил топмай, саноат корхоналарида ишловчилар мавсумий ишчилар ҳисобланиб, асосан, ултуржи ва қора ишларни бажарганлар. Ўлар бир корхонада бир йил ишлаб, кейинги йили бошқа дүч келган ерда ишлаб юрверганлар. Шу боисдан ҳам Туркистон ўлкасида ишчилар асосан руслардан ташкил топган эди.

Шуни назарда тутиш керакки, чор ҳукмронлиги даврида гарчанд саноат ва деҳқончиликда ўзгаришлар сезилган бўлса-да, лекин уларнинг ҳузурини туб аҳоли эмас, чор ҳукумати ва капиталистлари кўрган.

Фан ва маданият соҳасидаги силжишларга келсак, айтиб ўтиш лозимки, улардан, асосан, рус аҳолиси баҳраманд бўлди. Чор ҳукумати туб аҳолини кириб келаётган Оврупо маданиятига яқинлаштириш у ёқда турсин,

мавжуд миллий маданият илдизинга болта урди. Тұғри оврупоча маданият ўзбеклар ҳәётида баъзи бир ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бироқ, умумхалқ сонига таққосланса кўлами жуда тор ва нафи жуда оздир. Шунинг учун мазкур давр тарихини «Ўзбекистон ва умуман, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг обьектив-прогрессив оқибатлари» нуқтаи назаридан ўрганишга барҳам бериб, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмини ёритиш биринчи вазифадир. Шунингдек, Туркистон ўлкасининг Россиянинг хом ашё манбаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши масаласи бўйича йирик асарлар ёзиш вақти келди. Чунки, бу масалалар XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларидаги Ўзбекистон тарихининг ўзагини ташкил қилади. Кези келганда шуни эслатиб ўтиш лозимки, мен бу давр тарихини ўз ичига олган бўлимга 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида бошчилик қилдим. Шунинг учун ҳам бу даврда йўл қўйилган хатоларга баб-баробар дахлдорман. Шу ўринда айтиб ўтишим лозимки, Ўрта Осиёнинг подшо Россияси томонидан босиб олиниши, миллий-озодлик ҳаракатлари, Бухоро ва Хива жадидлари фаолиятига доир масалалар бўйича ўша вақтлардаётқайрик тұғри фикрлар олдинга сурилган эди.

Учинчидан, собиқ совет даври тарихини очиқдан очиқ сохталаштириш амалга оширилди. Чунончи, давлат тұғитариши ҳисобланған «Октябрь инқилоби» социалистик инқилоб сифатида нотұғри баҳоланди. Шунингдек, «Октябрь инқилоби»да маҳаллий ақолипинг иштироки ҳақидаги фикрлар асоссизdir. Аслида, у руслар ва бошқа овруполиклар томонидан амалга оширилган эди. Чунки туркистонниклар орасида юқорида қайд қилинганидек, ҳали ишчилар синфи юзага келмаган эди. Том маънодаги ишчилар синфининг бўлмаганлигини 60-йиллардаётқайрик таниқли олимлар А. Аъзамхўжаев ва Ш. Уразаевлар ўз асарларыда тұғри кўрсатиб ўтган эдилар. Бу амалда «Октябрь инқилоби» учун ўлкада шарт-шаронт етилмаганлигини кўрсатишдан иборат эди. Аммо, ҳақиқатни акс эттирган бу фикр бир гуруҳ кишиларнинг қаттиқ қаршилигига учраб А. Аъзамхўжаев ва Ш. Уразаевлар танқид ўти остига олиндилар. Уша кезлари мен Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Мўминовга уларни ёқлаш лозимлигини айтганимда, у киши шундай деган эдилар: «Икки олим жуда нозик масалани кутариб тұғри иш қилибдилар, мунозара

қилиниб, газак олдирилса, юқори партия ташкилотлари шуғулланиб, уларнинг жабрланиши хеч гап эмас. Шунинг учун сизлар аралашиб оловга керосин қуйманглар. Вақти келиб А. Аъзамхужаев ва Ш. Уразаев фикрларининг ўз-ўзидан тан олинишига ишонаман». Дарҳақиқат, ҳозирда бу фикрни қўлламайдиганлар топилмаса керак.

Хуллас, тарихчи олимларнинг «Октябрь инқилоби» нинг моҳиятини холисона үрганишларининг аҳамияти бекиёс каттадир. Бу бутун совет даври тарихининг ҳақиқий манзарасини ёритишда калит ҳисобланади. Матбуотда жадидлар фаолияти, «Кўқон муҳторияти», «Босмачилар ҳаракати», «Урта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши» ва бошқа массалалар бўйича мулоҳазалар билдирилгани учун улар ҳақида бу ерда тўхташ ортиқчадир. Аммо «социализм тузуми»нинг моҳияти хусусида тўхтаб ўтишини зарур деб биламан.

Бу сиёsat жамиятда хусусий мулкчиликни, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни, динни, ҳунармандчиликни, эркин савдо-сотиқни қўпориб ташлади. Шунингдек, миллий давлат йўқ қилиниб, миллий тил ва маданият камситилди. Боз устига, бутун мамлакат «темир қафас» билан ўралиб, республиканизнинг мустақил равишда ҳалқаро майдонга чиқишига йўл берилмади. Узбекистон Россиянинг хом ашё маибаинга ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Бу ерда мисли кўрилмаган мустамлакачилик ва миллий зулм ҳукм сурди. Марказнинг тоталитар сиёсати орқасида бутун мамлакатда миллионлаб бегуноҳ кишилар ўлдирилди ёки умрлари камоқхоналарда ва сургунда чириди. Қанчадан-қанча одамлар хавф-хатарда юрагини ҳовучлаб яшади.

Қишлоқ ҳўжалиги, саноат, фан ва маданият, транспорт ва ҳалқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларидағи ривожланишга келганда, шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, улар мустамлакачилик нуқтаи назаридан ривожлантирилиб, асосан, совет империясининг қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шу боис, узбек ҳалқининг асосий қисми моддий ва маънавий қашшоқликда ҳаёт ке chirди. Ҳозирда кўриб турибизки, собиқ совет давридаги ўз турмушидан маминун булган айрим нуфузли табақаларнинг турмуши капиталистик мамлакатларда яшаётган оддий бир ишчи ёки хизматчиникидан жуда ҳам паст даражада экан.

Партия одамларнинг миясини «социализм ғоялари»

билан шу даражада чулғаб ташладики, «совет турмуш тарзи»га сажда қилиш одат тусиға айланди. Тарихчилар ва бошқа ижтимоний фан вакиллари уни кишилиқ ҳаётининг фаровонлигини таъминловчи бирдан-бир ағзал тузум сифатида мақтадилар. Ҳозирда «собиқ совет турмуш тарзи»нинг фожеали оқибатининг азоби чекилмоқда.

Юқорида курсатилган собиқ совет даври тарихининг ҳақиқий манзарасини тасвирловчи фикрлар асосида илмий асарлар яратишин лозим, деб ҳисоблайман.

Шу кунларгача Иккинчи жаҳон урушининг тарихи бир томонлама баён этилмоқда. Шубҳасиз, ўзбек халқи фашизмни тор-мор этишга муносиб ҳисса қўшди. Бироқ коммунистик партияning айби билан минглаб ўзбеклар ҳалок бўлдилар. Маълумки, собиқ совет давлатининг дастлабки даврларида ўзбек ҳарбий қисмлари тузилган эди, лекин улар кейин йўқ қилинди. Агар улар урушгача сақланганда эди, ўзбекларниң ҳарбий маҳорати такомиллашиб, талафот кўп бўлмас эди. Тўғри, кеч бўлса-да, урушнинг бошлирида ўзбек ҳарбий қисмлари шошилинч равишда тузилди. Аммо, улар фронтда тарқатиб юборилди. Шу равишда бизда миллий давлат ҳам, миллий қўшин ҳам йўқ эди. Бунинг аянчли оқибатлари уруш даврида минглаб кишиларининг қирилиб кетишига олиб келди. Чунончи, умрида қулига қурол ушламаган ва бегона жойларга бормаган ёшлар тусатдан сафарбар қилиниб, Россиянинг турли жойларига юборилди. Уларнинг орасида мен ва севимли шоиримиз марҳум Зоҳиджон Обидов ҳам бор эди. Биз урмонда иккى ойча уй кийимимизда ва ёғочдан ясалган мильтиқ билан машқ қилингандан сўнг тўғри фронтга жунатилдик. Бу ерда, айниқса қишлоқ йигитларига жуда оғир бўлди. Ҳарбий машҳни яхши ўзлаштирганини ва жанговарликнинг сустлиги орасида кўп одамлар қирилиб кетди.

Кўп минглаб ёши катта ўзбеклар ҳам қирғиндан четда қолмадилар. Улардан ишчи батальонлари ташкил қилиниб, Сибирь ва Россиянинг бошқа жойларидаги саноат корхоналарида ва конларда ишлатилди. Бу ерда уларнинг талай қисми очликдан, совуқдан, оғир меҳнат ва хўрликдан ўлиб кетдилар. Сибирда госпиталда ётганимда уларнинг йиртиқ-ямоқ кийимларда, шишиб кетган ҳолда тиланчилик қилиб юрганларининг гувоҳи бўлгацман.

Шунингдек, партияning миллий сиёсатидан норози-

лик. Қызыл Армиядаги мусулмон фарзандларига совук муносабат ва бошқа сабаблар орқасида 1 миллион 600 минг туркистонликлар немислар томонидан асирлика олинди...

Начора, бир мақолада Ватанимиз тарихига доир масалаларнинг ҳаммасини қамраб олишнинг иложи йўқ. Лекин бу ерда яна бир масалага эътиборни жалб қилмоқчиман, холос.

Коммунистик партия сиёсатининг мағзини чақаётганда унинг ҳалқини қўрқувда, хавотирликда, муҳтожликда ва умид исканжасида қаттиқ ушлаганилиги ни назарда тутиш керак. Бу ерда умид тушунчасида фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила давлатга қарам бўлиши орқасида бир нарса илинжида (арзимаган бир ойлик мукофотдан тортиб то катта-кичик мансабгача) партияга ҳамиша кўзини мўлтиллатиб ва қўлини тутиб туришга мажбур бўлганлигини англаш мумкин. Бу ҳолат партияга фуқароларни хоҳлаган мақомига солишга кенг имкониятларни туғдирди.

Умуман олганда, фақат баҳс воситасидагина фанни ривожлентириш мумкин. Шу кунларда тарих соҳасида ги хатоликлар боргани сари «сув юзи»га кўпроқ қалқиб чиқмоқда. Унутмаслик лозимки, тарих ҳам жараён, ҳам бутун бир фан сифатида азалдан кишиларда миллий туйғу, ватанпарварлик, фахр ва ғурур каби олий фазилатларнинг шаклланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб келган. Буни яхши англаган коммунистик партия узининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулминни муҳофаза қилиш мақсадида бир неча минг йиллик ва бой ўтмиш тарихимизни ҳибсда тутди. Уз навбатида бу маънавий жиҳатдан қашшоқланишга олиб келди.

Мустақиллик даври тарихимизни янгилади, ҳаққониятни тиклади.

СОВЕТ ДАВРИДА ҚУЛДОРЛИК ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИЛ ТОПИШИ

Шу кунларда Ўзбекистон заминида ҳаёт кечираётган авлод баҳтиларнинг баҳтилисиdir. Чунки, улар мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм исканжасидан халос бўлиб, ҳаёт гаштини сурмоқдалар. Бундай баҳт-саодат шу даражада қимматлики, унга тенглашадиганини топиб бўлмайди. Ҳатто жаҳондаги барча бойликлар тарозининг бир палласига солинса, иккинчи палладаги озодликнинг аҳамияти ва салоҳияти босиб кетар экан. Бу хусусда бир ҳикояни келтириши ўринли, деб ҳисоблайман. Ўтмиш замонларда бир донишманд киши мадраса талабаларига савол берибди: «Айтинглар-чи, бу дунёдаги эиг улуғ ва азизлик нимада ўз ифодасини топади?» Талабалар баҳслашгандаридан кейин, ота-она, фарзандлар, саломатлик энг олий мақомга сазовордир, деб жавоб беришибди. Айрим кишилар бунга қарши ўлароқ, улуғларнинг улуғи инсондир, агар бу табаррук зот яратилмаганида бутун олам бамисоли дўзахга ўхшаб қоларди, дейишибди. Зоро, инсон туфайли еру осмон яшиади, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўз эгасини топди. Донишманд сўз олиб дебди: «Фарзандларим! Сизларнинг инсоннинг буюк хизматлари ҳақидаги фикрларингизга тўла қўшиламан. Аммо, қачонки инсон зоти озод ҳолда она юртига эгалик қилиб ҳаёт кечирса, қадр-қиммати ва улуғлиги сақланади. Борди-ю, босқинчилар панжасида қул каби ҳаёт кечирсалар, «гапиравчи иш ҳайвонларига» айланадилар. Чунки, қуллар ҳақ-хуқуқ, ўз-ўзини англаш, ғурурланиш, фахрланиш ва бошқа инсонга хос фазилатлардан маҳрум этилган бўлади. Улар маънавий ва моддий жиҳатдан қашшоқлаштирилади. Кўриниб турибдикни, — деб сузини давом эттирибди донишманд, — фақат мустақиллик ва озодлик том маънодаги инсонни шакллантириб, уни олий зот

сифатида кўкларга кўтаради, яшнатади ва улуғлайди. Демак, озодлик ва эркинлик энг улуф ва азиз неъматдир».

Донишманднинг бу доно сўзлари тарих синовидан ўтган ҳақиқатдир. Чунончи, ўзбек халқи ўтмиш замонларда озодликни ҳаётнинг рамзи сифатида қадрлаб Ахмонийлар, Македониялик Александр, Араб халифалиги ва Чингизхон сингари босқинчиларнинг тажовузи ва ҳукмронликларига қарши қаҳрамонона жанг қилди. Унинг қони жангларда бамисоли дарё каби оқди, шаҳар ва қишлоқлар душманлар томонидан вайрон этилди. Бироқ сэодлик фоялари сўнмай, вақти келганида ўз кучкудратини қайта намойиш этаверди. Масалан, бу ҳолат чор ҳукумати тажовузларига, сўнгра ҳукмронлигига қарши курашларда яққол кўзга ташланди. Ниҳоят, 1991 йил 31 августда Республика Мустақил, деб эълон қилинди. Бу тарихий воқеа буюк давлат арбоби Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига содир бўлди. Бу табаррук зотнинг исми ҳозирги мустақил ўзбек давлатининг асосчиси сифатида тарих саҳифаларига битилди. Мустақиллик йиллари Республикада буюк ўзгаришлар содир бўлаётганилиги гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳозирда Ўзбекистон жаҳон харитасига битилиб, уни билмаган ва сийламаган мамлакат қолмади. Бундай озодликнинг нақадар қимматли ва улуғлигини ҳамда оламшумул аҳамиятга моликлигини англаш учун уни 130 йиллик мустамлакачилик тузумига солиштириш ва фарқини билиш сиёсий ва илмий аҳамиятга эгадир.

Хуш, совет даврида қандай тузум ҳукм сурган эди?

Бу саволга қулдорлик тузуми бўлган эди, деб жавоб беришга барча асослар бор. Унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий томонлари қўйидагилардан иборат.

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда Ўзбекистонда миллий давлат, миллий қўшин ва миллий бошқарув тизими ташкил этилмади. Уларнинг ўрнига мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни таъминловчи тоталитар Республика ўрнатилиб, Ўзбекистон амалда Россиянинг таркибий қисмига айлантирилди. Тўғри, Республика маҳоми берилиб, парламент, конституция, байроқ, мадхия ва герб жорий этилди. Аммо, уларнинг ҳаммаси «хўжакўрсинга» қилинган бўлиб, найрангбозликдан бошқа нарса эмас эди. Чунки Республика ва унинг халқига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, қаттиқ

назорат ва таъқиб ҳукм сурди. Гарчанд, раҳбарлик лавозимларига ўзбеклар ҳам қўйилган бўлса-да, лекин улар марказнинг ўта итоаткор хизматкорлари эди, холос. Уларнинг зими масига коммунистик ғояларнинг самародорлигини таъминлаш, турли-туман бойлик ва даромадларни икки қўллаб марказ ҳазинасига топшириш юклатилган. Шуни унутмаслик керакки, биринчи навбатда Ўзбекистон раҳбарлари «занижирбанд ҳукмдорлар» бўлган эдилар. Бу ҳосяят қулчиликнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Қулчилик сиёсий қатағонларда ўз ифодасини топди. Аввалимбор, ҳалқининг бу адолатсиз қатағонларга қарши оммавий равишда бош кўтармай катта-кичиқ мажлисларда уни қувватлаши ва партияга миннатдорчilikни изҳор этишининг ўзи ҳам қул табиатликни курсатади. Бундай йигинлар мактабларда ҳам ўтказилиб ўқитувчилар ва пионерларнинг: «Халқ душманларига ўлим!», «Яшасин жонажон партиямиз», деган сўзлари ҳамон эсимда турибди. Мана шундай йигинларнинг бирида мактабимиз директори: «Партия душманларини қириб ташлаймиз, бизнинг талабимиз шу», деб роса бақириб-чақирган эди. Чамаси, икки ҳафта ўтганидан кейин директорнинг ўзи «халқ душмани» экан, сири очилиб, қамалиб қолибди, деган сўзлар тарқалди.

Қулчиликнинг энг даҳшатлиси ва фожеалиси, қатағон воситасида миллионлаб кишиларнинг иқлим шароитлари ниҳоятда оғир жойларда мажбурий суратда ишлатилишида ҳам кўзга ташланади. Маҳбусларнинг мазкур жойлардаги лагерларда қуллик меҳнати ўзининг юксак дараражасига кўтарилиди.

Қулчилик аломатлари ўзбек, қрим-татар, чечен, ингушед, турк месҳетилари ва бошқа миллат вакилларининг сургун қилинишида ҳам кўриниди. Шуни ҳисобга олиш керакки, қулдорлик тузуми оммавий равишда қатағон ва сургунларни уюштириш имконини туғдирди. Бошқа тузум шароитида уларни ташкил этиш амримаҳол эди. Коммунистик партиянинг улуғмиллатчилик сиёсатининг амалга оширилиши ҳам қулдорлик тузумини бунёд этилишини тақозо этган эди. Ўзбек тилининг камситилиши ва унга давлат мақоми берилмаслиги, рус тилини иккинчи она тили деб баҳоланиши қулчиликни янада мустаҳкамлади.

Хуллас, юқорида шарҳланган омиллар қулдорлик түзүмнинг сиёсий асосини ташкил этган эди.

Иккинчидан, маълумки, совет даврида минг йиллар мобайнида ҳукм суреб келаётган иқтисодий тизимни тубдан ўзgartириш вазифаси қўйилди. Бунга биноан хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотиқ, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақиқланди. Халқ-нинг қўлидаги ер-сув, бойлик, савдо шохобчалари, са-ноят корхоналари, қўйинг-чи, табиятдаги барча жонли ва жонсиз борлиқ совет давлатининг мулкига айлантирилди.

Шу равишда, совет ҳукумати бир неча минг йиллар мобайнида инсон кашф этган ва ривожлантирган хусусий мулкчилик ва эркин бозорни қупориб ташлади. Вахо-ланки, хусусий мулкчилик инсонни ёввойилидан ҳоли этиб, оила, давлат ва тараққиётга асос солган муҳим омил ҳисобланган. У туфайли ҳайвондан фарқ этувчи инсон деган улуғ зот шаклланган.

Хусусий мулксиз жамиятнинг яратилиши дарҳол мисли кўрилмаган фожеаларни юзага келтирди. Чунончи, бутун мамлакат бўйлаб очарчилик, қаҳатчилик ва оммавий касалликлар юзага келиб, миллионлаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Бундан ташқари, хусусий мулкка қарши курашлар жараёнида минглаб кишилар улдирилди, ҳибга олини ва сургун қилинди.

Хусусий мулксизлик кўп одамларнинг кўзини оч ва ташмачи қилиб қўйди. Масалан, ион заводида ишловчи нонни, ун заводида ишловчи уини, тикувчилик корхона-сидагилар кийим-кечакни, гўшт комбинатидагилар гўштни, қўйинг-чи, ҳар бир корхона ва ташкилотда ишловчилар озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни бекитиб олиб чиқиша мажбур бўлгантар. Бундай расмий суратда «ташмачи» деб номланганлар давлат мулкини талаши оммавий тус олиб кетганлиги учун милиция ходимлари рерд ўтказиб турганлар. Улар ишчи-хизматчиларни корхонадан чиқаётганда тинтуб ўтказиб, молларини олиб қолар эдилар. Бундай моллар ҳажми миллион сўмларни ташкил этиб, тегишли маълумотлар матбуотда эълон этилиб турилган. Колхоз ва совхозларда ҳам ташмачилик кенг қулоч ёйганлигини биламиш. Ташмачилик ва юлғиҷлик ҳақида гапиришдан мақсад шуки, улар ҳам қул табиятликнинг таркиби қисми бўлмиш боқимандалик кайфиятидаги кишилар томонидан қилинадиган иш эди. Ташмачилик, юлғиҷлик, ва умуман, давлат мул-

кини талон-торож қилмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Негаки, бор-йўғидан айрилган халқнинг давлат томонидан белгиланган оз миқдордаги маошдан ташқари даромад манбаи йўқ эди. Чунки юқорида кўрсатилганидек, табнат оламдаги барча борлиқ ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ягона эгаси давлат ҳисобланниб, даромадлар унинг хазинасига дарё каби оқиб борар эди.

«Ҳаммамизга ! маълумки, — дейди Президентимиз Ислом Каримов,— биз сўнгги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сифиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кузга ташланар эди».

Дарҳақиқат, мамлакатда ягона давлат мулк эгалиги ҳукм суриб, ҳатто одамларнинг ҳаёти ва тақдири ҳам давлатнинг қулида бўлган.

Шундай қилиб курдикки, хусусий мулкчилик ва унга боғлиқ турли соҳаларнинг тақиқланиши, шахсий ташаббус ва манфаатдорликнинг буғилиши, мажбурий меҳнат, ишга яраша ҳақ туламаслик, боқимандалик ва «қорин тўйса бас» деган туйғулар қулчиликнинг иқтисодий заминини яратди.

Учинчидан, қулчилик маънавий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топди. Чунончи, миллӣ ҳис-туйғулар, ўз-узини англаш, ватанпарварлик, ғуурланиш, фахрланиш ва бошқа олий инсоний фазилатлар ҳибсга олинди. Ўз она юртига содиқ кишилар «миллатчи, халқ душмани» ва «империализм айвоқчилари» сингари қалбаки айномалар билан отилди ва узоқ муддатли қамоққа ҳукм қилинди. Ҳатто, уларнинг оила аъзолари ҳам қамалди ёки қаттиқ таъқиб остига олинди. Уларнинг орасида узоқ жойларга сургун қилингандари ҳам бор эди. Шу равишда, миллӣ ғоя ва маънавиятга зарба берилиб, улуғмиллатчилик сувлари билан сугорилган коммунистик ғоялар кишилар онгига зўравонлик билан сингдирилиб борилди. Уни амалга оширишда тарих, фалсафа, КПСС тарихи, илмий коммунизм, атеизм, адабиёт, иқтисод ва ҳуқуқшунослик соҳалари жалб қилинди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ва санъат тармоқлари ҳам коммунистик ғояларни зўр бериб тарғибот қилгандар. Натижада маънавиятда миллӣлик йўқолиб, у ком-

мунистик ғояларнинг асирига айланди. Айниқса, ислом динининг тақиқланиши, масжид ва мадрасаларнинг ёпи-лиши ва тарихий ёдгорликларнинг вайрон қилиниши, тарих фанининг сохталаштирилиши маънавий ҳаётни янада қаттиқ қашшоқлашириди. Айни пайтда, ўзбек халқининг ўтмиш замонларда фан ва маданият соҳаларида құлга киритган ютуқлари инкор этилди.

Умуман айтганда, ўзбек халқининг миллий ғоя ва маънавиятига зарба берилеб, ўрнига коммунистик ғоянинг киритилиши қулчиликнинг муҳим аломатлари ҳисобланади. Чунки, бу ғоя улуғмиллатчилик ва қулчиликни ўзида акс эттирған эди.

Тұртىңчидан, совет даврида шаклланған қулчилик-нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Чунончи, биз бошимиздан кечирған бу қулчилик билан қадимги Юнон, Рим ва бошқа давлатлардаги қулчилик үртасида асосий негизи бүйіча фарқ ійік. Чунки, бу ҳар иккала даврда қуллар хусусий мұлкчilik, ишлаб чиқарыш қороллари, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, «темир қафас»да ушлаб турилған. Ўтмиш замонларда қуллар асосан урушларда асир олинған ёки бўйсундирилган кишилардан ташкил топған. Шунга ўхшашиб большевиклар ҳам Туркистанни урушиб олиб, халқини қуллик балоснiga мубтало этиді. Совет даврида қулчиликнинг маъноси анча кенгайиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Қадимги замонларда натурал хўжалик ҳукмронлик қылғанлиги учун қуллар озиқ-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминланған. Совет даврида эса пул муносабатларининг кенг кўламда ривожланғанлиги учун қулларнинг иш ҳақи маош тариқасида тўланди. Хусусий мұлк ва бойлиги бўлмаган халқ фақат маошга тикилиб қолди! У маошсиз қолмаслик учун давлат кўрсатған чизигидан чиқмасликка ва унга сажда қилишга ҳаракат қилған. Давлат шу тариқа маош воситасида халқни ўзига ипсиз боғлаб, хоҳлаган кўйига ўйната берди. Қадимги вақтларда бўлганидек, совет ҳукумати қулларни турар жойлар билан таъминлаб турди. Аммо ҳаммани бирданига турар жой билан таъминлашнинг иложи бўлмаганлигидан, хусусий уй қуришга рухсат берилди. Лекин келажакда бундай уйларнинг аста-секин тамомила ийқ қилиниши турган гап эди. Уларнинг ўрнини давлат томонидан қурилған уйлар билан алмаштириш жараёни кетмоқда эди. Совет даврида қулларни сотиш ва сотиб олишга эҳтиёж қол-

мади. Чунки мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам қул бозорлари бўлмаган. Давлат қулларнинг ягона эгаси бўлганлиги учун унга харидор йўқ эди.

Қадимги қулдорлик давлатларда аҳоли озод ва қуллардан ташкил топиб, йирик хусусий қул эгалари фаолият кўрсатган. Улар билан бир қаторда эса давлат миллионлаб кишиларни қуллик ҳолатида ушлаб турган. Шунинг учун ҳам қулларнинг давлатга тегишлилитини англатувчи «биз партиянинг солдатларимиз», «бизлар давлат одамларимиз», «Совет Иттифоқининг фарзандларимиз» каби иборалар юзага келган.

XХ асрда фан ва техника шу даражада юксалдики, усиз у ёки бу давлатнинг ривожланиши мумкин эмас эди. Коммунистик партия буни яхши анлаган ҳолда маориф, олий ва ўрта таълим тармоқларини, фан ва маданиятни ривожлантириб, саводсизликни тутатди. Мутахассис ва олимларни етиштириди.

Бу ерда савол туғилади. Наҳотки, совет даврида етиштирилган ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, муҳандис-техник ходимлар, олимлар ва бошқа соҳа эгалари қул бўлган бўлсалар?

Бунга, «Ҳа, росмана қуллар булишган, лекин саводли ва билимли қуллар эдилар, холос», деб жавоб бериш мумкин. Чунки, улар юқорида кўрсатилганидек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқ, хусусий мулкчилик, миллий маънавият ва диндан маҳрум этилган. «Партиянинг солдатлари» ҳисобланган. Шунингдек, улар мустақиллик ва озодликни барбод этган коммунистик ғоялар билан заҳарланган. Шу муносабат билан:

— Домла, айтинг-чи, совет даврида сиз ҳам ўзингизни малакали қул, деб ҳис этганимисиз? — деган савол туғилади.

— Ҳа, мен ва бошқа олимлар юқори малакали ва тажрибали қуллар бўлганмиз, — деб жавоб бераман. Чунки, бизлар олдинги сафда туриб коммунистик ғоя ва «социализм»ни энг адолатли ва афзал тузум сифатида кўкларга кутарганимиз. Ваҳоланки, мустамлакачилик, зулм, бебаҳо бойликларимизнинг таланиши кўз ўнгимизда содир бўлаётган эди. Аммо бирортамиз отилиб чиқиб партиянинг сиёсатига қарши чиқмадик. Аксинча, партияни олқишиладик. Бунга ута эҳтиёткорлик ва жасоратсизликни туғдирган қул табиатлигимиз сабаб бўлган. Агар бизлар том маънодаги озод кишилар бўлганимизда босқинчилар зулмига қарши курашишимизга шубҳа йўқ

эди. Чунки, онги ва қалби озодлик ғоялари билан су-
горилган кишиларнинг миллатпарварлиги жўш уриб
мардонавор курашади. Буни яхши анлаган совет дав-
лати ҳалқни қуллик кишанлари билан боғлаб қўйди.
Бу ўз самарасини бериб, 20-йиллардан то қизил империя
йиқилгунга қадар бўлган даврда зулмга қарши қўзғо-
лон кутарилмади. Аксинча, коммунистик партия ва дав-
лат сиёсатига кўр-кўруна эргашиш ва улуғлаш авжига
миниб бораверди. Бундай ҳолат қишлоқ аҳолиси ора-
сида ҳам содир бўлиб, қул меҳнати мисли кўрилмаган
даражада азоб-үқубат ва талафотларни келтирди. Дав-
лат томорқа ер бериб, дәҳқонларни ўзига ипсиз боғлаб
қўйди. Бордию улар ишлашдан бош тортсалар, томорқа
тортиб олиниб, ўзлари ҳайдалган. Пахта яккаҳоким-
лигининг ҳукм сурини дәҳқонларни қулчилик ботқо-
ғига қулогигача ботириб юборди. Совет даврида онгли
равишда химия ўғитлари билан ер, сув, ҳаво ва озиқ-
овқат маҳсулотларининг заҳарлантирилганлигини, ом-
мавий касаллик ва ўлим кучайганлигини унутиб бўлмай-
ди. Ўзбек аёлларининг умри совет даврида ёқ меҳнат
фронтida чириганлигини инсоният тарихи билмайди,
дейсизми?! Улар, асосан давлат учун ишлашга мажбур
қилинди. Улар аёлларга хос нозик фазилатларни йўқо-
тиб «дағаллашдилар». Бу хусусда совет даврида бир
дәҳқон йигит билан сұхбатимни келтириш масалани
янада ойдинлаштиради.

Фарғонанинг Водил деган жойидаги чойхонада ўти-
ганимизда шогирдим Исмоилжоннинг таниши ўрта ёш-
лардаги дәҳқон бир коса ош билан ёнимизга келиб
ўтириди. Салом-алиқдан сўнг деди: «Бир йилда бир ма-
ротаба шу срга ёки Шоҳимардонга хотиним ва бола-
ларим билан келиб бир оз дам олгандек бўламиз. Мен
Россияда армияда хизмат қилиб юрган вақтимда рус
аёлларининг кўриниши тоза ва ёқимлилиги ҳамда қўл-
лари юмшоқлигини кўриб ҳавасим келган. Шунда қиши-
логимиздаги аёлларнинг ниҳоятда оғир меҳнати, қўллари
ва оёқлари ёрилиб ҳамда дағаллашиб кетганлиги кўз
үнгимда гавдаланиб жуда хафа бўлганман. Ҳув анави
менинг хотинимга кўз ташланг, домла, қовжираб ётган.
копчений балиққа ўхшаб қолган. Үнга раҳмим
келади, негаки, бир кечакундузда 20 соат меҳнат
қилиб, дам олиш ва ҳаммомни, пардоз ва яхши кийи-
нишни унутиб юборган. Ҳатто, хотиним пахтазорда иш-
лаётгандা дард тутиб қолибди. Уни туғуруқхонага олиб

кетаётганда машинада күзи ёриб, бир ўлимдан қолган эди». Шунда Исломжон у ёқ-бу ёқса аланглаб: «Ука сеқинроқ гапир, бирорлар эшитса, сиёсий тус бериб галвага қоламиз», деб қўйди.

Бу оддий деҳқоннинг сўзлари фақат унинг хотинининг эмас, балки қишлоқлардаги ҳамма аёлларнинг ачинарли ҳолатини ифода этган эди.

Хулоса қилиб айтганда, **биринчидан**. Совет даврида Узбекистонда қулдорлик тузумининг сиёсий асослари қўйидагича бўлган. Авваламбор, миллий давлат ва қўшинни ташкил этишга йўл берилмай, мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсати амалга оширилди. Республика раҳбарлари мустақил равишда ички ва ташки сиёсатни юргизишдан маҳрум этилиб, улар амалда марказнинг итоаткор хизматкорлари эди, холос. Узбек тилига давлат мақоми берилмади, миллий пул жорий этилмади. Халқ оммасига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, бутун мамлакат «темир панжара» билан қуршаб олинди. Унинг сиёсий фаолияти бўғилди ва ташки дунё билан алоқа қилишга йўл берилмади. Республика мисли кўрилмаган сиёсий қатағонни, қаттиқ назорат ва таъқибларни бошидан кечирди;

Иккинчидан. Қулдорлик тузумининг иқтисодий замини қўйидагича кечган: Хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотиқ, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақиқланди. Табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқлар, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва бошқа турли-туман бойликлар давлат мулкига айлантирилди. Натижада, якка давлат мулк эгалиги юзага келиб, халқ бамисоли илдизи қирқиб ташланган дарахтга ўхшатиб қўйилди. Мехнаткаш омма маош воситасида давлатга чамбарчас боғлаб қўйилиши ва бошқа даромад манбаи қолмаганлиги уларни давлатга сифиниш ва итоат этишга мажбур қилди. Узбекистондан пахта, ипак ва ноз-неъматлар, олтин, газ, вольфрам ва бошқа ноёб бойликлар тинимсиз олиб чиқиб кетилди. Салоҳиятли саноат тармоқлари Иттифоқ вазирлигига бўйсундирилиб, даромадлар марказ чўнтағига тушди. Республикага тайёр саноат маҳсулотлари куплаб келтирилиб, халқ янада қаттиқроқ шилинди. Натижада, Узбекистон Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланishi ҳам қулчилик тузумининг асосини яратди;

Учинчидан. Қулчиликнинг белгилари маънавий ҳаётда ҳам намоён бўлди. Зоро, дин тақиқланиб, масжид

ва мадрасалар ёпилди. Дин пешволари оммавиј равишида отилди, диний китоблар ёқилди ҳамда тарихий обидаларнинг талайгина қисми бузиб ташланди. Миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, фурурланиш ва фахрланиш сингари олий фазилатларга зарба берилди. Оламшумул аҳамиятга молик бой тарихимиз сохталаштирилди. Уни холис ўрганиш ва тарғиб қилишга йўл қўйилмади. Миллий турмуш тарзига қарши ўла-роқ, «совет турмуш тарзи» татбиқ этилди.

Шу равишда миллий ғоя ва маънавият ҳибсга олиниб, ўрнига коммунистик ғоя зўравоплик билан киритилди. Бу ғоя ҳалқнинг онги ва дунёқарашини қорон-ғилаштириб чегаралаб қўйди. У қулчилик тузумининг йўналтирувчи кучи ҳисобланди;

Тўртингчидан. Юқорида шарҳланган фикрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, совет даврида «социализм» эмас, балки «қулдорлик» тузуми ташкил топган. Мамлакатда ягона давлат мулк әгалиги ҳукм суриб, фуқаролар унинг жоили мулкига айлантирилди. Шунига монаид равишда қуллар ҳам ўз-ўзидан давлатники бўлиб қолди. Шу боис, совет даврида қулдорлик давлати шаклланган дейилса, асло хато бўлмайди. Шуни айтиш лозимки, тарихда бунга ўхшаш жуда катта қулдорлик давлати бўлган эмас. Чунки унинг қўл остидаги барча ҳалқлар қулга айлантирилди. Шунинг учун ҳам қулчилик мисли кўрилмаган даражада ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди. Аммо, қулчилик вақтларнинг ўтиши билан қизил империяни ичидан чиритиб бора-верди. Чунки, қулчилик аллақачонлар ошини ошаб, ёшини яшаб, тарих ёдгорлигига айланган эди.

Эндиликда қадимги даврлар ўтиб, бутун жаҳон бўйлаб озодлик ғоялари ҳукм суриб, фан ва маданият тараққиёти гуркирамоқда эди. Мана шундай янги замон шароитида қулчиликнинг пайдо бўлиши ғайритабиий хол эди?

Хўш, шундай экан, нима учун совет даврида қулчилик юзага келди? Бунинг асосий сабаби, бутун мамлакатда социализм тузумини қуриш учун шарт-шароит мутлақо стишмаган эди. Ахир, коммунистларнинг доҳийси К. Маркс социализмни фақат бутун дунёда ялписига тараққиётга эришгандан кейингина бунёд этиш мумкин, деган эди-ку. Бунга эришиш учун яна юз йиллар керак бўлади-ку. Россия Оврупо мамлакатлари орасида ҳар жиҳатдан энг қолоқ мамлакат сифатида донг

чиқарғанди. Унинг құл өстидаги мұстамлакалар үндан ҳам қолоқ мамлакатлар бўлғанди. Масалан, Туркистан үлкаси шулар жумласидандир. Бироқ В. И. Ленин бошлиқ «большевиклар» шароит етилмаганлиги билан ҳисаблашмай, бир мамлакат доирасида ҳам социализм қурамиз, деб жар солдилар. Улар шароит етилмаганлиги боинс социализмни қирғинбарот ва құл меҳнати билан бунёд этишга қаттиқ киришдилар. Шу тарзда коммунистик партия бир мамлакатда социализмни қурамиз, деб биринчи хатога ва уни зўравонлик билан амалга оширамиз деб, иккинчи хатога йўл қўйди. Бу хатолар партия ўйлаганидек, социализмни эмас, балки қулдорлик давлатини юзага келтирди. Бу билан тарих ғилдираги олдинга эмас, балки бир неча юз йилларга—орқага юргизилди. Шунинг учун ҳам, бу давлат янги замон тараққиётига мос тушмай, ғайритабинӣ воқеа деб баҳоланди. Уни тиш-тироғигача ядро ва бошқа даҳшатли қуроллар билан қуролланишига қарамай, урушсиз ағдарилишига худди шу қулчиликнинг ўзи сабаб бўлди.

Борди-ю, менинг фикрларимни тан олмайдиган олимлар топилса, совет даврида қандай тузум бўлғанлигини ўзлари айтишсин. Олдиндан шуни маълум қилиш керакки, 70 йилдан ортиқ даврда хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотиқ, диннинг тақиқланиши, феодализм ёки капитализм тузуми ҳақида гапиришга йўл берилмади. «Социализм»нинг қурилмаганлиги «отнинг қашқасидек» ҳаммага маълумдир.

Шундай экан, совет давридаги қулдорлик тузумини инкор этиб бўлмайди. «Қуллик ва мутелик иссанжасидан,— дейди Юртбошимиз Ислом Каримов,— озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».

Марказий Осиёда бу шарафли вазифа биринчи бўлиб Узбекистонда амалга оширилди. Бу билан биз ғуурланиш, фахрланиш ва унинг қадр-қимматини, шон-шуҳратини кўкларга кўтаришга тўла ҳақлимиз.

ТАРИХ — ЎТМИШ ВА ҚЕЛАЖАҚ ҚҰЗГУСИ

«Ўзликий апглаш тарихдан бошланды... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлишдир».

Ислом Каримов

Президентимизнинг мазкур сўзлари тарих синовидан ўтган ҳақиқатдир. Зеро, тарихдан маҳрум этилиш, демакки, ҳаётдан жудо бўлишнинг фожеаси чоризм ва совет давлатининг ҳукмронлиги даврида яққол кўзга ташланди. Бу мудҳиш даврда оламшумул аҳамиятга молик кўп асрли тарихимиз камситилди ва сохталаштирилди. Миллий ҳис-туйғулар ва ўзликни англаш, сиёсий фаолиятлар ва ватанпарварлик сингари олий фазилатлар ҳибсга олинди.

Шу равиша, ўзбек халқи ўтмиш тарихидан, динидан ва миллий турмуш тарзидан ажратилиб, оғзига қулф ва оёқ-қўлларига кишан солинди. Шуни унутмаслик керакки, совет даврида мамлакатда инсоният шаънига иснод келтирадиган «социализм тузуми», яъни қулдорлик давлати ҳукм сурди. Худди мана шундай қалбаки ва даҳшатли тузумга мос ва хос тушадиган тарихий асарлар ва мақолалар нашр этилди.

Коммунистик партия ўзининг мустамлакачилик сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш учун тарих фанини ғоявий қуролга айлантириб кафедралар, факультетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил этди. Кўплаб фан номзодлари ва докторлари етиширилиб, партия сиёсатини ва «социализм»ни улуғлаш уларнинг зиммасига юклатилди. Тарихий манбаларни холис ўрганиш асосида эмас, балки олдиндан белгилаб қўйилган марксизм-ленинизм методологияси ва партияниң қарорлари нуқтаи назаридан ёритиш шарт қилиб қўйилди. «Фанинг партиявийлиги» — деган шиорга риоя қилиш ҳар бир олимнинг муқаддас бурчи ҳисобланди.

Айтиб ўтиш лозимки, тарихни маълум бир сиёсий

мақсад билан ўрганиш ва сохталаشتариш чоризм даврида бошланган эди.

Масалан, 1895 йилда Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский Туркистон археология ҳаваскорлари тұғарагининг бириңчи мажлисіда шундай деган эди: «Мазкур тұғараккын ташкил этилишига бағишлиланған мажлисии очищ менга насиб этгандығыдан беніхоя хурсандман. Бу тұғараккын олдида мұхым вазифалар турибди. Тарих фаны шу пайттаса Урта Осиёнинг қадимги ақолисига доир маълумотларға зәғә эмас. Шу бойынша тұғарагимизнинг асосий вазифаси Урта Осиёнинг қадимги тарихи бүйича маълумотларни түплашдан иборатдир.

Биламизки, Урта Осиё, олий наслынинг бешиги ҳисобланған. Үз даври учун юксак маданиятты яратған арийлар вақтларыннан үтиши билан қулай шароит излаб Урта Осиёдан күчіб кетишга мажбур бұлғанлар. Шундай кейин Шарқнинг олис жойларидан ёввойи галалар Урта Осиёға үрнашиб арий маданияттун супуриб ташладилар. Бизнинг аждодларымиз—арийлар—Овропога жойлашдылар. Шуннан учун бир вақтлар арий маданияти ривожланған Урта Осиёға тегишли маълумотларни түплаш бизнинг вазифамиздир. Ҳозирда биз арий маданиятини қайтадан тиклашга даъват этилдик».

Күриниб турибиди, генерал-губернатор Туркистон заминининг энг қадимий ақолиси туркий ақоли эмас, балқи «олий насл» — арийлар ҳисобланған, деган. У «ёввойи галалар» иборасыда туркий ақолини, бириңчи навбатда, ўзбекларни назарда тутган эди. Шу равища, А. Б. Вревский ўзбекларни келгінди сиғатида таърифлаб, Туркистон замини аслида оврополикларнинг, хусусан, Россиянинг қадимий ватани, деган тутуруқсиз ва күлгили фикрни баён этген. Шұхбасиз, у бундай дейиши билан подшо Россиясиянинг Туркистонда ҳукмронлық қылышы тарихий асоси ва ҳақи борлигини исботлашга ҳаракат қылған.

Шунингдек, уннан Россия гүё тараққиётни таъминлаш мақсадыда Туркистонни эгаллаганлигини англатмоқчи бұлғанлиги аән бўлиб турибди.

Самарқанд вилоятининг ҳарбий губернатори Н. С. Ли-кошиннинг: «Ривоятларга кура, Бибихонимнинг келиб чиқиши ва диний эътиқоди бүйича русларға бориб тақалади», дейиши ҳам чор Россиясияни беҳуда улуғлашдан бошқа ҳеч нарса өмас.

Чор маъмуриятининг ўзбек халқи маданияти тарихини йўқ қилишга ҳаракат қилганлигини қўйидаги мисол ҳам исботлайди. 1913 йилда Туркистон генерал-губернатори С. Самсонов Самарқанд ёдгорликларини томоша қилаётганида зиёлилардан бирин маҳаллий халқ тарихий обидаларини таъмирлаш учун маблағ ажратишни сўраган. Бунга Самсонов: «Рус давлати манфаати уларни сақлаб қолишни эмас, аксинча, қўпориб ташлашни талаб этади», деб жавоб берган. Шу дақиқада унинг адъютанти эса: «Обидаларни йўқ қилиш учун замбараклар ўқидан фойдаланиш лозим», деб қўшиб қўйган. Мана узларини Туркистонда «тараққиёт тарқатувчи», деб оламга жар соглан босқинчиларнинг асл башараси. Туркистон тарихини мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, со-биқ совет даврида ҳам давом этди. Аммо, бу йўлга бирданига ўтилгани йўқ. Асримизнинг 20—40-йиллари охирларида коммунистик партия ўзининг ашаддий душманни бўлмиш чоризмнинг кишилар онгидаги таъсирини тамомила қўпориб ташлаш учун унинг босқинчилик урушларини, мустамлакачилик сиёсати ва миллӣ зулми тарихини ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очиб берди. Ҳатто, миллӣ-озодлик курашларнинг тарихи бўйича анча ишлар қилинди. Аммо асримизнинг 50-йилларидан бошлаб, фанни сиёсатлаштириш ва улуғмиллатчилик сиёсатининг авжига миниши орқасида, тарихини очиқдан-очиқ соҳталаштиришга ўтилди. Бу ишнинг илк бор ташаббусчиси Москвада чоп этиладиган «Тарих масалалари» («Вопросы истории») журнали ҳисобланади. 1953 йилда бу журналда И. С. Брагинский, С. Ражабов, В. В. Ромодинларнинг «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив оқибатларига доир масалалар» мақоласи чоп этилди. «Рус бўлмаган халқларнинг, — дейилади унда, — Россияга қўшиб олиниши ҳақидаги масала катта сиёсий ва илмий аҳамиятга эгадир.

30-йилларда совет тарихшунослигига Покровский мактабининг қаравшлари таъсирида кўрсатилган масала нотуғри ёритилган. Ўрта Осиёга бағишлиланган айrim ишларда чоризмнинг босқинчилик сиёсатини бир томонлама таърифлаш билан бир қаторда Ўрта Осиёнинг қўшиб олинишини прогрессив оқибатлари ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Айни шайтда, хон ҳокимиятини тиклашга, тарих гилдиратини орқага айлантиришга, ваҳ-

ший феодал тартибларини қайта ўрнатишга қаратилган Султон Кенесарин (1837—1846) ва 1898 йил Андижон қўзғолонлари ижобий баҳоланмоқда. Баҳоланки, бу қўзғолонлар халққа қарши кўтарилиган реакцион кураш эди. Кўрсатилган масалалар бўйича йўл қўйилаётган қўпол хато фикрлар чоризмнинг Туркистондаги сиёсатини қоралаш воситасида Ўрта Осиё жамоасидаги синфи қарама-қаршиликни сийпаловчи, хонлар, бойлар ва маннопларни идеаллаштирувчи, СССР халқлари орасида миллий низоларни қўзғатувчи—буржуазия миллатчиларининг фикрларига ҳамоҳангидир».

Ушбу сўзларнинг муаллифлари фикрича, чоризмнинг ўн минглаб кишиларни қириши, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантириши ва бойликларни талаши ҳақида баралла гапириш ёки ёзиш миллатчилик ҳисобланар эмиш. Улар бунинг ўрнига «қўшиб» олинишнинг ижобий ўзгаришларини, яъни саноатни, темир йўлларни, ишчилар синфини ва бошқа омилларни мақташни тавсия этадилар. Ахир, бу ўзгаришлар мустамлакачилик хусусиятларига эга булиб, чоризм, капиталистлар савдо аҳлларининг манбаатларини таъминлади, холос. Ўша темир йўллар орқали беҳисоб бойликлар Россияга олиб кетилганлигини ким билмайди? Шунингдек, маҳаллий аҳолидан том маънодаги ишчилар синфи шаклланмаганилиги сир эмас-ку!

Мақола муаллифлари оғзини купиритириб гапирайётган ўлкани «қўшиб» олишининг прогрессив оқибатлари туб аҳоли устидан зулмни янада кучайтириб, улар қул каби ишлатилди ва сугигача шилинди. Шу боис, мазлум халқнинг чоризмга қарши кўтарган қўзғолонлари бежиз бўлмагац, албатта. Нима учун ўша муаллифлар чор ўхуматининг миллий давлат, қўшин ва маданиятни йўқ қилганлиги ҳақида чурқ этмайдилар.

Нима учун муаллифлар қўзғолонларни хон ҳокимияти, яъни мустақил давлатни тиклашга қаратилганлиги учун реакцион ҳаракат, деб баҳолайдилар. Ахир тарихда ҳар бир миллатнинг Мустақил давлатга эга бўлиши катта тарихий воқеа ҳисобланади-ку. Буларни улар яхши биладилар, лекин начора, партиянинг улуғмиллатчилик сиёсати чизигидан чиқиб, ҳақиқатни ёзишининг иложи йўқ эди.

Юқорида шарҳлаинган мақола шунчаки одатда ёзиладиган иш эмас эди. Мазмунан у коммунистик партия Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан ёзилган

бўлса керакки, кейинги 1953—1990 йиллар давомида тарихчилар учун умумий дастур бўлиб қолди. Унда билдирилган фикрлар асосида ўлканинг босиб олиниши — «қўшиб олиниши». ибораси билан аламаштирилиб ёзиладиган булди. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмини кенг кўламда маҳсус үрганиш орқага суреб қўйилди. Биринчи навбатда, ўлкани Россияга «қўшиб олинишининг прогрессив оқибатларини» яратиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Шу орада С. Ражабовнинг «Роль русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии» (Тошкент—1955) китоби нашр этилди. Очигини айтганда, тарихни сохталашибиришда С. Ражабовга тенг келадиганини топиш қийин бўлса керак. Унинг ёзишича, Россия татар-мўғулларга қарши курашиб, гўё мамлакат аҳолисини Чингиз хонлари ва Амир Темур қирғинларидан сақлаган эмиш. Айни пайтда, Россия минтақани Англия-Америка империалистларининг тажовузи ва тубаҳолини қириб ташланишининг олдини олган эмиш.

С. Ражабов ўлкани чор Россияси томонидан босиб олинишини ҳам ниқоблашга уриниб шундай ёзади: «Ўрта Осиё аҳолисининг кўпчилиги хон мансабдорларининг адолатсизлиги ва зулмидан сабр-косаси тўлганлиги ва ниҳоятда оғир ҳаётида ўзгаришлар ясалиши учун ўлканинг Россияга қўшилишидан манбаатдор эдилар. Фақат бир гуруҳ хонлар, беклар ва реакцион мусулмон руҳонийлари подшо Россиясига қарши кучларни ва қўзғолонларни уюштиришга беҳуда уриндилар. Аммо уларнинг подшо Россиясига қарши умумхалқ қўзғолонларини уюштириш учун олиб борган ишлари амалга ошмади!»

Демак, ўзбек ва бошқа туб аҳоли подшо Россиясини ўзининг халоскори ва яхши ҳаётни таъминловчи давлат сифатида кутиб, унга хайриҳолик билан қараган бўлиб чиқади. Аслида, манбаларнинг кўрсатишича, ўзбек ва бошқа маҳаллий туб аҳоли юқори табақанинг илғор вакиллари билан биргаликда ватаң мустақиллиги учун қаҳрамонона курашган эди.

С. Ражабов яна бир катта хатога йул қўйиб ёзади: «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши уни туркий ҳукмдорларнинг халокатли сиёсатидан агадулабад қутқарди. Буржуазия миллатчилари, пантуркистлар, панисломистлар ва реакцион феодал руҳонийларнинг сиёсати туркий ҳукмдорларнинг ҳокимияти-

ни ўрнатишга, ўзбек ва Ўрта Осиёning бошқа халқларининг шаклланётган миллий мустақиллигини тиклашга қарши қаратилган». Бу жумлаларда ҳам муаллиф мустақиллик учун курашни қоралаб, подшо Россиясининг ҳукмронлигини идеаллаштириш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Шунингдек, у жадидларни, 1898 йил Андикон қўзғолонини ва бошқа озодлик учун курашган барча кучларни халқ ва ватан душманлари сифатида тупроққа қориб ташлаган.

Үмуман, С. Ражабов агар подшо Россияси Ўрта Осиёни эгалламагаңда, у вақтда ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз ва туркмандар қирилиб ва йўқ бўлиб кетар эди, деган қалбаки ғояни тарғибот қиласди.

1957 йилда нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи»-га бағишлиган асарда ҳам тарихий воқеалар юқорида шарҳланган хатолар асосида ёзилган. Унда В. В. Непомнин шундай дейди: «Биринчи навбатда феодал оқсуклар ва мусулмон руҳонийлари чоризмнинг ўлкан забт этишига қарши фаол курашдилар. Чунки, улар Ўрта Осиёning забт этилиши натижасида ўз имтиёзларидан, ер-мұлқларидан ва олиб турган катта даромадларидан маҳрум бўлишдан қўрқдилар. Феодал-клерикал бошлиқлар халқ оммасининг қолоқлигидан ва ислом динининг таъсири кучлилигидан фойдаланиб, диний мутасибликни авж олдиришга интилдилар ва реакцион «ғазовот» эълон қилиб, меҳнаткашлар оммасини чор қўшинларига қаршилик кўрсатишга ундалилар. Бирок, бу тадбирлар Ўрта Осиёдаги қолоқ ва чирик феодал деспотизмни муқаррар мағлубиятга учрашдан сақлаб қололмади».

Ажабо, наҳотки, маҳаллий юқори табақа вакиллари босқинчиларга қарши курашда фақат шахсий манфаатларини ўйлаган бўлсалар. Аслида бундай бўлмай, қўзғолонларни улардаги ватанга содиқлик ва мустақилликни эгаллаш ҳис-туйғулари озодлик курашига айлантирган эди. Улар бу йўлда жонларини, молларини фидо айладилар. Шахсий манфаатини кўзлаган нуфузли кишилар эса осонлик билан душманга сотилиб, ватанга хонинлик қилдилар. Совет тарихшунослигига бундай тоифадагиларнинг фаолиятига гўё ватан тинчлиги ва тараққиётини кўзлаган кишилар сифатида ижобий баҳо берилди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки босқинчилар сотқинларни ҳаммавақт тақдирлаган ва мақтаган.

Уша асарда миллий-озодлик ҳаракати ҳам қораланди. Масалан, 1898 йилги қўзғолон ҳақида қўйидагича фикр билдирилган: «Андижон қўзғолонининг характери ва шиорлари унинг тамомила халққа қарши реакцион характерда бўлганлигини кўрсатадики, «Ўзбекистон халқлари тарихи» иккинчи томининг биринчи нашрида (1947 й.) бу қўзғолонга миллий озодлик ва халқ ҳаракати бўлган эди, деб берилган баҳо бутунлай нотўри ва янглишдир».

1967 йилда каминанинг масъул мұхаррирлигига чи-қарилган «Ўзбекистон тарихи»нинг иккинчи жилдидаги (XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошлари) «қўшиб олиниши» ибораси ишлатилиб, унинг прогрессив оқибатлари кенг қўламда ёритилди. Бироқ, 1898 йил Андижон қўзғолони миллий-озодлик кураши сифатида таърифланди ҳамда Бухоро ва Хива жадидлари сўл қанотининг фаолияти ижобий баҳоланди. Асримизнинг 80-йиллари ўрталарида матбуотда профессор М. Ваҳбовнинг Андижон қўзғолони, Амир Темур ҳамда Бобурниң қораловчи мақоласи эълон қилинди.

Шу муносабат билан 1989 йилда Тарих институтида илмий анжуман чақирилиб, каминанинг маърузаси асосида 1898 йилги қўзғолон «иккинчи маротаба оқланди», 1990 йилда Ўрта Осиё республикаларининг олимлари қатнашувида илмий анжуман чақирилди. Унда менинг маърузам мұҳокама қилиниб, Туркистонни Россияга «қўшиб олиниши» иборасини ишлатмаслик ҳақида қарор қабул қилинди.

Аммо, собиқ совет даврида Андижон қўзғолони, жадидлар фаолияти ва подшо Россияси тажовузининг тарихини холис ўрганишга қаратилган айrim уринишлар, «хамир учидан патир» дейилганидек, хавотирлик билан қўйилган дастлабки қадам эди, холос.

Умумий хулоса шуки, тарих фани маънавий ҳаётнинг таркибий қисми ва йўналтирувчи энг муҳим омилларидан биридир. «Модомики, — дейди Президентимиз, — ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиш, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий-тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сарик ҷақалик аҳамияти йўқ».

Демак, авваламбор, илгариги йўл қўйилган хато ва камчиликларни яхши англаб ва тушуниб, том маънодаги илмий асарлар ёзиш лозим. Бунда Президентимизнинг бир гурӯҳ зиёли вакиллар, шу жумладан, тарихчилар билан учрашувида билдирган фикр-мулоҳазалари ва Тарих институти ҳақида эълон қилинган маҳсус фармони мухим ўрин эгаллади. Эндиликда қадимий миллий тарих фани соҳталашибди ва босқиничиларга хизмат қилишдан тамомила холос бўлиб тозаланди ва покланди. Ўнга бамисоли жон ва янги руҳ киргизилиб, у ўтмиш ва келажакнинг ёрқин кўзгуси сифатида гавдаланиб турибди.

Тарихнинг бундай куч-қудрати ва аҳамияти ҳақида 700 йил муқаддам атоқли аллома Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий шундай деган әди:

Кимки тутмас қалбпда тарихипа,
У одам ҳам эмас, олим ҳам эмас.
Бироқ уқса ўтмишни,
Кўп бойштар турмушини.

Оврополик донишмандлардан бири Августин эса: «Faflatda ётган халқни ўйғотиш учун унинг тарихини тарғибот этиш зарур», деган әди.

Шу маънода, тарихчи олимларнинг олдида Ватан равнақига қаратилган мухим ва масъулиятли вазифаларни адо этиш кўндаланг турибди. Уларни сидқидиллик ва билимдонлик билан амалга ошириш ҳар бир тарихчининг муқаддас бурчидир.

БАЖОНИДИЛ ОВОЗ БЕРГАН ЭДИМ, ИШОНЧИМ ОҚЛАНДИ

Олий Мажлиснинг Президентлик лавозими ва парламент депутатлигига сайловларни ўтказиш ҳақидағи қарори муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир. Зеро, сайловлар мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тараққиётни юқори босқичга күтариш ва демократияни таъминлашда муҳим ўрин эгаллади.

Сайловларнинг ўзига хос бир неча хусусиятлари мавжуд. Аввалинбор, улар ислоҳотлар ижобий самара берәётган, демократия пойдевори мустаҳкамланыётган, халқнинг сиёсий фаолияти ўсаётган даврнинг маҳсулидир. Ташаббускор гуруҳлар ташкил этилиб, депутатлика мустақил номзодларнинг кўрсатилиши ҳам тамомила янгиликдир. У демократик сайловнинг ёрқин намунасидир. Шубҳасиз, умумхалқ сайловлари халқимизнинг сиёсий онги ва фаолиятини янада жўш урдириб, янги зафарларга чорлади. Шу боис, жамоа аҳли Ватанга ва фуқаролик бурчига содиқ кишиларнинг номзодини кўрсатдилар.

Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг номзодининг эгаллаб турган лавозимига қайта кўрсатилиши зўр мамнуният ва хурсандчилик билан кутуб олинди. Чунки Юртбошимиз Узбекистон мустақиллиги ва озодлигини тиклашда асосий ўринни эгаллади. Унинг ташаббуси ва бевосита қатнашувида миллий давлат, миллий қўшин, миллий бошқарув тизими шакллантирилди. У кўз ўнгимизда содир бўлаётган туб сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни, оламшумул аҳамиятга молик ютуқларимизнинг меъморидир.

Юртбошимиз юз йиллар мобайнинда дунёга бир матораба келадиган буюк давлат арбобидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тарихга бир назар ташланса бас, раҳбарнинг мамлакат ва ўз халқи тақдирида нечоғли рољ ўйнаши яққол кўринади. XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар давлати қудратли империя сифатида шуҳрат қозониб, катта бойлик ва кўп сонли қўшинга эга эди. Аммо, унинг ҳукмдори Муҳаммадшоҳ умрининг

охирги йилларида давлатни бошқаришга ожизлик қилди. Ҳатто, у Чингизхон бошлиқ мұғуллар тажовузи вактида ваҳимага тушиб қочиб кетди. Натижада, мамлакатда тахт учун кураш ва парокандалик ҳукм суріб, босқинчилар юз минглаб кишиларни қирди, шаҳар ва қишлоқларни харобага айлантирди. Қатта имконият ва кучли қүшиндан фойдаланиб душманни тор-мор этиш аниқ эди. Бироқ ҳалқнинг босқинчиларга қарши курашига бошчилик қиладиган моҳир раҳбар топилмади.

Халқ оммаси мұғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги даврида ҳам ватан мустақиллигини тиклаш учун курашини давом эттирди. Бироқ, ғалабани ташкил этишга қодир йўлбошли бўлмади.

Ниҳоят, XIV асрнинг 50—60 йилларида Амир Темурнинг сиёсий майдонда пайдо бўлиши билан озодлик курашларининг ғалабага эришишига умид туғилди. Амир Темур ўзининг ақл-идроқи, жасорати, мардлиги, ватанга ва ҳалққа содиқлиги билан элнинг ҳурмати ва иззатига сазовор бўлди. Мазлум ҳалқ уни ўзининг ҳалоскори сифатида қадрлаб, атрофига жипслашди. Амир Темур ҳалқнинг хоҳиш-иродаси ва курашига таяниб 1370 йилда мустақилликни тиклади. Аммо Амир Темур вафотидан кейинги 100 йил мобайнида унга ўшаган ҳукмдор чиқмай Темурийлар давлати заифлашиб борди. XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон бошлиқ Олтин Ўрда кўчманчиларининг тажовузи вактида уларга қарши қаратилган курашга билимдонлик билан бошчилик қиладиган ҳукмдор кўзга ташланмади. Бундан фойдаланган Шайбонийхон Туркистонни забт этди. Айрим олимлар Шайбонийхонни ижобий баҳолашга ҳаракат қилмоқдалар. Мен бунга тамомила қаршиман. Чунки у жаҳон узра донг чиқарган Темурийлар давлатини, фан ва маданият тараққиётини барбод, этди. Сунгра гўзалликда тенги йўқ тарихий обидалар харобага айлантирилди. Туркистон заминида марказлашган давлат йўқ қилиниб, у Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланди. Салкам 400 йил мобайнида учта майда ва ожиз хонликларни бирлаштириб ягона давлатни ташкил этишга қодир ҳукмдор топилмади. Аксинча, ўша хонликлар бир-бiriнинг «гўштини еб» хонавайрон бўлиб, парчаланиб турдилар. Туркистоннинг собиқ шон-шуҳрати сўниб, чуқур инқирозга мубтало бўлди. Бу foятда ачинарли ва фожеали ҳолат чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсати-

га жуда қўл келиб, ҳарбий юришларни бошлади. Эркесвар ўзбек халқи мустақилликни ҳимоя этиш учун ёппаснига қаҳрамонона жанг қилди. Унинг қони бамисоли дарё каби оқди, лекин ғалабани таъминлайдиган ақл-идрокли сардор топилмади, Масалан, мағлубиятга учратилган 1892, 1898 ва 1916 йилги миллый-озодлик курашлари. Туркистон мухторияти ва «Босмачилар ҳаракати» шулар жумласидандир.

Натижада, ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсати 130 йил давом этиб, халқнинг талай қисми қириб ташланди, бойликлар аёвсиз таланди. Эътибор беряпсизми, кейинги 130 йил мустамлака аҳволида яшадик. Ниҳоят, 1989 йилда муҳим воқеа рўй бериб, Ислом Қаримов Республика раҳбари этиб тайинланди. У ўзининг ақл-идроки, жасорати, мардлиги ва миллатпарварлиги туфайли обру-эътибор қозонди. Шу пайтгacha мазлум бўлиб келган халқнинг унга нисбатан ишончи ва умиди борган сари ошиб борди. Пировардида, Узбекистон мустақиллиги тикланди.

Шундай қилиб кўрдикки, кейинги салкам 600 йил мобайнида ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган курашлари икки маротаба, яъни 1370 ва 1991 йилларда ғалаба билан тугалланди. Тарих саҳифаларига зар ҳарфлар билан битилган бу икки буюк ғалабанинг биринчisi Амир Темур, иккинчisi Президент Ислом Қаримовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мен бундай дейиш билан халқнинг жамиятдаги беқиёс катта ўрнини инкор этмоқчи эмасман. Бу ерда шуни эътиборда тутмоқдаманки, халқнинг ҳоҳиш-иродаси, мустақиллик ва тараққиёт учун кураши забардаст давлат раҳбари томонидан билимдонлик билан бошқарилтгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Юқорида шарҳланган мулоҳазаларим 1991 йил 31 августанда ёқ юзага келган эди. Тун бўйи бу воқеанинг моҳияти ва йўналишини англаш учун тарихий асарларни варақладим. Бу хусусдаги қарашларим вақт утиши билан яққолроқ ойдинлашиб бораверди. Улар кўп ўтмай биринчи президентлик сайловининг ўтказилиши муносабати билан «сув юзига қалқиб чиқиб» Ислом Қаримовнинг фаолиятига бўлган баҳоимни белгилади. Шу тариқа, сайловолди дунёқарашим шаклланди. Мазкур сайловолди фикр-мулоҳазаларим «Истиқлол учун бирлашайлик» номида «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1991, 26 ноябрь ва 5 декабрь) чоп этилди.

Унда Юрбошимизга бўлган сайловолди ишончим ва умидим қуидагича таърифланган эди: «Яқинда «Известия» газетасида эълон қилинган мақолада Ўзбекистон сафдан узилиб қолган вагонга ўхшатилган. Бу билан мақола муаллифи вагон паровоздан, аниқроғи, марказдан ажралиб қолди, энди бир жойда қимирламай яккаланган ҳолда тураверади, демоқчи шекилли. Иўқ, асло бундай бўлмайди. Чунки кўп хилма-хил бойликларимизни узлуксиз тортиб кетаётган етти ёт бегона паровоздан ажралиб, қонимиз, танимиз ва тақдиримиз бир бўлмиш ўзимизнинг паровозимизга уландик. Бу паровоз Ўзбекистон аҳлини мустақиллик, эркинлик йўлида порлоқ келажак ва баҳт сари мардонавор бошлаб боради. У жумҳуриятимизни қуршаб турган «Темир панжара»ни ёриб, бизни жаҳон майдонига ҳам олиб чиқади. Вақти келиб Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг элчихоналари очилади. Шу билан бирга ватанимизнинг вакиллари чет эл давлатларида фаолият кўрсатадилар. Қардош республикалар билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз юксалиб бора-ради».

1991 йил 29 декабрда умумхалқ сайловида юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларимдан келиб чиқсан ҳолда Президентимизга бажонидил овоз берган эдим. Сайловдан кейин Юрбошимизнинг катта хизматлари туфайли Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ва ҳамдустлик республикалари билан алоқалари ривожланиб кетди. Эндиликда Ўзбекистон байроғи кўплаб жаҳон мамлакатларида ҳилпираб турибди. Ўнлаб мамлакатларда Ватанимизнинг элчихоналари очилди. Ватанимизни билмаган ва сийламаган давлат қолмади ҳисоб. Чунончи, ҳозирда Ўзбекистонни 170 га яқин давлат тан олди. Тошкентда 50 га яқин элчихоналар фаолият кўрсатмоқда. Уша мақолада мустақилликнинг тарихий аҳамиятини изоҳлаш мақсадида собиқ совет давридаги мустақиллик ва миллий зулм хусусида мулоҳазаларимни баён этган эдим. Шунингдек, ўтмишда мустақилликнинг барбод этилганлигининг сабаби ҳақида сўз юритилганди. Бу тўғрида шундай ёзганман: «Ўтмишда мустақилликни қўлдан бой бериш сабаблари ва бунинг foятида фожеали оқибатлари ҳамда келажакда унинг олдини олиш ҳақидаги айрим мулоҳазаларни баён этишдан мақсад, ҳар бир ўз ватанига содиқ инсонни Ўзбекистон Президентининг таянчи сифатида ватан ҳимояси

учун ҳамиша тайёр туришга даъват этишдир. Агар тарихдан сабоқ олинимаса, яна қулликка мубтало бўлиш ёч гап эмас.

Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман. Лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаётирман. Унинг фаолиятини, қилган ишларини тұла тасаввур қилиш учун аввало, Шароф Рашидов вафоти (1983)дан кейинги йилларда ишлаган иккى раҳбар даврида юзага келган вазиятни ёдга олмоқ зарур. Бу пайтларда Ўзбекистонда улуғмиллатчилик шовинизмининг янада кучайиши учун қулай шароит яратилди...

Шундай кескинлашган мураккаб шароитда Ислом Каримов сиёсий майдонга чиқди. Унинг давлат режа комиссияси, молия вазирлиги ва вилоят раҳбарлигидаги фаолияти даврида түплаган тажрибаси мұхим эди. Чunksи, иқтисод ва молияни яхши билганигидан уни Марказ тузоққа тушира олмади. Республикага шундай кишининг раҳбар бўлиши сув билан ҳаводек зарур эди. Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарликни бошлаганды унинг олдида ватанпарвар ва билимдон кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, Республикани ботқоқликдан қутқариб, халқнинг эркин нафас олиши ва баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари турарди. Бу мураккаб ва оғир вазифани ҳали Марказ сиртмоғидан чиқмасдан туриб амалга ошириш катта жасорат, матонат, билим ва юксак сиёсий маҳоратни талаб қиласарди. Ислом Каримов қисқа вақт ичидаги мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал қилиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди». Вақт шуни кўрсатдикни, Юртбошимизнинг фаолияти борган сари такомиллашиб, ғоятда мұхим масалалар ўз ечимини топди. Натижада, тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузум ташкил этилиб, қалбаки «социализм»га қақшатқич зарба берилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигига туб ўзгаришлар содир бўлди. Миллий фан ва маданият шахдам қадамлар билан олға бормоқда. Юртбошимизнинг Ўзбекистонни гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантиришга қаратилган ички ва ташқи сиёсати ўз самарасини бермоқда.

Сайловолди фикр-мулоҳазаларимни қўйидагича якунлаган эдим: «Хулоса шуки, жуда қисқа вақт ичидаги Ислом Каримов бошлиқ жумҳурият раҳбарияти халқ депутатлари ва зиёли вакилларнинг саъй-ҳаракатлари

туфайли Узбекистонда мустамлакачиллик сиртмоғининг занжирини узи, мустақиллик ва эркинлик йўлига отланди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўкач қила бермай, «бургага аччий қилиб қўрпани куйдирмасдан» қўлга киритилган тарихий ютуқларнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун қўяйлик. Мен, шахсан Ислом Қаримовни ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман. Келинг, азизлар, сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда Президент атрофида метинде жисплашайлик. Тарих бизга кулиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик».

Бундан салкам 9 йил муқаддам Президентимизга изҳор этган уша ишончим шу даражада оқландик, тарьиғлашга сўз ожизлик қиласди. Энг муҳими, миллати ва динидан қатъи назар, барча халқлар Юртбошимиз атрофига метинде жисплостиб, бир тан-бир жон бўлиб кетди. Ҳозирги ўтиш даврида Юртбошимизнинг табаррук номлари зўр миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тилга олинмоқда. Шахсан менинг ўзим Юртбошимиз Ислом Қаримовни Президентлик лавозимига қайта сайданишини тўла қувватладим. Чунки, ҳозирда юргизилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг имчомбахшлиги, ҳаётийлиги ва улкан самарадорлигининг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Ярим асрдан ортиқ давр мобайнида ўтмиш ва ҳозирги замон тарихи бўйича баҳоли қудрат хизмат қилаётган кекса олим сифатида шуни айтмоқчиманки, биз ҳаммамиз баҳтлиларнинг баҳтлисимиз. Чунки, босқинчи золимларга сажда ва хизмат қилишдан, бойликларимиз ва мол-мулкимизнинг тала нишидан, қуллик ва хурланишлардан қутулдик. Дин-сизлик ва маънавий қашшоқликдан, таъқиб ва назоратлардан ҳоли бўлдик. Эндиликда озод, эркин ва ҳақ-ҳуқуқи таъминланган халқ сифатида дунёга танилдик. Узбекистон эса жаҳон харитасига битилди. Бундай ажойиб ва гаройиб замонда яшаётганлигимизга минг қатра шукур қилиб, буюк давлат арбоби ва халқимизнинг халоскори Президентимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Эй, Оллоҳим, Юртбошимиз ИСЛОМ ҚАРИМОВни ҳамиша ёмон кўздан асрагин!

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Тарихий шахслар ёхуд истиқлол учун кураш қаҳрамонлари	6
Соҳибқирон хақиқаги ёхуд Иброҳим Мўминовнинг тарихий жасорати	30
Салтапат таяничи ва давлат мададкори	42
Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти Сибирда	54
Ўзбеклардан ким биринчи бўлиб журналда мақола чоп этган?	59
Тошкент тарихидан лавҳалар	62
Тошкентдаги Куръони Каримнинг асл пусхаси қаердан келтирилган?	81
Ўзбек хонликларининг чоризм томонидан босиб олинши	87
Ўзбекистонда пахта яккаждокимлиги учун кураш ва унинг Россияянинг хом ашё мағбаига айлантирилиши	120
Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заманини	206
Фарғона водийсидаги 1916 йил қўзғолони қатнашчилари-нинг хотиралари	222
Ватан тарихини қандай ўрганимоқ керак	250
Совет даврида қулдорлик давлатининг ташкил топиши	262
Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси	273
Бажонадил овоз берган эдим, ишончим оқланди	281

Адабий нашр

Ҳамид Зиёев

ТАРИХ—ҮТМИШ ВА КЕЛАЖАК КЎЗГУСИ

(Тарихнинг долзарб масалалари)

Муҳаррир *Ҳикоят Маҳмудова*

Мусаввир *Юлай Габзалиев*

Расмлар муҳаррири *Маркос Карпузас*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Қичин муҳаррир *Назми Фозилова*

Мусахдиқ *Мавжуда Насридинова*

ИБ № 3737

Босмахонага 09.09.99 й.да берилди. Босишга 10.02.2000й.да рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^{1/32}$. 2-нав босмахона қодози. Адабий гарнитураси. Юқори босма. 15,12 шартли босма табоқ. 16,0 нашр босма тобоги. Жами 5000 пусха. 304 раҳамли буюртма. 66—99 раҳамли шартнома асосида.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий қўчаси, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент. Юнусобод даҳаси. Муродов қўчаси, 1-й.

